

АМИН ТУРДИЕВ

САҲНАМ, САҲНАДОШЛАРИМ



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
Тошкент—1976 йил.

2

Ўзбек театрининг ифтихори бўлган Маннон Уйгур, Аброр Ҳидоят, Сора Эшонтўраева, Шуккур Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Наби Раҳимов сингарин ажойиб саҳна усталарининг номи элда маълум ва машҳур. Ўзбекистон ССР халқ артисти — ушбу китоб автори Амин Турдиев ана шундай моҳир санъаткорлар билан бирга ишлашдек бахтга мушарраф бўлган. Таниқли артист ўз саҳнаси ва саҳнадошлари ҳақида, ўзбек театрининг ўтган катта йўл ҳақида, совет кишиларининг санъатга бўлган муҳаббати, саҳнанинг ҳаёт билан мустаҳкам алоқаси тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилади.

Т $\frac{80105-411}{356 (06)-76}$ 40—76

© Издательство «ЕШ ГВАРДИЯ» — 1976.

Собиқ Эски Жўва, ҳозирги Калинин майдонига бориб, чап томонга, бозор ичига кириб кетаверсангиз, икки қаватли бинони кўрасиз. Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри мана шу жойда туғилган, ўсиб-унган. Шу бинонинг ҳовлисида иккинчи қаватга чиқадиган темир зинапоя бор эди. Иккинчи қаватга чиқиб, эшикни очсангиз, ўнг қўлда бир ҳужрача бор. Шу ҳужрачада Тошкентдаги театрчилик санъатининг отахони, Абдуманнон Мажидов (Уйғур) узоқ вақт истиқомат қилган.

Абдуманнон шу ҳужрачада бир неча бор 1919, 1920 йилларда ўзбек совет адабиёти ва миллий театр санъатининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан учрашади. Саҳна санъати, саҳна асари ва маданият равнақи, истиқболи ҳақида суҳбатлар қуришган. Ҳатто «Бой ила хизматчи» спектаклида бирга ўйнашган. Ҳамза — Ғофир, Абдуманнон Уйғур — Солиҳбой ролини бажаришган.

Абдуманнон Уйғур ўзига ўхшаш ҳаваскор ёшларни: Аброр Ҳидоятлов, Обид Жалилов, Карим Ёқубов, Босит Қориев, Ғозил (Етим) Бобожонов, Ғатхулла Умаров, Музаффар Муҳаммедов (Ота), Абдурахмон Акбаров, Зиё Саид, Тиллаҳўжа Исматхўжаев, Сайфи Олимов, Шокир Нажмиддинов, Ғулом Зафарий, Қудратилла Юнусов, Парпи Хўжахонов, Ҳасан Расулов, Раҳим Пирмуҳамедов ва Маъсума Қориеваларни тўплаган.

Маълумки, саҳна асарларида хотин-қизларнинг ҳам образлари бўларди. Бундай ролларни аёлча кийиниб олган эркак артистлар овозларини ўзгартириб бажаришарди. Ҳаваскор артист ахтариб, мактаблар, курслар, корхоналарга қатнаб юрган Абдуманнон Уйғур 1920 йили болаalar боғчасида ишлаб турган 16 яшар мурраббия қиз Маъсума Қориевани ташвиқ қилиб труппага олиб келади. У ўзбек саҳнасига чиқиб роль ўйнаган биринчи мўътабар онахон артисткамиздир.

«Турон» театри биноси совуқ, жиҳозланмаган, шароит йўқ. Албатта бу бионинг ноқулай, кўримсиз ва театр талабига жавоб бера олмаслиги табиий эди. Бу биони иккита пулдор бой бир замонлар чой яшиклари, тўп-тўп газмоллар ва бўлак қақир-қуқурларни сақлайдиган магазин ва склад тариқасида қурдирган эди. Ҳамма нарса ибтидоий эди. Декорациялар, масалан, «боғ» — оқ сурпга уч-тўрт дарахт, ариқ ёки кичик ҳовуз ва гуллар бир амаллаб бўялган бўларди. «Камбағал уйи» бўлса гувалалик девор, тоқчалар, «бой уйи» бўлса ганчланган ёки нақшдорлиги тасвирланган бўларди. Саҳнага керак бўлган анжомлар (реквизит)ни, кийим-кечакларни яшаш ёки тикириш имконияти бўлмагани сабабли, артистларнинг ўзлари уларни уйларида ёки маҳалладан топиб келардилар.

1920 йил декабрь ойига қадар, яъни театр ҳукумат таъминотига олингунча, шу аҳвол давом этди.

Ёз ойлари артистларнинг орқасига офтоб тегиб, бир оз яйрардилар. Ҳозирги Пушкин номи маданият ва истироҳат боғининг рўпарасида, «Лабзак» маҳалласи этагида зиёндилар тўпланадиган «Роҳат боғча» деб аталмиш обод жой бўлиб, ўртача бир зал ва кичик саҳнаси ҳам бор эди. Айниқса, пайшанба ва жума кунлари (жума дам олиш кунини ҳисобланарди) бу ерда одам кўп бўларди. Деярли ҳар кун бу бинода лекциялар, тортишув ва баҳслар, учрашувлар ташкил қилинарди. Шулар қатори Абдуманнон Уйғур бошлиқ аввал «Турон», кейинчалик (1918) «Карл Маркс» номи труппанинг спектакллари ҳам қўйилиб турарди.

Абдуманнон Уйғур артист, режиссёр, гримчи, афиша ёзувчи эди. У драматург сифатида «Туркстон табиби», «Фанний уй», «12 соатлик халифа» каби бир-икки пардали асарларнинг муаллифи ва жуда кўп озарбайжон ҳамда татар тилларидан ағдарилган саҳна асарларининг таржимони эди.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати бу труппа учун қулай шароит яратиш тўғрисида доимо гамхўрлик қилиб турдилар.

Коппон бозорга борадиган кўча бурчагидан жой ажратилиб янги бино қуриб берилди. Шу бинода Ҳамза номи билан атаган театр 1927 йилдан 1968 йил сентябрь ойига қадар ишлади. Бу биони ҳақиқий театр биноси, деб таъбирлаш жудаям тўғри бўлмас, лекин труппа иш бошлаган «Турон» саҳнасига нисбатан, албатта анча қулайликлар муҳайё эди. 1968 йили сентябрь ойида Хадрадаги янги бинога кўчиб ўтдик. Лекин иқроор бўлиш керакки, ўша эски бино ва саҳнамизни ҳали ҳам кўмсаймиз.

Чунки Абдуманнон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаев, Замира Ҳидоятлова, Обид Жалилов, Лутфилла Назруллаев, Шуқур Бурхонов, Наби Раҳимов, Сайфи Олимов, Саъдихон Табибуллаев, Тошхон Султонова, Мария Александровна Кузнецова, Ғуломназир Исомов, Ҳожисиддиқ



Маннон Уйғур.

Исломов, Миршоҳид Мироқилов, Шариф Қаюмов, Ҳикмат Латипов, Холида Хўжаева, Зайнаб Садриева, Маъсума Қориева, Қудрат Хўжаев, Жўра Тожиев, Зиқир Муҳаммаджонов, Ҳамидулла Наримонов, Обид Ҳасанов, Махсум Юсупов, Икромма Болтаева, Ганн Аъзамов, Омон Еқубов, Шоҳида Маъзумова кейинчалик Яйра Абдуллаева, Эркин Маликбоева, Турғун Азизов, Тўлқин Тожиев, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Тўйчи Орипов, Еқуб Аҳмедов, Пўлат Саидқосимов ва бўлак бир талай ёшларимиз худди шу бинода камол топдилар, улғайдилар, халққа танилдилар. 1933 йилда шу бинода кўрсатган юксак бадий хизматлари ҳисобга олиниб, театрга «Академик театр» деган шарафли ном берилди.

1937 йил 31 майда театр «отахон театр» сифатида мамлакатнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланди.

1949 йили шу бинода «Алишер Навоий» спектаклини яратганлардан Маннон Уйғур, Аббор Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Сорахоним Эшонтўраева, Лутфилла Назруллаев, Саъдихон Табибуллаев ҳамда рассом С. М. Миленинлар «Давлат мукофоти лауреати» шарафига муяссар бўлдилар. Худди шу бинода қилган бадий хизматлари учун Аббор Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимовлар СССР халқ артисти унвонига сазовор бўлдилар.

Замон, совет замони билан баб-барабар қадам ташлаётган, ҳамнафас бўлаётган бу театр артист ва режиссёрлари, ҳар қандай шароитда, қийинчиликларга бардош бериб, ижодий камолот чўққисига интилар ва санъат қояларини забт этмоқда эдилар. 1929 йил Шохимардонда бу театрни театр шаклига келтиришда ўз асарлари ва фойдали маслаҳатлари билан жон куйдирган шоир, драматург, композитор, режиссёр, халқ фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилган Ҳамза Ҳакимзода ҳалок бўлди. Шу йили театрга Ҳамза номи берилди.

1935 йили бу сахнадан инглиз драматурги, шоҳ сахна асарлар муаллифи улуғ Шекспирнинг «Ҳамлет» («Гамлет») фожиаси, дунёга ном таратган «Отелло»си сахналаштирилди. 1940 йил 6 ноябрда революция доҳийси В. И. Ленин ўзбек томошабини билан ўзбек тилида суҳбат қурди. Н. Погодиннинг «Миштиқли киши» асаридаги В. И. Ленин образини Ўзбекистон халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Республика Ҳамза мукофотларининг лауреати, Ленин ордени кавалери Саъдихон Табибуллаев яратганди.

Шу театрда грим қилиб, 1941-1945 йиллар мобайнида ҳарбий қисмларда, Ватан уруши майдонларида мардона туриб курашган, қон тўккан, ярадор бўлганлар ҳузурида спектаклларимиздан парчалар кўрсатганмиз. Фронтга жўнаб, мардларча ҳалок бўлган артистларимиздан Эшонхўжаев, Йўлдошев, Собир Маҳрамлар билан шу бинода хайрлашганмиз.

Москва, Ленинград, Қозон, Боку, Ашхобод, Душанбе, Нукус шаҳарларига олиб борган энг яхши йирик спектаклларимизни шу бинода тайёрлаганмиз.

Комил Яшин, Уйгун, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон каби адибларимиз шу даргоҳда самимий маслаҳатлар олиб, ўзбек драматургиясини ривожлантирдилар.

Алексей Толстой, Николай Погодин, Николай Тихонов, Константин Симонов ва бўлак совет адиблари қадам ранжида қилган муқаддас остонадир бу ер.

Талантли артистлар ҳисобланган, режиссёрликка ҳавас қўйган ва режиссёр сифатида ҳам ном қозонган Ғозил (Етим) Бобожинов, Шариф Қаюмов, Олим Хўжаев, Қудрат Хўжаев, Тўла Хўжаев, Бобохўжаев, Амин Турдиев, Сайфи Олимовлар шу театрда камол топдилар.

1928 йили Бухоро шаҳрида Турсуной Миразимова ваҳшиёна ҳалок этилди. Бу илк марта коллектив дучор бўлган жудалик эди. 1932 йили шу бинодан ҳақиқий сахна комиги, хушчақчақ кулгиси ўзига ярашган, ўткир талант эгаси Ҳожи Сиддиқ Исломов билан видолашдик.

Ҳожи ака асли кўқонлик. Ҳамза қўл остидаги труппада актив қатнашган. Кейин, 1924 йили Москвада ташкил этилган ўзбек театр студиясига боради. Ўқишдан кейин Тошкент театрида қолади.

Нима учун унинг исми «Ҳожи ака?» Ҳожи ака Ҳажга борганими, дерсиз. Ҳа, Ҳажга борган. Ешлигида у ўткир аскиячи, ҳозиржавоб улфат, ўта шовақи йигит бўлган. Бу ёш қувноқ йигитни, Ҳаж сафарига отланган савдогар бойлар ўзлари билан бирга олиб кетишга аҳд қиладилар. Мурғак йигит бундай узоқ сафарга чиқа олармиди. Сафарда зерикиб қолмаслик, кўнгил хушлаб юришга аҳд қилган пулдорлар: «Харажатинг бизнинг гарданимизга» деб, «ҳожилик» унвони билан унинг фикрларини занжирбанд қилиб оладилар.

Қора тўридан келган, новча бўйли хушчақчақ, соғлом йигит лаққа учиб Ҳаж қилишга розилик беради. Шу сафарга чиққан, авваллари аҳил кўринган бой ва мулладар, сафар чўзилган сари бир-бирлари билан ит-мушук бўладилар. Кўнгилларига бу сахий қалб йигитнинг ҳазил-аскиялари сиғмай қолади. Пулсиз, юпун кийинган йигит бир амаллаб Маккатуллога боради, унинг кўнглига ҳеч нарсаси сиғмайди. Сафардан қайтишда «Ҳожи амакилар»нинг тоқатлари тоқ бўлади. Энди улар ҳамма гуноҳларидан халос бўлдилар, улар — кимсан Ҳожи палончи бўлдилар. Бу Сиддиқ самоварчининг ўғли оғзидан чиқаётган «бемаънигарчилик»ларни тинглаш гуноҳ деб, ўзларини сипо тутишга уриниб, йигитнинг кундалик харажатидан ҳам хабар олмай қўядилар. Сафарга кўндирган пулдорларга рўбарў келса, улар тескари қарай бошладилар. Шовақилик, хушчақчақликдан номи нишон қолмаган ҳолда бир амаллаб Ҳожи Сиддиқ Исломов она юрти Қўқонга интилди. Шу сафар пайтида, қиш фаслида Ҳожи Сиддиқ ўпкасини совуққа олдириб қўйди. Калта йўталадиган бўлиб қолди. Қўқонга ҳожилар соғ-саломат кириб келишди. Бироқ Ҳожи Сиддиқ сил касалига мубтало бўлиб қайтди. Она, қавму қариндош, ёру биродарлар унинг ёш туриб хазон бўлишига йўл қўймадилар, табибларга кўрсатдилар, туркона дори бердилар, тўқ тутишга қодир овқатларни илиниб, бемор оғзига тутдилар. Ҳожи Сиддиқ бир қадар ўзига келди. Унинг ўпкаси жароҳатланганди, лекин қалби ўпкадан кўра қаттиқроқ яраланган эди. «Ҳаж қилиб ўлгандан, ҳаж қилмай юра турсам бўлмасмиди» деди ўзига-ўзи куфри тутганда.

Ҳожи Сиддиқ бора-бора даҳрий Ҳожига айланди. Динга, динфурушларга, мунофиқларга, пулдорларга нафратини соча бошлади. Унинг бахтига кўп фурсат ўтмай Шўролар ҳукумати барпо этилди. Совет докторларига қаратиш имконияти тугилди. Йигит аста-секин ўзига кела бошлади. Унинг лабига кўплар қатори табассум кўнди... Кулди, етим-есирларни, йиртиқ чопон, яланг оёқларни кулдирди. Бу йигитни тасодифан кўриб қолган Ҳамза Ҳакимзода тарҳол ўз театр труппасига таклиф қилди. Унинг соғлиги билан киддий шуғулланди. 1924 йили Ҳамза Ҳакимзода Ҳожи Сиддиққа Москвага драмстудияга боришни таклиф қилди. «Ҳам ўқийсан, ҳам муолижа қилдирасан» деди шоир.

1924—1927 йиллари Ҳожи Сиддиқ Исломов Москвадаги тажрибали докторларга мурожаат қилиб, соғлигини анча эпақага келтириб олди.

Ҳожи акани театримизнинг каттадан-кичиги чексиз ҳурмат қиларди. Ҳар йили ёзда театр бу кишига путёвка топиб берар ва санаторияларга юборарди. Фикри тийран, тили ўткир Ҳожи ака халқ вакилларининг хулқ-атвори, одатлари, бир-биридан фарқини яққол кўриб, ўрганиб, сахна санъати маҳорати билан безаб, ахлит, эсдан чиқмайдиган қилиб халққа тақдим этарди, қайтарарди.

У, «Ҳалима» спектаклида кичик бир эпизодик ролни, асар қаҳрамони Неъматни кўргани келган табибни ижро этарди. Бу ролни у шундай маҳорат билан ижро этардики, уни сўз билан таъбирлаб бериш жуда мушкул. У киши худди даканг хўрозга ўхшаб қадам босарди. Неъмат иссигини кўриш учун кафтини унинг пешанасига юборар экан, шу камбағал йигитнинг отаси қанча чойчақа берарди, дегандай, у оғриниб зўрга, жимжилогини кўтарган ҳолда кафтини омонатгина қўяр ва касали юқумли бўлса менга ҳам ўтмасин деб калласини орқароққа тортиб туриб, бир нарсаларни пичирларди. Бирдан «ўҳ-ҳу» деб бақириб юборарди. «Болангиз ўлади» дерди шу «ўҳ-ҳу»си билан. Бу «ўҳ-ҳу» шундай оҳангда айтилар эдики, мана 45 йил муддат ўтибди, бироқ Ҳожи аканинг ўша «ўҳ-ҳу»си ҳали ҳам бизнинг қулогимиздан нари кетмайди.

«Маликаи Турондот»да Ҳожи ака Хитой подшоси Альтоумнинг ўнг қўл вазири Тартальяни қойим мақом қилиб бажарарди. Бизнинг сахна тилимизда «мушаклар бўшлиғи» деган термин бор. Баъзи ёш артистларимиз борки, ҳаётда ўйинқароқ, хушқачқа ва эркин ҳаракат қилувчи киши бўлиб туюлади, афсуски сахнага чиқишлари билан қотиб қоладилар. Оёқ олиши оғирлашади, сўзлаш оҳанги ҳаётини эмас, балки сунъийлашади. Томошабин жигига тега бошлайди. Ҳожи ака сахна ҳожаси, тўла ҳуқуқли ҳукмрони эди. Ўз мушакларини, сахна маҳоратига бўйсундирарди, истаган куйга сола оларди, иккинчи вазир билан бош қаҳрамон Қалоф ҳузурига келиб суҳбат қурадилар. Қизик замонлар экан! Бу суҳбат тексти «Маликан Турондот» асарида йўқ эди. Икки вазир, ўша замон темаларида, актуал масалаларни танлаб ярим соат, 40 минут асносида кулгили мунозара қурадилар. Тошкент трамвайининг секин юриши, ўша даврда урф бўлган катта папка, паранжи-чачвон машмашаси, чайқовчиларнинг ғаламисликлари, тўдачилик балоси, ёш қизларни эрга бериш каби масалалар бу аския-суҳбатга тема бўларди. Залда давр иллатларидан узоқ ва баланд кулги кўтариларди.

«Хужум» асаридаги қироатчи домла ролини кўрганларга эслатсангиз, беихтиёр қаттиқ кулиб юборади шу кунларда ҳам. Ҳожи Сиддиқ Исломов ўша пайтларда тез-тез кўрсатиб туриладиган концертларда конференсьелик қиларди. Унинг сахнага тез-тез

чиқишини томошабин зориқиб кутарди. Бу унинг қўшимча сахнавий фаолияти эди. У, замонга доғ бўлиб турган яраларни шафқатсиз санъат олови остига оларди.

1927-1933 йилларда «Худосизлар жамияти» бор эди. Лекин ҳали руҳонийлар кўп эди. Улар ўзларини енгилган деб ҳисобламасдилар. Даҳрий Ҳожи умрини қисқартирган, Ҳаж сафари учун баралла овоз чиқариб ўтмишдан алам оларди. Мисол учун ўзбек халқ қўшиқларидан икки мисрасини, шу ерда келтирмоқчиман. Кейин, бу мисрани Ҳожи ака таърифида қандай янграганини ҳикоя қилиб бераман.

Мана ўша мисралар:

Юқоридан мен келаман от ўйнатиб-о,
Қўлларимда фаранг милтиқ, қуён отиб-о...

Ҳожи ака бундай дерди:

Юқоридан мен келаман от ўйнатиб-о,
Қўлларимда фаранг милтиқ, эшон отиб-о.

Ўз қўшиғига ўзи дуторда жўр бўларди. Дуторни яхши чаларди Ҳожи ака.

Ҳожи Сиддиқ Исломов театр пешқадамлари қатори «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» шарафли унвонини олди.

1933 йили март ойида вафот этди. Ҳожи ака «Чигатой» мавзуидаги қабристонга қўйилди.

Оддий дегрезнинг норгул, қадди-қомати келишган оддий ўғли, давримизнинг етук сахна устаси, ўзбек, умуман, совет маданиятининг фахри, ўта истеъдодли артист, камтар инсон, соф виждонли коммунист, театр ташкилотчиларидан бири, СССР халқ артисти. Давлат мукофотининг лауреати Аброр Ҳидоятловнинг ижодий йўли, камолоти, иш усули ва бўлак хусусиятлари таҳсинга лойиқ.

Аброр ака «Отелло»да жазавага тушиб ўйнади, кўп куч ва меҳнат сарф қилиб, газаби тошган Отелло даражасига кўтарилар эди. Бироқ артист Аброр Ҳидоятловнинг ҳаддидан ошиб кетишига, ўзини унутиб қўйишига инсон Аброр Ҳидоятлов йўл бермасди. Ўз-ўзини кузатиб туриш артист авлодида жуда ҳам тараққий топган ҳис бўлади. Сахнадаги артист аввало ўз-ўзи билан банд. Спектаклдаги мавқеи ва жавобгарлиги, ҳар дақиқа ҳар бир хатти-ҳаракатида тизгин бўлиб уни ҳушёрликка ундаб туради.

Икки калима сўз янги биномиз ҳақида. Бу бино ҳозирги замон талаби ва архитектура услубида қурилган. Кенг, метин пиллапойлардан кўтарилиб, ойнавандли эшиклар орқали икки қаватли ёруғ фойега кирасиз. Учинчи қаватда театрнинг музейи бор. Бу музей экспонатлари Ҳамза номли театр босиб ўтган ижодий йўл ҳақида яққол далиллар билан ҳиқоя қилади.

«Турон» театри залида 150 стул ва скамейкалар қўйилган бўлса, Ҳамза номли театрнинг эски биносиди 580 стул бор эди. Янги биномиз залига мингта томошабинга мўлжалланган кенг ва қулай, юмшоқ креслолар қўйилган. Зал радиолаштирилган. Қишин-ёзин бир хилдаги температурани сақлаб туриш имконияти бор. Қишда иссиқ, ёзда салқин. Саҳнамиз катта, кенг, саҳна чуқурлиги истаган ҳажмдаги декорация ўрнатишга мўлжалланган — декорация саройлари муҳайё. Саҳна теп-текис. Айни бир вақтда лозим бўлганда бир томонга ёки икки томонга айланадиган халқалар мавжуд. Жуда кўп декорация қисмлари бемалол, кнопкани босиш билан саҳна шипига кўтарилиб кетади. Артистларга алоҳида гримхоналар ажратилган. Юқори қаватларга олиб чиқиб, тушириб қўядиган лифтлар бор. Декорация яшаш, кийим тикиш, декорация бўйлаб, бутафория яшаш ва анжом цехлари қулай хоналарга жойлашган. Хуллас, озода, қулай, оромбахш бино. Бу бинода ўзингни эркин ҳис қиласан киши. Бундай бинода роль ўйнаш ҳам мароқли, ҳам қувончлидир.

ҚАНОТИМ ҚАЙРИЛМАДИ

Отам 1921 йили вафот этганда мен тўққиз ёшда эдим.

Мени янги мактабга юборишмади.

Ошиғ ўйнаганда, маҳалла ҳовузиди чўмилганда, ҳаммомпиш қурганда, янги мактабда ўқий бошлаган ўртоқларимнинг мактабдаги, бўлакча ҳаёт ҳақидаги ҳикоялари кўнглимга гулгула соларди, мен норасидани ўз кучоғига тортарди. Шу орада шаҳар ичиди «кашшоф» (пионер) деган сўз ва уларнинг ягона белгиси, бўйинига тақилладиган қизил галстукни кўрсам, мактаб ўқувчилари саф тортиб бирор томонга ўтишса, юрагим уриши тезлашарди, ҳўрлигим келарди. Айниқса, уларнинг бир-бирлари билан тўқнаш келиб қолганларидаги одатларини айтмайсизми?! Ун қадам наридан бир-бировини кўриб қолса, оёқ олишлари ўзгарар, гавдаларини ростлар ва шахдам қадам ташлаб, масофа икки қадам қолганда тўхтаб, ўнг қўлларини бошларига кўтариб: «Тайёр бўл!» деса — биттаси, «Дойим тайёр!» деб жавоб қайтарарди иккинчиси, яна ўз йўлларига кетаверардилар.

Ниҳоят, мен янги мактабга бораман деб гиншийверганимдан кейин, онам Қиёт маҳалласиди «Умид» мактабига олиб бориб топширди.

«Уч бола билан бировнинг қўлига қарам бўлишдан худо асра-син экан» дерди онам шўрлик. Алам ўтган шекилли, онам Хадрадаги (эски «Ҳамза» театрнинг рўпарасиди бинода) Йўлдош Охунбобоев номидаги артелга ишга кирди. 1925 йили онамни бу артелдан «пастдан юқори» кўтариб, «Ўртоқ» конфет фабрикасига ишга юборишди. 38 сўм 50 тийин маош оларди. (Бу фабрика ҳо-

зир ҳам ўша ерда, лекин кенгайтирилган. Маҳсулот турлари ҳам ўзгариб кетган). Бизнинг маҳалламиз «Учинчи Қорёғди» (ҳозирги Октябрь район партия комитети жойлашган жой) «Ўртоқ» фабрикасидан хийла олис эди. Онам маҳалладан паранжи ёпиниб чиқар, Ўрдага бориб бир таниш аёлинига қўяр, фабрикага паранжисиз кириб, ишлаб, кечқурун паранжисини ёпиниб уйга кириб келарди. Чунки очиқ юришдан, маҳалла масжида жиловхонасида ўтирган гийбатчилар маломатидан қўрқар эди.

Тўртинчи синфга ўтдик. Ўша вақтдаги бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Бир куни анҳордан сал пастроқда, катта ёғоч арк қуриб, уни қизил алвон билан безата бошлашди. Пештоқига В. И. Лениннинг қора костюм, қора шапка, кўкрагига қизил лента-бантик тақилган суратини осишди. Чап томонга Карл Маркснинг сурати, бир томонга от минган, бош яланг Фрунзе расми ўрнатилди. Шиорлар, байроқ-байроқчалар кўзни қамаштирарди. Ҳамма мактаб болаларини, шу жумладан, бўйнига қизил галстук таққан кашшофларни ҳам мактабимизнинг кўча томонга қараган болохонасига қатор тиздилар. Ҳамманинг оғзида биргина сўз эди. Улар «Калинин келармиш», «Калинин келармиш» дейишарди. Биз унинг ким экалигини билмасдик. Ҳурматли домламиз Тўхта Назир ака М. И. Калинин ким эканлигини айтиб бердилар.

Ғала-ғовур кўтарилди. Арк тагига тўпланган карнай-сурнайчилар қувончли машқлар чалишди. Бўлак мактаблардан келган талаба, пионерлар хор айтишди. Отлиқ милициялар тош терилган катта кўчани тарақлатиб йўл очдилар.

Усти очиқ қора «форд» машинасида бошига қорақўл телпак, қора узун пальто кийган, кўзойнак тақиб, қўлига ҳасса тутган М. И. Калинин кўринди. Ўзбек диёрига биринчи бор қадам ранжида қилган мамлакат оқсоқоли М. И. Калинин бизга қараб қўл силкиди. Шунда Нишонов «Яшасин ўртоқ Калинин! Яшасин Иштирокиюн фирқаси!» деди. Биз қаттиқ «урра!» билан раҳбаримизни кутладик. Битта машина, икки от қўшилган уч-тўртта извош ва отлиқлар Ҳадра томон ўтиб кетишди. Кўчанинг икки томонида лиқ-лиқ одам, «Урра!» садоларининг кети узилмасди.

* * *

Бобоҳўжа тоғам бувимнинг укаси ўша даврда Тошкентдаги циркда қоровул бўлиб ишларди. Жума ва якшанба кунлари кундузги томошаларга мени тез-тез олиб борадиган бўлди. Ҳар борганимда битта хўрозқанд ва битта юмшоқ тешик кулча олиб берарди. Томоша тамом бўлгандан кейин трамвайга ўтқазиб қўярди, уйимни топиб келардим.

Бу цирк томошалари менинг ёш кўнглимга қандай чуқур таъсир қилганини на айтиб ва на ёзиб тасвирлаб беришга ожизман.

Сеҳргарлар, чиғириқ устидаги ақл бовар қилмайдиган ўйинлар, соябон ушлаб сим дорда юрган аёллар, чиройли-чиройли, оппоқ, жингалак сочлари юз-кўзларини бекитган итлар, олов иргитиб, олов илиб ҳайбат соладиган артистлар, Дуров паровози, сандиққа хотин кишини жойлаб, ўртасидан арра солиб иккига бўлиб юборган, цилиндрга қоғоз солиб ёндирган, шу олов тагидан ўрдак чиқарадиган «кўз бойлоқчилар» мени ҳангу манг қилиб қўярди. Масхарабозлар-чи? Ичак узилди кулги бўларди. Ола-қуроқ шим, ёкавайрон, бир энги узун, бир энги калта пиджак, бошда ямоқ телпак, оёқда қарийб бир метр келадиган катак ботинка!

Айниқса, французча кураш якка кифт норгул йигитларни ўзига оҳанрабодек тортарди. «Қора маска», Ҳожимуқон (қозоқ), Ҳожи Мурод (татар)лар курашга тушадиган кунлари билет топилмас эди. Карим Зарипов эпчил, гапи бурро, тамошабин руҳини биладиган масхарабоз эди. Карим аканинг ёнида бир рус шериги ҳам бор эди. Карим ака билан иккаласи ўз интермедияларини ўзбек ва рус тилларида олиб борардилар. Карим ака шеригига «Дядя Володя» деб мурожаат қиларди. Пиёнбозордаги тартибсизлик, чайқовчилар, бирор жойда ишламай, бозорда эртадан кечгача санғиб юрадиган шахслар улар репертуаридаги асосий темалар бўларди. Карим ака биринчи бўлимда масхарабозлик қилса, иккинчи қисмда акробат сифатида ҳунар кўрсатарди. Олти, баъзан етти отни ёнма-ён қўйилар, Карим ака ичкаридан югуриб чиқиб шу отлар тепасидан, ҳавода муаллақ умбалақ ошиб майдон ўртасига тушар, қўлларини кўтариб туриб илжар ва «эп» деб қўярди.

Ёки тўрт-беш туяни қатор қўйиб, ўша машқни яна қайтарарди. Акробатика тамом бўлгач, от устида чопар, тиз чўқар, чордона қурар, тик турар, от бўйнидан айланиб ўтар, отнинг у биқнидан шўнғиб, бу томонидан чиқарди.

Кейинги йилларда бир қорасоч аёл циркка хос кийим кийиб Карим ака билан от ўйинини кўрсатадиган бўлди. У аёл, афтидан нақ тўрт девор орасида умр ўтказган аёл бўлиб кўринарди. Майдонга чиққан биринчи ўзбек аёли шу Карим аканинг рафиқаси Дилбар опа десак, ҳақиқатга ҳилоф бўлмас.

Карим ака узоқ умр кўрди. «Республика халқ артисти» унвони-га сазовор бўлди. Дилбар опа Зарипова «Республикада хизмат кўрсатган артистка» номига мушарраф бўлди. Улар болаларнинг барини, келинлари, куёвларини ҳам шу цирк санъатига содиқ қилиб тарбияладилар. Цирк санъатига умрини бағишлаган Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Лола Ҳўжаева ўткир чавандоз бўлиб танилди. Биринчи марта майдонга чиққанда Лола 8—10 ёшларда эди. Ўзбекча либос, ялтироқ тож, қувноқ кўзлар, ярим аср фурсат ўтибди, ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди.

Цирк майдонининг у четидан бу четига жимжилоқдай ингичка ялтироқ сим таранг қилиб тортилган. Ҳар икки томонда кичик,

хошия тутилган ўтиргич, фарғоналик оддий деҳқонни эслатувчи бир ўрта ёшли, қора, капгир соқолли киши чаққонлик билан ўтиргичга кўтарилди. Кичик лангар кўтариб, у ёқ-бу ёққа бориб келди; сим ўртасига келганда ўтирди. Туриб, лангардан сакради, қисқаси, жуда кўп ҳунар кўрсатди. Кейин хизматчилар отага иккита мис қозон узатишди. Дорбоз шошилмай иккала қозонни оёғига кийди, халта боғичларини илигига боғлади. Қора рўмол узатишди, дорбоз иккала кўзини маҳкам танғиди, қўлига лангарни олиб, таги бўртиб чиққан қозонлар билан симда йўғалай кетди. Хайрон қоладиган номер эди. Ҳамманинг диққати дорбозда, зал сув қуйгандек жимжит. Бирдан гулдурос қарсақлар... Бу довиюрак моҳир дорбоз машҳур ва маълум, ўз ҳунарини Иттифоқ маркасларида, чет элларда ҳам маъқул қилдира олган Ўзбекистон ССР ҳамда РСФСР халқ артисти унвонига сазовор бўлган, мамлакатнинг энг олий мукофоти — Ленин ордени таққан Тошкентбой ота эди.

Ана шу болалик чоғимда ёш қалбимга таъсир қилган санъат намуналари мени ўзига мафтун этди ва санъатга йўлади.

...Етимлик устихонимиздан ўтиб кетди, бизнинг аста-аста аҳволимиз оғирлаша бошлади. Бунинг устига, онамиз қулаб тушишга яқинлашиб қолган кулбамизни буздириб, биз, фарзандларини, бошпанасиз қолдирмаслик ниятида бўлса керак, иморат қуришга киришганди. Аллақаердан хабар топиб, мен билан укамни «Учинчи байналминал» номли боқимсиз болалар уйига (интернатга) топширишга мажбур бўлди.

Бу интернат Лабзак кўчасидаги собиқ Островский номидаги пионерлар саройи, Мирза Абдуллабойнинг мусодара қилинган данғиллама ҳовлиси ва олмазорига жойлашган эди. 150 га яқин бола (кўплари қаровсиз қолганлар эди) ётоқхоналарга жойлашиб, ўқир эдилар.

Дурадгорлик, тикувчилик, музика ҳамда драма тўғараклари мунтазам ишлаб турарди. Мен драма тўғарагига ёзилдим. «Етим ва етима» деган асар қўйиладиган бўлди. Менга «етим бола» ролини беришди. 3—4 кун тайёргарлик кўрдик. «Тегирмончилар клубида» ўйнадик. Интернат болаларидан ташқари бу томошага маҳалла аҳолиси ҳам тўпланган эди. Ўзимдан чин етимлик асорати кетмагани туфайли бўлса керак, мен бу ролни жуда берилиб ўйнадим. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги пиқ-пиқ йигларди. Эртасидан бошлаб мени «артист» деб атай бошлашди.

Еттинчи синфни аъло баҳолар билан тугатганимдан сўнг мени Шайхантовурдаги Ленин номли педтехникумга узатишди.

Бу техникумда драма тўғараги йўқ экан. Интернатда «артист» деб ном чиқарган «артист» энди театрсиз туролмай қолдим. Ахтариб-ахтариб «Қаймоқбозор» маҳалласида, «Урфон» мактаби қошида драма тўғараги борлигидан дарак топдим. Тўғарак раҳбари, ўша маҳалла гузарида тақачилик билан шуғулланувчи Пирмуҳам-

мад отанинг тўнғич ўгли Иброҳимжон экан. У киши билан гаплашдик ва мени тўгаракка қабул қилишди. Уша «Урфон» мактабининг мудир ва муаллими тўгарак ишидан доим хабар олиб турадиган шоир Ғафур ака билан биринчи дафъа учрашдим. «Топилган нараса», Иброҳим Пирмуҳаммедовнинг «Тил билмас ғалча», «Дўзах», А. Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» ва бўлак бир-икки пардали асарларни саҳнага қўйдик. Мен тез орада эски «Қаймоқбозор» маҳалласининг «машҳур» артисти бўлиб қолдим. Кейинчалик шу тўгарак аъзоларидан «Кўк қўйлак» труппаси тузилди. Мана шу «Кўк қўйлак» иштирокчиси Олим Раҳимов (кейинчалик кинохроникада оператор бўлиб ишлаб, фронтда ҳалок бўлди) иккаламиз Ғафур аканинг «Поп билан эшон ҳасрати» дуэтини бажарганмиз. Уша пайтларга оид бир қизиқ ҳодисани айтиб берай.

Бу ҳодиса машҳур романист Абдулла Қодирий (Жулқунбой) нинг «Бахтсиз куёв» асарининг «премьераси» кунин содир бўлган. Мен бахтсиз куёв ролида, Хурсаной Файзиёва менинг рафиқам ролини ўйнади. Хотиримдан кўтарилмаган бўлса, асар тўрт кўришни эди. Куёв бойдан қарз кўтариб уйланади. Тўйдан кўп фурсат ўтмай, бой қарзини қистаб келаверади. Бу ҳасис бой ролини, шу кунларда атоқли медицина ходими бўлиб танилган Саттор Умаров ижро этганди. Новча, у пайтда хипча Саттор Умаровга соқол-мўйлов ёпиштирган режиссёримиз Иброҳим Пирмуҳаммедов «қорни катта бой» қилиб кўрсатиш учун Сатторжоннинг қорнига катта ёстىқ ҳам боғлаган экан, шу ёстىқ спектакль қизиган пайтда поп этиб ерга тушиб кетди, залдагилар роса кулишди. «Қорни катта бой» — Саттор Умаров сўзи тамом бўлгандан кейин, «қорни»ни кўтариб, саҳнадан чиқиб кетди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, спектакль кундузи ёзлик саҳнамизда қўйилаётган эди. Унинг устига «артист» ўғилларининг «ҳунари»ни кўриб қўйиш учун бувим, онам, икки холам, синглим ва холаваччаларим залда ўтиришибди, бўлак мухлисларимиз ҳам кўп. Ҳунарни кўрсатиб қолиш дақиқалари келган.

Асар мундарижаси бўйича охирги кўринишда «Қарз баласи» туфайли ҳаёти заҳарланган ёш келинчак ўлади. Мурда тепасидан чиққан куёв дунёдаги ҳақсизлик ҳақида гапириб-гапириб, ўз-ўзини пичоқ санчиб ўлдириши керак. Хурсаной спектакль бошлангунча, тоза, лекин эски кўйлагимнинг ичкарисидан, чап томонимга кичик чўнтакча тикиб берганди. Охирги парда бошланишидан олдин кичик шишачага қизил сиёҳни солиб, ўша чўнтакка жойладим. Режиссёримиз билан бўлган маслаҳатга кўра, ўнг қўлим билан юрагимга пичоқни шартта уришим керак (усталик билан тамошабин кўзини шамғалат қилиб, пичоқ учи чап қўлтиққа тикилар эди. Сал бурилсанг, гўё пичоқ баданга кирган-у, сопи ташқарида тургандай кўринар эди. Бу, албатта, бир неча спектаклда синовдан ўтган усул эди)

чап томонга «жон аччиғида» бурилишим керак, ёқамдан ўнг қўлимни тикиб шишача оғзидаги пробкани олиб ташлашим ва томошабин томонга бурилиб, энгашсам, тамом, қизил сиёҳ аста кўйлакка тўкилади, ана томоша-ю, мана томоша!..

Мен худди шундай қилдим. Ҳаммаси беками-кўст «усталик» билан бажарилди. Бироқ... бироқ ҳаётида биринчи марта спектакль кўраётган бўвим, онам, хоаларимнинг қон чиқишига муносабатни ҳисобга олинмаган экан. Бирдан залда қий-чув, йиғи-сиги: «Вой болам», «укажон», «вой-дод» деган овозлар эшитилди. Бирин-кетин ўн киши саҳна томон уввос солиб келишмоқда эди. Тезда парда ёпилди. Қариндошларимни зўрға тинчитдим.

Техникумни тамомлаб, ўзбек билим юртига ўтдим. Бир йил ўқиб, иккинчи курсга кўчдим, бироқ... турмуш бўлакча бир тақдирни менга раво кўрган экан...

У пайтларда республика пойтахти Самарқанд шаҳрида эди. 1929 йил июнь-июль ойларида Ҳамза номли театр Тошкент шаҳрига гастролга келиб, спектакллар кўрсата бошлади. «Арслон», «Ёрқиной» «Маликаи Турандот»ларни кўрдим... Уша йиллари Тошкентда чиқадиган «Шарқ ҳақиқати» газетасида бир эълон чиқиб қолди. Унда «Ҳамза номли театр труппасига артистлар қабул қилинади» дейилган эди. Юрагимга гулгула тушди. Бироқ, эълонда кўрсатилган адресга учрамоққа юрак дов бермасди. Ниҳоят, «мени театрга қабул қилсанглар» маъносида ариза ёзиб, бордим. «Аризаларни Шариф Қаюмов деган киши қабул қилади» дейишди. Шариф Қаюмов ишда экан, бўшаб чиққунча кутдим, аризани бердим. «Эрта эмас — индинга соат учга шу ерга етиб келинг, имтиҳон комиссияси бўлади» деди. Аризамни олган бу таниш йигит «Маликаи Турандот» даги Турфальдино, «Икки коммунист»даги хонин коммунист Пўлат, «Эхо» («Акси садо») даги пионер эди. Кўрганман.

Мен, менга ўхшаган бир талай ёшларни саҳна санъатига рағбатлантирган роллар ижроچиси Шариф Қаюмовнинг ўзи аризамни қабул қилиб олди.

Шариф Қаюмов тайинлаган кун ва соатда «Колизей» (ҳозирги филармония концерт зали) биносига юрак ҳовучлаб етиб келдим. Бундай разм солсам, менга ўхшаш тақдирини синаб, масъулиятли дақиқаларни кутаётганлар бир талай эканмиз.

Мана буниси баланд бўйли, қўнғирсоч, норғул гавдали, юзлари аллакимни эслатиб турган Сайидумар Муҳаммедов экан. «Кимга ўхшайди? саволи мени қийнади. Топдим. «Яша Шўро», «Ғайра-ғайра»ни дўндириб айтадиган машҳур ашулачи Муҳиддин Қори ака Ёқубовга ўхшаб кетаркан, бирпасда танишиб олдик. Ичкарида комиссия аъзолари тўпланганини айтди. Кейин Юсуфжон деган бир йигит ҳам бизнинг даврага қўшилди. «Отбозор» маҳаллалик «Урфон» клубида актив қатнашган Тиллахон Орипованинг акаси

Мирсоат Орипов ҳам ўпкасини қўлтиқлаб келиб қолди. Абжир, бурро, олифта йигит эди.

Бирдан «даҳшатли эшик» очилиб Шариф Қаюмов кўринди ва «Амин Турдиев» деди. Ҳаяжоним яна зўрайди, ичимдан аллақандай қалтирок кела бошлади, уввало уринаман қани энди ўзимни босиб ололсам. Назаримда гўё мен турган ер ўпирилиб кетди-ю, жаҳаннамга учиб кетяпман... Ичкарига кирдим. Йигирмага яқин одам ўтирибди. Салом бердим.

Рўбарўда Маннон Уйгур, у кишининг ёнида Етим Бобожонов, Фатхила Умаров, Музаффар Муҳаммедов, Али Ардобус, Саъди-хон Табибуллаев, Шариф Қаюмов, 4—5 миллий музикачилар. Яна 3—4 киши бор, бироқ мен уларни танимасдим, яъни саҳнада кўрган эмасман. Балки соқол-мўйлов қўйиб ўйнашгандир булар, бир нарса деёлмайман.

Б и р и н ч и с а в о л :

— Драма тўғарақларида қатнашганмисиз, йигит?

— Ҳа.— Қисқа қилиб, боқимсиз болалар уйи ва «Урфон» мактаби саҳнасидаги фаолиятимни сўзлаб бердим. Қалтирогим босилмасди.

— Юриб кўринг-чи.

Юриб чиқдим, оёғимда ҳеч қандай иллат йўқлигини текширишмоқда эди.

— Қани, қўлларингизни бир неча маротаба кўтариб-туширинг-чи?

Қўллашим ҳам эсон-омон синовдан ўтди.

— Ҳозир мана бу амакиларингиз бирон нарса чалишади, шу музика ритмига қараб юриб кўринг.

Ритмдан ҳам тузук баҳо билан ўтиб олдим.

— Мана бу газетани ўқинг-чи.

Ўқидим, кўзим, саводим, ўқиш қобилиятим, тилим чучук ён гализмаслиги, бурролиги синовдан ўтди.

— Ота-онангиз театрга киришингизга қарши эмасми?

— Отам ўлганлар. Ойимнинг хабарлари йўқ, бувим биладилар. Ойим ҳам йўқ демаслар.

— Ўқийсизми ёки ишлайсизми?

— Ўзбек билим юртининг биринчи курсини битирдим. Ишламайман.

— Бу уймас, кенг дала. Даланнинг нариги чеккасида, бир чақирим жойда, бир ўртоғингиз турибди. Шуни баланд овоз билан чақирингчи.

— Қайси ўртоғим, отини билмайман-да.— Жавобимдан бир оз қулишди. Мен қизариб кетдим.

— Масалан, Шарифжон.

«Шарифжон» деб бақирганимни биламан, «бўлди, бўлди» дейишди. Қўлимга икки бет арабча ҳарфларда ёзилган текст беришди.

— Бу «Арслон» пьесасидаги Арслоннинг монологи. Шунинчун ичида ёдлайсиз. Уч хил қилиб ўқиб берасиз. Биринчи хили — ёш йигит бўлса, иккинчи хили — кампир бўлсин, учинчи хили — ёш бола бўлиб ўқиб берасиз, тушундингизми?

— Ҳа, ҳа, тушундим.


Тўғри уйга чопдим. Қайта-қайта ўқийвериб, икки саҳифа сўзни ёдладим. «Арслон»ни кўрганим учун, биринчи хили осон кўчди. Кампир ҳам анча эпаккага келиб қолди. Лекин ёш болача ўқиш қийин бўлди.

Бу имтиҳондан ҳам ўтдим. Яна беш кундан кейин Хадрадаги бинога бориб, Фатхулла Умаровга учрашишим кераклигини тайинлашди. Фатхулла акани топдим. Мени яна юргизиб кўрдилар. Ашула айтдирдилар. («Шабн ҳижрон» кўшиғи ўша пайтларда урф бўлиб кетган эди). Кейин Фатхулла ака бир неча минут мени ёлғиз қолдириб, ўзлари М. Уйгур ёнига кириб кетдилар. Қайтиб келиб, менинг труппага қабул қилинганимни айтишди, қайси труппага ўтиш ихтиёрини ўзимга ҳавола қилдилар. Гап бундай: худди шу йили «Ҳамза» театри қошида ишчи сайёр труппаси ҳам тузилиши режалаштирилган экан, шу билан бир қаторда асосий театр состави ҳам тўлдириляётган экан. Мен ишчи театрини танладим, чунки Фатхулла ака асосий театрининг фақат Самарқанд ва Тошкентда иш кўриши, ишчи театрини эса республика шаҳар, қишлоқлари меҳнаткашларига хизмат қиладиган сайёр труппа деб тушунтирган эдилар. Мен шаҳарларни кўпроқ кўрмоқчи бўлиб, шу ишчи сайёр труппани танладим.

Шундай қилиб, 1929 йил 27 августдан бошлаб мен артистлик ҳунарини танлаб, уни касб қилиб олдим. Қирқ беш йилдан бери театрда ишлайман. Қайта туғилиб, яна ҳунар танлаш соатларимга етиб келсам, биров мендан, нима ишни ёқтирасан, деб сўраса, албатта театр, драма театрининг артисти бўлишни хоҳлайман, деб жавоб қилардим.

ДАРЁНИ ЖИЛҒАЛАР ЯСАЙДИ

1929 йил 4 сентябрь куни ҳаммамиз Самарқандга тўпланишимиз керак эди. Етиб бордик. «Дом деҳқон» деб аталувчи меҳмонхонага тушдик. Биз Сайид Умар Муҳаммедов, Бақо Азизов, Мирсоат Орипов, Иброҳим Пирмуҳаммедов, мен, Қўқондан келган ўртоқлардан Мухсин Ҳомидов, Қурбон Назаров, Исҳоқ Солиевлар бир мунча вақт шунинг меҳмонхонада турдик, иноқлашдик. Қолган ўртоқларимиз ҳам умумий ётоқхоналарга, кишиларнинг ҳовайларига жойлаштирилган эканлар.



Бешинчи сентябрь куни ҳаммамиз театрнинг Самарқанддаги ёзги биносига йиғилдик. Асосий театр артистлари қишлоқ бинога кириб кетишди.

Ёзлик сахнанинг бир чеккасида ҳусндор бир рус аёли ва бир ўзбек хипча йиғит, унинг ёнида қора тўридан келган ўзбек аёли ўтиришарди.

Ҳар икки театрнинг директори новча, қошлари пайваста, кўзлари коп-қора, лаблари қип-қизил, европача олифта кийинган Қосимхўжаев: бу янги театрнинг тузилиши, унга нима вазифа юкланишини бизга қисқача тушунтиргандан кейин, ҳалиги сахна четида гуж бўлиб ўтирган ўртоқларни таништира бошлади.

— Бу киши Маруся хоним — Мария Александровна Кузнецова, ўзлари рус бўлсалар ҳам ўзбек тилини жуда яхши биладилар. Қўқондаги Ҳамза Ҳакимзода труппасида ҳам, бизнинг асосий театр труппасида ҳам авваллари ишлаганлар. Тажрибали артистка сифатида сизлар билан биргалашиб ишлашга таклиф қилдик, йўқ демадилар. Бу киши сиз ёшларга она ёки опа бўлсин. Сизлар опа сифатида бу кишининг ҳурматини бажо келтиринглар. Мана бу киши Шокиржон Нажмиддинов. Бу киши Оға, театримизнинг бош режиссёри Абдуманнон Мажидов (Уйгур) ни ҳаммамиз Оға деб атаёмиз. Сизлар ҳам Оға деяверинглар. Хўш, ўша Оға қўл остидаги Карл Маркс номли труппада узоқ ишлаб, катта-катта ролларни бажариб обрў орттирган тажрибакор артистлардандирлар. Мана бу аёл у кишининг рафиқалари. Бу кишининг исмлари Марямхон Нажмиддинова, яхши артистка бўлади, деб умид қиламиз. Хўш, мана бу киши сизларнинг режиссёрингиз бўладилар. Атайлаб Таристондан чақиртирдик. Камол — I деса ҳамма танийди. Бу киши Камол — I нинг синглиси Зайнаб Камол. Мана бу киши Гулчеҳра Байкина, анча тажрибали артистка, мана бу киши Сора Аҳмаджонова, бизнинг кийимчимиз Моҳирахонимнинг қизлари, қолганлар билан бундан кейин секин-секин танишиб олаверасизлар. Икки-икки ярим ой Самарқандда бўласизлар. «Ҳалима», «Икки коммунист», «Арслон», «Хужум» пьесаларини тайёрлайсизлар. Кейин, оқ фотиҳа берамиз, гастролларга чиқиб кетасизлар. Бухоро, Каттақўрғон, Жиззах, Кармана, Қарши, Термиз шаҳарларига бориб, шу спектакллари кўрсатасизлар. Хўп, снҳат-саломат бўлинглар. Ишларингизга муваффақият тилайман. Бугун, эрта, индин бўшсизлар, қадимий шаҳар Самарқанд осор-атиқаларини томоша қилинглар. Ҳозирча роллар тўлиқ ёзиб битилган эмас. Олдинроқ битиб қолса, хабар қилиб сизларни йиғиб оламиз. Мана, мана бу киши Байкин, сизларнинг ишбошингиз қилиб тайинланган, таниб олинглар.

Бир оздан кейин тарқалдик. Тўдалашиб Самарқандни томоша қилишга киришдик.

Ўзал Самарқанд. Булут ўпар миноралар, нақшдор, ўймакор мадрасалар, масжид, мадраса-масжид. Ўри Амир, Бибиҳоним мадрасаси, Регистонда оғиб, таги анчагина ажралиб қолган, сим белбоғ билан тортиб қўйилган минор, шу минорани тортиб қўйиш таклифини киритган ва ишбошилиқ қилган, тупроққа қўмилиб кетган кўп ноёб осор-атиқаларни қидириб топган Вяткин мозори шундай Регистон майдонида, ўзи тираб қўйган минора соясида ётипти.

Осори-атиқага бою, лекин гуваҳа, пахса-пастқам уйлар босган Самарқанд... Савдо-сотиқ қизиган, лекин савдо-сотиқнинг катта қисми ҳали ҳам пулдор савдогарлар қўлида. Қатор-қатор дўконлар дўкондорлар ихтиёрида. Катта ошхоналар ҳам шахслар қўлида... Баркаш, баркашларда барра кабоблар, шўр данак, сояки, кишмишлар, қовурилган нўхатлар, парварда, пашмаклар, «Нони пўлотий», «Нони осийи», «Нони тегирмоний»лар шахслар қўлида.

Регистон майдонидаги газета сотувчи йигитча сира-сира эсимдан чиқмайди. У баланд овоз чиқариб, «газнит (газета демоқчи), газнит» деб қичқариб газета сотар ва гап орасида «яша-қувна Саъдихон, яша-қувна Саъдихон» деб такрорларди. Билсак, бу йигит, ўша йиллариёқ артист сифатида катта обрў қозонган Саъдихон Табибуллаевнинг мухлисларидан бири экан. Саъдихон Табибуллаев ўткир туғма талантга эга. Фақат саҳна санъати учун яратилган. 1927 йилдан то шу кунларгача бирон кун орқага тисарилмаган, балки ижод қамолига қараб доим интилган, зўр муҳаббат ва ҳалол меҳнати туфайли эл эъзозига эришган, беқиёс артистларимизнинг биридир. У асли бухоролик, 1905 йилда тутилган. Бу ҳам ҳаваскорлар ўртасидан танланиб, Москвага 1924 йили ўзбек театр студиясига жўнатилган йигитлардан биридир.

Унинг шу йиллар мобайнида яратган юзга яқин образлари ўртасида биронта ҳам пачағи йўқ, десам муболага бўлмас.

«Хужум»даги табиб, «Фарҳод ва Ширин»даги Есуман кампир, «Мааликаи Турандот»да Алтоум подшоҳ, «Бағавот»да Чибесов, «Номус ва муҳаббат»даги қўй терисига бурканган қулоқ Яхшибой, «Алишер Навоий»даги Мансур — булардан биронтасини кўрган тамошабиннинг ва саҳнадошларнинг эсидан сира чиқмайди. Бу артист ролларини шундай маҳорат билан ижро этадики, «юралла қўйиб қўймайди, балки юралла қўйиб қўяди» деганди бир суҳбатда домлаамиз Уйгур. 1940 йили артистлик балогатига-суяниб, спектакль постановкачилари Н. Погдиннинг «Милтиқли киши» асаридаги В. И. Ленин образини Саъдихон Табибуллаевга топширдилар. Бу ғоят муҳим ва масъулиятли образни артист меъёрига етказиб бажарди. Яқинда унинг кўксини Ленин ордени бегади. Саъдихон — ўн боланинг отаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номидаги республика давлат мукофотларининг лауреати.

Яна Самарқанд шаҳрига қайтайлик.

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтган сари бўвим, онам, укам, синглим, холаларимни соғинардим. Бунчалик узоқ муддатга сафарга чиқишим биринчи маротаба эди-да. Кечалари йиғлардим. Туш кўрардим.

Биз эрталаб ҳамда кечки пайтларда машқ қилардик. Камол—I «Хужум» асари устида мустақил иш олиб борса ҳамки, лекин асосий театрда қўйилиб турган «Хужум» спектаклидан ташқарига чиқиб кета олмади. Нусха кўчираётган эди. Асосий театрда шу спектаклни қўйган Оға (Маннон Мажинов Уйгур) Камол—I га яқиндан ёрдам берарди. Бу спектаклдан бўш артистлар билан Фатхулла Умаров «Арслон» асари устида ишларди. Етим ака «Ёрқиной» саҳналарини машқ қилдиарди. «Хужум» кўрикдан ўтгандан кейин Фатхулла Умаров «Ҳалима» асарини саҳналаштиришга киришди.

Қисқаси, иш қизиб кетди. Сафарга чиқиш соатлари яқинлашмоқда эди. Цехларда янги декорация, янги либос ва бутафор нарсалар тез суръат билан тайёрланмоқда.

Биз, кечки машқдан бўш артистлар, асосий театрнинг спектакллари канда қилмай кўрардик, кундузлари бўш бўлсак, кундузги машқларга кириб, диққат билан кузатишдан зерикмасдик. Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Шоҳида Маъзумова, Наби Раҳимов, Карим Зоккиров, Сайидумар Муҳамедов, Мухсин Ҳоминов ва бўлак бир қанча янги кирган ёшлар, биронтамиз лоақал қисқа фурсатли театрчилик мактабини ўтамаганмиз. Санъат фанидан алифбени ҳам билмасдик. Буларнинг бора-бора забардаст саҳна усталари бўлиб ижодий тараққий топишларида, ўша даврда анча ҳунар ва тажриба орттирган, Москвада, Бокуда ўқиб қайтган Абдор Ҳидоятлов, Лутфулла Назруллаев, Етим Бобожонов, Шариф Қаюмов, Ҳикмат Латипов, Саъдихон Табибуллаев, Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятлова, Тошхон Султонова, Ҳожисиддиқ Исломов, Гуломназир Исомов, Фатхилла Умаров, Музаффар Муҳамедов, Сайфи Олимов, Неймат Раҳматовларнинг ижодий балагатлари, Обид Жалилов, Обид Ҳасанов, Миршоҳид Мирқилловларнинг катта тажрибалари бизга дарс бўлмоқда эди. «Бу сеҳргарликнинг том маъноси қаерда?» — деб туғилган қалб саволимизга жавоб олардик.

Давлат театри саҳнасида биринчи ўйнаган ролим, «Хужум» — даги сартарош бўлди.

«Ҳалима»да ҳаммол ва Холжон дастурхончининг ёрдамчиси Бибинисо кампир бўлиб чиқардим, «Арслон»да деҳқон йигит.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтишим лозимки, асосий театрнинг спектакллари ёзлик театрда қўйилар, қишки театрда рус труппасининг (Вартминский раҳбарлик қиларди) спектакллари кўрсатилиб

турарди. Умримда биринчи марта Самарқандда «Айиқлар тўйи», «Хукм» деган рус театри спектакллари кўрганман.

28 ноябрь куни (бир неча кун кечроқ қолиб) Бухорога сафар қилдик. 30 куни «Нардом» қишки совуқ биносида спектакллар ўйнадик. Амир арки, Ситоримахосса, амир зиндони, Садриддин Айний калтакланган зах уйлари кўрдик.

1929 йил охирида ва 1930 йил бошларида республика маркази Самарқанд шаҳридан кўчирилиб, Тошкентга келтирилди. Шу сабабли 1930 йил март ойида бизнинг труппа тўғри Тошкентга келди. Асосий театрга Ҳамза Ҳакимзода номи берилди. Бир неча янги спектакллар тайёрланди.

Тошкент томошабинларига шу «Ҳамза» театри биносида, бинокорлар клубида, роҳат боғчада ўз спектаклларимизни намоиш қилдик. Тошкент томошабини залимизни тўлдириб, томошаларимизни кўришди. Июнь ойида яна сафарга жўнадик. Бу гал Фаргона водийси бўйлаб кетдик.

«Қовунчи» (Янгийўл шаҳри)дан ўтгандан сўнг Мирзачўл бошланар, Ховосдан нарёғи сувдек оқиб у ердан-бу ерга кўчиб, истаган ерида тепалик ҳосил қиладиган қуруқ қумлоқликдан иборат эди. Темир йўлни қоплаб олмаслиги учун, сувсиз ўсадиган майда дарахтлар ўтқазиб, шох-бутоқлар парвариш қилинар экан. Ғарам-ғарам панжаралар тахлаб қўйилипти. Бу панжаралар қум йўлига ихота қилинар, темир йўлни фалокатдан асрар экан. Йўл-йўлакай Конибодомга тушдик. Хўжандда спектакллар кўрсатдик.

«Бешариқ»да чойхонада ётган эдик, бир ўсмир келиб: «Акалар, арслонинглар қани?» — деб сўради. «Арслон» пьесасининг афишаси ёпиштирилганди. Демак, баъзи томошабинлар «арслонлар ўйини бўлар экан» деб фараз қилишган. Биз «арслон» ролини ўйновчи артистимиз Шокир акани кўрсатдик. Кулишди. Қизиги шундаки, спектаклдан кейин концерт ҳам қўйиб бериш одатга кириб қолган эди. Карим Зокиров ашула айтар, Марям Ёқубова рақсга тушар, Мухсин Ҳомидов шеър ўқир. Байкина татарча қўшиқ айтиб булбул бўлар, Маруся хоним «Наманганнинг олмаси ҳил-ҳил пишибди»ни айтарди.

Марғилонга бордик. Бирин-кетин спектаклларимизни халққа кўрсатдик. Зўр завқ-шавқ билан ҳар куни зални тўлдириб «Ҳалима», «Икки коммунист», «Арслон», «Хужум» ва таржима қилиб қўйилган «Парвоз»ни кўришди. Кундузлари ошхона, чойхоналарда бизни роса мақтаб, ҳурмат қилишди. Кунлардан бир кун шаҳар фирқа қўмитасидан бир вакил келиб, биздан илтимос қилди. «Марғилондан узоқроқ бир қишлоғимизда янги колхоз тузилган, шу колхозга чиқиб, оқартув ишига бир хизмат қилиб берсанглар, шаҳар узоқ, томошага келиша олмайди, шу кунгача уларга бирон-та артистлар группасини юбора олганимиз йўқ» — деди. Биз рози бўлдик. Бироқ, кечқурун ёзги бинода спектаклимиз бор, етиб ке-

лармикинмиз, деган савол туғилди. Шунда фирқа қўмитасининг вакили: «Ўша колхознинг ўтган йили пахтачиликдаги фидокорлигини ҳисобга олиб, битта янги юк машинаси билан мукофотланган, шу машинада борасизлар, томошадан кейин, шаҳарга ўша машинада ташлаб қўйишади» — деди. Ярим соатлардан кейин чойхона олдига янги юк машинаси келди, ўтириб жўнадик. Қирқ минутлар чамаси йўл юрдик. Катта кўчаларга «мехмонларга чанг ўтирмасин» деб, қалин сув сепилган экан. Эшикда турган болалар, ҳатто катта ёшдаги одамлар ҳам бизни кўришлари билан ўзларини ҳовлига уриб қолишарди. Биз бунга эътибор бермадик. Колхоз гузари узоқдан кўриниб қолди. Тўпланиб турган одамлар бирдан тарқала бошлашди, беш-олти норғул йигитлар машина олди-га тушиб қоча бошлашди. Биз ҳайрон, гузар гавжум эди. Машина яқинлашган сари ҳалиги одамлар ҳам қочиб кетишди. Гузарга бориб тўхтадик. Шоп мўйловли ранс ҳамда чиройли, тўладан келган 45—50 ёшлар чамасидаги ижроқўм опа бизни кутиб олишди. Ҳовли эшиклари қия очилган, одамларнинг ялтираган кўзи кўринарди, лекин биронта бола кўзга ташланмасди.

Биз бу воқеа сабабини сўрадик. Ижроқўм опа тушунтирди. «Бизлар шаҳарда машинани кўрганмиз. Булар биринчи маротаба кўришлари, қўрқиб қочишди-да» — деди. Шундан кейин раис эшик тирқишлари ва баланд томларга чиқиб турган аҳли маҳаллага қарата нутқ сўзлаб, кўчага чиқишга даъват қилди. «Ҳой оғайнилар, укалар бу ёққа чиқинглар, Тошкентдан мехмонлар келди. Бу машина — юк машинаси. Янгича арава, фақат оти йўк. От ўрнига машина жойланган. Мана, араваси ёғочдан, темирдан ясалган. Шу машина арава бизнинг колхозга мукофотга берилган, қани колхозчи ўртоқлар, чиқаверинглар» — деди. Шундан кейин бир-иккита довюрак, мўйловдор йигитлар, қўрқа-писа кўчага чиқишди. Узоқдан машинани томоша қилишди. Ёилдирак ва кузовини ушлаб кўришди. Машинани айланиб «зиёрат» қилишди. Шундан кейин раис: «Қани юрагида ўти бор йигитлар бўлса, машинага чиқсин. Аравакаш укам бир айлантириб келади» — деди. Ҳадиксираб 5—6 йигит, икки ўсмир машинага чиқиб, чўкка тушиб, чордона қуриб ўтиришди, шофёр бу довюракларни бир айлантириб келди. Энди ҳаммаси иршайган, мамнун эди. Балки бу қишлоқнинг ўз ашулачиси, ўз музикачиси бўлгандир. Лекин бизнинг концертимиз, Совет давлати тузилгандан бери шу қишлоққа кириб борган совет санъатининг биринчи қалдирғочи эди. Ишонманки, ўша қишлоқ ҳозир тамомила ўзгариб кетган. Ўша пахтакорлар юқори ҳосил етказиб, фаровон ҳаёт кечираётир. Ўша, машинадан кўрққанлар албатта кексايиб қолишган, эди улар ўғил-қизларининг шахсий машиналарида роҳат қилиб, керилиб юришгандир.

Бу ёғи Андижон, Шаҳрихон, Асака, Ўш, Жалолобод шаҳар ва қишлоқларини айландик. Ҳам ёш жиҳатдан, ҳам тажриба жиҳат-

дан балоғатга йўл тутаетган эдик. Халқ турмуши, турли-туман урф-одатлар, кийим-либослар ва ёрқин типажларни кўрмоқда эдик.

«Қизил қиё» ва «Даргомир» кўмир конларига ҳам кириб бир неча бор томошалар кўрсатганмиз. Шахталарга тушиб, кўмир қазувчилар меҳнат усули билан танишдик.

Яна шу ҳам янгилик бўлдики, Маруся хоним Кузнецова узоқ йиллардан бери дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган ўз отасини, Александр Кузнецовни, тасодифан шу шахтада учратиб қолди. У киши шахтада механик бўлиб хизмат қилар экан.

Биз Фарғонадан қайтдик. Труппамизни икки қисмга бўлиб, колхоз ҳаётини акс эттирувчи бир пардали инсценировкалар ва концерт номерлари тайёрлаб, икки томонга жўнатишди. Бу гал шахарлар эмас, фақат колхоз қишлоқларига бориб концертлар беришимиз, маҳаллий идоралар, колхоз қурилиши, совхозлар ишидаги камчиликларни ўз кўзимиз билан кўриб, кечқурун концерт вақтида танқид ўти остига олиш, куплетлар тайёрлаб, иллатларни фош қилишимиз керак эди. Борган жойимизда, дарҳол, рейд уюштириб, деворий газетада танқид, фельетон чиқариб хатоларни оммага яққол кўрсатишимиз керак эди. Самарқанд томонга жўнайдиган бригадага мен бошчилик қилдим. Фарғона водийсига жўнайдиган бригадага Сайидумар Муҳамедов мутасадди қилиб тайинланди. Зоҳид Содиқов ашула айтар, Зайнаб Садриева билан Зебо Содиқовалар лапар айтишар, Сора Аҳмаджонова рақсга тушар, музикачилар машқ қилишарди. Артисткаларимиз зиммасига яна қўшимча вазифа юкланган. Уйма-уй юриб, хотин-қизлар орасида ташвиқот олиб боришди. Колхозга кириш, паранжи балосидан қутулиш, савод чиқариш каби масалаларга аёллар фикрини тортиш вазифаси юкланган эди. Эр билан хотин ҳуқуқи тенг десак, хотинларнинг ўзлари бизни масхаралаб, кулишарди, у пайтларда. Шулар орасига кириш керак. «Оқартиш учун» кирган аёлларимизни жуда совуқ кутиб олишар экан. «Хой, сизлар ҳам эрга тега-сизларми?» «Бола туғасизларми?» «Нега сочингизни кесмаган-сизлар?» «Колхоз бўлса, эркагу аёл бир уйда ётишармиш, дейдилар, шу ростми?» «Рўза тутасизларми?» каби саволлар беришарди, дейди Зайнаб Садриева. Мен эса бригада раҳбари сифатида концерт бошлашдан олдин, парда олдида чиқиб ташвиқот-тарғибот сўзларини айтардим. Бора-бора тилим анча бурролашиб қолди. Каттақўрғон шахрининг юқориюғида «Катта кўрпа», «Кичик кўрпа» деб аталадиган қишлоқлар бор экан. Қишлоқ шўроси идорасига кириб шахсий ҳужжатимни кўрсатдим. Концерт қўйиб беришимизни эшитиб севинишди. Колхоз тузганмиз. Номини ҳам топиб қўйганмиз, лекин одамлар колхозга киришдан қочиброқ туришибди. Кулаклар, авлиё-анбиёларнинг муридлари, қўй терисига бурканиб олган боёнлар, колхозга қарши тескари

ташвиқот юргизишяпти. Халқнинг онги паст, ҳаммаси саводсиз, Самарқанд у ёқда турсин, Каттақўрғонни ҳам кўрмаганлари бор, деди ижроком раиси. Шу раис сўзларига мослаб концертимиз қўйилладиган ҳовли эшиги ёнига, деворий газетамизни осдик.

Кечқурун концерт олдидан тўпланган тумонат одамларга колхоз фойдаси, совет давлатининг мақсади ҳақида гапириб, руҳонийлар, бойларнинг ёмон ниятларига ҳам тўхтаб ўтдим.

1931 йили янги спектакллар қўйдик. Сайфи Олимов Мумтоз Муҳамедовнинг «Гудок» асарини, Девишев «Парвоз»ни (Москва бадий академик театр репертуаридан) саҳналаштирган. Бу асардаги бош роль, учувчи офицер Шалагин менга топширилди. Бу ролни жуда яхши кўриб ижро этдим. «Ҳамза» театрининг атоқли артистлари яхши фикрлар айтиб, рағбатлайтиришди.

Бақо Азизовнинг овози ҳасталаниб, театрдан кетди. «Ҳужум»даги бош роль — эшон ҳам менга тегди. «Ҳалима»даги Ортиқбойни ҳам менга беришди.

1931 йили ёз, куз ойларида Қозогистон ва Қирғизистон шаҳарларига гастроль қилдик. Қариндошларимизни ўзбек элининг янги санъат тури, театрчилик санъати билан таништирдик.

Ўзбек давлат ишчи театри «Ҳамза» театрининг филиали бўлиб, кенг меҳнаткаш оммасига хизмат қилиши мақсадида барпо қилинган театр труппаси эди.

1932 йилга келиб, Ўзбекистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида, ҳатто каттароқ районларда ҳам театр труппалари тузилди. Бу театрлар «Ҳамза» ёки ишчи театрида пишиб етилган асарларни саҳналаштирардилар.

Давлат ишчи театри шу кунгача артист оёғи тегмаган шаҳар ва узоқ қишлоқларга совет санъати намуналарини олиб борган биринчи қалдирғоч бўлди. 1932 йилда бу театр тарқатилди. Мен, Тамат Зиёхонова, Мухсин Ҳомидов «Ҳамза» коллективига ўтказилдик. Қурбон Назаров, Исҳоқ Солиев Қўқон театрига, Карим Зокиров, Сайидумар Муҳамедов, Марям Еқубова, Назира Аҳмедова музика театрига узатилди. Қолган ўртоқлар ҳам ўз хоҳишларига қараб бўлак театрларга, бир талайи Тошкентда янги тузилган «Ишчи ёшлар театри» (Трам) га ўтказилди. Энди мен «Ҳамза» номидаги театр артисти бўлиб қолдим.

ИЗЗАТ ВА ФАЗИЛАТ

«Ҳамза» театрининг фазилати нимада? Қандай қилиб бунчалик зўр обрў ва ҳурматга эришди? Бунинг сабаби, аввало Буюк Октябрь! Қолаверса, революцияга қадар ҳаваскор «Турон» тўдаси иштирокчиларининг фидойилиги, аҳил-иноқлиги. Аҳиллик, яқдиллик — биринчи фазилат. Мана шу фазилат ҳеч шубҳасиз эркин замон, чинакам озодлик мевасидир. Аҳиллик, яқдиллик.

«Хамза» театрида анъана бўлиб қолган. Иккинчи фазилат — давр, замон билан ҳамнафас бўлишида, замон билан бирга олга қараб қадам босишида.

«Заҳарли ҳаёт», «Лошмон фожиаси», «Бахтсиз кув», «Туркстон табиби», «12 соатлик ҳалифа», «Фаргона фожиаси», «Тухматчплар жазоси», «Бурунги сайловлар», «Фанний уй» янги уйғониб келаётган халққа ўтмиш фожиалари, халқ жафоси, хотин-қизлар фарёди, шафқатсиз замон ҳодисаларини тасвирловчи биринчи босқич, содда асарлар эди. Бироқ бу асарлар ўша давр, ўша замон талабига, саволига баҳарҳол жавоб беришга интилган, замонавий асарлар эди.

Аксилинқилобчиларнинг ишонган боғи ва суянган тоғи ислом дини туғига, Америка, Англия, Туркия пулдорларининг пулига, сиғинган, кўп қашшоқ-батрақларнинг ёстиғини қуритган босмачиларга қарши кураш эълон қилинган йилларда Комил Яшин «Икки коммунист» асарини яратди. Театр энг талантли артистлар ижросида уни сахналаштирди, босмачиликка қарши курашга кўпчилик томошабинларни сафарбар этди. «Тор-мор»да босмачиликни тугатишда жонбозлик қилаётган комсомол-ёшларнинг зўр ғайрати, қаҳрамонлиги, коммунистларнинг ғамхўрлиги яққол тасвирланди.

Колхоз тузиш, қулоқни синф сифатида тугатиш даврида Комил Яшиннинг «Ёндирамир» асари, кейинроқ Зиннат Фатхуллиннинг «Истиқбол» асари давр талабига мос спектакллар бўлди. Маданият fronti ва бу фронтни барбод бермоқчи бўлганлар, зиёли зиёлар ҳақида, ўша давр талаби билан З. Фатхуллиннинг «Никоб йиртилди», Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди» спектакллари сахналаштирилди.

Мисоллар етарлидир. Партия ва ҳукумат муҳим масала деб ўртага ташлаган ҳамма йиллар, воқеалар ва тарихий ҳодисаларга авторларимиз ҳозиржавоблик қилдилар, театр коллективи бутун билими, ҳунар-тажрибаси, маҳоратини юқори сифатли спектакллар яратишга сарфлади.

Замон талабига ҳозиржавоб театр бўлгани учун ҳам халқ бизнинг театрни ҳурмат қилади.

Учинчи фазилати — кекса санъаткорлар билан ёш истеъдодли артистлар ўртасидаги мустаҳкам, беғараз ижодий ҳамкорликдир.

Биронта янги ёш артист труппага қабул қилинса, бир неча фурсат унинг юриш-туриши, ахлоқ-одоби, ишчан ёки танбаллиги, ширин ва бемаза қилиқлари зимдан кузатиб юрилади. Умумий сахна ёки эпизодларда чиқиб, сидқидилдан меҳнат қилса, тамом, қизғанчиқлик, ёш артистка-артистни камситиш, эътибордан соқит қилиб ташлаб қўйиш каби ярамас одат бизнинг театрда йўқ. Репетиция вақтида режиссёрдан ташқари ҳамма артистлар ёш артистка далда бериб, камчиликларини айтишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар. Талаффуздаги камчиликни кечира олмайдилар,

очиқ айтадилар ва қандай талаффуз қилиш лозимлигини тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Шу ёшларга бўлган диққат-этибор бирон янги артистнинг ялт этиб рўёбга чиқиб қолишига сабаб бўлади.

Тўртинчи фазилат — халқ ҳузуридаги зўр масъулият, жавобгарлик ҳисси, жиддийлик. Бешинчи фазилат — коллективнинг ғоят камтарлигидир. Ютуқлардан мағрурланиш каби ғуборлардан узоқ эканлигидир.

Театр барпо этилишига ҳали беш йил тўлмай, жаҳон классиги Шиллернинг «Қароқчилар» асарини қўйишга аҳд қилган ва саҳналаштирган. (Бу спектаклни Камол — I қўйган).

1935 йилнинг февраль ойида буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг шоҳ асари ҳисобланган «Гамлет»нинг қўйилиши, 1940 йилда Николай Погодиннинг «Милтиқли киши» асарининг саҳналаштирилиши, «Рус масаласи», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Ганг дарёсининг қизи», «Любовь Яровая», «Егор Буличев ва бошқалар», «Ромео ва Жульетта», «Жазоир менинг ватаним» каби катта ижодий маҳорат талаб қилувчи асарларини дадиллик билан саҳналаштириш ҳам театримизга хос хусусият ва фазилатдир.

Энг юксак фазилатлардан бири замон даъватига қулоқ осиб, тегишли хулоса ясаб, «лаббай» дейишидадир.

«Хамза» театрининг коллективи машқ ва спектаклни ижро этиб кетавермайди. Корхона, фабрика, завод, кохоз, совхоз, чорвачи-боғдорлар, галлакор, шоликор, механизатор ва бўлак ҳунар эгалари билан мустаҳкам алоқада, уларнинг ҳузурига бориб санъат намуналари, шу кунгача қилган ва бундан кейин қилмоқчи бўлган иш режаси билан таништириб, уларнинг фойдали маслаҳатларини олади. Бу ҳам зўр фазилат.

«Хамза» театри халқни ҳурмат қилади, халқдан ҳурмат кўради. Театрнинг ҳар янги спектакли республика маданий ҳаётида катта ҳодиса, ҳамда зўр воқеъликка айланади.

* * *

Бир воқеа эсимда. Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин» спектаклини чиқариш муҳлати яқинлашаётган эди. Лекин тикилиши лозим бўлган кийимлар, декорациянинг юмшоқ қисми ўлда-жўлда эди. Ишчи кучи етишмасди. Шунда коллектив ўзини сафарбар эълон қилди. Машқдан бўш бўлган артисткалар тикиш, бичиш ишига, эркаклар бўяш, мих ишлатиш ишига бириктирилдилар. Обид Жалилов, Ҳикмат Латипов, Замирахоним Хидоятова, Тошхон Султонова, Холида Хўжаева, Ҳамидилла Наримонов, Тўғон Шукуров ва бошқалар ишни тезлатар эдилар.

Жалолиддин ролини Шукур Бурхонов, халқ қаҳрамони Темурмалик саркарда ролини Абдор Ҳидоятлов, зулм туфайли саҳроларга чиқиб кетган, ҳатто ўз номини унутиб қўйган телба чолни Ўзбе-

кистон СССР халқ артисти, ноёб талант эгаси Ҳикмат Латипов ижро этган. Кўп йиллар бўлдики, Ҳикмат Латипов «Ўзбекфильм» киностудиясига ўтиб, совет экранининг йирик намояндаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен, Чингизхон ролини бажардим. Бу ролимга алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Чунки бу образим мени артист сифатидаги камолотимга пиллапоя бўлган эди. «Жалолиддин» спектаклини кўрганлар билан тўқнаш келиб қолсам, ҳозир ҳам мақтов сўзларини эшитаман.

Чингизхон саккизинчи кўринишда пайдо бўлади. Репетицияларга кириб ўтириб, асарнинг бўлак қаҳрамонлари олдинги кўринишларда Чингизхон тўғрисида нималар дейишини, уларнинг таъбирича ким эканини, феъли-атворим қандай, қонхўр бўлсам, қилган қилмишларим нималардан иборат, шуларни қулоғимга роса қуйиб олдим, ролни меъёрига етказишда бу ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Мен Чингизхоннинг ички дунёси ва сиртки қиёфасини топгунча кўп ўйладим. Ниҳоят репетициялардан бирида унинг қадам босишини топдим. Мўғул миллатига мансуб Чингизхон, албатта, кўп умрини от устида ўтказган. Кўп юртлар, мамлакатларни забт этган. Чингизхон, ҳатто от устида ухлаш машқини ҳам олгандир. Шу сабабли унинг оёқлари тарвақайлаб, от гавдаси қолипига тушиб қолган бўлиши мумкинмиди? Мумкин эди. Мен тиззаларим орасини каттароқ очиб, оёқларимни от бўйинчаси каби кериб олдим. Чопганда от жиловни, от ёлига энгашавериб гавдаси сал олдинроққа эгилиб, бир қадар букурлашиб қолган. Лекин тетик, чунки текин галаба унинг дилига далда, белига қувват ато қилмоқдайди. Бу юришим Оғага маъқул тушди. Бир неча кун машқ қилдик. Кунлардан бир кун кириб келаверишдаги зиндонда Абулмаликнинг ўғли ўтирганини кўриб, лабимнинг бир томонини кўтариб, истеҳзо билан «ҳиҳ» деб заҳарханда табассум қилдим. Чингизхон, инсон йўлдоши-кулгини ҳам унутган бўлиши табиий ва муқаррар. Ғалаба ва мағрурлик, қиборлик, ҳар кун рўбарўсида қўл қовуштириб турганларини кўриш, жоҳил сипоҳларга қаттиққўл бўлиш албатта, унинг юзидан инсон кулгисини олиб ташлаган. Мана шу «ҳиҳ» «ҳи-ҳим»ни тараққий эттира бошладим. Оғам индамадилар, демак бу ҳам маъқул бўлган. Қўлга тушган асир, халқ сардори Абулмалик — Аброр акани занжирлаб Чингиз ҳузурига киритадилар. Шуни айтиб ўтайки, шу кунгача мен Аброр акам қатнашадиган спектаклларда қатнашгандирман, лекин ҳали у киши билан бақамти туриб олишадиган роль ўйнамагандим. Ун беш йил фурсат ўтгач, бизнинг ижодий кучларимиз марду майдонга чиқди. У кишининг тажрибаси, жозибаси саҳна эркинлиги рўбарўсида менинг тажрибам нон ушоқдай эди. Лекин ролларимиз бизни беаллашишга ташлаганди.

Бир куни машқ вақтида мен, Оғамга бир фикр айтдим: «Оға, мана шу тахтим олдиға бир неча инсон чаноғини ясатсангиз. Тахтга чиқиш пайтимда, шу чаноқларни боса-боса чиқсам» — дедим ва у кишига атоқли баталист рассом Веришчагиннинг «Каллалар минораси» суратини пеш келтирдим. Фикрим Оғамга маъқул бўлди. Шу куниёқ декорацияга қўшимча деталь сифатида олтига чаноқ буюрдилар. Мен Манас Левиевнинг даҳшатли музыкаси садолари остида оёқларимни қийшайтириб, «ҳиҳ-ҳиҳ»лаб саҳнага чиқиб келдим. Чаноқларни депсаб, тахтимга чиқиб ўтирдим. Бошлангич монологимни айтиб бўлдим. Аброр ака — Абулмаликни ҳузуримга олиб кирдилар. Ажабо, бу кунги машқда бўлак артист, бўлак Абулмалик турарди менинг қаршимда. Қўли, оёғи занжирбанд шер, рисоладаги дев турарди рўпарамда.

Бир дақиқа ўзимни йўқотдим, лекин сездирмасликка уриндим. Аброр акам юзига тикилар эканман, мен фақат саркарда Абулмаликни эмас, азоб чеккан, лекин тиз чўкмаган, украин, белорус халқини кўрдим. 1944 йил эди. Зоя Космодемьянская фашист офицери ҳузурида худди шундай турган бўлса керак. Балки Александр Матросов амбразурага ташланиш дақиқаларида қаддини шундай баланд тутгандир... Бу жумлаларни бугун мен сатрларимни безаш учун ўйлаб топганим йўқ, ишонинг, азиз ўқувчим, мен хотирамда сақлаб, дўстларимга ҳикоя қилиб юрган туйғуларимни қоғозга туширдим. Чингизхон сардорни алдашга уриниб, сотқинликка ундайди. Рад жавобини олгач, заҳрини соча бошлайди. Абулмалик зўр ирода билан Чингиз қузғунларига қарши курашини давом эттиришга онт ичади.

Чингиз дўқ-пўписага кўчади. Ниҳоят панжара орқасида Абулмаликнинг ўғли пайдо бўлади. 12—13 ёшлар чамасидаги бу бегуноҳ ўсмирнинг ҳаёти ўртага қўйилади. Абулмалик сардор Ватан йўлида норасида фарзандидан жудо бўлишга рози бўлади. Ўғлидан изн ва кечирим сўрайди. Доно фарзанд ҳам ўлишга рози бўлади, душман ҳузурида тиз чўкмаган меҳрибон отасини, ортиқроқ севганини айтади.

Боланинг кўзлари ўйилади, ҳалок этилади...

Бу саҳнани айтиб бериш осон, лекин уни барпо қилиш, ҳаққоний қилиб чиқариш биздан кўп куч-қувват талаб қилди.

Аброр акадай артистга тоб бериш, бақамти туриб ижод қилиш ҳар қандай артистга ҳам ғоят мушкул муаммо эди.

Мен Чингизхонни жазавага тушиб бутун борлигимни сарфлаб яратдим. Аброр акага лойиқ ижобий қаҳрамон Абулмаликнинг баҳодирлигини очишда, менинг ашаддий қонхўр даражасига кўтарилла олишим сардорга кўмак беради.

Оёғимда чоруг шаклида, тумшуги кўтарилган, кумуш рангли, калта кўнжли, паст пошна этик. Узун, тўпигимга тушган кул ранг ялтироқ юбка ва камзул. Бошимда ўша Чингизхон замониға хос

қулоқчин. Гримим ҳам жуда қўрқинчли эди. Сийрак, ҳақкам-дуккам узун-узон, мошкичири рангли соқол-мўйлов, қошим тепасига, тартибсиз, тўрт томонга тарвақайлаган, қуюқ қўшимча қош ёпиштирар эдим. Жалолиддин қўшинлари яқинлашиб қолгани ҳақидаги хабарни эшитган Чингизхон саросимага тушиб, шошила буйруқ берар, ўша аснода мен саҳна олдига келиб, бош кийимимни олар эдим, қулоқчин тагидан «Назир қилинган» оқишроқ, ўрилган соч елкамга тушарди. Кўзларим остига елим суртиб, тасма билан тортдирардим. Кўзим қийғочроқ бўлиб кўринарди. Кўпинча залдан «ўл-э», «аптинг қурсин-э» «олқишлари»ни баралла эши-тардим.

Кўп фурсат ўтмай, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига мушарраф бўлдим ва «Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун» медали билан мукофотландим. Меҳнат зоё кетмайди.

Гап Оғанинг режиссёрлик санъати устида борар экан, унинг иш усули ҳақида ёзилар экан, албатта «Жалолиддин»га сарф қилган умри, илми, билими ва тажрибаси устида алоҳида тўхта-май ўтиб кетиш мумкин эмас. Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» спектаклини саҳналаштиргунга қадар, Оға бир неча спектакллари постановка қилди. Ички туйғу, асар ғоясига тўғри ёндоша билишда, асарнинг ғоясини очадиган саҳналар, эпизодлар, тўқнашувларни аниқлашда Оға чинакам моҳир эди.

Ишлаётган авторга ёки саҳнадаги актёрга шундай кутилмаган маслаҳатлар берар эдики, бу таклифни қабул қилмай иложинг қолмасди. Чунки, фойдали маслаҳат бўларди. Комил Яшин, Уйғун, Зиннат Фатхуллин каби кекса драматургларимиз Оғанинг бу хилдаги фойдали маслаҳатларидан баҳраманд бўлган адибларимиздирлар.

Энди шу жойда Оғанинг энг сўнгги ижро этган роли — Рубенчик ҳақида икки оғиз сўзлаб бермоқчиман. Оға ҳақида китоб ёки мақола ёзилар экан, шу ҳодиса ҳар доим бир чеккада қолиб кета-веради.

1933 йили Зархийнинг «Шодлик кўчаси» номли асари қўйилди. Бу спектаклни ўша пайтларда бош режиссёр қилиб тайинланган (Оға бадий раҳбар бўлиб қолган) Воронов саҳналаштирган эди. Унда Англияда ишсизлик балоси, Англия ишчи синфининг онги ўзгара бошлагани ва пулдорларнинг бу ўзгариб келаётган онгни йўққа чиқариш учун бўлган кучанишлари тасвирланади. Бир камбағал, миллати яхудий, машиначи Рубенчик родини бажаришни режиссёр Оғамдан илтимос қилди. Оға артистликини тарк этганига уч-тўрт йил бўлиб қолганди. 1928—1929 йил бошларида у киши «Маликаи турандот» спектаклида подшоҳ Альтоумни ижро этганлар, шундан кейин тамонила режиссёрликка ўтиб олган эдилар. Оға Рубенчик родини ўйнашга розилик бердилар. Икки-уч бор саҳнада кўринса-да, Рубенчик кўзга ташланадиган

муҳим персонаж эди. Оға мана шу саҳналарда, катта уй бекаси (Тошхон Султонова) билан тортишувда ва Стивенсон (Аброр Ҳидоятлов) билан ҳаёт машаққатлари ҳақидаги суҳбатларда «Озод Англия»да пулдорлар ва қашшоқлар «тенглиги» ўз ифодасини тўлиқ топарди. Ролнинг сиртқи қиёфаси жуда ҳам тўғри топилган эди. Оға, Рубенчик образи орқали Рубенчиклар чекаётган азоб-уқубатни тўлиқ, ишонарли қилиб ижро этганди.

Шу Рубенчик энг сўнгги бажарган роли бўлди Оғаннинг.

Оға Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасыни 1945 йили саҳналаштирди. Асар ва спектаклдаги жузъий камчиликлар ҳисобга олиниб, бир неча фурсат қўйилмай турди. 1948 йили «Алишер Навоий»нинг янги нусхаси ишга туширилди. Алишер роли — Аброр ака Ҳидоятловга, Гули-Сорахоним Эшон-тўраевага, амир Мажиддин-Наби Раҳимовга, Ҳусайн Бойқаро — Шукур Бурхоновга, Абулмалик — Ҳикмат Латиповга, Мансур — Саъдихон Табибуллаевга, Турдибой — Муҳаммад Умархўжаев билан Ҳамидулла Наримоновга, мунажжим — Ғани Аъзамовга, Шайхулислом — Тўғон Шукуровга, уста Жалолиддин — Зикир Муҳаммаджоновга, Хондамир — Омон Ёқубовга берилди. Шу составдан Наби Раҳимов ҳамда Шукур Бурхоновлар ўз ролларини ёпишмаётганини айтиб, бўшаб олдилар. 1948 йили Алишер Навоий ролига Олим Хўжаев дублёр шаклида Аброр акага бириктирилди. Бироқ, Аброр ака кейинги саҳналаштирилишида фақат бир ёки икки марта ўйнади. Ҳасталаниб, Олим Хўжаев яхши ижро этаётганига суяниб, бу ролдан узоқлашди.

Амир Мажиддин роли Обид Жалнловга, Ҳусайн Бойқаро Лутфулла Назруллаевга берилди. Бу асар устида бу гал ҳам ҳар галгидек узоқ вақт, кунт билан ишланди. Алишер Навоийдек мутафаккир олим ва файласуфнинг халқ ғамини еб, азоб чеккан буюк Навоий сиймосига мос ва лойиқ спектакль бўлди.

Бир вақтлар, камида уч соат, баъзан тўрт соат давом этадиган спектаклларимиз бор эди. Томошабин чидаб, қаноат билан томоша қилаверар эди. Ҳозирги спектаклларимиз (бир-иккита томошамизни истисно қилинса) икки соатдан нарёққа ўтмайди. «Алишер Навоий» уч соат давом этади. Оғам вафотидан сўнг баъзи режиссёрларимиз буни қисқартишга, баъзи саҳналарни ўзгартишга уриниб кўрди. Бироқ, қисқартиришнинг иложи йўқ. Спектаклни сира ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бирон «янгилик» киритмоқчи бўлганлар оғора бўлди, ўша ўзгаришлар бора-бора барҳам еди. Чунки у киритилган «янгилик» худди спектакль баданини зирқиратаётган зирапчага ўхшаб азоб берарди.

1973 йили июль ойда «Ҳамза» театри Тожикистон пойтахти — Душанба шаҳрида гастроллар ўтказди. Уша биродарларимиз ҳузурида «Алишер Навоий» спектаклининг 700 маротаба қўйилиш-ни нишонладик.

Навоий ролини Олим Хўжаев, Гули ролини Рихсихон Иброҳимовалар бажаришди.

1949 йили бу спектаклни яратган режиссёр Маннон Мажидов (Уйғур), рассом Миленин, Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев (Алишер Навоий), Обид Жалилов (Мажидиддин), Сорахоним Эшонтўраева (Гули), Лутфулла Назруллаев (Хусайн Бойқаро), Саъдихон Табибуллаев (Мансур)лар «Давлат мукофоти лауреати» унвонига мушарраф бўлдилар.

«Алишер Навоий» спектакли Оғамиз саҳналаштирган энг сўнгги асар бўлди, десак хато қилмаймиз. Бу деган сўз, «Оға ишдан чиқиб қолган экан-да» деган маънони англатмайди, албатта. Оғанинг шогирдлари ёки четдан таклиф қилинган режиссёрлар, қандайин спектаклни саҳналаштирмасинлар, бари бир, унда Оғанинг актив иштироки бўлган. Сихати имкон берса, шу соат театрга чопарди. Ҳаммадан кейин уйига кетарди.

Шу кунларда репертуаримизда Оға саҳналаштирган фақат битта «Алишер Навоий» спектакли қолган ҳолос. Оғамизнинг ақлу-заковати ва мақоратининг туб маъносига етмоқчи бўлган ҳар бир киши Оға ташаббуси билан барпо бўлган, бошида аста-секин, кейинчалик зўр суръатлар билан ижоди тараққий топган «Ҳамза» театрига борсин. Унинг садоқатли, доим миннатдор шогирдларининг саҳна санъатини кўрса, Оғанинг чинакам олижаноб инсон эканига имони қомил бўлади, дейман мен — ҳар доим қулуқ қилувчи шогирди.

МЕЪЁР ВА ҲАҚИҚАТ МАНБАИ

Оддий дегрезнинг ўғли, давримизнинг етук саҳна устаси, совет маданиятининг фаҳри, ўта истеъдодли артист, камтар инсон, соф виждонли коммунист, Ҳамза театрининг ташкилотчиларидан бири, СССР Халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Аброр Ҳидоятловнинг ижодий йўли, унинг камолоти, иш-ижод усули ва бўлак фазилатлари ҳақида ҳар қанча ёзсак оз, албатта.

Аброр акам ҳақида бир талай китоблар, унинг ижодига таалуқли катта-кичик мақолалар босилган. Бироқ унинг инсоний афзалликларига, қилиқларига, ўзига хос хусусиятларига кам ўрин берилган, мен айти пайтда шу коллектив аъзоси кўзи билан кўриб, ўз қулогим билан эшитган сўзларни ўртага ташламоқчиман. Аброр ака эски мактабда бир неча йил ўқиган, кейин дастёри беминнатликдан чиқиб ўспирин ва отага қарашадиган, чўян қозон, декча, қумғон, ҳовонча қуядиган дегрез бўла бошлаган. Дегрезлик маҳалласида турганимда, сўнгги пайтларда девоналашиб қолган эшон акани ҳар кун кўрардим, ўша маҳаллада кўпдан бери

истиқомат қилувчиларнинг Аброр ака ҳақидаги ҳикояларини тинглаганман. Аброр ака ўспиринлик пайтида, ишдан қўли бўшагач, маҳалла чойхонасига чиқар, шу эшон аканинг дутор чалишига ишқибоз экан. Эшон ака бу Ҳидой дегрезнинг ўғли Аброрнинг дуторга ўч эканлигини кўриб: «Ўргатиб қўяйми?» — дейди. Аброр ака, «жон дердим» деб жавоб қайтаради. Эшон унга дутор пардаларини босиш ва чертиш илмини аста-секин ўргата бошлайди. Кўп фурсат ўтмай, Аброр акалар истиқомат қилаётган ҳовли атрофидаги қўни-қўшнилар, бу уйдан ёқимли овоз ва чертиб чалинган дутор овозини эшита бошлайдилар. Аброр ака ўрганган куйларига ўзи мос қилиб қўшиқ тўқийдиган бўлди. Дуторни бекам-кўст чаларди.

«Маликаи Турандот»ни саҳналаштирган рус театрининг атоқли арбоблари Н. О. Басов, И. М. Толчанов, Р. Н. Симонов, Л. Н. Свердлин, В. С. Канцеллар Аброр аканинг дутор чертиш қобилиятига қойил қолиб, «Маликаи Турандот»да «авахтага тушган қаллоф» нинг парда очилганда дутор чалиб ўтиришини, атайлаб спектаклга киритишган. Ҳамма мароқ билан эшитгувчи эди.

Оғанинг ҳикоя қилишига кўра, Музаффар Муҳамедов билан бир чойхонага кириб чой ичишар экан, узоқдан бир машқнинг дуторда қотириб чалнаётганини эшитадилар ва бу музикачнинг ёнларига таклиф қиладилар. Оға Аброржонни ўз труппаси «Турон»га таклиф этади. Аброр ака, ўз маҳалласидаги «Эл тузар» драма тўғарагида Зиё Санд, Обид Жалилов, Олим Қосимов, Сайфиқори Олимовлар билан бирга театр ишида қатнашганини айтади ва труппа составига киради. Юқорида номлари қайд қилинган ўртоқларини ҳам «Турон» тўдасига ўтишга ташвиқ қилади.

Октябрнинг шифобахш куёши ўз нури билан қоронғи уйлارни ёритмоқда, хира кўнгилларни ойдинлаштирмоқда эди. Аброр аканинг ёшлик чоғларида у билан ишлаган саҳнадошлари, ўша замонлардаёқ туғма талант эканлигини бир оғиздан тасдиқлайдилар. Табиатан майин, чапанироқ, жуссаси тўладан келган Аброр ака биз кўрган пайтларда жуда озода, танлаб кийим киядиган, сокин йигит эди. Аброр аканинг оғзи гавдасига нисбатан анча кичик эди. Лекин «Отелло»да шундай баланд ва тўлиқ овоз чиқар эдики, шу кичик оғиздан шунчалик тўлқинланган, қудратли ва ёқимли овоз чиқишига, тўғриси, ҳайрон қолардик. «Ёндирамиз» спектаклида колхоз тузилиши ва мустақамланиши йилларида учраган, турли-туман ижобий ва салбий одамлар образи кўп эди. Аброр ака шу спектаклда собиқ партизан Саримсоқ ролини бажарар эди. Аброр ака яратган образини тўлиқ меъёрига етмагунча, кўпам куч сарф қилмасди, мўлжалга олиш жараёнига кўп вақт сарфларди.

Иккинчими ёки учинчими кўринишда (аниқ айта олмайман), колхозга раис бўлиб сайланган Саримсоқнинг ўғли Ўрмон (бу рол-

ни Шариф Қаюмов катта маҳорат билан бажарарди) маҳаллий қулоқлар билан тил топишиб, уларга қарши курашиш эмас, балки уларга ён босиб иш кўраётганини аниқлаган Саримсоқ, ўғли билан қаттиқ олишиб қолади. Биз, одат бўйича, ҳар куни машқни кузатар эдик. Жўнгина қўлтиқтаёққа суяниб юрган Саримсоқ — Аброр ака, бир куни шундай репетиция қилдики, ҳаммамиз ҳангу манг бўлиб қолдик. Ғазаби қайнаган Саримсоқ ўғлидан ҳақорат эшитгач, ҳамла қилиб, бехос йиқилади. Аброр ака йиқилди. Бу келишилган саҳна. Аброр ака кўзини очиб, аста-секин ҳассасига тикилди. Босмачиларга қарши курашган чоғларида ўқ зарбидан ерга тегмайдиган бўлиб қолган чап оёғига қаради. Узоқ ва баланд нидо чиқариб, ҳассани бир ёққа, қўлтиқтаёқни иккинчи томонга иргитди. Гўё, «Мен бу оёқни ўғлим, ўғлимга ўхшаган гўдаклар соғ қолсин деб йўқотган эдим. Ўша ўғлим, кимсан Саримсоқ партизанининг ўғли, отани ҳақорат қилиш даражасига етдими? Шу умид билан ўстирганмидим, бадбахт!» — деяётгандай туюлди. Шундан кейин бир оз ўзини босиб олиб, «Аровон тоғида» бўлган жанглар, кўрсатган қаҳрамонликларини аста-аста кўтариб, чўққига, оҳу-фарёд даражасига олиб чиқа бошлади. Залда, саҳна атрофида ўтирганлар худди сеҳрлангандек жим ўтириб, буюк артистнинг буюк санъатидан роҳатланмоқда эдик.

Аброр ака иш соатида интизомнинг мустаҳкам бўлиши учун «жанг» қиларди. Саҳнадан чиқиши билан суҳбатга аралашар, ҳазил қилар ва тегишар эди.

Аброр ака «Отелло»ни ўйнайдиган куни соат тўртда театрга келарди. Қуриб қўйилган декорация устида сайр қилар ва ичида текстни такрорлар эди. Кўнгли тўқ бўлгач, кириб грим қилишга тутинар эди. «Отелло» асарини тахминан саксон бет деб фараз қилсак, шундан энг камида қирқ бети Отеллонинг тексти эди. Биринчи саҳнаданоқ Отелло зўр ҳаяжонга тушарди. Барабандио одамлари билан Отелло тарафдорларининг қонли фожиага айланиши сезилиб турган тўқнашувга у аралашиб, ўз салобати билан жанжални босди-босди қилиши лозим эди. Ундан кейинги саҳналар жиловланган ғазаб, сўнг, жиловдан чиқиб кетган ғазаб оловли артистдан бемиқдор куч сарф қилишни талаб этарди. Айниқса, учинчи, Яго билан олишув пардасида Аброр ака худди газабланган шерни эслатарди. Мен айтмоқчи бўлган, Аброр аканинг диққатга сазовор одати шунда эдики, у шердай ташланиб, лекин ҳодиса бўйича бир неча дақиқа бир жойда туриб қолса, орқаси залга, халққа ўгирилган бўлса, шу дақиқалар асносида, кулисида турган артист ёки саҳна ходимларига қараб қошларини қоқиб, ҳазиллашиб ҳам қўяр эди. Бутун роль асносида бундай имконият уч ёки тўрт жойда тўғри келиб қолар эди. Яна шуниси ажабланарлики, шу дақиқада қош қоқиб, ҳазиллашишга имкон топган артист,



В. Шекспир, «Отелло» трагедияси. Отелло рол-
да СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти-
нинг лауреати Аброр Ҳидоятлов.

реплика келиши билан, яна шеру гаррон бўлиб чўққига етакловчи оҳанг ва қадам олиш ритмасини топиб оларди. Янглишмасди.

Аброр ака тўртинчи пардада бегуноҳ Дездимонанинг юзига мактуб қогози билан уриб, «ху такасалтанглар!» дея, саҳнанинг ўнг томонига кетарди. У ердаги кичик станокга ўнг оёғини қўйиб, оёғини шундай усталик билан яна қайтариб олардики, бмз, саҳнадошлари ҳайрон қолардиқ. Ғоят гўзал чиқарди Аброр аканинг бу ҳаракати. Биз машқдан кейин, Аброр аканинг бу топган ҳаракатини, ўзимизча қайтариб кўромоқчи бўлдик, иқрор бўлиш керакки, ҳеч қайсимиз эплай олмадик.

Буюк артист, улуғ инсон, бегубор дўст, раҳмдил устоз эди Аб-
рор ака Ҳидоятлов.

Аброр аканинг қалин дўсти, мухлиси Фафур Гулом Аброр ака ҳақида ёзган мақоласида шоира Нодирабегимнинг икки мисра шеърини келтиради:

Бу дунёгаки келибсан ахир
Мақсад не эди баён этиб кет.

Аброр ака «халқим кун сайин камол топ, мен хизматингдаман», деб кетди.

Фафур ака Аброр ака ҳақида «ўртоқларинг ким эди? — деган сўроқ ҳам албатта бўлади. Ўртоқларим асрдошларимнинг муборақ номларини ҳарф-баҳарф айтиб бераман. Шу қутлуғ номларнинг олдинги қаторида азиё дўстим, болаликдан тортиб бирга ўсган биродарим, Аброрнинг номини фахр билан айтаман, Чунки Аброр халқимнинг шон-шарафи, санъати, маданияти, давлати ва эътиборини кўтаришда жон чекиб, жафо тортган, бир бутун умрнинг мазмунини шу хизмат учун аямай сарф қилган азамат ўғилларнинг бирисидир, — деган эди.

Менинг партияга киришимга (1942 йил) кафолатнинг бирини Аброр ака бергани билан фахрланаман.

Шу ўринда ўзбек артисткалари «оналаримиз» деб зўр ҳурмат билан тилга оладирган икки мўътабар аёлларимиз сиймосини тасвирлаб беришни маъқул кўрдим.

АЯЖОНЛАРИМИЗ

Тошкентдаги Карл Маркс труппасига жалб қилинган, кўп олийжаноб хислатларга эга Маъсумaxonим Қориева тўғрисида юқорида бир қадар тўхталиб ўтдик.

Жуда қисқа фурсатда, тилидаги татар талаффузига хос хусусиятлардан қутилиб, ўзбек сўзларини тўғри ва оҳангдор қилиб етказишга эришган Маъсумaxonим Қориеванинг ғоят ширали овози ҳам бор эди. Ўзбек классик музика сирларини, унинг юракни жийиллатадиган қочиримларини эгаллаб олган эди. «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Ҳалима»да Ҳалима ролларини зўр диққат билан бажарар ва ашулаларини томошабинга маъқул қила оларди.

Маъсума опам барчага баробар, ҳамма учун бирдек қайғурадиган, чин истеъдод намунасини кўриб қолса, беҳадду-беҳисоб қувонадиган, ролнинг катта-кичигини танламайдиган ўта камтар эёл эди. У киши жамоат ишининг энг актив иштирокчиси эди. 1931 йили Маъсумaxonим Фарғона театрини ташкил қилиш учун юборилди. У ерда уч йил режиссёр ҳамда тажрибали артистка сифатида қатор ролларни бажарди. 1933 йили Ўзбекистонда, биринчилар қатори «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олди. 1937 йили 31 май куни СССР ҳукумати, катта хизмат-

ларини назарга олиб, уни «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» билан мукофотлади.

Асли фамилияси Низомиддинова. Карл Маркс труппасининг артисти Ўсит Қориевнинг умр йўлдоши бўлган. Икки ўғли фронтда жанг қилиб ҳалок бўлди. Маъсумахоним «Отелло» спектаклида Ягонинг рафиқаси Эмилия ролини севиб, юқори босқичга кўтариб бажарар эди. Афсус шу роль Маъсума опанинг сўнгги роли бўлди. Азиз онахонимиз Маъсума опа 1946 йили вафот этди.

* * *

Рус қизи... безатди ўзбек саҳнасин
Санъатга бағишлаб бутуи умрини.
Ҳар бир санъаткор қам шундай яшасин,
Ҳеч қачон унутмас мухлислар уни.

Мен бу тўрт мисра шеърнинг муаллифини билмайман. Қойил қолиш керак, артистқанинг рус миллатига мансуб эканини ўзбек саҳнасини безатган моҳира эканини ва миннатдор томошабин, театр мухлислари, шундайин олий ҳиммат билан хизмат қилсанг, сира унутмаслигини, шу тўрт сатрга сиғдира олган.

Бу сатрлар, Чигатой мавзуидаги биродарлар қабристонда ҳоки ётган, бизнинг азиз ҳамкасбимиз, Мария Александровна Кузнецова ёдгорлигига ўйиб битилгандир.

Мен умримда биринчи маротаба Маруся хонимни 1929 йил бешинчи сентябрь куни Самарқандда кўрганимни шу китоб бошида эслаб ўтган эдим.

Маруся хонимнинг Наманганга келиб қолиши тарихини кўп кишилар ўзларича таъбирлаб ёзадилар. 23 йил бирга, бир театрда ишладик. Собиқ «Ватан» киноси орқасидаги 12 квартирали уйда, бир неча йил, яқин қўшни сифатида бирга истиқомат қилдик. Кўп суҳбатлар қурганмиз. 1929 йилдан бу ёғидаги ҳаётини ўзим кўрганман. Жонли шохидман. Наманганга келиб қолиш тарихи бундай бўлган:

Толибхўжа бой деган давлатманд бир киши, Наманган шаҳрида, аввал пахта заводи, кейин ёғ заводи ҳамда пахта титадирган заводлар очади. Толибхўжа бой Петербург шаҳрига бориб, пахта-ни пуллаб қайтганда, Москвада, шу бойлар ўтирган вагонга, бир ёш йигит билан, бир ҳомиладор аёл чиқади. Поезд юргач Толибхўжа бой ҳалиги рус йигит билан танишади. Уларнинг Оренбургга кетаётганларини аниқлайди. «Хунаринг нима?» деган бой саволига, ҳалиги нотаниш рус йигит, «механикман», деб жавоб қайтаради. Толибхўжа бойнинг кун сайин кенгайиб бораётган заводиға, шунақа механик сувдек зарур эди. Толибхўжа бой, бу йигитни, Оренбургга тушишдан айнатади ва Наманганга таклиф қилади. Бу механик йигит Александр Кузнецов эди. Эр-хотин шу

келишда Нижний-Новгороддан у ердаги олти ой давом этган ярмаркадан бир оз пул топиб келишаётган экан. Хотин ҳомиладор, ҳоли хароб. Александр Кузнецов хотинининг кўзи ёриш вақтигача, уйни ремонт қилиб олиш ниятида эди. Толибхўжа бойнинг ваъдалари катта бўлди. «Тураржой бераман, оладиган пулинг ҳам ишингга қараб бўлади. Майли, ҳозирча ойига 20 сўм тўлайман» дейди. Александр Кузнецов рози бўлди. Хотини ҳам кўнди. Бой беш сўм узатди. Александр Оренбургда тушиб, Наманган шаҳригача иккита билет олиб чиқди. Бу ҳодиса 1901 йилнинг куз палласида рўй берган эди. Наманганнинг «Сардаба» маҳалласида, у пайтларда, биронта ҳам рус миллатига мансуб фуқаро йўқ эди. Маруся хонимнинг онаси янги рўзгор; шаҳарнинг пасти баландини билмайди. У «туз, нон, тухум, сув, қошиқ» каби сўзларни ўрганиб, маҳалладаги катта-кичикни кўрганда «ассалому алайкум» дейишни қанда қилмайди.

Уни ҳамма қўшнилари «ўрис келин» деб аташарди, қўшни оши чиқарадиган бўлдилар. 1902 йилнинг апрель ойида оила қиз кўради. Ота-она қизга Мария деб ном берадилар. Қўшнилари Марияни ўзларича таржима қилиб, қизчани Моҳира деб атай бошладилар. Кўзи ёриган аёл, қувватга кириб уй ишига урина бошлагунча, бу қўшнилари, унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турадилар. Мария—Моҳира ўз тенгқурлари қатори олти ёшида маҳалладаги, қизларни ўқитадиган отинойи мактабига келади. Ҳамма қатори қўлига тахтакач олиб, араб алифбесини ўқийди. Ўз отинойисини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оларди. «Золим эмас эди, хушфёъл хотин бўлиб, баъзи-баъзида биз билан ўйнарди. Жияк тикиш, йиртиқни ямаш, кир ювиш, газаллардан нусха кўчиртирарди: Бобир, Нодирабегим, Бедил, Фузулий, Зебуннисо, Сўфизода шеърларини ўқиб берардилар. Нуроний аёл эдилар,— дерди Маруся хоним.

1912—13 йилларга келиб Наманган шаҳрида турли-туман катта кичик заводлар қурилади. Рус мактаблари очилади. Маруся хоним ўз отинойисини шунчали яхши кўриб қолган эдики, у ҳатто ота-она истагини, яъни рус мактабига кўчишни истамади. Маруся хонимнинг ўзбек тилини худди ўзбеклардек билиши, ўзбек маҳалласида тугилиб ўсиши ва ўзбек тилида ўқишидадир. Маруся хоним ниҳоят рус мактабига кўчади. Бироқ, отинойисини ҳам унутмайди. Отинойининг бўш фурсатларини топиб шеърлар ўқиш беришини илтимос қиларди. «Отин-ойим чиройли, оҳангдор қилиб ўқирдилар шеърларни» дерди Маруся хоним.

Жаҳон мухорибаси фронтларида подшоҳ қўшини мағлубиятга учраётганда Марказий Россияда бошланган революцион ҳаракатнинг учқунлари теварак-атрофга сачрар ва узоқ қолоқ Туркистон шаҳарларига ҳам чўғ ташламоқда эди. Пахта завод ва ёғ заводларининг ишчилари қазатчиликдан қийналганликлари туфайли, Толибхўжа бой ва бўлак бойлардан иш ҳақини ошириш, иш соати

ни камайтиришни талаб қиладилар. Александр Кузнецов бу ҳаракатнинг актив қатнашчиларидан бири эди.

Тез орада подшоҳнинг тахтдан йиқилгани, алла қандай вақтлар Ҳукумат тузилиб, ўзгача ҳаёт бошланади, деган миш-мишлар тарқалди. Бироқ, бирмунча фурсат ўтди — ҳаёт яна ҳам баттарроқ қийинлашса — қийинлашдики, тузалмади.

Шу пайтларда ўн тўртдан ўн бешга қадам қўйган новча, ғоят гўзал ва камтар Маруся онасига қарашар, отага овқат ташир, кечкурунлари қўшиниси — бир татар хотин уйига қатнаб, машинкада ёзиш ҳунарини ўргана бошлайди.

Буюк Октябрь инқилоби ғалаба қилди. Қашшоқлар елкасига офтоб тегди. Ишчи-деҳқон ҳукумати тузилгани ҳақидаги хабар орқасиданоқ, янги ҳаёт намуналари кўрина бошлади. Толибхўжа бой қон томган қамчисини ташлади, бир қадар мулоим бўлиб қолди. Кейинчалик алла қайси хорижий мамлакатга қочиб кетди.

Офицерлар клуби тузатилиб, у ерда духовой оркестр тўгараги, рус ва ўзбек драма тўғарақлари тузилди. Ўзбек драма тўғарагига мактаб муаллимлари, Совет этагини тутган зиёлилар қатнашарди: Эминий, Розикий домлалар кейинги вақтларда Наманган давлат труппасига кириб, узоқ муддат, яхши артист бўлганлар. Маруся хоним шу ўзбек тўғарагига кириб, ўз ҳавасини амалга оширади.

1918 йили Наманганга Ҳамза Ҳакимзоданинг труппаси гастроль қилиб келади. Ҳамза Ҳакимзода билан бирга Миршоҳид Мироқилов труппа иши билан, янги тузилган маориф бўлимига борадилар. Иттифоқо маорифнинг мудирини Ҳамза Ҳакимзоданинг яқин ўртоғи чиқиб қолади. Мудирнинг иш бўлмаси эшиги тагида ўтириб, машинка чертаётган чиройли ёш қиз, Ҳамза ака билан Миршоҳид аканинг диққатини ўзига тортади. Маориф мудиридан бу қизнинг кимлигини суриштирадилар. Рус қизи бўлса ҳам ўзбек тилини беками-кўст билишини эшитган ҳар икки жўра, Маруся хонимни қақириб, кўп ташвиқот қиладилар ва труппага таклиф этадилар. Ота-она билан маслаҳатлашиб кўргач, Маруся хоним, театрда ишлашга розилик беради.

Маруся хоним Ҳамза Ҳакимзода қўл остидаги труппада биринчи маротаба саҳнага чиққан аёлдир. 1919—1920 йилларда «Тухматчилар жазоси», «Бой ила хизматчи» ва «Санобар» спектаклларидаги бош ролларни ўйнади ва янги ташкил топаётган Совет Армияси жангчиларига кўрсатишди. Маруся хонимга қадар бу ролларни ва бўлак аёл киши ролларини эркаклар ижро этишарди.

Уша пайтларда Маруся хонимнинг ёқимтой овози борлиги ҳам аниқланди. Концертларда ўзбекча қўшиқлар айтар, томошабинларни қувонтирар, шу билан бирга, ҳайрон ҳам қолдирарди. Маруся хонимнинг юз тузилиши рус аёлларига мансуб чинакам рус аёллигидан далолат бериб турарди. «Лайли ва Мажнун»да Лайли,

«Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Аршин мол олан»да Гулчеҳра ролларини бажарар, биронта ҳам ғализликка йўл қўймасди. Унинг тили, талаффузи эътирозга ўрин қолдирмас эди. Унинг устига, Ҳамза Ҳакимзодадек устози бор эди. У ёш артистканинг ғамхўри, ҳар қадам ҳар бир сўзининг тўғри бўлишини, томошабинга тўғри етиб боришини кузатиб-тузатиб борарди.

Маруся опа, гоят очик кўнгил, сахий, хушчақчақ, одам ёқтирадиган, ўта содда, ҳусндор, сарвқомат аёл эди. Ун саккиз ёшида Қўқонда турмушга чиқади. Бироқ, бу ҳаётдан у лаззат тополмайди. Жоҳил эр, фарзандсизлик доғини ўртага қўйиб, Маруся хоним билан ажрашади. Маруся хоним бу жудоликка бардош беролмай, 1921 йили Тошкент шаҳрига келиб «Карл Маркс» труппасига киради. Уч-тўрт йил ишлаб, кейин яна Қўқон шаҳрига жўнайди. 1929 йили янги тузилган Ишчи давлат театрига артистка бўлиб келишга розилик беради. Яратган образлари билан танилиб қолган Маруся хоним бизга, Ҳамзанинг куйди-пишдилиги ҳақида ҳикоя қилиб беради. Худди шу йил, яъни 1929 йил март ойида Шоҳимардонда, Ҳамза Ҳакимзода ваҳшиёна ҳалок этилган эди. Ҳамза акани кўриш иштиёқида бўлсак ҳамки, бироқ дийдор кўришмоқ бизга насиб бўлмаган эди-да.

«Хужум» спектаклида Маруся хоним чорикор Аҳмаджоннинг тантиқ хотини ролини жуда юксак маҳорат билан бажарди. Айниқса эрига (бу ролни артист Соат Орифов бажарарди) маслаҳати, қизи (бу ролни Сора Аҳмаджонова ўйнади)га оналарча қилган насиҳати, эшоннинг жазавага тушиб зикр тушгандаги, беихтиёр кўшилиб зикр тушишлари, залдагиларнинг қаттиқ кулгиси ва артисткага қойил қолишига сабаб бўларди.

Биз залда ўтирганлар: «Эҳ-ҳе, биз қачон шунақа артист бўламиз-у» деб ҳавас қилар эдик. Кун ўтган сайин, бу усталикни амалда кўрган сайин, биз театрга янги кирганлар, Маруся хонимни ўта ҳурмат қиладиган бўлдик. Дастёри беминнат сифатида биронтамизга бирон иш буюрса, жон-жон деб бажарар эдик. Айниқса ёш артисткалар Маруся хоним пинжига кириб олишди.

Маруся хоним тажрибали артистка, ҳаммамиздан ўн-ўн икки ёш катта эди. Лекин ҳамма қатори бутун оғирликларга, ярим оч қолишларга бардош беради. Гастролга борган шаҳарларда, битта «кекса, тажрибали артистка» учун шаҳар меҳмонхонасидан жой топса бўларди. Маъмурият таклиф қилганда ҳам, номерга бормасди. Биз билан бирга чойхонада ётаверарди.

Баъзи спектакллардан бўш бўлса, концертда айтадиган битта «Наманганнинг олмаси ҳил-ҳил пишибдур» ашуласи учун 20—30 чақирим жойга, аравада боришдан эринмасди. Баъзан ҳазиллашиб биронтамиз: «Нима қиласиз Маруся опа, борадиган жойимизда босмачи бор эмиш» десак, «қани ўша босмачинг, менга рўпара

қилиб қўй, тити-питисини чиқариб юбораман» деб, ҳаммадан олдин аравага чиқиб оларди.

«Ҳалима» спектаклида у киши Холжонхола дастурхончини ижро этарди. Ўз ихтиёримиздаги артисткалар билан Ортиқбой билан Ҳалималар тўйини ўтказиш иложи йўқ эди. Қайси шаҳарга бормайлик, ўзбек хотин-қизлари ўқийдиган мактаб, билим юрти ёки бирон артелдан кўпчилик саҳнасига қатиштириш учун қизларни тақлиф қилардик. Шу қизларни тўй картинасига тайёрлаш вазифаси, одатда Маруся хонимга юкланарди. Содда-содда қизлар кечгача таппа-тайёр, «пухта артисткалар» даражасига кўтарилиб қолардилар. Таван улашиб олиш, тортишмачоқ, ўйин, рақслар жуда ҳам жонли чиқарди. Икки-уч соат ичида қандай қилиб бундай натижага эришарди, биз бундан хабарсиз эдик, албатта. Бу Маруся опанинг сирү асрори эди.

1932 йил, Ишчи давлат театри тугатилгач, Маруся хоним «Ҳамза» театрига ўтди ва умрининг охиригача шу театрда ҳалол меҳнат қилди. Қатор образлар яратди.

Маруся хонимнинг яратган образлари ичида яхлит, эсда қоладиганлари жуда кўп эди, «Бой ила хизматчи» (ҳам спектакль, ҳам шу номли фильм) даги Ҳожи она, «Шоҳи сўзана» даги икки ёқимтой кампирлардан бири Холнисо, «Сепсиз қиз» даги Оғудалова, «Егор Буличев ва бошқалардаги» ўтмиш даврнинг мудҳиш вакиласи Меланья, «Момоқалдироқ»даги Кабаниха, «Оғриқ тишлар»даги Зухра хола каби роллари таҳсинга лойиқдир.

Ҳожи она ўз таъбирича, беш вақт намозини қанда қилмаган, икки бор ҳаж қилган, батавфиқ, художўй аёл. Маруся хонимнинг овози баланд эди. Ҳожи онанинг саҳна орқасидан: «Ким бор? деган овози, ҳозир саҳнага баджаҳл, ҳукмрон, шафқатсиз бир аёл кириб келишидан далолат берарди. Бу ролни Ўзбекистон халқ артисткаси Замира Ҳидоятлова ҳам, Маруся опа билан галма-гал ўйнашарди. Замира опа ҳам бу ролни жуда катта маҳорат билан бажаради. Бироқ Маруся хоним саҳнага кириб келар экан, бир даҳшат кириб келаётгандай бўларди. Ута кибор, ўлгудай эрка, инжиқ, баттол, инсон қиёфасини йўқотган, ҳаётда артист бўлиб ўйнайдиган мунофиқ, чақимчи, ўзидан бошқа ҳаммани ёқтирмайдиган ҳақиқий «шум кампир» бўлиб гавдаланарди. Ҳамма инсонлар, айниқса шарқ халқлари кексанинг ҳурматини бажо келтириш ва эъзозлашга жуда ҳам ёшликдан ўргатилади. Бироқ залда ўтирган ёшми, қарими, эркакми, аёлми, кекса Ҳожи онани кўришдан ҳазар қилади, хотинлар баъзан очиқдан-очиқ сўкиб-қарғайдилар. Маруся хоним ижросида Ҳожи она, афсоналардаги ситамкор девни ёслатарди. Биринчи пардада ўз феълү атворини очишга қурби етган артистка, уни охиригача фош қилиб борар ва залдагилар қалбига «шундай замондан қутилдик-а» деган, ёки «қайин она ёки

қайин ота бўлсам шу Ҳожи онага ўхшамай, шафқатли, меҳрибон бўлай» деган яхши орзуга сабаб бўларди.

Зеро санъатнинг шифобахшлиги, инсон қалбига таъсир кўрсатиб, озодликка, яхшиликка етаклаш вазифаси ҳам шунда, албатта.

Қизиқ, шу аёл, шу артистка эртаси кун кечқурун Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» асарида, Ҳожи онанинг тамом теска-риси, раҳмдил, ширинсўз, ўз ҳуқуқи ва жамоат олдидаги бурчини илм олиб эмас, балки саводсиз, ўқимаган, лекин Совет замонасининг афзалликларини уққан «жужур» Зуҳра хола образини ба-жарар эди. Чаласавод бўлса ҳамки, замон талабини тушунадиган бу аёлни ҳамма томошабин, бир хилда севиб қоларди. Тамомила ўзга бир қиёфага ўтиб олиш қобилияти, ҳар қандай артистнинг қўлидан келавермайди. Бугун бир хил, эртага иккинчи, индинга учинчи хил феъл-атвор (характер) топиш, ўта талантга эга, аб-жир, ўз гавдаси, ўз тили, ўз фикрини хоҳлаган томонга буриб юборишга қурби келадиган артистни «талантли артист» деб атай-миз. Маруся опа чинакам талантли артистка эди. Ўзбек санъатига ўттиз тўққиз йил ҳалол меҳнат қилган, ўзбек элида туғилиб, шу эл олқишига сазовор бўлган, чинакам онахон, чин инсон эди. Ма-ҳалла аҳли, дегрезликлар Маруся хонимни жуда ҳам яхши кўри-шарди, ҳурмат қилишарди. Шу аҳли маҳалланинг талаби қондири-либ, Маруся хоним яшаган кўча «Марья Кузнецова» деб аталди.

САҲНА ФОЗИЛИ

Етим аканинг асли исми Фозил. Саводсизлик касридан азоб чеккан қосиб Бобожон ота, бу ўғлига, ўқимишли, фозил, оқил бўл-син орзусида шу номни берди. Бироқ ўгли мулла, домла-имом ёки қози сифатида фозил бўлгани йўқ. Лекин совет санъатининг фози-ли бўлиб етишди. Жумла-мўминга танилди. Зўр обрў, баланд ҳурмат орттирди. Фозил сифатида, саҳнадан «ҳаёт илми»дан дарс берди. Дилгирлар руҳини кўтарди. Ҳаёт оқимида жузъий иллатлардан холи бўлмаганлар дилига иллатлардан қутилиш иштиёқини жойлади. Бу артист, ўткир режиссёр ўйнаган роллари, қўйган спектакллари, айнан ҳаётдан олинар эди. Етим ака чин маъноси билан реалист санъаткор эди.

Нима учун «етим» бўлиб қолган? Ҳар хил ривоятлар мавжуд. Етим аканинг, Сайфи Олимов, Шокир Нажмиддиновларнинг ҳи-қояси ҳақиқатга яқинроқдир.

1918 йилларда ўн тўртдан ўн бешга қадам қўйган Фозилжон мактабга кириб ўқийди ва Ёски жўвадаги «Тўрон» тўдаси атро-фидаги идора ва дўконлар олдини бозор тарқагандан кейин супу-риб, ёз пайтларида сув сепиб чиқиш керак эди. Отага қарашмоққа

мажбур бўлган Ғозилжон, кичик бир маош билан, шу ишга кирган бўлади.

«Тўрон» тўдасининг аъзолари, ишдан кейин тўпланишар ва янги спектаклни машқ қилишар эди. Ғозилжон супуриб-сидириб, сув сепиб бўлиши билан, юз-қўлини ювиб, аста, оёқ учида юриб, машқ бўлаётган зал остонасида пайдо бўларди.

Артистлар тарқашга бошлаганларида, у ҳам жўнаб қоларди. Авваллари артистлар бу ўспирин йигитга эътибор қилмаган бўлсалар, кейинчалик, диққат билан уни кузата бошладилар. У ҳар кун и келарди, эшик кесакисига суянганча, икки-уч соат турарди. Эрикмасди. Эътибор берсалар, йигитчанинг ҳуши оғиб калласини бир томонга тушириб, худди етимчалардек маъюс турарди. Шу йигитча бетоб бўлиб қолдими, ё бўлак сабаб биланми, кўринмай қолди. Артистлар шу қадар ўрганиб қолишган эдиларки, унинг кўринмай кетганига ҳайрон қолишди. 3—4 кундан кейин, машқ вақтида яна кўриниб қолди. Шунда артистлардан Обид Жалилов Оғага қараб, йигитга эшиттирмай, «ана Оға, Етим келди» деди. Кейинчалик Ғозилжон театр составига киргандан кейин: «3—4 кун йўқ бўлиб кетдинг, касал бўлиб қолдингми?» — деб берилган саволга, Ғозилжон: «Йўқ, касал бўлганим йўқ, мактабдаги ўртоқларим билан «Ғарғона фожиаси»ни тайёрлаган эдик, ўша томошани қаторасига тўрт кун кўрсатдик, банд бўлиб қолдим» деб, жавоб қилган эди.

Шу 1919 йил кузроғида бу муҳим ҳавасни гувоҳи бўлган Оға, Обид Жалилов, Ғатхулла Умаровлар Ғозилжонни театрга қабул қилади. Етим Бобожонов жон-дили билан ишга киришиб, ҳар 5—6 кунда тайёрланиб, халққа кўрсатиб турилган спектаклларда қатнаша бошлайди. Тажрибадор артистлар ичига сингиб кетади. Труппага қабул қилганлар, пушаймон бўлишмайди. Етим Бобожонов фақат яхши артист эмас, хушчақчақ, шалдир-шулдур, юморга бой, фармонбардор, куйди-пишди, ҳар нарсага йўқ демай, ноз қилмай уриниб кетаверадиган, ҳокисор йигит экан. 1924 йили ташкил топган Москвадаги студияга жўнайдиганлар рўйхатининг бошида Етим Бобожонов фамилияси турар эди. Абжир, тиришқоқ йигит эканини, келажаги порлоқ артист эканини тушунган Оға, бу номзодни ёқлайди ва Москвага олиб кетади. Кузатувчилик хусусияти, сабр-бардоши мустаҳкам бўлган Етим Бобожонов, ҳамма дарсларга актив қатнашади, қунт билан ўқийди ва шу билан бир қаторда Басов, В. С. Канцель, Р. Н. Симонов, Иосиф Толчанов, Л. Н. Свердловларнинг машқ қилдириш усуллари қунт билан кузатиб боради. Уларнинг режиссёрлик фазилатларини қалбига тугарди. Ундан ташқари, бўш кунлари, кечки ёки якшанба кун и кундузлари кўрсатиладиган спектакллари, қарийб қанда қилмай кўрарди. Рус тилини пухтароқ ўрганишга интиларди. Театр ҳақидаги адабиётни топиб, мустақил ўрганарди.

Ниҳоят, 1927 йили студияни тугатиб Ўзбекистонга қайтган студиячилар, томошабинларга ўша Москвада таҳсил олаётган пайтларида тайёрлаган «Маликаи Турандот», «Ревизор», «Ерқиной», «Хужум» каби спектакллари кўрсатдилар, ҳисоб бердилар.

Шу 1927 йилга қадар бўлган театр иши усулини ҳаваскорлик, тақлидчилик деб атасак, хато бўлмайди.

Бу студия қисқа фурсатли бўлишига қарамай театрчилик санъатимиз тарихида, катта ва фойдали ўринни эгаллайди. Студия юксак рус санъатининг ҳаётбахш намуналари, буюк намояндалари билан 25 кишилик ўзбек санъатининг пешқадамларини таништиradi. Станиславский, Качалов, Москвин, Книппер — Чехова, Пров Садовский, Тарханов, Рубен Симонов, Хмелов, Абрикосов, Баталов (машҳур кино артисти Баталовнинг отаси), Игорь Ильинский, Кторов каби улуғ талантлар ижросида МХАТ, Малий театр, Вахтангов, Тайилов театрларининг спектакллари мириқиб кўрдилар. Ҳақиқий санъат намунаси, андозаси қай хилда бўлиши билан яқиндан танишдилар.

Етим аканинг артистлик ҳунарини эсласам, дарҳол кўз ўнгимга мен ҳали театрга кирмай кўрган «Маликаи Турандот» даги Алтоум подшоҳининг ҳарбий вазири, тўрт маскадан бири, дудуқланиб сўзлайдирган, Бригиланинг кийим, афт-ангори, қисқаси, дўндириб бажарилган роль ва уни дўндириб бажарган Етим Бобожонов сиймоси гавдаланади.

«Ҳарбий вазир»нинг оёқларини кериб ташлаши, гавдасининг савол аломати сингари қайрилиб кетгани, нарвон шотисида ўтириб олиб тарвуз ейишлари, сира-сира кўз ўнгимдан кетмайди.

Етим ака кўса эмас, сийрак соқол, юзи тўлиқ, қорин қўйган одам эди. Бу, шу спектаклда Тарталья ролини ўйнайдиган Ҳожи Сиддиқ учун, унинг саҳнада қиладирган аскиясига тема бўларди. Улар ўзаро жуда қалин дўст, ҳазилкаш эдилар. Етим ака ҳозиржавоблик билан Ҳожи аканинг аския ва қочириқларига лойиқ жавоб топишга қодир юморист эди. Ташқи тузилиш жиҳатдан хийла гирдиғум одам эди, лекин «Ерқиной»даги «кал» ролини бажарганини кўрган одам «қушдай учадия» дейишга мажбур бўларди. Чунки шундай эпчил, шундай энгил кўчардики, ҳар қандай киши ҳайрон қоларди.

«Арслон» асарида икки кўзи кўр, жабр-ситамга бардош бера олмаган деҳқон ролида кўрганлар, уни «тепса-тебранмас» дейишга мажбур эдилар. Жулдур кийинган бу деҳқон ҳар қандай бўронга кўкрак тутиб, уни писанд қилмайдиган салобатли тик қояни эслатарди. Кўрларга хос қадам ташлаш, ҳасса билан ер танлаш каби, ролни ҳақиқатга ёндоштирадиган деталлари артист Етим Бобожонов жуда кўпини топган ва ишлатган эди. Излайдиган, қидиришдан эринмайдиган, ролни меъёрига етказмагунча тинчимайдиган жафокаш артист эди Етим ака.

Ҳаётни кузатадиган, разм солиб керакли ҳодиса ёки кичик воқеани эсида сақлаб қоладиган, фантазияси зўр, ўзбек урф-одатларини туб-томиригача билган, артистга ҳукм ўтказиш эмас, балки тўғри йўлга солиб юборишга қодир режиссёр эди.

Театр маъмурияти Етим Бобожоновга Д. Фурмановнинг «Исён» спектаклини саҳналаштиришни таклиф қилди. Етим Бобожонов бу асардаги граждaнлар уруши даврига таалуқли муҳитни кўрмаган, иштирок этмаган, бироқ Етим ака шундай адабиётларни топиб ўқидики, умумий тасаввурга эга бўлди. Дадиллик билан ишни қизитиб юборди. Саҳнани қандай безаш, қайси актёрни қаерда турғазиш, ўтқазиш масаласини иккинчи планга қўйиб, образларнинг тўлақонли, пухта бўлишига кўп эътибор берди. Кўпчилик қатнашадирган саҳналарнинг ёрқин ифода этилишига диққат берди ва уддалади. Кимсан Аброр Ҳидоятловга кичик, фақат бир пардада қатнашадирган қозоқ бийи Қўқинбойни берди. Уни саҳнага ўтказиб қўйиб, артистдан жуда кам ҳаракат ва кам қимирлашини талаб қилди. Хато қилмасам, Аброр акамнинг саҳна таъбирича, характерли тушунчасидаги биринчи роли эди. Аброр ака бу ролни «золим бой» эмас, дойим иршайиб турган, сиртқи жиҳатдан «сокин», аслида эса, ғоят дақшатли инсон қилиб яратди. Ролнинг муваффақияти ва узок йиллар эсда қолашли бўлиб этилишида постановкачи Етим Бобожоновнинг ҳам ҳиссаси катта; Етим Бобожонов менга шу ролни раво кўрибди, деб иш бошланишида ичидан гина қилган Аброр Ҳидоятлов, спектакль ва Қўқинбой образи муваффақиятли чиққанидан кейин, роса қувонган, Етим акага миннатдорчилик билдирганди.

Комил Яшиннинг «Тор-мор» асарини саҳналаштириб, режиссёр сифатида катта ижодий меҳнатини халққа тақдим этиб, Етим ака ўзининг, умид боғласа арзийдирган, пухта режиссёр эканини намойиш этди.

Етим ака кўп ўтмай, Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асарини қўйди. Фердинанд билан Луизия муҳаббати, Вурмнинг қабиҳ макри, ғоятда мураккаб, пишиб-қиёмига етган саҳналар воситаси билан очилди. Немис қизининг эрта тонгдаги шабнам томчисидай соф муҳаббати, унинг тақдири ўзбек томошабинига тўла этиб борди. Охирги пардада залда пиқ-пиқ йиғи овози эшитиларди.

«Ҳамза» театри, дунё халқларининг тақдири, озодликка интилиши, тинчлик истиши каби темаларни ўз саҳнаси орқали меҳнаткаш оммага таништира борди. Жаҳон классик драматургиясининг ноёб асарлари, ҳали таржима қилиб босилмаган эди. «Ҳамза» театри тап тортмай, зўр масъулият билан, бундайин асарларни таржима қилдириб, ўз халқига инъом қилаверди. Жаҳон адабиёти ҳазинасига, ўз мухлисларини бошлади, бебақо дурдоналар билан таништирди. «Макр ва муҳаббат» ҳам шу дурларнинг биттаси

эди. Етим ака уста заргар сингари, бу дурни, зўр жило бериб кўрсатди. Такрор айтиш керакки, Етим ака режиссёр сифатида, асардаги инсонлар, уларнинг мақсади, хатти-ҳаракати ва ўз мақсадларига қай йўл билан эришмоқчи, шу мақсадга эришгани ва эриша олмаганини образлар тақдири ва уларнинг инсоний сифатларини яққол кўрсатиш билан эришар эди. Етим аканинг пухта режиссёрлик сирини ҳам шунда эди.

«Бой ила хизматчи» асарининг тарихи ҳозир ҳаммага маълум. (Ҳамза Ҳакимзоданинг бу асари аввал уч кўринишдан иборат бўлган). Ҳамзанинг содиқ шоғирди Комил Яшин, шоирнинг бўлак асарларидаги ҳодисалардан саҳналар, жумлалардан фойдаланиб, 1939 йили театрға «Бой ила хизматчи»нинг, қайта ишланган нусхасини топширди.

Бу асарни саҳналаштириш вазифаси, Етим Бобожоновга юклатилди. «Бой ила хизматчи» ҳақида кўп мақолалар ёзилган. Лекин инсофан тан бериб айтиш керакки, бу спектакль билан Етим Бобожонов, ўзига ҳайкал қўйиб кетган. 34 йилдан бери репертуардан тушмайди. Яқинда биз бу спектаклнинг 650 марта қўйилишини нишонладик. Ҳар йили «Бой ила хизматчи» спектакли билан янги мавсумимизни бошлаймиз ва шу спектакль билан мавсумимизни тугаллаймиз. Икки бор Москва гастролларимизга олиб бордик, москваликларга ғоят маъқул бўлди.

Қаерга бормайлик гастролларимизни ҳам шу спектакль билан бошлаймиз. Чунки «Бой ила хизматчи» Ҳамза асари. Театримиз Ҳамза номида. Энг муҳими шундаки, бу спектакль ўзининг бадиийлиги, пухталиги, образларнинг ранг-баранглиги билан, артист-артисткаларнинг роль бажариш маҳоратлари билан, жуда кўп спектаклларимиздан устун туради. «Бой ила хизматчи» бутун коллективнинг ижодий маҳоратини яхлит кўрсатадиган санъат намунасидир. Жамила образини олинг, Ғофир-чи, Солихбой-чи, Хонзодани айтинг, қози, мингбоши, Ҳолмат, Ҳожи она, Гулбаҳор, Пошшойим, имом, элликбоши ҳатто дастурхончи Сифат биби, буларнинг ҳар бири бир бойлик, артист яйраб, керилиб ижро этадиган образдир. Бу спектаклда мақсад, ўзаро муносабатлар аниқ. Бекам-кўст спектакль.

«Бой ила хизматчи» узоқ фурсат тожик драма саҳнасининг ҳам кўрки бўлиб турди.

«Бой ила хизматчи»нинг бунчалик обрў қозонишида режиссёр Етим Бобожоновнинг хизмати, ҳиссаси каттадир.

Етим ака оғир касалликдан кейин, 1957 йили 54 ёшида вафот этди.

Ўзбекистон халқ артисти унвонига, «Ҳурмат белгиси», Ленин ордени кўкрагини безаган, софдил коммунист, ажойиб инсон, устозимиз, яқин ғамхўр дўстимиз Етим ака Бобожоновнинг ёрқин сиймоси ҳар қачон кўз ўнгимизда.



Етим Бобожонов.

МУРАББИЙЛАР

Менимча «Ҳамза» театри тараққиётига ўз улушини қўшган, озми-кўпми фурсат бизнинг театрда режиссёр сифатида ишлаб кетган режиссёрлар ҳақида фикр юритиш ўринлидир.

Свердлин Л. Н., Канцель В. С., Симонов Р. Н., Басов, И. Толчановларнинг Москвада очилган ўзбек драмстудияси ўқиш йилларида қанчалик зўр ҳиммат билан, ўз билимларини ва тажрибаларини сингдирганлари ҳақида, юқорида тўхтаб ўтдик. Алексеев, Воронов, Амантов, Девишев, Камол-И, Ҳилолов, Чиркин, Н. В. Ладигин ҳамда қадрдонимиз, марҳум Александр Осипович Гинзбургларнинг номларини баланд ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз ўз тараққиётимизда улардан олган сабоқларимизни сира-сира унутмаймиз.

Юқорида номлари зикр қилинган домлаларимизнинг қилган постановкаларидан фақат А. О. Гинзбургнинг постановкалари репертуаримизда сақланиб қолган. Театрнинг яратган асарлари, вақти келиб, ўз ишини қилиб, саҳнадан тушиб кетади. Бу масалада кинофильмининг афзаллиги киши ҳавасини келтиради. Айни шу кунларда йигирманчи йилларда экранга чиқарилган фильмларни кўриш имкониятига эгамиз. Театр санъати, афсус, бу имкониятдан маҳрум. «Турон» тўдаси ёки Карл Маркс номидаги труппа даврига оид лоақал биронта фотосурат ҳам бизгача етиб келмаган. 40-50 йилларда қўйилган бир талай спектаклларимиз, лоақал фотосуратга олинмаган. «Ёндирамиз», «Тор-мор», «Қалтис ҳазил», «Май тўкилди», «Аваз», «Шамси Қамар», «Пахта шумгиялари», «Рустам» каби ёки Алексеев саҳналаштирган спектакллардан «Портфелли киши», «Ван-Ши-Бин», Воронов саҳнага қўйган «Шодлик кўчаси», Девиншев саҳналаштирган «Қўзибулоқ қишлоғи» каби спектакллардан, лоақал афишалар ҳам сақланмаган.

Лекин шу спектаклларда иштирок этиб, рус санъаткорларининг тажрибасидан баҳраманд бўлган артист-артисткаларимиз ҳали барҳаёт, улар, сидқидилдан кўмак берган, ижодий даражамиз, маҳоратимизни кўтаришга ёрдам берган режиссёрларимиз номини, ардоқлайдилар.

* * *

Аброр ака билан Сора хонимларнинг катта ўғли тарих фанлари доктори, Ҳидоятловнинг исми «нима учун Гога?» деб ҳайрон қоладиганлар ҳам бор.

Сора хоним «Портфелли киши»даги ўсмир бола Гога ролини ўйнаган. Жуда яхши ўйнаган. Сора хоним мана шу ролни ижро этишда, ўзининг умид боғласа арзийдирган, камол топиши муқаррар артистка эканини тасдиқлай олган. Айни шу спектакль муваффақият билан қўйилиб турган йиллари ўғил кўрган, чақалоққа Гога номи берилган.

Иккинчи ўғиллари Темур номи ҳам спектаклга боғлиқдир. Бу гал номни Аброр акам қўйган. Худди шу йиллари Аброр ака «Тарих тилга кирди» асарида Темур ролини ўйнаган эди.

Воронов қўйган «Шодлик кўчаси»да Англиядаги ишчилар ҳаракатининг тобора зўрайиб бораётгани тасвирланарди. Уша пайтларда артистларимиз дунёда бўлаётган ҳодиса ва ўзгаришлардан ҳозирдагидек тўла хабардор эмас эди.

Воронов Англиядаги аввалги тузум, ҳозирги шарт-шароит, муҳит, иқлим ҳақида кўп воқеалар, ҳодисаларни яққол далиллар билан айтиб берарди. Шахсан мен В. Шекспир ҳақида эшитган

бўлсам ҳам, лекин Шекспирнинг Англияда туғилгани, ўттиз етти-та саҳна асари борлиги, унинг хотини Юдиф ўзидан етти ёш катта бўлганини, шу ҳурматли Вороновдан эшитганман. Бир мен эмас, ўша пайтда, бу сўзлар, кўпчилик ўртоқларим учун янгилик эди.

Ҳамма ёққа довруг солган спектаклларимиздан «Отелло»ни Огам билан биргаликда саҳналаштириб, кўпроқ куч ва билим сарф қилган режиссёр Н. В. Ладигин бизнинг театрда узоқ йиллар ишлади. Ўзбекистон халқ артисти унвонига эришди. «Ҳамза» мукофотининг лауреати бўлди. «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. «Милтиқли киши», «Рус масаласи», «Қароқчилар», «Қиrol Лир» спектаклларини ғоят зўр маҳорат билан саҳналаштирди. Масалан режиссёр Девишев «Ҳамза» театрида Лопе де Веганинг «Қўзибўлоқ қишлоғи» спектаклини саҳналаштирди. Ишчи давлат театрида «Парвоз» ни қўйди. Режиссёрликдан ташқари Девишев артистларимизнинг ҳаётдаги, сиртқи қиёфасига назар ташлаб юрар ва европача либосни қандай кийиш, галстукни қай хилда богласа силақ чиқиши, туфлини тоза тутиш, қисқаси, олифта бўлиб юриш эмас, балки камтарона, озода ва мавсумга қараб кийинишни уқтирарди. Европаликларга хос хусусият: хонимлар қўлини ўпиш, уларни олдин ўтказиб юбориш, зинапоядан кўтарилаётганда аёл кишининг орқасидан юриш, тушиб келишда, аксинча, аёл кишидан олдинда юриш, овқат таомил қилиш каби нозик қоидаларни, саҳнада учраб қолиши мумкин бўлган таомилларни ўргатар эди. Шуни айтиш керакки, ўзи намуна бўлишга арзийдирган даражада яхши кийинар, Европача қонун-қоидаларни ўрнига қўяр эди. Соқоли озгина бўлса ҳам ўсиб қолган артистни ёқтирмасди.

«Ҳамза» театрига келиб энг кўп фойдали ижодий-ижобий иш қилган режиссёр ким? — деб коллективимиз аъзоларидан сўрасангиз кексаси ҳам, ёши ҳам, ҳеч шубҳасиз, Александр Осипович Гинзбург номини тилга олади.

Александр Осипович ўта камтар, серғайрат, дадил, иш пайтида отасини танимайдиган, ўзи интизомли ва ўзгалардан ҳам иш вақтида қаттиқ интизом талаб қилувчи ўта талантли, маърифатли, ғамхўр чин инсон эди. Овқат ейиш, соқол олиш, ҳатто уйку соатлари унинг назарида, бекорга сарф бўлаётган умрдай туюлар эди. Фикри-зикри театр. Фикри-зикри театрга аталган бирон янгилик яратиш, феъли, хулқи, одам охунлиги, ҳокисорлиги, тўқнашган кишисини оҳанграбодек ўзига тортиб оларди. Яхши режиссёр, яхши педагог эди. Кексаларни ҳурмат қилиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қўлтиқлаш ҳунарни, шу Александр Осиповичдан ўрганган киши ҳеч қачон панд эмасди. Унинг сажда қиладирган тушунчаси иккита эди. Бирини янгилик, иккинчиси ҳаққонийлик. Ўз ижодий ҳаётини шу икки тушунчага бўйсундирган эди. Дарҳақиқат шу икки тушунча, ҳамма тушунчаларни ўз ичига қамраб олган.

Санъатнинг ҳақиқийлиги, санъатнинг партиявийлиги, бадийлиги, кўрсатилаётган ҳодисаларнинг ҳаётийлиги, халққа тушунарли бўлиш ва ҳоказо ва ҳоказолар, шу икки тушунчанинг самарасидир, албатта.

Авторлар билан, актёрлар билан бирга ижод қилар, маслаҳат берар экан, унинг бутун талаби мана шу юқорида айтилган икки тушунча юзасидан бўларди. Биз бу икки тушунча, санъатдаги энг муҳим омиллар эканига амин бўлардик. Кўп вақт ўтмай, бунинг ижобий самарасини амалда кўрардик. Ажойиб хусусиятларидан, энг муҳим хусусиятларидан яна бири, билмаган нарсани, ҳатто ёш артистдан ҳам сўраб билишни, айб деб ҳисобламасди. Коллектив фикрини уйғотишга, ишга солишга, спектакль яратишда баб-баравар қатнашишга даъват қиларди. Ҳар бир иштирокчининг фикри, тушунчасини охиригача зўр эътибор билан тинглар, ёқса — олар, ўринли бўлмаса — бу ўринсиз фикр эгасидан кулмас, балки бу фикри нима учун тўғри эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Театрдаги катта-кичик — ҳамма уни «домла» деб атарди. Бизни қойил қиладирган хусусиятлардан яна биттаси шуки, ўзбек тилидаги бирон сўзни нотўғри оҳангда айтиб қўйгудек бўлсак, шу ғализликни дарҳол сезар ва «менимча мана бундай айтиш тўғри бўлар» деб, қандай айтиш оҳангини айтиб берар, биз тажрибадор артистларни ҳайратда қолдирарди.

Хатти-ҳаракатимизда жиндай ғализликни сезса, «эртага тузатар» деб қўйиб бермас эди. Шу онда тўхтатиб, лозим бўлган хатти-ҳаракатимизни қайта машқ қилдириб, кейин машқини давом эттирарди.

Саҳна учун яратилган, туғма талант, кўп нарсани биладирган, дунё ҳаётидан хабардор, кузатувчи, маданиятли, суҳбати ширин жуда ҳам ёқимтой одам эди домламыз А. О. Гинзбург.

«Денгиздагилар шарафига», «Джон — тинчлик солдати» (Етим ака билан биргаликда), «Ромео ва Джульетта», «Любовь Яровая», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Бир севги афсонаси», «Юлий Цезарь», «Шоҳи сўзана» (Тўла Хўжаев билан биргаликда), «Оғриқ тишлар», «Ревизор», «Қонли сароб», «Тобутдан товуш» ва бошқа кўпгина асарларни атоқли режиссёр усталик билан саҳнага қўйган.

Совет давлати билан Ҳиндистон халқи ўртасидаги муносабатлар тобора яхшиланиб бораётганда, Александр Гинзбург Робендранат Тагорнинг «Ҳалокат» асари асосида «Ганг дарёсининг қизи» номли асарни инсценировка қилиб саҳналаштирди. Ғоят ҳаққоний ва баланд руҳли бу спектакль ўзбек томошабининини ҳинд халқининг урф-одати ва машаққатлари билан ошно қилди, ғоят манзур бўлди.

Жазоир халқининг озодлик учун олиб борган мардона курашини, француз колониячиларига қарши исёнини тасвирловчи Жазоир

адиби Муҳаммад Дибнинг «Катта уй» романидан «Жазоир менинг Ватаним» номли спектакль инсценировкасини ёзиб, саҳнага қўйди. Бу спектакль Жазоирдаги революцион ҳаракат галаба қилмаган пайтда қўйилди.

«Туркия ҳақида ҳикоя»да артистлардан ташқари умумий саҳналарга қатнашадиган ёш болалар лозим бўлиб қолди. Театрнинг рўпарасидаги ҳовлида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулҳақ Норбоев истиқомат қиларди. Унинг тўрт боласи бўлиб, энг каттаси шу кунларда саҳна ва экранимизнинг ҳусни бўлиб танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка унвонига сазовор бўлган, Светлана Норбоева 9—10 ёшлар чамасида, ука ва сингиллари жуда ҳам ёш эдилар. Светлана бир кўринишда жулдур кийимда икки укаси билан, қўлларини узатган ҳолда «хайр қилинг амаки, хайр қилинглар» дея зорланишар эди, укалари Светланага зўрға-зўрға қўшилишар эди. Нозик ниҳол Светлана, бу саҳнани шу қадар тўғри ифода этар ва халқ диққатини ўзига тортар эдики, унинг қоп-қора жавдираган кўзларидаги илтижони кўрган одамнинг ҳўрлиги келмай иложи қолмасди. Светлана у пайтда артистка эмасди. Лекин «бу майин қизнинг артистка бўлиши муқарар»,— дерди А. О. Гинзбург.

Марҳум Ҳамидулла Икромов жуда кўп саҳна декорациясини ўйлаб топган ва ҳар жиҳатдан меъёрига етказа оладиган таланти расм эди. У асар устида ишлар экан автор ғояси, режиссёр талқини тўғри ифодасини топиши учун, катта ҳисса қўшарди. Унинг декорациялари асарга мос бўлиши билан бир қаторда, шу спектаклни қўяётган режиссёрга, шу спектаклда ўйнаётган артистларга ўнгай ва қулай майдончалар, паст-баландликларни ахтариб топарди. «Жазоир — менинг Ватаним!» спектаклининг декорацияси Ҳамидулла Икромовнинг узоқ йиллик тажриба ва изланишларига яқун бўлди.

Жазоирдаги жуда кўп оила истиқомат қиладиган катта ҳовлининг хароб ҳолга келиб қолгани, тўкилиб кетаётганини расм эўр маҳорат билан ясаган эди. Икки-уч қаватли абгор хона-хоначалардан иборат катта уй, ҳаддан зиёд қоронғи ва кишини ваҳимага соладиган зах ҳужра ва ҳужрачаларни эслатарди...

Бу декорацияни яратишда расм Х. Икромовга А. О. Гинзбургнинг ижодий ёрдами катта бўлган.

Драматургларимиз Александр Осипович билан ҳамкорликда кўп марта бирга ишлашганлар. Асарларининг саҳна вариантини яратишда унинг тажрибасидан, самимий, беғараз, ўринли маслаҳатларидан фойдаланганлар.

1971 йилда У. А. Сафроновнинг «Лабиринт» асарини қўйди. Асардаги тема гоят муҳим. Вьетнам халқининг мардонавор курашига багишланган бўлса ҳамки, асар анча тарқоқ эди. Бизни яна

қойил қолдирган нарса шу бўлдики, у, бир талай янгиликларни ўйлаб топди. Бир бутун спектакль ҳолига келтира олди.

Уйғун домланинг «Парвоз» асари димоги кўтарилган, халқин менсимай қўйган кишиларга яхши сабоқ бўлди. Бундай иллатга дучор бўлган кишилар колхоз ҳаётидан таг-томири билан юлиб ташланиши лозимлиги баралла, баланд овоз билан янгради. Бу спектаклни ҳам А. О. Гинзбург қўйган.

1972 йилда СССРнинг ташкил топганига 50 йил тўлиши арафасида Яшин ака «Инқилоб тонгги» асарини театрга тақдим этди. Асар ғоят пухта, янги-янги образларга бой. Содир бўладирган ҳодисалар ҳам ранг-баранг ва бадий жиҳатдан юксак эди.

«Инқилоб тонгги» ҳам ҳажми жиҳатдан катта асар эди. Александр Осипович автор билан ҳамкорликда жадал иш олиб бориб асарнинг сахнавий нусхасини яратдилар.

Александр Осиповичнинг ташкилотчилик қобилияти шу спектакль устида иш олиб борганида, яна ҳам яққолроқ кўринди. Улуғ айём кунларга жуда оз муддат қолган эди. Декорация ва либослар эса, ғоят мураккаб эди. Декорациянинг ўзига сарф бўлган чий духоба тўрт минг метр. Масала сарфида, харажатида эмас. Уни бичиб-тикиш, рамкага тортиш, бўйаш, хуллас, ҳаммага ҳам иш топилаган эди.

Ун икки сахна ва бир талай эпизодли «Инқилоб тонгги» асарини йигирма тўрт иш кунинда зўр муваффақият билан чиқишида А. О. Гинзбургнинг ғайрати, меҳнати, улуши каттадир.

Тўғри, асар қисқа фурсатда қўйилди, лекин спектакль сифати ҳисобига эмас. Талабчанлик, интизом ҳамда коллективнинг фидо-корона туриб бериши туфайли, яхши натижага эришилди.

Кўп фурсат ўтмади. Домла ҳинд афсонасига тааллуқли Калидаснинг «Шакунтала» асарини рўёбга чиқарди. Бу, апрель ойида эди. Александр Осиповичнинг кўзи хаста эди. У кўзини операция қилдириш учун Москвага жўнади. Биз Бухоро ва Душанбега бўладирган сафаримиз олдидан, май ойида, у билан яна учрашдик. У жуда қувониб, фақат 15 процент кўришга имкони қолган кўзлари энди ёрқин кўраётганидан ҳикоя қилди. Биз ҳам чексиз қувондик. Мана шу кўришишимиз охириги эканини билмас эдик. Биз гастролдалиқ пайтимизда, 1973 йил 24 июль куни, Душанбе шаҳрига нохуш хабар бориб қолди. Ҳурматли Александр Осипович Гинзбург вафот этибди. Домла энди 54 ёшга кирган, ҳали кўп ижодий ишлар қилиши мумкин эди.

50-йилларнинг охирироғида бизга навбатчи режиссёр бўлиб Тўла Хўжаев келди. Тўла Хўжаев ёш бўлишига қарамай ўқиш йиллари режиссёрлик ҳунарини яхши ўзлаштирган, кўп нарса билладиган, ўқимишли, тили бурро, камгап, лекин ғоят камбағал оилада тарбия олган, кўп йиллар Муқимий иомидаги музыкали драма ва комедия театрида балет труппасида сахна кўрган йигит

эди. «Хамза» театри ҳар галгидек бу, умид боғласа арзийдирган йигитни самимият билан кучогини очиб қабул қилди. Александр Осипович ўз қаноти остига олиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асарини бирга саҳналаштирди. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романини инсценировка қилиб, Тўла Хўжаев ўзи, мустақил саҳналаштирди.

Ниҳоят, уни театрининг бош режиссёри вазифасига тайинлашди.

«Ўлимдан кучли», «Йўлчи юлдуз», «Қутлуғ қон»ни қайтадан янги декорация, янги ижрочилар билан тиклади. «Бой ила хизматчи»ни янги саҳнага мослаштирди. Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясини саҳналаштирди. «Сарвиқомат дилбарим»ни постановка қилди. Шу спектаклни Татаристон пойтахти Қозонга бориб қўйиб, «Абдулла Тўқай мукофоти»га сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти унвонини олди. Ниҳоят Шатровнинг «Олтинчи июль» асарини В. И. Лениннинг тугилганига 100 йил тўлиши шоднёнасига бағишлаб чиқарди. Иқрор бўлиш керак, кўп мақтовлар эшитди. Хамза мукофотини олишга мушарраф бўлди.

Тўла Хўжаевнинг талантли режиссёр сифатида театримиз тараққиётига қўшган ҳиссасини сира ёддан чиқармаймиз.

САҲНАДОШЛАРИМ

ФАХРИМИЗ

В. И. Ленин каромати, Коммунистлар партиясининг адолати, Совет тузумининг афзаллигини бизнинг кекса авлод, сайёаткорлар тақдирига назар ташлаган киши бу тузумга, шу тузум ташкилотчисига тасанно айтмай иложи қолмайди. Аброр Хидоятовнинг отаси дегрез, Шукур Бурҳоннинг отаси гулчи-боғдор, Наби Раҳимнинг отаси чилангар, Сора Эшонтўраеванинг отаси чилангар, кимдан эмас, ким бўлиб етишганим ҳисоб деганларидек, булар ким бўлиб етишди? Буларни ким шундай бооброў одамлар қаторига кўтарди? Шу тузум, Совет тузуми. Жавобимиз шу.

Мен кунларнинг бирида, Оғани суҳбатга йўлламоқ ниятнда, у кишига бир савол бердим. «Ога, Октябрь революцияси бўлмаганда, таажжуб, ким бўлардик-а?» Оғам, ҳар галгидек, кўп ўйлаб ўтирмай: «Ким бўлардик, биримиз мардикор, биримиз чоракор, биримиз дурадгор, нари борса маҳалла масжидига сўфи бўлардик», деб жавоб қайтарган эди. Ога ҳақ. Тўғри, балки биронтаси ёки иккитаси уddaбуронроқ чиқиб дўкондор баққол, балки савдогар бўларди. Кўпчилигимиз, албатта, Ога айтгандек, мардикор, чоракор бўлардик.

Шу совет тузуми дунёга келмаганда, шундай ўткир талантлар лойга қоришиб кетарди. Шундайми? Ҳа, шундай.

Оддий инсон бўлиш учун соғлиқ керак, илм керак, ҳунар керак, меҳнатга рағбат керак, уқув керак, ақл-идрок, сабот керак. Одоб керак, оқибат керак, меҳр-муҳаббат, садоқат керак.

Артист бўлиш учун бу сифатларнинг ҳаммаси керак. Булардан ташқари, яна талант ҳам керак.

Бурунги замонда ҳам тугма талантлар бўлган, албатта. Лекин бу тугма талантларни рўёбга чиқарадиган Совет тузуми бўлмаган.

Сорахоним Эшонтўраева Тошкент шаҳридаги ЦУМ магазини орқа томонига қурилган уйлاردан бирида истиқомат қилади. Та-

содифан у кишининг уйига бориб қолсак, қора ёки бўлак рангдаги «какетка» қилиб тикилган атлас кўйлакда биёга пешвоз чиқади. Қулиб чиқади.

Сорахоним ўзининг табассуми билан меҳмоини сийлайди, сизнинг қадам ранжида қилишингиздан қувонганини намоён қиладди. Бу, ясама кулки эмас, бу одат, бу қоида. Сора опанинг бу ташқи қиёфасига разм солсангиз, оддий аёл, майин овозли, ёқимтой, сокин, меҳмондўст аёл. Ким бўлмасин, қайси хонага қаерга ўтқазини билмай, шошиб қолади. Ўзи дастурхон ёзади, ўзи чой дамлайди. Оддий уй хотини.

Лекин, саҳнада-чи? Саҳнада «уй хотини» эмас, бепоён кучқудратга эга, соҳилидан тошиб чиққан, ўшқириб, тўлқинланиб оқиб келаётган, йўлида учраган ғовларни аёвсиз босиб-янчиб ўтиб келаётган жўшқин дарё тўлқинини эслатади.

Мен «Қўзибулоқ қишлоғи» спектаклини кўрганман (ўзим Родриго ролини ижро этганман), Лауренсия ролини қойил қилиб бажарган Сора опанинг «Сиз қўйсиз, қўзичоқсиз, эркак эмас хотинликка лойиқсиз» монологини эшитар эканман, уни оташин нотикларга ўхшатардим. «Тор-мор»даги роли ўлмас, ўша граждандлик уруши йилларида душманга кўксини қалқон қилган, келгуси авлод равнақи учун ёш жони, сиҳат-саломатлигидан кечган Павка Корчагинни эслатарди. Қашшоқ музикант Мюллернинг соф муҳаббат йўлида ҳалок бўлган қизи Люизанинг тақдири ва ҳалокати, ўзбек драмаси «Ҳалима»даги Ҳалима тақдирига жуда ўхшарди.

Ҳа, бу оддий уй хотинига ўхшаган, совет саҳнасининг фахри, ифтихори Сора Эшонтўраева қалбида бир олам бебаҳо талант ва маҳорат ётибди.

Бўлак шаҳардан келган, ҳали «Ҳамза» театрида «Шоҳ Эдип»ни кўрмаган киши тасодифан Сорахоним уйдалик пайтида кириб қолса, неваралари билан вақти чоғлиқ қилиб, суҳбат қуриб ўтирган аёлни кўрса, «пенсияга чиқиб, невараларига тарбия бераётган хотин экан» дейиши ажабланарли эмас. Ҳа, ҳаётда у шундай кун кечиради. Невараларига қарайди, уларни севади, эркалайди, таълим беради, кўп мутолаа қиладди. Арз билан келганларни қабул қилиб, уларни тинчлантиради, уларга ёрдам беради. Мухбирлар келади, улар билан «Ҳамза» театри, ўзининг ижодий тараққиёти, Жаҳон Тинчлик Комитетининг ишчан аъзоси сифатида суҳбатлар ўтказади. Эски ролларни такрорлайди, янги роли устида мулоҳаза юргизади. Ўғиллари билан шахмат ўйнайди.

1947 йили Сорахоним Эшонтўраева СССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Сорахоним кулса рўйи-рост кулади, қотиб-қотиб кўзларидан ёш келиб кулади. Мазза қилиб кулади.

Сорахоним зўр иродади, Владимир Ильич Лениндай ўғилни тарбия қилган Марья Александровна Ульяновнани саҳнада тасвир этар экан, ўша кулқидан нишона кўринмайди. Лозим бўлганда, болаларидан ўз қайғусини яшириш ниятида балки жилмаяр, бу жилмайишдан артистка инсон сифатида лаззат ололмайди. Қотиб-қотиб кулишга қодир артистка, асар, роль талаби билан, шахсий хусусиятларидан бир неча фурсат кечишга мажбур. Ўзга бир шахс қиёфасига кириш ва шу тахлит инсонни тасвирлаш, маъқул қилиш, қийин иш. Сорахоним мана шу қийин чизиқни ўртадан олиб ташлашга қурби етадиган моҳирадир.

Островскийнинг «Момақалдиروق» асаридаги юраги қон, маънос, учушга талпинган, лекин қаноти синган Катеринанинг кечинмалари, ички туйғуси, муҳитга мункирлиги, эри Тихон, элим қайин онаси Кабанихаларга мутеълиги, бу сифатларни бекаму кўст очиб ташлаш учун, бутун бир олам меҳнат, ўй, хаёл, қунт, чидам, талант керак. Томошабин бу спектаклни ортиқча билетга зор бўлиб кўрди. Кўрганлар Сорахоним ҳунарига тасанно айтди. Сорахоним ҳаёти ва ҳаётига пайваста бўлиб кетган санъати ҳақида сўз юритмоқчи бўлган ҳар бир қаламқаш, худди менинг ҳозирги дуч келган машаққатларимга рўбарў келса керак. Юздан ортиқ у яратган хилма-хил образларни артистка шундай усталик билан яратганки, биронтасини қолдириб, сакраб, иккинчисига ўтиб кетиш ғоят мушкул иш.

«Бой ила хизматчи» даги Жамила образига тўхтамай бўладими? Йўқ, бўлмайди. Сорахоним 24 йил мобайнида бу ролни энг камида 500 марта ижро этди. Бу ролни ўйнаш ёш жиҳатдан артисткага эриш кўрингач, Ўзбекистон ССР халқ артисткалари Холида Хўжаева, кейинроқ Яйра Абдуллаеваларга инъом қилди. Уларга кўмак берди. Ҳозир бу ролни республикада хизмат кўрсатган артисткамиз Рихсихон Иброҳимова ижро этади. Рихсихон Сорапасидан чексиз миннатдор, чунки шу кунларда ҳам кузатиб-тузатиб боради. Хўш, айтинг-чи, 600 маротабадан кўпроқ ижод этган буюк Алишернинг севимли маъшуқаси, биллурдек тоза қалбли сиймо бўлиб, юракка ўтириб қолган Гули образини чекалаб ўтиб бўладими? Йўқ.

Холисон-чи? Машҳур журналист Юлиус Фучикнинг рафиқаси Густа Фучикова роли-чи, «Бир севги афсонаси»даги Моҳинбону-чи?

«Туркия ҳақида ҳикоя» даги Хатча образи турк халқи озодлиги учун курашайётган, унинг истиқболи йўлида зўр жасорат кўрсатаётган ва бу истиқбол учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган соф виждонли, довжорак турк аёли Хатча рўйи-рост гавдаланарди. Абдулла Қаҳҳорнинг комедияси «Оғриқ тишлар» қўйилганига йигирма йилдан ошиб қолди. Сорахоним жуда кўп ролларни яратди. Бу



А. Пушкин, «Тош меҳмон». Дона Анна ролида
СССР халқ артисткаси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтўраева.

роллари ҳақида кўп мақолалар чиқди. Лекин нима учундир шу «Оғриқ тишлар» даги Сорахон яратган, янги бир образ ҳақида бир оғиз сўз айтилмайди. Ваҳолонки бу роль Сорахоним ижодида катта ҳодиса эди. Қаҳрамон аёллар, лирик образлар, маъюс, бахтсиз қиз ва жувонларни яратишга кўникиб қолган коллектив ҳам, томошабин ҳам, бу Хуморхон ролини жуда ҳам яхлит қилиб, вояга етказганини кўрган ва қойил қолган эди.

Сатанг, серпардоз, оёқ олиши бежо, қисқаси «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» аёл Хуморхон роли, Сорахонимга берилди. Роль жуда ҳам пишиқ ёзилган, комедиячи артистка ўйнаши лозим бўлган роль эди. Ростини айтсам, «Сорахоним бу қиёфага ўта олармикан?»

деган андишамиз йўқ эмасди. Йўқ, Сорахоним бў ёши ўтиброқ қолган, эри Аҳаджон Заргаровнинг бўйнига миниб олган, ғоят енгилтак аёл бўлиб чиқди. Сорахоним нозу карашма билан сўзлар, саҳнада у юрмасди, балки ҳимарилиб сузгандай, бир ердан бир ерга кўчарди. Худди ранг-баранг қанотли, капалакни эслатарди. Ҳар қадамда ойнага қараб, ўз ҳусни-жамолини ҳаммага кўз-кўз қиларди. Инсонга хос диддан маҳрум эди Хуморхон.

Хуморхоннинг мақтаниб айтган сўзига қараганда, у «учта институтни битирган», лекин илм юкмаган. Шаллақи сатанг сиймосини у жуда ҳам дўндирган эди.

Ягонинг туҳматига қолган, қора Отеллонинг оқ тан, оқ кўнгил Дездемонасини энг тугал образ деб аташ, бизнингча озлик қилади. Сорахоним Эшонтўраеванинг шу чоққача орттирган обрўси, шаъни, шавкатига бирданига яна шунча шуҳрат қўшган образ эди Дездемона.

Сорахоним яратган ва севиб ўйнаган образларидан яна иккитасига тўхталиб ўтмоқчиман.

Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» фожиаси қўйилди. Сорахонимга 13—14 ёшлардаги Жульетта роли топширилди. Сорахоним ўша пайтларда ҳар қанча ёш кўринса ҳамки, ҳар ҳолда қирқдан ошиб қолган пайти эди. Баланд овоз билан, тан бериб айтиш керакки, артистка жуда усталик билан ўз ёшидаги 25 йилини олиб ташлаб, Джульеттанинг навқирон ниҳолик пайтига қайта олди. Сорахоним Джульеттанинг ёш, шўх, чаққон, ёшликка мансуб кулки, ўйинқароқлик, бегамлик, бахтиёрлик туйғуларини шундай усталик билан ўринлатдики, «офарин буюк артистка! Сен ўзбек элининг зўр истеъдодли, ўз халқига шукуҳ, роҳат ато қилишга қодир моҳирасан», демай илож йўқ эди.

1972 йили Сорахонимнинг олтмиш йиллик юбилеи кенг миқёсда нишонланди. Унинг адресига жуда кўп илиқ сўзлар айтилди. Сора Эшонтўраева Коммунистик партияга, Совет давлатига, сеvimли Ватани авайлаб вояга етказгач халқи ҳамда кўп ёрдами теккан ҳамкасбларига таъзим қилиб, ташаккур айтди. Шу шодиёнага тўғри келиб қолган Уйғуннинг «Парвоз» асаридаги райком секретари Ҳурриятхонни замонамизнинг энг илғор, софдил коммунист аёли образи сифатида гавдалантирди. Сорахоним Эшонтўраевани, ўз юбилейига лойиқ тортиқ қилган артисткани, зўр муваффақият билан қутлашди, кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени ва «Меҳнатда ўрнатган кўрсатгани учун» медали, «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва мамлакатнинг энг юксак ҳурмат нишонаси, икки Ленин ордени беаб турган СССР халқ артисткаси Сорахоним, ҳали жуда тетик, яна кўп йиллар умр кўриб, жуда кўп образлар яратиб, томошабин қалбини қувонтиришига аминмиз.

ҚОРОНҒИ КУНЛАР, НОТИНЧ ТУНЛАР

Улуг Ватан уруши йилларидаги кечирган кунларимиз ва қилган ижодий ишларимизга шу ерда тўхталиб ўтиш ўрин-лидир.

Дунё нотинч эди. Жаҳон хавф остида. Ғарбдан қора қуюқ булут тобора биз томонга силжиб келар, юракларга гулгула солмоқда эди. 1941 йил февраль ойида «Отелло» ўйналди. «Бой ила хизматчи», «Милитқли киши» каби спектаклларимизга кассадан билет топиш қийин эди.

Мен ухлаб ётган эканман, эшигимиз қаттиқ тақиллади. Эшикни очсам, қўшним Олим Хўжаев. Ранглари оқарган, ҳаяжонланиб: «Германия бизга қарши уруш очгани»ни айтиб қолди. Бутун коллектив театрга тўпланди. Митинг уюштирилди. Урушни қоралаб, резолюция қабул қилинди. Шу билан бир қаторда бутун кучимиз, билимимиз, реалистик санъатимизни гитлеризм устидан бўлажак ғалабамизга бағишлашга онт ичдик. Орадан икки кун ўтиши билан Лион Фейтвангернинг «Профессор Мамлок» асарини қўлга олдик. Фашизм кирдикорини беаёв фош этувчи бу асар, жуда тез ва муваффақиятли чиқди.

22 июнь куни уруш бошлаган Гитлер армияси, оз фурсат ичида Болтиқ бўйи республикаларини, Белоруссияни, Украинанинг катта қисмини босиб олган эди. Бир ойдан сўнг, 22 июлда, гўзал пойтахтимиз Москва шаҳрига бомба ташлаганини эшитдик.

Шундай қисқа фурсатда Москвага ҳамла қилаётган, қадрли шаҳримизни бомбага тутаётган фашизм галаларидан қаҳрланар эдик. Москва тақдири бизнинг ҳам тақдиримиз эди.

Август ойларида кўзга кўринган артистларнинг ҳаммасига ҳарбий хизматдан озод қилингани ҳақидаги гувоҳнома — бронь берилди. Лекин буларга ҳам ҳарбий тайёргарлик машқлари ўтказиш ҳақида буйруқ келди. Ҳар куни эрталаб соат тўққиздан ўн яримгача, шундай ёнимиздаги «Спартак» стадионига тўпланиб, ҳарбий машқ ўтардик.

Запасдаги комсостав бўлганим туфайли, мени командир қилиб тайинладилар. Театримизнинг печкага олов қаловчиси Захаровни, ҳарбий хизматни ўтаган ходим сифатида, бош командирликка буйруқ бўлди. Ҳарбий интизом мустаҳкам ўрнатилган эди. Ҳамма яқдиллик билан тўпланарди. Роса соат тўққизда юриш, рапорт бериш, тўхташ, бир-икки деб санаганда бошни қандай тутиш, бўйсира, икки-тўрт қатор бўлиш, юриб кета туриб, тўхтамай чап ёки ўнг томонга бурилиш каби машқларни қайтарар эдик. Огам, Етим акам, Обид акам, Сайфиқори акалар ҳам ўша пайтда «мажбурий ҳарбий хизмат» қилиши лозим ёшида эдилар. Бу устозлар, айни машқлар пайтида менга ва командиримиз Захаровга итоат этишарди.

Қизиги шундаки, замонамизнинг атоқли адиби, шоир Ғафур Ғулом ҳам у пайтда Октябрь райони территориясида истиқомат қилгани туфайли, шу бизнинг «полкимиз»га юборилган эди.

Бизнинг армия офицерлари, солдатлари қандай честь беришлари ҳаммага маълум. Ғафур ака ҳар куни беш минут, ўн минут кеч қолар эдилар. Жуда жиддий, узоқдан оёқларини тик қилиб, қафтларини олдинга қаратиб, бошларига қадаган ҳолда, командирга яқинлашар эдилар, ижозат сўрар эдилар ва жиддий равишда, Ғафур акага хос вазнда: «Энди, ўртоқ командир, уйга меҳмонлар келиб қолган эди, ҳадеганда кетишавермади. Кетишди. Мана хал-лослаб турганимни кўряпсиз, чопиб келдим. Сафга туришга ижозат бера қолинг!» — дерди.

Бу эркалик биргина эмас, ҳар гал янги бир ҳодисани пеш келтирар эдилар. Бир куни ҳатто «гапнинг очигини айтсам, ўртоқ командир, ухлаб қолибман. Будильнингим ҳам нотўғри қўйилган экан, афв этасиз. Рухсатингиз билан сафга кирсам» дедилар. Ижозат бермай бўладими, кимсан Ғафур Ғулом-а!

Бизнинг бу машқларимиз программаснга кичик командирлар тайёрлаш вазифаси ҳам кирарди. Бир кун бир машқда «Боец Ғафур Гулям» дедим. Ғафур ака, сафда турган «жангчи», шошиб қолиб, бирдан қўлларини пахса қилиб, честь берди, тирсаги ёнида турган Обид Жалиловга бехосдан тегиб кетди. Ғафур ака сафни унутиб, командирни унутиб, тирсаги теккан жойни силаб, Обид акадан уэр сўрашга тутинди. «Ғоят интизомсиз жангчи» чиқиб қолган эди Ғафур ака. Лекин у киши бу машқларга келиши, биз у киши билан машғулот ўтишимиз мажбурий эди. Октябрь район Ҳарбий комиссариати биздан қатъий интизом бўлишини талаб қилар эди.

Бир машқ пайтида «Боец Ғафур Гулям»ни чақириб взводга командирлик қилишини топширдим. Ғафур ака «Смирно!» — дан «Вольно»га ўз ҳолича ўтиб, «э, ука, шуни қўйсанг бўларди» дедилар. Мен «отставить», «командивайте взводом» дедим. Ҳарбий интизом! Ғафур ака «есть»нинг ўрнига, «ҳа бўпти» дедилар-у, взводда саф тортиб турган «жангчилар»га қарадилар ва «қани, смирно» дедилар. «Қани»сига бало борми? Қотиб-қотиб кулгим, кулгимиз келади. Лекин кулиб бўлмайди, ҳарбий интизом!

«Направо» дедилар. «Ша — гу — умарш»ни айтдилар. Саф бошида Наби Раҳимов борар эди. «Айт — два, айт — два» дедилар. Взвод боши стадион атрофидаги бир уйга яқинлашиб қолди. Лекин Ғафур акага «Правое плечо шагом арш» сўзи келмади. Унгача анча вақт ўтди. Взвод деворга қадалиб қолди. Ҳатто Набижон пешанасини деворга қадаб олди.

Шунда Ғафур ака, «ҳақ Аминжон, акаси, нима дейишим керак эди?» деб менга мурожаат қилдилар. Мен секин айтдим. Ғафур ака қайтардилар, «жангчилар» бурилишди. Энди бирон текисроқ жойга келганда взводни тўхтатиб «вольно!» деса бўладирган дақи-

қа етди. Ғафур ака, «Энди нима дейман?» дедилар. Мен жавоб бергунча взводдаги «жангчилар» тик пастликка сирғала-сирғала тушиб кетишди. Энди «ҳарбий интизом»ни унутиб қотиб-қотиб, думалаб-думалаб кула бошладик. «Шоирдан чиққан маршал»нинг ўзи ҳам тиззаларига уриб-уриб куларди. Шу ҳарбий машқларда қатнашган ҳозирги кексаларимиз эслашиб қолгудай бўлсак, роса куламиз.

Шоир бу қилиқларни ҳарбий интизомдан мутлақо хабарсизлиги учун эмас, бу ҳам бизнинг маънос кайфиятимизга далла бериш учун, юзларимизга табассум қўндириш учун қилар эди, албатта.

* * *

Шу вақтга оид бир кулкнли мисол бор. Наби Раҳимов, мен ва Мухсин Ҳомидовлар аллакнмнинг жанозасига бордик. Мозордан қайта туриб учаламиз қорнимиз очганини айтдик. Биз Ишчилар шаҳарчасига етиб қолган эдик. Мен, шу орада «Муқимий» театрининг атоқли артисткаси, ўша пайтда «Тоҳир ва Зухра» спектаклида Зухра ролини меъёрига етказиб бажарган, обрў қозонган Ўзбекистон халқ артисткаси Турсуной Жаъфарова туришини, ўшаникига кирсак, бизни меҳмон қилишини айтдим. Киришга қарор қилдик. Ҳовлиснни тез топдик. Турсуной ўзи уйда экан, бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Уйга олиб кириб ўтқазди ва дастурхон ёзди. Биз Турсунойни согинганмиз, йўлда кетатуриб, остонасини босиб ўтиб кета олмаганимизни баҳона қилиб, киришимиз сабабини уқтирган бўлдик. Турсуной ҳам ишонган бўлди. Бир патнисда кеча тандирдан чиққан жуда кўп нон, бир патнисда «анқога шапиғ» бўлиб кетган яхши асал, ярим килодан кўпроқ, қўлбола ширин сариг ёғ ва бир коса тўла қаймоқ олиб кириб қўйди. Учаламиз зимдан бир-биримизга қараймиз. Нимадан бошлашни билмаймиз. Тагин Турсуной, қоринлари очиб киришган экан-да, деган хулосага келмасин, деган андиша бизни босиб турибди. Лекин қорин оч, унинг устига ёпилган пўрсилдоқ нонлар, асал, маска, қаймоқ... Ниҳоят Турсуной ўтириб нонни ушатди. Ўзи чой дамлагани чиқиб кетди. Худди маслаҳатлашиб қўйгандек, уч бурда нон олиб қаймоққа ботирдик. Биронтамиз «ана Турсуной келаяпти» деб қолади. Оғзимиздагини чала-чулла ютиб, яна «суҳбат»га тушиб кетамиз. Турсуной келиб ўтиради, у ёқдан-бу ёқдан гаплашамиз, яна бирон иш билан уй остонасидан ҳатлаб чиқди дегунча, дарҳол нон билан қаймоққа ёпишамиз, ҳаш-паш дегунча, қаймоқ фақат тагида қолди. Яна биронтамиз «келаяпти» деймиз, яна «ширин суҳбат»га кўчамиз. Шу хилда сариг ёғни ҳам ярмидан кўпроғи кетди. Биз «фақат ширин суҳбат» қургани келганлардек, сиполик қилмоқчи бўламиз-у, лекин тамом бўлган қаймоқ, тамом бўлишга етиб қолган сарёғ идишини мезбон кўраётганлигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Ширин жарқобни еб қорин тўйғач, хайрлашиб чиқдик. Уйидан чиққандан кейин, эслаб, роса кулдик. Палов қилиб берай деб Турсуной уввало ялинди, биз паловга ўтирмадик. Қорин бугун роса тўйган эди.

* * *

Қанчалик оғир кунларни бошимиздан кечираётган бўлмайлик бари бир кунига театрга келар, янги спектакль устида сифатли иш ўтказардик. Шу йилларда Ҳамид Олимжон «Муқанна» тарихий асарини бизга топширди. Бу спектаклни саҳналаштириш, вақтинча Тошкентга кўчиб келган, яҳудий театрининг бош режиссёри, СССР халқ артисти С. М. Мехоэльс билан Оғага топширилди. С. М. Мехоэльс буюк санъат намоянчаси ва жамоат арбоби эди. У билан ишлаш албатта катта бир мактаб. Аброр ака Муқанна, Сорахоним Гулойим, Шукур Бурхонов Баттол ролларини ғоят зўр маҳорат билан бажаришган.

Фақат биз ходимлар эмас, театрининг иши ҳам қийин аҳволда қолган эди. Декорация учун қалин сурф, ёғоч-тахта, кийим учун газлама топиш маҳол эди. Лекин, энг муҳим объектлардан бўлса ҳамки олиб, театрга беришарди. Уруш йилларида қўйган спектаклларимиз «Профессор Мамлок», Соловьёвнинг «Фронт», Уйғуннинг «Она», Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози», Яшин аканинг «Украина қизи», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» ва шунга ўхшаш кўп меҳнат ва кўп ҳаражат талаб қилувчи асарларни саҳналаштириб кўрсатиб турдик. Қийналдик, лекин тушқунликка тушиб қолмадик.

«Ҳамза» театрининг эски биноси рўпарасида 42-сонли мактаб бўларди. Шу атрофда яшовчи кўп артист-артисткаларимизнинг фарзандлари шу мактабда ўқишарди. Уруш йилларида бу мактаб биноси ҳарбий госпиталь бўлди. Бу госпиталга жанг майдонларида кўздан ажраган ёки шикастланган офицер, жангчиларимиз келтирилди. Машқлардан кейин ёки бўш кишилар билан завод-фабрикалар, ҳарбий комиссариат ҳовлилари, вокзал платформаларида спектакллардан парчалар ва бадий ўқишлар билан бадий хизмат кўрсатар эдик. 42-мактаб биносидаги госпиталь фойесиди шундай учрашув ўтказдик. Саъдихон Табибуллаев билан мен «Милтиқли киши» спектаклидан «Смольнийдаги учрашув» саҳнасини кўп кўрсатардик. Шу госпиталга бизни таклиф этишди. Кирдик. Утирганларнинг кўпчилиги рус, украин, белорус, яҳудий, қozoқ, тожик, ўзбек, туркманлар ҳам бор эди, лекин улар оз эди. Бизнинг репертуаримиз, албатта ўзбек тилида, ўтирганларнинг кўпчилиги бутунлай ногирон, жуда кўпларининг икки ёки бир қўзи чамбарчас қилиб дока бинт билан чандиб ташланган. Ундан ташқари, баъзи-

ларнинг қўл ёки оёғи жароҳатланган, биз ҳайрон эдик, «булар бизнинг тилимизга тушунишмайди-ку» мулоҳазаси бизни ташвишга соларди. Биз кийим кийганмиз, грим қилганмиз... Бош врач бизни тинчитди, «Концерт» бошланди. Шу қадар чанқоқлик билан санъат намунасини эшитишар эдики, бизга ижодий қанот боғлашарди. Бу ердаги концертимиз тамом бўлгач, бош врач Саъдихон билан мени, Ҳамид Олимжон шеърларини баланд руҳ билан ўқийдирган, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган Мухсин Ҳомидовларни туришга қурби келмайдирган оғир ярадор мажруҳлар палатасига таклиф этди. Биз тепага кўтарилдик, палатага кирдик.

Э-воҳ, қайси кўз билан кўрайлик?! Уруш бошлаган Гитлер, гитлерчиларга лаънатлар бўлсин. Икки жангчи ётибди — бири рус, бири украин. Ҳар иккаласининг кўзлари бинтлаб ташланган. Биттасининг ўнг қўли йўқ. Бош врач, «Сизларнинг илтимосингизга кўра, мана, «Ҳамза» театрининг артистларини ҳузурингизга бошлаб келдим», деди. «Марҳамат, марҳамат, ўртоқ артистлар!» дейишди ярадор забардаст йигитлар 25—26 ёшлардаги йигитга хос тетик овоз билан. Биз «Милтиқли киши» спектаклидан парчани бошладик. Шу қадар баланд руҳ билан бажардикки, баъзан спектакль пайтида бундай юқори даражага кўтара олмаймиз. Мухсинжон шеърларни яхши ўқиди. Жангчилар илиқ сўзлар айтишди. «Сўзларингизга тўлиқ тушунмадик, бироқ биз «Милтиқли киши» фильмини фронтда кўрган эдик. Бу саҳна эсимизда бор. Ижро этишингиздан кўриниб турибди, яхши артистлар экансиз. Раҳмат дўстлар», деди. Биз қуюқ хайрлашиб, юрагимиз абгор бўлиб театрга қайтдик. Бундай юракни тўлқинлатадиган учрашувлар жуда кўп бўлган.

Мен шу Ватан уруши йилларига тааллуқли яна бир муҳим, юракни жизиллатадиган, артист бўлганимиздан фахрлантирадиган ажойиб воқеани ҳикоя қилиб, бу қисмга хотима ясамоқчиман.

1943 йил охирларида Сорахоним менга бир фронт печати босилган, уч бурчакли хатни кўрсатди. Уқиб, бутун аъзойи баданим титраган эди. Бир бет хатда шундай дейилади: «Ассалому алайкум, Сора опа! Мен бу хатни окопда туриб ёздим. Мен тўпчиман. Рўпарамда тўп, унинг ёнида катта-катта узун қора замбарак ўқлари қатор ётибди. Яна бирон соатдан кейин ҳужумга ўтамиз. Шу замбарак ўқларидан биттасининг устига «Сора — Жамила» деб ёзиб қўйдим. Тошкентдан чиқишимдан 5—6 кун аввал сиз ўйнаган «Бой ила хизматчи» томошасини яна бир марта кўргандим. Сора опа, мен умримда одам ўлдирган эмасман. Одам у ёқда турсин, товух, бедана сўйган эмасман. Бир соатдан кейин ҳужумга ўтамиз. Менинг отган ўқим фашистни ўлдиради. Нима қилай, уни ўлдириш керак. Агар мен уни ўлдирмасам, у мени ўлдиради, ўртоқларимни,

навқирон йигитларнинг ёстиғини қуритади. Сизларнинг тепангизга бориб таҳликага солади, қўрқитади, ўлдиради. Ўлдирмасам сизни, сиз қотириб бажарган Жамила аҳволига солиб қўяди. Мен шуни истамаганим учун фашистларни ўлдираман. Ҳамкасбларингизга биз жангчилардан қуоқ салом айтинг. Худо насиб қилса, яқин ойлар ёки кунларда яна сиз билан дийдор кўришармиз.

Сержант Эркин» — дейилган эди.

Шундай хавfli дақиқаларда жангчининг эсига тушиб, уни илҳомлантирган санъатга сажда қилмай бўладими?

САҲНАМИЗ ПАҲЛАВони

«Ҳамза» театрининг олдидан ўтадиган аввалги тор кўчанинг нариги бетида Улуғбек деб ном берилган ўрта мактаб бўларди. 1927 йили «Ҳамза» театри Тошкентга гастроль қилиб келиб спектакллар кўрсата бошлаганда, уч ўртоқ, деярли ҳар куни қайта-қайта бўлса ҳамки, шу томошаларни албатта кўришарди. Кундузлари бўш қолишса ёки дарс тугагандан кейин, ҳали артистлар машқни тугатиб тарқашмаган бўлса, фойега кириб, эшик тирқишидан машқни кузатишарди. Буларнинг бири шу кунларда Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига эга бўлган Карим Зокиров, иккинчиси Юсуфжон Маҳмудов, учинчиси Шукур Бурхонов эди. Шулардан Юсуфжон бир ярим йил театрда ишлаб, артист бўлишига ақли етмагач, бўлак ҳунар танлаб кетди.

Ҳар иккисини ишга солган, ҳар куни театр кўриб, ота-онанинг таънасини эшитишга мажбур бўлган абжир, бесаранжомроқ Шукур Бурхонов эди.

1929 йили театрга артистлар қабул қилиш ҳақида эълон чиққанда биринчилар қаторида «театрга қабул қилинг» деб ариза берганлар ҳам шу уч қадрдон ўртоқ эди. Мана шунга 45 йил бўлибди. Карим Зокиров тунукасознинг ўғли. Ўзи ҳам, албатта, революция бўлмаса, тунукасоз бўларди. У артист бўлди. Яхши, ёқимтой овози бор. «Ҳамза» театрига қабул қилган бўлсалар ҳамки, бўлак овозли артист бўлмагани, ишчи давлат театри репертуарида ҳам «Ҳалима» ва «Концерт» бўлгани туфайли, уни шу театрга ўтказдилар. Каримжон Шохистахон исмли бир артисткага уйланди, уларнинг бош фарзанди Ботир Зокиров артистлик ҳунарини танлади, қизи Луиза Зокирова эстрада санъатига мойиллик кўрсатди. Шу соҳанинг кўзга кўринган энгил қўшиқлар мастери бўлиб етишди. Новфал Зокиров ҳам артист, Жамшид Зокиров, хотини Гавҳар Зокирова шу кунларда бизнинг «Ҳамза» театри-мизда ишлашади. Яна ўгли — Фаррух Зокиров «Ялла» ансамблида солист. Каримжоннинг ўзи, ўғли Ботир Зокиров, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Луиза Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка

унвониға эға ижодкорлардир. Бу оилани эъзозламай бўлмайди. Чунки ҳаммаси ўз умри, ўз истеъдоди, ўз малакасини, куч-қувватини халқ хизматиға сарф қилаётган камтар кишилардир.

* * *

Ўзбек саҳнасининг, совет экранининг саркардаларидан бири, СССР халқ артисти, Ҳамза номли республика мўкофотининг лауреати Шукур Бурхоновдир. Шукур Бурхонов ҳалиги санъатсевар уч ўртоқнинг бири, жадаллик билан тараққий топиб эл-эллар, юрт-юртлар, қитъаларға ном таратган, ўз санъати ва маҳорати билан минглаб эмас, миллионларни мафтун этган содда, забардаст, куйди-пишди, ролини қотириб қўймагунча тиниб-тинчишни билмайдиган халқ олқишини олган, нодир санъаткордир.

Театрга кирган ҳар қандай артист, ўз ижодий ишини кичик эпизод ёки умум саҳналарда қатнашишдан бошлайди. Шукур Бурхоновнинг ижодий тараққиёт йўлиға назар солсам, театрға кирган кунидан то шу кунгача, фақат битта эпизодли роль ўйнабди, холос. У ҳам бўлса Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя» номли асарида турк бахшиси экан. Юзга яқин образ яратган бўлса демак, тўқсон тўққизтаси бош роллардир. Бундайин бахт ҳар қандай кишиға насиб бўлавермайди.

Шукур Бурхоновнинг ўша турк бахшиси шундай ижодий камол топган эдики, у роль эпизодликдан чиқиб муҳим бош қаҳрамонга айланган эди. Табиат Шукур Бурхоновга саҳна учун нима лозим бўлса ҳаммасини берган. Ҳар қандай баландликка қийналмай қўтариладиган қудратли овоз, басавлат, паҳлавонларға хос қади-қомат, ҳар қандай ҳолатға кириш мумкин бўлган қиёфа — ҳамма-ҳаммаси мавжуд. Навқирон Ромео, паҳлавон Ялангтўш, «Тор-мор» даги гап орасида «растарарам» сўзини қўшиб қўядиган комсомол йигит Баҳодир, «Гамлет», «Юлий Цезарь» даги Брут ёки «Амириқнинг емирилиши», фильмидаги Иброҳим қўрбоши, Саркарда М. В. Фрунзе, ниҳоят «Кремль соати», «Учқундан аланга»; «Унутилмас 1919 йил» «Йўлчи юлдуз» асарларидаги В. И. Ленин образлари, ҳамма-ҳаммаси сиртқи ўзгаришни талаб қиларди. Қизиги шундаки, қандай грим қилмасин, худди мўлжаллангандай, ҳамманинг тасаввуридаги ташқи қиёфа худди қуйиб қўйгандай чиқаверади. Шукур Бурхонов ташқи қиёфа устида ҳам кўп бош қотиради. Ташқи қиёфани топмагунча тинчимайди. Менимча, ташқи қиёфа шунинг учун ҳамманинг кўнглидагидек чиқадики, Шукур Бурхонов ички ҳолат, шу образнинг кечинмалари, туйғулари ва орзулари ҳақида кўп ўйлайди, кўп ишлайди. Артист кўнгли тўлмагунча ишлайди. Режиссёрларға, рассомларға тинчлик бермайди. У билан саҳнада бирга ўйнайдиган ўртоқларига ором бермайди. Шукур Бурхоновнинг иш усули иккита. Бири — талабчанлик, иккинчи-



А. П. Чехов, «Ваня тоға». Ваня тоға ролида СССР халқ артисти, республика Ҳамза мукофотининг лауреати Шукур Бурҳонов. Соня ролида Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Эркли Маликбоева.

си — интизом. Бўлак лозим бўлган ҳамма омилар шу икки манбаъга бўйсундирилган.

Бугунги машқда эришган ютуғидан қаноатланмайди. Эртага шу сахнани яна ҳам яхшилаш, пухтароқ қилиш учун тортишади, олишади, қизишади, ишлайверади, талаб қилаверади. Ўзи серсухбат, улфат йигит, лекин ишдан ташқари соатларда, сахнада машқ кетаётган бўлса, бирон киши, ким бўлишидан қатъи назар, сахна четида ёки томоша залида, паст овоз билан бўлса ҳамки, пичирлашиб қолгудай бўлса, ўз ишини, қанчалик силлиқ бораётганига қарамай ярим йўлда тўхтатиб, ҳалиги сўзлаётган кишини тўхтатмагунча ва танбеҳ бермагунча, кўнгли ўрнига тушмайди. Сахна интизومي, иш муҳитини кўз қорачигидай асрайди.

Санъат парвози учун, лойиқ муҳит керак албатта. Артистлар борки, юқори маҳорат билан бажарган ролларини олар ва шу роль устида иш бошлар эканлар, то асар моҳияти, ўзи яратаётган образнинг тутган мавқеи, асардаги тутган ўрнини англаб олгунча, худди спектаклдагидек куч сарф қилмай, иш жараёнининг аллақайси пайтигача, «жон огритмай» ишлаб борадилар. Тобора активлаштириб, лозим миқдорга етказадилар ва спектаклга, асар талабидагидек ҳолга олиб келадилар.

Шукур Бурҳонов мана шу иш даврини ҳам гоят катта ҳаяжон билан ўз атрофидогилардан ҳам ҳаяжон талаб қилиб ишлайди.

Шукуржон яратган образларнинг, кўз қарашларига, алоҳида эътибор беради. Артистнинг бу кўз қарашлари, катта маъно кашф этади. Шу киши ёки шу ҳодисага муносабатини аниқлаш учун, ёлғиз автор сўзи кифоя қилмайди, албатта. Жуда севиб ёки истехзоли қараш билан, ёки рўйирост қараш билан, зимдан кузатиш ёки кўзига тик қараш билан, артист автор текстини бойитади. Қалбида аини дақиқада қандай ҳислар жўш ураётганини, Шукур Бурҳонов ўз руҳий ҳолатини тўлиқ очишга, шу йўлдан кўп фойдаланади.

Театрнинг ички интизом — қондаси бўйича биринчи пардада қатнашувчилар, театрга, спектакль бошланишига қараб 45 минут олдин, иккинчи пардада чиқадиганлар, спектакль бошланмасдан 5—10 минут олдин театрга келиши ва гримга тушиши лозим. Бу, қонун. Лекин Шукур Бурҳонов спектаклга 4—5 соат олдин келиб олади. Ўзи ёки суфлёр ёрдами билан ўз ролини бошдан-оёқ қайтариб чиқади. Кийиниб, ўша кийимда, қуриб қўйилган декорация сатҳида, ўз саҳна мезонларини қайтариб олади. Вақт қолса, бирон соат дам олади, кейин грим қилишга тушиб кетади. Бу, Шукур Бурҳоновнинг қонуни, қондаси.

Шукур Бурҳонов ҳам махсус театр илмини олмаган. Театрга келиб, ўқиганларнинг санъат намуналарини кўриб, бу илмни уққан артистларимизнинг биридир.

Шукур Бурҳоновнинг баркамол артист бўлиб етишмоқ учун нима лозим бўлса, табиат сахийлик билан ҳамма нарсани берганини юқорида айтдик. Биз, саҳнадошлари ва оддий томошабин, сарфлаган билан тамом бўлмайдиган, бепоён, ёқимтой овознинг янграб лозим бўлган оҳангга тушиб, шукуҳ ва қувонч ато қиладиган овозини эшитар эканмиз, кайфимиз чоғ бўлади. Унинг овози ўзига хос. Бирон кишининг овози билан алмаштириш мумкин эмас. Овоз бўлса-ю лекин уни ишлата олмаслик ҳам мумкин. Артист Шукур Бурҳоновнинг фазилати шундаки, шу табиат қилган инъомни, роль талаб қилган оҳангга солиб ишлатишни, лозим бўлганда наъра тортиб кези келганда — энг паст нуқтагача тушириб, томошабин дилига узатишни яхши билади.

Коммунист Шукур Бурҳонов театрнинг ижодий ҳаётига, тараққиётига, ёшларни ўстириш муаммосига, театр мавқеи ва обрўсига лоқайд қараб турмайди. Мажлисларимизда сўзга чиққудай бўлса театр истиқболи ва кундалик ҳаёти ҳақида жон куйдириб сўзлайди.

Шукуржон ўз хизмати, ўз обрў-ҳурмати ва мавқеини яхши билади. Бирон кишини дили оғрир деб, кўриб турган хатосини очик айтмай, «менга нима» деб ўтиб кетмайди. «Бетга айтганнинг заҳри йўқ» мақолига амал қилади. Ҳақиқатга жон фидо қилувчи, ноҳақликга қарши аёвсиз кураш очган софдил бегараз инсондир.

Шукур Бурҳонов жуда ҳам тез фурсатда асосий, масъулиятли ролларни ижро эта бошлади. «Тарих тилга кирди»да Назруллаев каби тажрибакор, студияни битирган артист билан бирга бош роллардан бири — Темур образини яратди. Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» асаридаги Рустам роли, аллақачон донг чиқариб улгурган Аброр Ҳидоятлов билан бир қаторда, Шукуржонга ҳам топширилди. Аниқ айта олмайман, 1931 йили бир кечада, бир ролни, яъни Рустам ролини, ҳар икки артист бажарди. Биринчи кўринишни Аброр ака ўйнаган бўлса, иккинчи кўринишда Шукур Бурҳонов чиқди. Бу ҳодиса умуман, дунё театри тарихида биринчи ва сўнгги тажриба десак, хатога йўл қўймасмиз деб ўйлайман.

Шукур Бурҳонов 9 йил ҳалол ва самарали меҳнати билан томошабинга ўз ижодини манзур қилиб, қисқа фурсатда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони босқичини ўтиб, бевосита, Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига лойиқ қурилган камсухан, меҳнатсевар санъаткордир.

Бу, ншдан қочмайдиган, қобилиятли йигитни Аброр акам севиб қолди. Етим акам, битта мағиз топса, иккига бўлиб, ярмини Шукуржонга берарди, айни пайт ёнида бўлмаса, унга илиниб олиб қўярди. Ога зўр меҳр билан уни кузатди, камол топишига кўмаклашди.

Шукур Бурҳонов ҳаётда бесаранжомроқ кўринади. Лекин бу бесаранжом йигит «улфати чор»нинг жони, ўз ҳаётидан, театр ҳаёти ёки бирон сафдошининг ҳаётини жон-жаҳди билан ҳикоя қилар экан, ҳаммани қаҳ-қаҳ отиб кулдиришга қурби етади. Ўзи ҳам роҳат қилиб кулади.

«Кремль соати» спектаклидаги Владимир Ильич Ленин образи ғоят мураккаб, Шукур Бурҳонов ўз зиммасидаги масъулиятни, томошабин ҳузуридаги жавобгарликни жуда яхши ҳис этарди.

Мен Шукур Бурҳоновга партнёр бўлиб ўйнаган бахтли актёрлардан бириман. Мен саҳналаштирган Сирожддин Нуриддиновнинг «Ёш авлод» асарида инженер Сергей, Туйғуннинг «Муҳаббат» асарида Равшан, Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» пьесасида М. В. Фрунзе образларини яратиш жараёнини кўрганман.

Шукуржон саҳна темпасини шундай руҳда оладики, сен хоҳласанг-хоҳламасанг ўша темпга кўтарилиб машқ қилишга мажбур бўласан киши. Шукур Бурҳонов ўз имкониятларини, тушунчасини ишга солиб, темпераментини сарфлайдики, унинг кетидан эргашмай иложинг қолмайди. Александр Осипович Гинзбург саҳналаштирган Шекспирнинг фожиаси «Юлий Цезарь»нинг охириги пардасида икки дўст, икки маслакдош, яъни Брут (Шукуржон) билан Кассий (мен) саҳнада қаттиқ олишиб қоладиган дуэт саҳнамиз бор эди.

Мен бу кўринишга алоҳида тайёрланардим.

Асар талаби бўйича, бу суҳбатни босиқ бошлаб, кейин бора-бора ғазаб чўққисига чиқардик. Мен бу саҳнани машқ қилганимизда ҳам, шу саҳнани ўйнаётганимизда ҳам хавфсираб турардим. Шукур Бурҳоновнинг грим қилганига қарамай, башараси оқариб кетганини ўз кўзим билан кўрардим. Унинг ич-ичидан келаётган қалтироқни сезар эдим, чунки жуда яқин турардим. Шундай қарардики, мен асил Кассий бўлсам, Брутнинг бу қарашига сира-сира тоб беролмасдим. Мен ҳам ўзимни аямасдим, чунки рўпарамдаги дўстим бутун куч ва имкониятларини аямай, ўзига раҳми келмай, жазавага тушиб ўйнапти. Ўша пайтдаги ёш артист-артисткаларимиз бу саҳнани томоша қилиш учун атайлаб кулисга тўпланишар эди. Менинг ҳам ўзимга яраша овозим бўр. Гап ким баланд бақира олиши ҳақида эмас, балки икки, ғазабга тўлган дўстларнинг, фикр жангги, жисмоний қақшаш йўли билан тасвирланар эди. Шу ғазабга лойиқ бақирини, паст гапирини ноталарини топиб олган эдик. Бироқ Шукур Бурҳонов ҳар гал, яна ҳам шайланган ғазаб тарзида заҳарханда сўз бошлар, менинг — Кассийнинг жаҳлини баттарроқ кўзағатар эди.

Шукур Бурҳоновни кўп қиррали талант эгаси деб бемалол баланд овоз билан айтса бўлади. Гоголнинг «Ревизор» идаги шаҳар ҳокими ролини, рус саҳнасининг шу ролни бажарган буюк намояндалари даражасига кўтариб ижро этган десак, лоф бўлмайди. «Мирзо Улуғбек» даги Улуғбек, бирон бир ҳаракати билан, на Ромеони, ва на Ҳусайн Бойқарони ва на Олеко Дундични эслатмайди.

Мирзо Улуғбекнинг Шукур Бурҳонов ижросида шафқатли инсон, она тупроғини қаттиқ туриб ҳимоя қиладирган ватанпарвар, саркарда, саҳий қалб эгаси, шафқат-мурувват булоғи, буюк мутафаккир олим, севгилиси Ферузаннинг тоза, ҳазин муҳаббатига, тоза ҳазин муҳаббат билан жавоб беришга қодир, тенгсиз алломадир.

Юқорида Шукуржоннинг кўз қарашларига муҳим аҳамият бериши ҳақида айтган эдик. Шу жойда ҳамма ролига лойиқ хатти-ҳаракат, юриш-туриш ва сўзлаш оҳангини топишини уқдириб ўтмоқчиман.

Ролини ҳаққоний чиқиши учун лозим бўлган ҳамма воситаларни, яъни асардаги текст, унинг мазмуни, режиссёр талқинини ўз тушунчаси қолнига солади. Шукуржоннинг яна бир одати яхшики, янги тайёрлаётган роли устида иш олиб борар экан, ҳамма ҳамма нарсани аниқ билиши керак, тушуниши керак. Бирон сўз, бирон хатти-ҳаракат, унга ғализ туюлса, шу сўз нимага кераклиги, нима демоқчи бўлганини сўраб олишдан уялмайди.

Шукуржоннинг ички туйғулари, сезиш қобилияти ғоят ўткир.

Шукуржон сиртқи қиёфага, кийим-кечаги, қадам олиши, қадди-қоматини тутиши, грими, қўлидаги лозим бўлган реквизит —

ҳаммасига алоҳида эътибор беради. Роли бир қадар эпақага келиб қолгандан кейин, қалай, тузукми? — деб саволни саҳнадошлари режиссёрларга эмас, балки театримиз монтерлари, саҳна ишчилари, реквизиторларга беради. Спектакллари, машқлари кўравериб-кўравериб кўзлари пишиб қолган иккинчи табақадаги ходимларимиз, Шукуржонни юз-кўзи деб мақташавермайди. Баъзан жуда нозик нарсаларни томошабин сифатида айтишади, Шукуржон тўғри топса уни тузатади. Таъкидлаш керакки, Шукуржоннинг бу қилигида жон бор, албатта, Томоша залига йиғиладиганлар орасида шу тушунча, шу оддий кузатишга қурби келадирган томошабинлар ҳам йиғилади-да, фақат зиёлиларга эмас, оддий томошабинга ҳам етадими-йўқмилигини ҳисобга олади.

Шукур Бурҳонов машинасидами, ёки пиёдами театр эшиги олида пайдо бўлиши билан ҳамма, айниқса ёшлар «ана генерал келди» дейди беихтиёр. Ҳа, Шукур Бурҳонов санъатимиз генералдир.

АСРЛАР ОША...

СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Республика Ҳамза мукофотининг лауреати, артист ва режиссёр Олим Хўжаев билан биринчи маротаба ўша 1929 йил Самарқандга тўпланганимизда танишганмиз.

Олим Хўжаев қадди-қомати келишган, ҳусндор, ўша пайтларда ҳам кўзойнак таққан, яхши қимматбаҳо матолардан либос кийган, тортинчоқроқ йигит эди. Бу йигитнинг Бухородан келганини, ёши 19 да эканини ўша пайтлардаги бошланғич суҳбатларда билиб олганмиз. Шуниси қизиқ туюлардики, Олим Хўжаев ҳаётда кўзойнак тақса ҳамки, роль ўқиганда кўз ойнак тақмасди.

Олим Хўжаев узоқ вақт иккинчи, учинчи табақадаги ролларни ижро этиб юрди. Олимжон гоят сабр-чидамли йигит. Олим Хўжаев ҳам махсус театр илмини ўтмай, вояга етган, саҳна дарсини ўзидан олдин бу соҳага кирган, тажрибакор санъаткорлар студияни битиргандан сўнг, тақлидчиликдан реалистик шаклда ижод қилишга ўтган акалари, опаларидан ўрганган, таълим олган артистларнинг биридир.

Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Карим Зокиров, Обид Жалилов, Обид Ҳасанов ва бўлак бирмунча санъаткорларнинг махсус мактаб ўтмаганлиги ҳақидаги гапни кўп учратяпсиз.

«Хўш, булар театрга киргандан кейин ўқисалар бўлмасмиди?» деган саволнинг тугилиши ҳам табиийдир. У пайтда Тошкентда Островский номидаги театр ва рассомчилик институти йўқ эди. Москвага юбориш мумкинмиди? Мумкин эди. Лекин... илож йўқ эди. Чунки буларнинг ҳар биттаси театр труппасида ўз ўрнини

эгаллаган зарур авлод эди. Шу театр қўйнида, талабчанлик, қаттиққўллик билан ёшларни, шу жумладан Олим Хўжаевни ҳам санъат соҳасида, олға қараб интилишга ундардилар. Ҳар бир кичикми, каттами ролимиз, ҳатто ҳар бир қадамимиз, хулқу одобимиз домлаларимизнинг қаттиқ назорати остида эди. Санъатга бўлган муҳаббат, ҳавас, «ёшлик-бебошлик» туйғуларидан юқори-роқ қўйиларди. Олимхўжа мактаб қошидаги драма тўғарагининг аъзоси эди.

1928 йили театр Бухоро шаҳрига гастроль қилиб борди. Шу гастроль пайтида Олим Хўжаев биронта спектаклни канда қилмай кўрди. Аброр Ҳидоятлов, Етим Бобоҷонов, Фатхулла Умаров, ҳамшаҳарлари Лутфулла Назруллоев, Саъдихон Табибуллоев, Шариф Қаюмов каби артистлар, Сорахоним Эшонтўраева, Замира Ҳидоятлова, Тошхон Султонова, шу йили шу шаҳарда вақтсиз ҳалок этилган Турсуной Миразимова, Ҳикмат Латипов, Гуломназир Исомовларнинг маҳоратлари, 18 ёшдан 19 га кетган Олим Хўжаевни мафтун этарди. «Маликаи Турандот» спектаклини қаторасига беш маротаба кўрганини ҳали-ҳали эслаб туради.

Шу пайтларда умум саҳналарга чақирилган ёш ҳаваскорлар қатори, Олим Хўжаев ҳам умумий саҳналарга қатнашган. Театрга кириб ишлаш ҳаваси, шу йилларда ҳаёл чўққисига минади. Бир йил ўтгач театр чиқарган, юқорида мундарижаси келтирилган эълон газетада чиқади. Олим Хўжаев ҳам ариза беради, уни Бухородан чақириб имтиҳон қиладилар ва театр составига лойиқ топадилар. Мана, 45 йил бўлдики, Олим Хўжаев, оддий одми йигит, санъатга ҳалол хизмат қилиб камол топмоқда.

Олим Хўжаев дастлабки вақтларда «Баговот»даги, татар Шаҳобиддиновни тажрибали артист Сиддиқхожи билан галма-гал ўйнашга журъат этди. Тайёрлаб ўйнади. Ёмон ўйнамади. Бироқ Шаҳобиддинов Олим Хўжаевга ёш жиҳатдан зўр-зўракидай туюлса ҳамки, артистнинг кучли иродаси сидқи-дилдан, Ҳожи акага етказа олмаса ҳамки, ундан ёмон ўйнамаслик учун тиришаётгани кўзга яққол ташланар эди. Бу ғоят муҳим сифат, Олим Хўжаевнинг олға интилувчи, ўсиши муқаррар бўлган артист эканидан далолат берувчи белги, сифат эди.

Олим Хўжаев ижодий тарққиётига разм солиб, синчиклаб текширган киши, бутун умр фақат олға интилган, шу феъли туфайли ўз устозларига, ҳамкасбларига ўзининг катта талантга эга эканлигини намоиш қила олган жафокаш ҳамкасбимиздир.

Мана шу феъли ёрдамида «Маликаи Турандот» даги Аброр Ҳидоятлов меъёрига етказиб бажарадиган, шаҳзода Қалоф ролини, ўзи зимдан тайёрлаб, жуда оз вақт ичида, Аброр ака билан галма-гал ўйнай бошлади. Олим Хўжаев Аброр акага қойил қолса ҳам, унга етказа олмаслигини тушунса ҳамки, шаҳзода Қалофни асар талаб қилган даражага кўтара олди. Унинг ҳусни, қадди-қо-



«Қирол Лир». Қирол Лир ролида СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг, республика Ҳамза мукофотининг лауреати Олим Хўжаев. Сарой масхарабози ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг ва республика Ҳамза мукофотининг лауреати Саъдихон Табибуллаев.

мати, ўз гавдасидан тўғри фойдалана олиши, артист Олим Хўжаевга кўмак берди.

У нуска кўчиргани йўқ. Ўз ёшига қараб, ўзгача шаҳзода бўла олди. Шаҳзода Қалоф, бирон бош роль ўйнаш орзусида юрган Олим Хўжаевнинг, бош роли бўлди. «Егор Буличев»даги Звонцев, Туйғуннинг «Баҳодир»идаги овсар шоҳ, «Макр ва муҳаббат»даги Фердинанд (бу ролни Шукур Бурҳонов ҳам ўйнади); «Профессор Мамлок»даги фашист — амалпараст Гельбахлар Олим Хўжаевга ижодий тараққиёт чўққисига йўлловчи пиллапоя бўлдилар. Тўғри, шаҳзода Гамлетни, спектакль биринчи қўйилганда, Аброр Ҳидоятлов ижро этди. Бу гал ҳам ўз феълига содиқ қолган Олим Хўжаев, сабр-матонат билан, муттасил кўриш-кузатиш йўли

билан, шахзода Гамлет ролини ҳам тайёрлаб, ижро этишга муяссар бўлди. Олим Хўжаев, Гамлет ролини ҳам, Аброр акага тахассус қилиб, у кишидан нусха кўчириб ўйнагани йўқ. Бу Гамлет — Олим Хўжаевнинг Гамлети эди. Мустақил яратилган, замини мустақкам роль артистнинг юксакликка кўтарилишида бир бекат бўлди. Бу бекатни «балоғат» бекати деб атасак бўлади. Панароқда келаётган артист Олим Хўжаев, ялт этиб кўринди. Олдингилар қаторига ўтиб олди. Энди Олим Хўжаевнинг тараққиётини жадаллаштирувчи йиллар бошланди. Театр режиссёрлари Олим Хўжаевга ролларни дадил ишониб топширавердилар.

Комил Яшин билан марҳум шоир Амин Умарийлар «Ҳамза» номли асарни ёзиб топширдилар. Ҳамза Ҳакимзода ролини Етим ака тўлқинланиб, жазавага тушиб ижод қилаётган Олим Хўжаевга ишонди.

«Ҳамза», «Ҳамза Ҳакимзода», «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий», «Ҳамза театри» деб эшитганлар, унинг шеърларини ўқигану, бироқ ўзини кўролмаган, у билан суҳбат қуролмаган кишилар, айниқса ёшларга, шу улуг фарзанд сиймоси, қиёфаси, унинг халқчиллиги, оташин қалбли революционерлиги, янги замон жарчиси каби сифатларини намоён қилиш керак эди. Олим Хўжаевнинг энг кучга тўлган пайти эди. Алоҳида қайд қилиш керакки, юқорида зикр этилган сифатларининг барини, ўз ичига қамраб олган, Ҳамзанинг образини ишонарли қилиб ярата олди. Олим Хўжаев яратган Ҳамза ҳужрада, сандалда, ўтириб шеър машқ қилган, музика чалган, ўз қобиғига чулғаниб қолган шоир эмас, балки халқ ғамини еган, халқ фаровон ҳаёти, юрт ободлиги учун курашга отланган янги замон куйчиси, революция паҳлавони бўлиб гавдаланарди.

«Ҳамза» спектаклини кўрган ҳар бир томошабин Ҳамза Ҳакимзода қандай олижаноб инсон эканига сидқи дилдан ишонарди, ихтиёр-беихтиёр уни севиб қоларди.

Олим Хўжаев мулойим, лирик роллар ярашадиган юмшоқ табиатли йигит эди. Шиллернинг «Қароқчилар» асаридаги Карл Моор ролини қандай шижоат, қандай девкор баланд темперамент билан бажарганини кўрган ҳар қандай киши, артист маҳоратининг кўп қиррали эканига, унинг қалбида зўр куч ётганига имони комил бўлади. Унга офарин айтади, таҳсинлар ўқийди. Олим Хўжаевнинг ижроси шунга лойиқ, арзийди.

Мен юқорида Олим Хўжаевни жафокаш деб атадим. Яна такрорлашга тайёрман бу сўзни. Узоқ йиллар, ҳозирги, янги театризмнинг орқасидаги ўн икки квартиралар театр ходимлари истиқомат қиладиган уйда, рўбарў қўшни бўлиб яшадик. Эрталаб соат беш-олтиларда туриб деразадан қарасам, ҳар гал, Олим Хўжаевнинг у ёқдан бу ёққа юриб, роль ёд олишини кўрардим. Тез ёд олади, пухта ёдлайди ролни. Бу одат саҳнада эркин ҳис этиш шароити, муҳитини туғдиради.

Алишер Навоий роли 1945 йили фақат Аброр акамга берилган эди. Бирмунча фурсат ўтгандан сўнг Олим Хўжаев асарни саҳнага қўйган Огадан, Алишер Навоий ролини тайёрлашга ижозат сўради. Ҳар гал дадил иш кўрадиган оға, ўйлаб кўришини айтди-ю, бироқ ҳадеганда ижобий жавоб бермади. Олим Хўжаев энди Бадий советга ҳам мурожаат қила бошлади, бироқ Огадан «ҳа, майли» жавобини олиб бўлмасди. Олим Хўжаев бу «қайсарлик» замирига тушунмай юрди. Қанчалик ўзининг таланти артист эканини кўрсатган бўлишига қарамай, бироқ Оға, Олим Хўжаевнинг яна бир мунча тажриба орттиришини кўзда тутган бўлса керак. Асарнинг кейинги варианты устида иш бошланар экан, Олим Хўжаевни шу ролга дублёр қилиб тайинлади. Аброр акамнинг соғлиги анча ёмонлашган эди. Янги «Алишер Навоий» да бир-икки марта ўйнади-ю, узоқ муолижга жўнаб кетди. Роль энди фақат Олим Хўжаевга қолди.

1948 йили бу спектакль чиқди. Олим Хўжаев бўлак бир сиймони яратиш шарафига муяссар бўлди. Олим Хўжаевнинг бу роли ҳақида жуда кўп мақолалар чиққан. Шу соатларгача «Алишер Навоий» етти юз уч марта ўйналди. Бундан 650 мартадан кўпрогини Олим Хўжаев ижро этди. Олим Хўжаев шу ролини жуда яхши кўради. Бу деган сўз бошқа ролларини ёмон кўради-ю, шу сабабли уларни меҳр қўйиб ўйнамайди маъносини англатмайди. Мана етти йил бўлди, мен «Алишер Навоий» спектаклида, Ҳусайн Бойқаро ролини бажараман. Маълумки, Ҳусайн Бойқаро 4—5 саҳнада, Алишер Навоий билан бақамт тўқнашади. Мен ўз тушунчам, ўз кузатишларимга асосланиб, Олим Хўжаевнинг ижросига тўхталмоқчиман. Аввало артист бу спектаклга сочини албатта тарашлатиб келади. Салла тагидан ўсган соч кўриниб ётмаслигини таъминлайди. Чунки, ўша Алишер замонасида соч қўйиш одати бўлган эмас. Соч бир дона бугдой донасининг бўйидан ошмаслиги ва қирдирилиши урф бўлган. Шу кичик, балки томошабин сезмаслиги, эътибор қилмаслиги мумкин бўлган урф-одатга артист эътибор қилади. Спектакль бошланмасдан икки-уч соат олдин театрга келиб, шошмасдан кийинади, грим қилади. Спектакль қўйилмаганига кўпроқ вақт ўтган бўлса, дилида ролини такрорлайди. Кейин бирон пиёла чой ичиб олиб, спектакль бошланишига шайланиб туради.

Тўғри, спектаклни Оға саҳналаштирган. Лекин ҳар кунги қўйиладиган «Алишер Навоий»нинг ҳамма анжомлари, декорация деталлари, кийим-кечақларнинг бекам-кўст бўлишини кузатиб туришни Олим Хўжаев ўз зиммасига олган.

Гримчимиз Зита Алеевна Залкинд билан ўз гримининг ҳар бир қисмининг кўнгилдагидек бўлиши устида, тортишганининг гувоҳимиз.

Биринчи кўринишда қадди-қомати расо, қалби Гулига нисбатан муҳаббат билан лиммо-лим тўлиқ, шеърят бобида баланд чўққиларни эгаллаган, кучга тўлган Алишер Навоий ҳазратларини кўрсак, Олим Хўжаев асар кўринишлари ўтган сари, гам-қайғу, зулм-ситам остида тобора кексайиб, аста-секин букчайиб бораётганини кўрамиз. Олим Хўжаев Астробод кўринишида Алишер Навоийнинг ҳолатини тўлиқ тасвирлаб, томошабин юрагига ачиниш ва ўша замон қонун-қоидаларига нафрат уйғота олади. Яъни Олим Хўжаев шу кўринишда зулмат, игво, ҳасад, сарой кирди-корлари, ҳақсизлик, хусумат, фирибгарлик каби замонга хос хусусиятларни, шафқатсиз фош қилади.

Лекин шуни айтиш керакки, асардаги халққа тақдим этиш лозим бўлган мақсад, орзу ҳамда вазифаларини ортиқча кучаниш йўли билан эмас, балки зўр салобат — Алишер Навоий сиймосига мос келадиган сиполик, босиқлик билан залга етказди. Сўнгги кўринишда мендан — Ҳусайн Бойқародан, оқил, бегуноҳ, норасида шахзода Мўминмирзонинг қатл этилганини эшитганда Олим Хўжаевнинг кўзидан ёш келади. Чинакамига йиғлайди. Ҳар гал йиғлайди.

Бу йиғи томошабин қалбида ўзига нисбатан «зўр артист-да» деган офаринни эшитиш учун эмас, балки Алишернинг Мўминмирзога қанчалик чуқур оталарча муҳаббати бор экани, Мўминмирзонинг ақл-идроки зўр эканлигига улуг устознинг ақли етганига далолат берувчи бир фактдир.

Балки артистнинг организми шу сўздан кейин йиғи чиқаришга ўрганиб қолгандир, балки. Лекин ўша организмни шу дақиқаларга тайёрлаш-чи? Артист маҳорати маъна шунда. Ўзи ишониши, ўзгаларни ишонтира олишида.

«Алишер Навоий» спектаклини кўрган ҳар бир томошабин, Алишер Навоий ҳазратлари кўп жабр кўрган, муҳаббатга содиқ қолиб, дунёдан тоқ ўтган, фақат халқ гамини ўйлаб ўтиб кетган, жуда нуроний, табаррук одам эканлар-да, деган хулосага келиб ўрнидан қўзғалади. Зеро артист Олим Хўжаевнинг бахти ҳам шунда. Ҳар гал минглаб турли касб, турли ёшдаги кишиларни шу фикр билан кузатиб қўйиш, албатта катта бахт. Артист бахти, қувончи шунда.

Олим Хўжаев ўз рафиқаси, Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Шоҳида Маъзумова билан ҳамкорликда «Тўкилган май» спектаклини сахналаштирди. Шу билан режиссёрликка майли борлигини айтди. Москва шаҳрига бориб бир йиллик режиссёрлик курсини ҳам тамомлади. 1972 йили «Инқилоб тонгги» (Бухоро) асарини сахналаштиришда ҳурматли А. О. Гинзбургга яқиндан ёрдам берди. Улуг олим, файласуф ва тарихчи Абу Райҳон Беруний туғилганига минг йил тўлиши муносабати билан тайёрланган, шоир Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний» асарини, ёш талантли режис-

сёримиз Баҳодир Йўлдошев билан биргаликда сахналаштирди. 1971 йилда Болгариянинг Акоста шаҳар театрига бориб, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарини сахналаштирди. Олим Хўжаев аҳтимол атоқли режиссёр эмасдир. Аҳтимол машҳур режиссёр бўлиш орзусида ҳам эмасдир. Лекин 45 йил мобайнида, артист сифатида, орттирган тажрибасини ўзгалар билан баҳам кўриш орзуси яхши орзудир.

Бундан тўрт йил аввал Олим Хўжаевнинг 60 йиллик юбилейини нишонладик. Иттифоқимизнинг жуда кўп республикаларидан меҳмонлар келиб катта истеъдод эгаси Олим Хўжаев шаънига лойиқ илиқ сўзлар айтдилар. Артистнинг кўрсатган хизмати, жонбозлиги, муттасил қилинган машаққатли меҳнати ва унинг жамоат арбоби сифатида бажараётган муҳим вазифасини тилга олиб олқишладилар. Олим Хўжаев 65 ёшга етиб қолди. Кишининг кечирган умрига қараб баҳоланса, тўғри, Олим Хўжаев кексايиб қолди. Лекин сиртқи қиёфаси, ички ҳаяжони, меҳнатга ўчалиги, тиришқоқлиги, куйди-пишдилиги ижодий активлигига қараганда, Олим Хўжаев ҳали ёш, норғул, забардаст йигит. Шу кунгача яратган юзлаб ролларидан энг сўнггиси «Инқилоб тонги» спектаклидаги Фозилхўжанинг амакиси Акбарбойни кўрсангиз, беихтиёр: «Ҳа, Олим Хўжаев ҳали жуда тетик» дейсиз. Бахтимизга узоқ йиллар тетик бўлсин.

Илова тариқасида бир ҳодисани шу ерга киритмоқ ниятидаман.

1970 йилда Олим Хўжаев СССР Давлат мукофоти Комитетининг аъзоси сифатида Беларусиянинг пойтахти Минск шаҳрига боради. Тасодифан у ерда автомобиль ҳалокатига учрайди. Бу ҳодисадан хабар топган театримизнинг директори Искандар Мусабеков зудлик билан Минскга учadi. Воқеадан тўла хабардор бўлиб, кўнгли тинчиб Тошкентга қайтади. Коллективни тўплаб содир бўлган ҳодисани батафсил ҳикоя қилиб коллективни тинчитади. Бироқ, унинг ҳикоясидан Олим Хўжаевнинг аҳволи анча огир экани сезилиб турарди. Шу йиғилишда хаста Олим Хўжаевга коллектив номидан мактуб йўллашга аҳд қилдик. Коллектив ҳурматига далил бўлувчи ушбу хат жўнатилди:

«Баланд ҳурмат, чексиз иззат эгаси, халқ олқишини олиб воя ва камолга етган Олимжон!

Сизнинг ҳеч кутилмаганда бошингизга тушган ногаҳон кулфат тафсилотини эшитган биз тенгқурларингиз, ака-опа, ука-сингилларингиз, беҳадду беҳисоб азият чекдик. Ўртоқ Мусабеков қаерингиз шикаст еганини бизга айтар экан, биз — дўстларингиз, ога-иниларингиз баданининг айни ўша ери оғригандай туюлди.

Фақат ўз оғзингиз билан Искандар Эминичга айтган «аҳволим ёмон эмас» деган жумлангиз қалбимизга тасалли берди.

Сиз, Олимжон, саҳнамизнинг олими, кўрки ва фахрланишга арзигулик қадрдонимизсиз.

Ҳаммамизнинг дилимизда эзгу бир тилак, бир орзу, афсуски, амалга ошириш мушкул бўлган орзу бор, у ҳам бўлас, шу сизнинг танангиз огриқ сезган дақиқаларда тўртта нон, олма-анор туғиб Сизнинг ҳузурингизга кириш, кўриш ва далда ва тасалли бериш орзусидир. Не қилайлик, масофа узоқ...

Қилган меҳнатингиз катта, талантингиз чархланган, томошабинимизга фидо қилган ва унга шукуҳ гурур ва ғайрат ато қилган соатларингиз жуда кўп...

Эл дуоси сизга мадор бўлар ниятидамиз.

Севимли коллективингиз муҳаббати, иззат-ҳурмати, холисанилло шифо топсин, тез қайтсин каби бегараз орзуси, сизни қўмсаши шояд ярангизга малҳам бўлар.

Соғайинг Олимжон. Жуда тез орада дийдор кўришишга муяссар бўлайлик».

Олим Хўжаев узоқ муддат муолижадан кейин қайтиб келиб, бу мактуб унинг юрагига далда бўлганини айтиб, қуллағини билдирди.

КУЛГИ ДАРҒАСИ

Биз артистларга: «Дунёда энг қийин нарса нима?» деб савол берсангиз, албатта, инсонни кулдириш деб жавоб қиламиз. Дунёда инсон кўп, ҳар кимда ўзига хос хусусиятлар бор. Ҳар кимда ҳар хил қобилият мавжуд. Лекин кулдиришга қодир кишилар жуда оз эканлигини эътироф этиш керак.

Бирон афанди латифасини эшитар экансиз, бу латифани ким айтаётгани зўр аҳамиятга эга. Туғма талантга эга бўлмаган киши айтган латифа ўз мазмунини ва қийматини йўқотади. Чунки у, ношуд афандичи, латифа магзини чақиб беролмайди.

Шу ҳам аёнки, дунёда кулги устаси қилиб тайёрлайдиган бирон мактаб ёки олий ўқув юрти йўқ, бўлган ҳам эмас, бўлмайди ҳам.

СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза мукофотининг лауреати, ноёб образлар яратиб халқ ҳурматига эришган, кўп қиррали истеъдодга эга Наби Раҳимов кишиларга кулги ато қилиш қобилиятига эга артистларимиздандир.

Набижон сукунат тагига «олов қалаб» сукунатни хушчақчақликка айлантиришга қодир улфат йигит.

Набижон кирган даврада қувонч, кулги мавж уради. У кирган уй кўзингга шипи баландроқ, хонаси эса кенгроқ ва ёруғлашгандай туюлади.

Набижон кирган тўйга файз қўшилади. Набижон ақлини таниган кундан бери бирон дақиқа ёлғиз қолган эмас: ернинг йўлдо-

ши бўлгани каби, унинг ҳам ажралмас йўлдоши бор. Унинг йўлдоши, бегубор табассумдир.

1929 йил 5 сентябрда, Самарқандга тўпланганимизда бошида чуст дўппи, юпқа сурпдан яхтак, охори тушган йўл-йўл беқасам тўн ва почали шимини этик ичига жойлаб олган, бир қотма йигит, ҳамманинг ҳам диққатини ўзига тортмай қўймасди. Уша пайтларда «форим» бўлмаган «фарғонача» кийинган артист, хотирам хатога йўл қўймаётган бўлса, фақат шу Набижон эди.

Самарқанддаги Регистон майдонининг рўбарўсида, бир чойхона бўлгучи эди. Бу чойхонада ҳар куни мазали мошхўрда пиширилиб, кўпчилик артистлар, айниқса «мошавахўр тошкентлик»лар ўша чойхонанинг доимий шинавандалари бўлиб қолган эдик. Мен бир куни репетицияда ушланиб қолиб, ҳамма ўртоқларим овқатланиб кетганларидан сўнг бориб қолибман. Ҳали чойхоначи шогирдига, «мошхўрдадан беринг» деб улгурмаган ҳам эдим, Набижон шу чойхонага кириб келди. Мен беихтиёр «ўзимизникилардан» кўриниб қолгани учун қувониб кетдим ва рўпарамдаги бўш жойга таклиф қилдим. Узоқдан кўзимга камгап бўлиб кўринган бу нотаниш ҳамкасбим, ўтириши билан сўзга тушиб кетди. Яримдан кўпроги кўриниб турган Регистондаги минорага имо қилиб:

— Огайни минорага чиқдингизми? — деди Набижон.

У пайтларда 15 тийиндан билет сотиб истаган кишига миноранинг тепасига чиқишга ижозат берилгучи эди. Мен:

— Ҳа, чиқдим. Бу ташқаридан паст кўринар экан-у, лекин ўзи жуда баланд экан, — дедим.

— Мен ҳам чиқдим. Жуда совқотиб кетдим. — Набижон иршайиб сўзида давом этди: — Декабрь ойи бўлса, ўша минорани тепасига чиқариб қўйиб, тарвуз сўйиб берса, бирон киши латта хўллаб, елкангга галма-гал ёпиб турса — қулинг ўргилсин бўлса керак дейман-а? — деди Набижон.

Мен бу сўз маъносини ўйлаб, беихтиёр кулдим. Шу ҳодисага, Набижон менга ўз маҳорати билан биринчи кулги ҳадя қилганига, мана, 45 йил бўлибди... Узоқ суҳбатлашдик. Набижон ўзини таништира кетди. Қўқондаги қашшоқ косиблардан бири, Раҳим отанинг ўғли, шогирди ва қўлтиғига кирган суянчиғи экан. Қулф, керосин лампа тузатишга, тешилган челақ тагини қўргошинлашга қўли келишиб қолган экан. Уни Ҳамза Ҳакимзода ташкил қилган театрнинг спектакллари, оҳанграбодек ўзига тортар экан. 1926 йил ўн беш ёшли Набижон янги ташкил этилган духовой оркестрда кларнет асбобини чалишга киришди. Театр тўрагагининг тез-тез қўйилиб турган томошаларида ҳам қатнаша бошлайди. Ҳамза Ҳакимзоданинг дўсти, саҳнадоши Миршоҳид Мироқилов разм солиб юргани сабабли, уни ўз театрига тўппа-тўғри бошлаб келаверганакан.

Набижоннинг эзгу нияти юзага чиқди. Кўнгли шод кишига дунё, губордан халосдай кўринади. Дунё, ҳаёт, ижод лаззатидан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон ўз меҳнатидан завқланади, камолот чўққисига талпинади. Набижоннинг саҳнада ўйнаш иштиёқи баланд эканини, ҳали масофаси олис бекатга талпинаётганини пайқаган мураббийлар, уни рағбатлантирдилар, санъат алифбесини қунт билан унга ўргатдилар, лочинлик қилдилар. Лочинлик? Ҳа.

Лочин ўз боласини қандай учишга ўргатиши ҳақидаги афсона шу Набижон ва Набижонларга ғоят мос келади.

Она лочин қаноти чиқа бошлаган боласини жуда ҳам баландликка олиб чиқиб ташлаб юборар экан, ҳайиққан лочин боласи, биринчи дафъа талпинар-у, бироқ қанот ёзиб учолмас ва ерга тезлик билан тушиб кетаверар экан.

Бироқ она лочин ҳушёр тортиб, тошдек тушиб бораётган боласига етиб бориб боласини илиб олар ва яна ҳам юксакроққа олиб чиқиб, яна ташлаб юборар экан. Мустақил учишга ўрганмагунча шу зайлда дарс ўтар экан.

Оға, Етим ака, Аброр ака, Алексеев, Гинзбурглар Набижон ва унинг тенгқурларига худди шу усулда баланд парвоз қилишни ўргатдилар. Бизнинг шахсий талантларимиз атрофида бундайин посбонлар тетик, бедор ва дадил турмаганларида, ким билсин, қай биримиз рўй-рост қанот ёзиб, санъат фазосида эркин уча олардик. Набижоннинг профессионал театр саҳнасида яратган биринчи образи Д. Фурмановнинг «Исён» асаридаги Егор бўлди. Анархистларнинг соясига сув сепган сотқин Егор, Набижон ижросида шундай талқин топдики, хийла кўзи пишиб қолган тажрибакор устозлар бу артист ҳақида «бўладиган бола» деган аниқ қарорга келдилар. Набижон «Ҳамза» театри саҳнасида қўйилган кўп спектаклларда қатнашиб бирталай образлар яратди. «Ҳамза»да Назирий «Момақалдироқ»да Тихон, «Қалтис ҳазил»да Мамадали, «Маликан Турандот»да Турфальдино, «Гамлет»да Лаэрт, «Қўзибулоқ қишлоғи»да Флорес, «Сепсиз қиз»да Карандашев ва бошқалар.

1942 йил бошларида коммунист Наби Раҳимов армия сафига чақирилди ва фронтга жўнади. Жанг майдонида автомат билан жавлон урган Набижон, бир оз тинчлик ўрнатилиши билан ўз ҳангомалари, латифалари билан полкдошлари юрагига далда берди, кулдирди.

1943 йили армия сафидан бўшади. Тўғри она театрига келди. «Отелло»даги Яго ролини тайёрлашга тутинди ва қисқа фурсатда уддасидан чиқди, томошабинга манзур қила олди.

Бу ролни Олим Хўжаев икки йилдан кўпроқ муддат ижро этиб келарди. Икки йилга яқин саҳнадан узоқлашиб қолган Набижондан бу роль муттасил ва машаққатли меҳнат талаб этарди. Наби-



Абдулла Қаҳҳор. «Шоҳи сўзана». Қўзиев ролида СССР халқ артисти, республика Ҳамза мукофотининг лауреати Наби Раҳимов. Салтанат ролида Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Икром Болтаева.

жон уринди, машаққат чекди. Набижон Олим Хўжаев ижросидан айнан нусха кўчирмади, балки у, ўзи тушунган, ўзи тўғри деб аниқ хулосага келган образ талқинини топди. Яго роли Наби Раҳимовнинг сахна санъати, қўйилиб қиёмига етганидан далолат берувчи етук образ бўлди.

Наби Раҳимовнинг ажойиб фазилатларидан яна бири, муҳими шундаки, у бир қиёфага кириб қолган фақат бир типдаги оддийлик, юмористик элементлари муҳайё роллар устаси эмас, балки драматик, фожиали ёки замон қаҳрамонлари образларини бемалол яратаверади. Унинг зўр усталиги яна шундаки, ҳамма ролни ўзига қўйиб қўйгандай, гўё бу образни яратган автор, фақат Наби Раҳимовни кўз олдига келтириб туриб ёзгандай туюлади. Масалан, «Огриқ тишлар»даги мунофиқ, фирибгар Мамарасул, шу асар муаллифи, ҳурматли Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесасидаги Қўзиевга ўхшайдими?

Гоголнинг «Ревизор» асари ёзилгандан бери ундаги Хлестаков образини рус ва бўлак театрда жуда кўп артистлар яратди. Бу образларнинг бари яхши чиққан деб ҳеч ким даъво қилолмайди. Бироқ Набижон яратган Хлестаков, сараларидан бири бўлган

десак, муболага эмас. «Мирзо Улугбек»даги Бобокайфий, «Зёт-бахш ўлим»даги анархист, «Муҳаббат» даги Етов Етовьев, буларнинг ҳар бири дoston ёзишга арзигудек образлардир.

Баъзи ўртоқлар «шу Набижоннинг ҳам қайғурадиган пайти бўлармикан-а? — деб қизиқадилар. Бўлади. Набижон оддий инсонга хос, дунёнинг икир-чикирлари, баъзан қайғу, баъзан қувонч, баъзан ҳайронлик унга ҳам бегона эмас. Аброр Ҳидоятлов ҳоки билан видолашиш дақиқаларидаги уввос солиб йиғлаши, юраги бўшлигидан бўлса, баъзан маъраканинг ёки давранинг қувончига доғ тушираётган «бефаҳмга» найзадек санчиладиган ачиқ, рўй-рост сўзлари оз бўлса ҳам ҳақсизликка чидамайдиган «бераҳм»лигидан далолат беради.

Набижон чилангардан чиққан, элга танилган, сон-саноқсиз дўст, улфат, мухлис орттирган, буюк Октябрь шуъласидан баҳраманд бўлиб қилган машаққатли меҳнатнинг роҳатини кўраётган катта талантдир.

ДЕГРЕЗДАН ЧИҚҚАН «БОЙ»

Тошкент шаҳрининг «Дегрезлик» маҳалласи, қадим замонлардан бери ўзининг чўян асбоблари билан донг чиқарган.

Чўян қозон, декча, қумгон, жинчиروқлар шу маҳалладан чиқарди. Жафокаш, сабр-қаноатли, қўли олтин чўян пазандалари шу ерда истиқомат қилардилар. Эшитгансиз «устаси фаранг» бир инглиз, рус подшосига олтидан бурга ясаб инъом қилган экан. У бурга кўзга зўрга илинар экан. Рус подшоси ўзининг усталарини чақириб, ҳалиги бургани кўрсатиб, уни ясаган устани роса мақтабди ва ўз усталарига таъна қилибди. Ори келган рус устаси, хаш-паш дегунча ҳалиги бурганинг оёғига тақа қоқиб, ҳаммани ҳайрон қилган экан. Дегрезликда шундай моҳир усталар бор эдики, тешик қозонга ямоқ солардилар.

1916 йили масжидга аҳли маҳалла тўпланди. Подшоҳ ҳазратларининг ерли миллатлардан, сартиёнлардан мардикорликка одам олиш ҳақидаги «фармони олий»си ўқиб эшиттирилди.

Зулм пичоги суякка етган, бу ҳилдаги фармони олийларни эшитавериб «қорин туйган» эди. Халқ оч, ярим яланғоч. Чўян шақирлаб қайнаганда сачраб чиққан учқунлардан коржомаси илма-тешик бўлиб кетган бечораларнинг ҳолига маймунлар йиғларди. Бу ҳам озлик қилгандай, қариган отаси қўлтиғига энди кирган навқирон ўғлини, оқ подшо ўрмонгами, чўл-биёбонгами юборар эмиш, «Ватан ҳимояси йўлида», «Азиз тупроғингиз...» — дебди ўз буйруғида бу аждаҳо!.. «Ватан эмиш!» «Қанақанги Ватан, Ватан кимники... Тавба! Аиз тупроғингиз эмиш... Азиз тупрог-а, бизнинг тупроқ гўристонликда! «Ватан», «Азиз тупроқ» бойники, пулдорники. Маҳалла қозондай сала ўраб диёнатни ютаётган

қоз: қуззотники. Бойларнинг ялоқхўри, подшо амалдорлариники. У: у-кун қимор ўйнаб, ошиқ ташлаб, исловатхонадан чиққан, ароқ сиқираётган олифта бойваччаларники. Мардикорликка ўша, ер, тупроқ эгалари боришаверсин. Мардикорликка одам бермай-миз! — деб биринчи марта баралла овоз қўйган ҳам шу маҳалланинг дөвюраклари бўлганди.

1897 йил март ойда ана шу маҳаллада Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Обид Жалилов туғилди.

Қўл учида умр кўриб турган ота уста Жалилнинг беш кишилик оиласига, яна битта нонхўр қўшилди. Бироқ уста Жалил ўзида йўқ хурсанд эди. «Худо фарзанд берса ризқи-насибаси билан беради» деб ўзини ва муштипар заифасини овутарди.

«Кунни ёвмин батар» деганларидек, замон огирлашмоқда, чўян қозон касод бўлмоқда. Чунки халқ қозонини бирин-кетин сувга ташламоқдайди. Ота икки қизни ўраб-чирмаб узатиб юборди. Қизларидан кўнгли тинчиган ота кўз олдида навқирон Обиджоннинг тақдири, унинг ҳунари, келажаги намоён бўларди.

Обиджон тенгқурлари билан мактабга боришни зимдан орзу қилса ҳамки, отага оғиз очолмасди, чунки оилада қолган якка-ю, ягона дастёри беминнат шу Обиджон эди.

«Бир йигитга минг ҳунар оз» деган мақол кўнглига қаттиқ жо бўлган бола, бўш қолган чоғларини ота ва унинг ҳамкасабалари ҳузурида ўтказар, чўян қуйиш, дегрезлик ҳунарини ўргатарди.

Ниҳоят, Обиджон, машаққатлар чекиб бўлса ҳамки, ўспирин ёшига етиб олди. Мийиғида сарғиш мўй сабза ура бошлади. Қадди-қомати келишган, қирра бурунли сухсурдек йигит бўлди.

15—16 ёшли бўлганда отаси, акаси, зўр илтижолар қилиб, Обиджонни Комил бойникига ишга олиб кириб қўйишди.

Жалил ота, ўғли Обиджонни бойникига йўллар экан, унга оқ фотиҳа берди ва шундай деди: «Ўғлим, кенжам Обиджон, отанг айлансин, мен сени ўқита олмадим, ўқимадинг. Энди қўлимдан учиб кетяпсан. Эҳтиёт бўл. Энди уқи ўғлим, ақл ишлат. Тўғри йўлингни ўзинг топ. Замон ёмон, эҳтиёт бўл!» Бу сўз, бу насиҳат ўзининг яхши мевасини бердики, Обиджон ҳаётни кузатиб нималар бўлаётганини «ўқий» бошлади.

Обиджон Комил чиннифурушнинг складида идиш жойловчи бўлиб ишлади. Бундай атрофига разм солса, турмуш жуда бошқача. Дегрездагиларнинг нолиганича бор экан. Бир баҳога олиб ўн баҳога сотиш, алдаш, хиёнат, порахўрлик, бузуқилик, ҳуфия базмлар, ҳар кун беш вақт намозу, бироқ ҳуфтондан кейин айшу ишрат, фисқу фасот. Лак-лак пул, қовурғаси синмаган Николай подшо суратли шилдирама қоғозлар, офатдан қочгандай югуриб келиб, Комил чиннифурушнинг кўкрак чўнтагидан паноҳ топади.

Обиджон «Тавба!» «Тавба!» дерди-ю, яна ишини қилаверарди. Ҳар ҳафтада бой инъом қиладиган «моҳиёна» — «чойчақа» ни ҳам Обиджон тишида тишлаб отанинг кафтига қўярди.

Ўғлининг ноҳўя қадам қўймаганидан хурсанд бўлиб, худога минг қатла шукур қилган уста Жалил, юраги тарс ёрилай деган кунлари икки ўғлини икки ёнига олиб «Шигъиддин бувам», «Камолон дарвоза», «Шайхантовур» ёки «Бешёғоч»га қўчиб чиққан сайла олиб борарди.

Обиджон мана шу сайлларда, халқ санъати билан танишди. У сайлларда дорбозлар, дор тагидаги масҳарабозлар ўйин кўрсатишар, «Чодир хаёл», «қўғирчоқ ўйин» бўларди. Тумонат одам тўпланган жойларда — чойхоналарда, Андижондан чақириб келтирилган машҳур Юсуфжон қизиқ, ака Бухорлар чандишар ва аския қилиб одамларнинг ичагини узишарди. Мулла Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, марғилонлик қўшнаичи Аҳмаджон акалар биридан-бири ширин мақомлар айтишиб, қора халқ юрагидаги чигилларни ечишарди. Баъзи-баъзида маҳалланинг ўспиринлари, косиббачалар, танча атрофига тўпланишиб «Чор дарвиш», «Калила» ёки «Жангнома» ўқишар, каллаи саҳарга бориб тарқалишарди. Обиджон китоб ўқиётган тенгқурларига ҳаваси келар, саводсиз қолганига ич-ичидан ачинарди.

Кўрпага киргандан кейин ҳам уйқу келмас. Унинг кўз олдидан гўристонликда учрашиб ўз саргузаштини ҳикоя қилган тўрт дарвиш, мўлтони савдогар, «гурзи билан тоғни уриб» гард-гард қилган паҳлавонлар бирма-бир ўтишарди.

1914 йили Обиджон бир ўртоғининг сўзига лаққа учиб «туятр» кўргани «Колизей» (ҳозирги давлат филармонияси жойлашган бино)га борди. «Падаркуш» деган бир томоша қўйилди. Ёш йигит кўз олдидан бўлак бир ҳаёт ўтди.

Мазахўракка ўрганган Обиджон энди «йўлдан урган ўртоғи» ни «томошага олиб борсанг-чи», деб қўстайдиган бўлиб қолди. Ўртоғи яна томошага олиб борди. Бу гал «Лайли ва Мажнун» қўйилди.

Бу «Лайли ва Мажнун» афсонасини болалик чоғларида онаси, опаларидан эшитган Обиджон, энди ўз кўзи билан, тиряк Мажнун, гўзал Лайли ва унинг марҳаматсиз отасини кўраётган эди.

Мажнун ролини бажарган (СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати) Озарбайжондан келган меҳмон, Сидқи Рухиллонинг ёқимли товуши ва ўзига ярашган ҳаракатлари, ёш Обиджонни ҳаяжонга солди. Фузулийнинг ширин, мазмундор сатрлари йигит юрагини алғов-далғов қилиб юборди.

Ҳатто у, асарни озарбайжон тилида ўйналаётганини унутиб қўйганди.

Ана шу кеча аллақандай бир «шайтон» Обиджон юрагига кириб олди. Йигит оромини йўқотди. Лекин бу сир-синоатни биров-

га айтиб бўладими? Обиджон фикри хаёлидаги кучли пўртанани яширишга куч топди. «Сабр теги раҳмон» деб юраверди. «Артист» сўзн унинг қулоқлари атрофида тўхтовсиз айланса ҳамки, лекин у, «артист» бўлиш йўлини ҳали билмасди. Оғзи бўшларнинг таънаси, ўлган устига чиқиб тепиш бўларди.

1916 йили маҳалла масжидида бўлиб ўтган ўша тўс-тўполонда, халқ бир ёқадан бош чиқармаса, келган балони қайтармаса, Обиджон ҳам мардикорликка кетиши аниқ эди. Ун тўққиз ёшдаги норул йигит, энг муҳими, камбағал боласи эди.

1917 йил эрта баҳорида хушxabар тарқалди: «подшоҳ тахтдан тахтайи тобутга тортилди. Ҳуррият, ҳуррият бўлди» дедилар. Дедилар-у, лекин бирон яхшилик кўрмадилар. Подшоҳ йиқилса ҳам, «Подшо замон» йиқилмаган эди. Лекин халқнинг путури, кетган эски замон қулашига имони комил эди. Уларнинг дик қулоғига «большовоилар», «Ленин», «Шўро ҳукумати» каби саҳоват ваъда қилувчи иотаниш, лекин алла қандай қадрдон сўзлар эшитилмоқдайди. Большевиклар, Ленин йўли энг тўғри йўл эканига ақли етганлар бу маҳаллага тез-тез қатнайдиған бўлиб қолдилар. Маҳаллада революция хайрихоҳлари кўпайиб кетди. Янги усул мактаблар очилди. Обиджон бу мактабга кирди ва мактаб ҳузурида ташкил топган «Эл тузар» театр тўдасига аъзо бўлди.

Бу «Элтузар» тўдасида Раҳмонберди Ҳожизода, марҳум Зиё Саидий, Олим Қосимов, ҳозирги кунда «Ҳамза» театрининг атоқли артистларидан бири ҳисобланган Сайфиқори ҳам бор эдилар. Ўзбек театрчилиқ санъатига асос солган Маннон Мажидов (Уйғур) бу хилдаги ҳаваскор тўғарақларга қатнаб бир парда, икки пардали асарларни қўяр, артистларни грим қилар ва уларга санъат тараққиёти ҳақида кўп ҳикоялар қиларди.

Бу тўдадан уч-тўрт кишини у янги тузиладиган «Турон» труппасига артист қилиб олиш учун кўз тагига олиб қўйди. Қаддиқомати келишган, тўлиқ овозли, камгап, юраги тўла олов йигит Обид Жалилов, труппанинг биринчи кандидати эди, албатта.

Ота, уста Жалил, сиртдан ўғлининг «масхарабоз»лигига қарши бўлса ҳамки, лекин дилида «майли, бечора ўғлим тирик етим бўлиб ўсди, кўнгли тусаган ишини қилиб олсин» дерди, ҳалал бермасди. Билиб туриб билмасликка соларди ўзини. Кеч кузга бориб «Инқилоб бўлди. Шўро замон енгди. Ишчи-деҳқонлар ҳоким бўлди» дедилар. Зулмдан қақшаб кетган юзлардаги ажин арий бошлади. Табассум бойларнинг қуримсоқ оғзини тарк этиб, камбағаллар мийиғига кўчиб ўтди. «Дориламон замон бўлди. Камбағаллар қаддингни кўтар, давринг келди!» дедилар...

Дол бўлган бел алифдай тўғри бўлди. Меҳнат роҳат келтирадиган кунлар келди... У маҳаллада мактаб, бу маҳаллада мактаб. «Қандингни ур, Шўро!» дерди оғзи ошга етган йўқсуллар...

1918 йили «Эски шаҳар маориф шуъбаси» ҳузурида Карл Маркс номида биринчи мусулмон труппаси тузилди. Обид Жалилов шу труппага кириб ишлай бошлади.

Дегрезлик кўчаси ҳозир тамом бошқача, дегрезликлар тақдири бошқача, дегрезваччаларнинг бири олим, бири инженер, биттаси институтда физикадан дарс берса, бири таксомотор паркини бошқаради. Бири машинист, бири «Сельмаш»да донгдор ишчи... Уста Жалилнинг тенгқурларидан ҳали уч-тўрттаси ҳаёт. Улар персонал пенсия (шахсий пенсия) олиб чойхонада аччиқ кўкчоё ичиб, ёшларга маҳалланинг инқилоб ҳаракатидан ва қашшоқ ўтмишдан ҳикоя қилиб ўтирадилар. «Советга балли!», деб миннатдорчилик изҳор қиладилар.

«Шарқ тонгги», «Тошкент халқа ичида», «Қонли кун», қолаверса «Йўлчи юлдуз» асарлари қўлга олинганда, бу спектаклларда банд бўлган Обид Жалилов, шу маҳалладаги кексаларни ишга солар, уларнинг революция ҳақидаги фактларга бой ҳикояларини мароқ билан тинглар ва саҳнада яратадиган образини ёрқин деталар билан бойитарди.

Обид Жалилов, Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов Сайфи Олимов, Маъсума Қориевалар қатори, пешқадамлар ўзбек театричилик санъати пойдеворини қурган асосчилардан биттаси ҳисобланади.

1924 йилга қадар биринчи ўзбек труппаси қандай қийинчиликлар ва машаққатларни бошидан кечирган бўлса, Обид Жалилов шунга шериклашди. Ундаги камтарлик, оғирлик, сабр-матонат ҳар вақт мададкори бўлди. Эркин нафас ола бошлаган халққа хизмат қилишга аҳд қилган Обид Жалилов, баъзан оч, баъзан яланғоч қолади. Бироқ у, ўз санъатининг равнақига, истиқболига тўла ишониб, янгидан-янги роль яратишни бўшаштирмасди.

1924 йил ёз ойларида бир тўда артистлар Москвага ўқишга жўнамоқчи бўлдилар. Булар орасида Обид Жалилов ҳам бор эди. Фақат тажриба, нусха кўчириш ёки тақлидчилик билан санъатларининг олға силжий олмаслигига ақллари етиб қолганди. Санъатни тараққий этдириш учун ўқиш керак эди. Улар рус халқига, унинг бой ҳазинасига мурожаат қилишга аҳд қилдилар. Москва ўзининг иссиқ қўйинини кенг очиб, Ўзбекистондан келадиган биринчи қалдирғочларни кутарди.

Обиджоннинг шодлиги ичига сиғмасди. Бироқ орзуси ўринламади. Кетиш кунлари яқин қолганда, уста Жалил хасталашиб, Обиджон Тошкентда дўстларидан ажралиб қолди...

Театрsiz ҳаваскор йигит юрагига ҳаёт нашъаси сиғмасди. Обиджон эски шаҳар маориф шуъбаси қошида ҳаваскорлардан бир труппа тузиб, унда раҳбарлик қилиб турди. Лекин бу раҳбарлик ҳам уни қаноатлантирмади. Саҳнада ўйнагиси, оёқ-қўлини ёғгиси келарди.

1925 йили Самарқанд шаҳрида, Ўзбекистоннинг ўша даврдаги пойтахтида, янги труппа тузилишини эшитиб, Самарқандга жўнади, труппага кириб олгач, кўнгли ўрнига тушди.

Обид Жалилов кейинги йилларда К. Яшиннинг «Икки коммунист» асарида Арслон ролини ўйнар экан, унинг кўз олдига, босмачилар бир қошиқ қони учун юз минглаб сўм ваъда қилган қаҳрамоннинг сурати келди.

«Бой ила хизматчи»да Солиҳбой образини яратар экан, ёшлигида ўзи хизмат қилган Комилбой чиннифурушнинг турқитаровати гавдаланди. «Тор-мор»да софдил Нурмат ролини ўйнар экан, заводчи бойларга ем бўлган қашшоқлар сиймоси кўз олдига келди.

Артист халқдан ордирган бойликлари билан саҳнадаги образни безатиб ўз эгасига, яъни халққа қайтара олса, ана ундай артистни бемалол талантли артист деб аташ мумкин.

Обид Жалилов худди шундай ижод қиладиган артист эди. Шу сифати учун ҳам жамоатчилик, матбуот ҳар доим унинг ўйини ҳақида сўз юритар экан «талантли артист» жумласин такрор-такрор қайтарарди.

1927 йили унинг қадрдон дўстлари Москва студиясини тугатиб, Ўзбекистонга қайтдилар. Энди Обид Жалилов олдида шу санъат илмини ўқиб келган ўртоқларидан орқада қолмаслик, улар билан ҳамоҳанг бўлиш вазифаси турарди. Отасининг: «Болам, ўқий олмадинг, энди ўқигин» деган ўғити қулоғи атрофида айланар, унга тинчлик бермасди. У, санъатга оид китоблар, мақолаларни топиб ўзича мутолаа қилаверди. Гастроль қилиб келган рус театрлари спектаклларининг бирортасини қўймай кўраверди. Бу тиришқоқлик, гайрат, чексиз ҳавас, ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Обид Жалиловга катта-катта ролларни ишониб топшира бошладилар. Артист ҳам ўз галида бу ишончни бекам-кўст оқлаб борди.

В. С. Ивановнинг «14—69-сонли Бронепоезд» номли асарида Обид Жалиловга Вершининдай мураккаб бир ролни топширдилар. Бу ролни Москва академик бадий театрда ўз таланти билан машҳур бўлган В. И. Качалов ижро этар эди.

Артист деҳқонлар ҳаракатининг бошлиғи Вершинин тақдирини, унинг кураш усуллари ва тушунчасини ўз миллатининг деҳқонлари тушунчасига ёндош эканини сезди, ўз ижодий йўлини танлади ва ролни қойил қилиб бажарди.

1930 йили Обид Жалилов Москва шаҳрини кўрди. «Ҳамза» театри Бутун Иттифоқ театрлар олимпиадасига борган эди. Бўш бўлган кечалари МХАТ, Малий Театр, Вахтангов театрларига бориб, бир талай спектакллари томоша қилди. Рус театрчилик хазинасининг ноёб намуналари, артистнинг кўзини очди. У саҳнани аввалгидан ҳам қаттиқроқ севиб, ўз ижодхонасига — театрга чуқур ҳурмат билан қарай бошлади.

Обид Жалиловнинг «Бой ила хизматчи» спектаклидаги яратган Солиҳбой образи, ҳурмат ва таҳсинга арзийдиган машаққатли ижодий меҳнат самараси эди. Обид ака бу ролни 500 маротабадан кўпроқ ижро этди. Бойларга хос «салобат», айёр, зимдан қаровчи кўзлар ўзига ярашган қора соқол-мўйлов, серзарда ўта хийлакор иисон қиёфасидаги замон-муҳит вакили бўлиб гавдаланар эди. Обид ака — Солиҳбой, кулиб туриб Ғофирнинг жонини оларди (тўй харажатларини ҳисоб-китоб қилиш саҳнаси).

Обид ака чўт солар экан, Ғофирнинг бўйнига қўйишга қасд қилган 1700 сўм қарз, чўт доналарида чииакам 1700 сўм бўлиб чиқарди. Демак, чўт доналарини ёлғондакамига ташламас экан, Солиҳбойнинг кирдикорларини, замон негизини фош қилишни ўз вазифаси деб тушунган артист Обид Жалилов ўз мақсадига эришган.

1935 йил 11 февраль куни «Ҳамза» театри саҳнасида биринчи маротаба узоқ тайёргарликдан сўнг В. Шекспирнинг «Гамлет» трагедияси ўйналди. Бу, театрнинг биринчи тажрибаси эди. Шу сабабли ҳам бутун труппа зўр ҳаяжонда «ўзбек томошабини Шекспирнинг асарини қандай қабул қиларкин?» деган мулоҳаза жавобсиз, муаллақ турган эди.

Обид Жалиловга бу асарда ҳам бош роллардан бири Клавдий топширилган. Ғаразгўй Клавдий, тахтга минмоқ учун ўз акаси, кекса қиролни ҳалок этади. Инсоний ҳисларга бой, хиёнат чўққисини рўй-рост кўрсатувчи бу асар кўп меҳнат, мутолаа, кўп суҳбат талаб қилган эди. Шу разил Клавдийнинг ифлос башарасини очиб бера олишга қодирмиканман? — деган савол, Обид Жалилов юрагини ҳам увиштирмоқдайди. Обид ака бу гал ҳам ғолиб чиқди.

Комил Яшин билан Амин Умарий асари «Ҳамза»да биринчи ўзбек шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзоданинг яқин дўсти, ҳимоячиси, коммунист Пўлатов: Б. Лавренёвнинг «Денгиздагилар шарафига» пьесасида денгизчи офицер Харитонов, Уйғуннинг «Навбаҳор»даги райком секретари Қомилов, Назир Сафаровнинг «Шарқ тонгги» пьесасида Пўлатов, К. Треневнинг «Любовь Яровая»сидаги жанговар командир Роман Кошкин, Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя» драмасидаги софдил Исмоил, Островскийнинг «Момақалдироқ» драмасидаги Дикой образлари томошабинни мамнун қилган, артистга ижодий роҳат бахш қилган образлардир.

1948 йили «Алишер Навоий» асари қайтадан қўйилди. Томошабин Алишер яшаган замон, муҳит, унинг атрофидаги фитна, сарой гийбатини равшан кўрди.

Шоир бошига қайгу-ситамлар, чексиз мусибатлар солган ялоқ-хўрлар билан ҳам танишдик. Буларнинг бошида вазир Мажидидинни кўрдик. Шу ғаразгўй, тирноқ орасидан кир ахтарувчи бадкирдор вазир ролини Обид Жалилов бажарди. Артист тўғри



Мақсуд Шайхзода, «Мирзо Улуғбек». Пири Зиндоний ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Обид Жалилов.

тасвири хатти-ҳаракати, мимикаси, кўз ўйнатиши билан ўзига нафрат тугдиради. Албатта, бу нафрат, баъзи-баъзида залдан отилиб чиққан беихтиёр ҳақоратлар артистга эмас, унинг чуқур ўйлаб, узоқ ишлаб яратган «ёмон вазири»га қаратилган эди. Агар салбий қаҳрамонни ўйновчи артист ўз қаҳрамонини шафқатсиз равишда фош қила олмаса, ижобий кишиларнинг чин одамлик хусусиятлари яққол кўринмай қолади. Унда спектакль маглубиятга учрайди.

Обид Жалилов бу ролни яратишда кўрсатган маҳорати учун СССР Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Езувчи Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи актуал сахна асари «Шоҳи сўзана»нинг муваффақиятли чиқишида, артист Обид Жалилов катта ҳисса қўшди.

Унинг яратган Мавлони жонли образдир. Мавлон ака пахта илмини сув қилиб ичиб юборган тажрибакор. Янги ер ўзлаштиришда ташаббускор, чўлистонни гулистон қилиш тарафдори, қисқаси яхши одам, совет қишлоғининг мақташга сазовор намояндаси. Лекин Мавлон аканинг шу яхши хислатлари билан бир қаторда унинг совет кишисига ярашмайдиган қилиқлари ҳам йўқ эмас. У ўжар, жиззаки, манманлик дардига мубтало. Узоқни кўролмайди. Хато қилганини тушунса ҳамки, иқрор бўлишга бўйни ёр бермайди.

Артист Мавлоннинг шу сифатларининг бирортасини ҳам камситмай очиб ташлаши туфайли, томошабин зўр қизиқиш билан унинг ўйинини кузатарди ва узоқ қарсак чалиб артистга «офарин!» дерди.

Обид ака ўзи мақтанчоқ эмас эди. Мақтанган одамни жини ёқтирмасди. Обид аканинг шахсий интизоми кўп тенгқурлари, айниқса ёшларга намуна эди. Камтар, вазмин, иродаси кучли одам эди.

Кучли иродасига мисол бўлишга арзийдиган унинг шахсий фожиасини шу жойда айтиб ўтмоқ ниятидаман. Обид аканинг икки қизи бўлиб, уларнинг каттаси Нозима, оғир касалга чалиниб қолганди. Қизнинг дарди кун сайин оғирлашиб борарди. Фожа юз берар кун «Алишер Навоий» спектакли эълон қилинган. Кундузи, ҳали қизидан умиди бор Обид ака, театр маъмуриятига бугунги «Алишер Навоий» спектаклини ўзгартиришни илтимос қилса бўларди, лекин сабр-тоқатли Обид Жалилов, театр маъмуриятига хабар қилмайди. Кечки пайт навқирон қизи яна ҳам оғирлашади. Шунга қарамай, соат кечки олти яримда, қизи пешанасидан ўпиб, театрға кетади. Грим қилиб тайёр бўлади.

«Алишер Навоий» спектакли бошланади. Шу онда қизнинг қазо қилгани ҳақида, театрға хабар келади. Обид ака ролини ҳар галгидай юксак маҳорат билан ижро этаверади. Обид аканинг фожиасини эшитган ёру биродарлари, ҳамкасблари, ўзларини тутолмай, Обид акага ачиниб, йиғлаб роль бажарадилар.

Обид ака роли тамом бўлгач, йиғлаб уйига жўнайди. Бунинг учун катта ирода керак эди, албатта.

Бу зўр истеъдодли артист, меҳрибон ота, камтар суҳбатдошимиз 1963 йили вафот этди. Лекин унинг сиймоси, инсоний сифатлари доим барҳаётдир.

САРДОРИМИЗ

1962 йил 26 декабрь кун тўсатдан, ҳеч кутмаганимиз ҳолда, энг сермаҳсул, кўп қиррали талант эгаси, ҳамсуҳбатимиз, ҳазилкашимиз, маслаҳатгўйимиз, кам қайғу, сер кулги улфатимиз Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати

Лутфулла Назруллаевдан ажралиб қолдик. Унинг жўшқин юраги бирдан тўхтаб қолди.

Мен у киши билан узоқ йиллар бирга ишладим. Бир ҳовлида қўшни бўлиб истиқомат қилдик. Шунга қарамай, у кишининг сиймосини тасвирлашда бирмунча қийналмоқдаман. Сабаб? Ёмон одаммиди? Йўқ, яхши одам эди. Хушчақчақ одам эди. Кўнгли бўш, куйди-пишди, онладан кўра кўпроқ театр ишига қуядиган одам эди. Уйдан одам аримасди, чунки суҳбати оромбахш этарди у билан ўтирганларга. Тенгқурлари уни «улуғ» деб аташар эди. Лутфулла ака улуг артист деб аташга арзийдиган даражага етиб қолган эди. Шунча йил бирга ишлаб, биронта ҳам у «эплай олмаган» ролини эслай олмайман. Ижодий ҳаётида бирон марта ҳам учинчи табақадаги роль ижро этган эмас. Бақувват артистга бақувват ролларни берарди режиссёрлар. «Маликаи Турандот»да бош вазир Тарталья, «Икки коммунист»да Мадазим бўқоқ, «Шоҳнома»да Хўжа Муборак, «Бой ила хизматчи»да бойнинг ҳужра хизматчиси, чилимқаш Холмат.

Лутфулла ака Холматни беками кўст.— бекиёс ўйнарди. Унинг Холмати бойга муте, базмларга ҳусн, суҳбатларга жон киритадиган, бир қоп ёнғоқ, шалдир-шулдур йигит. Еш ўтби боряпти, уйланишга мулла жиринг йўқ. Бойнинг арзанда, нозанин хотини, кимсан Қодирқул мингбошининг синглиси Хонзода билан, кўнглини хуш қилиб, умргузаронлик қилаётган йигит бўлиб туюлади. Бироқ Ғофирга нисбатан ҳақсизлик бўлаётганини ўз кўзи билан яққол кўраётганда Холмат, ўша пулдор, амалдорлар олдида исён кўтариб Ғофирни оқлашга уринади, тоза қалбли инсон эканини намойиш этади. Бу икки турли характердаги ролнинг бирини бажараётганда иккинчисини бекитиб туриш, машаққатли вазифа. Иккинчи ҳолатга ўтганда, биринчи ҳолатни ҳам аралаштирса томошабин ишонмайди. Шу қийин вазифани Лутфулла ака, жуда усталик билан ифода этар эди.

Лутфулла ака учун роль салбийми ёки ижобийми фарқи йўқ эди. Роль пухта бўлса, меҳнат қилишга арзийдиган бўлса етарли эди. Ҳурматли драматургимиз Уйғуннинг «Хуррият» асарида ўжар, қайсар Қосим ота ролини мен ҳам ижро этгандим. Тан бериб иқрор бўлишим керакки, Лутфулла акам Қосим отани баланд поғонага кўтариб ижро этган. «Бургутнинг парвози»даги эсанкираб қолган ҳақиқат ахтара-ахтара бехосдан М. В. Фрунзе билан учрашиб қолган Жўра деҳқоннинг, революцияга садоқат жараёнини, Жўранинг соддалигини жуда усталик билан намойиш қилган эди.

«Гамлет»да ҳийлагар вазир Полоний, «Отелло»да Дездемонанинг отаси — синьор Брабанцио, «Навбаҳор»да механизацияга қарши, лекин тоза қалбли инсон — раис образлари — маҳорат, жиддийлик, тинимсиз меҳнат намуналари эди.

«Алишер Навоий» спектаклидаги Хусайн Бойқаро роли учун СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Лутфулла Назруллаевни кўп эслаймиз, қўмсаймиз, унутмаймиз.

КУЛГИПАЗ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Миршоҳид Мироқиловни табиат фақат саҳнага мўлжаллаб яратган эди. Паст бўйли, дўнг пешана, қорин қўйган қора тўри, ўзи бирон нарсадан хафа бўлганда ҳам кўзлари кулиб турадиган йигит эди. Улфатнинг жон-тани, кўп умрини фақат кулги билан ўтказган.

Миршоҳид ака жуда кўп концертларга қатнашар эди. Саҳнага чиқиши билан залда кулги ва узоқ қарсак бўларди. У ҳали бирон огиз сўз айтгани йўқ. Кулги, қарсак тўхтамасди. Сал-пал пасайса Миршоҳид ака иккала қошини бир йўла уч-тўрт қоқиб, залдагилардан «қалайсизлар?» деб ҳол сўраган бўларди, кулги, қарсак яна авж оларди.

Миршоҳид Мироқилов қўқонлик, 1898 йилда туғилган. Эски мактабда ўқиган. Ўн етти ёшида Ҳамза Ҳакимзода бошчилик қилган ҳаваскор труппага артист бўлиб кирган. Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаммаслаги ва яқин кўмакдоши бўлиб халққа хизмат қилган, Ҳамза труппасининг Оқтепа, Ашхобод, Етгисув фронтлариغا қилган сафарида қатнашган.

1925 йилда Миршоҳид акани, пойтахт Самарқандга таклиф қиладилар ва у асосий труппага кириб ишлайди.

1927 йилда студиячилар қайтиб келиб шу асосий труппага қўшиладилар. 1929 йили пойтахт Тошкентга кўчирилгач асосий труппа ҳам Самарқанддан Тошкентга келади.

Миршоҳид ака ярим асрчалик умрини саҳна санъатига сарф қилди. Шуни иқрор қилиш керакки, шу йиллар мобайнида бирон-та асарда биронта бош роль ижро этган эмас. Бироқ иккинчи-учинчи табақадаги бажарган ролларини кўришга муяссар бўлган томошабинлар, ёки биз саҳнадошларининг ёдидан ҳали ҳам кўтарилмайдди.

«Маликаи Турондот»даги вазир Тарталья, «Рустам»даги Холмат, «Икки коммунист»даги домла, «Гамлет»даги гўрков, «Оғриқ тишлар»даги Ризамат, сира-сира ёддан кўтарилмайдди. «Хужум»даги Ижроқўм раиси Миршоҳид аканинг энг муваффақиятли чиққан саҳнавий образи эди.

Миршоҳид ака Муқимий номидаги музыкали драма ва комедия театрининг ташкилотчиларидан бири эди. Бу театрда Ҳамза Ҳа-

кимзоданинг «Майсаранинг иши» комедиясини режиссёр шаклида сахналаштирди.

Миршоҳид аканинг руҳи, маҳорати, ўзига хос сифатлари ҳар доим қалбимиз тўрида.

КУЛИШ ОСОН, КУЛДИРИШ-ЧИ?

Ўзбекистон халқ артисти Ғани Абзамовнинг театримизда самарали меҳнат қилаётганига роса қирқ беш йил тўлди.

Шу йиллар мобайнида у атоқли артистлар қаторидан ўрин олиб, томошабинимизга завқ-шавқ бағишламоқда. Кулги совға қилмоқда. Артистлар кўп. Трагедия, драма асарларида образ яратиб ўз маҳоратини намойиш қилаётган артистлар кўп. Лекин кулдириш уддасидан чиқа оладирган артистлар оз. Саноқли. Ғани Абзамов мана шу ноёб артистлар жумласидандир. Ғанижон қотмадан келган, лекин бўйдор. Серғайрат, серташвиш, изловчи, топонгич, бирон янгилик топса, қувонадиган, ҳадеганда топавермаса, ич-ичидан куюниб, саволлари ва мурожаатлари билан режиссёрни, партнёрларини ёрдамга чақиришдан тинмайдиган, тортинмайдиган рисоладаги комик, қизиқчи артистдир. Мана шу қидирувчан сифати (ҳар қайси артистда равнақ топиши лозим бўлган сифат) яратган образларнинг оммавийлигини таъминлайди.

Ғани Абзамов қатнашган спектакль хоҳ драма, хоҳ трагедия хоҳ комедия бўлмасин, бари бир артист шу образдан зўр моҳирлик билан, кулги қўзғайдиган уругини топиб олади.

«Ганг дарёсининг қизи» спектаклида Ғани Абзамов, бозор кўринишида, бир шаллақи хотиннинг кексайиб қолган, ким нима деса шунга «ҳа» дейдиган ярим одам, ярим латта сиймони яққол кўрсатади.

Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» драмасидаги ватанфурушлар кўнглини очадиган хонада чилимкашликка тушиб қолган, она Ватанини қўмсаб шашқатор ёш тўккан, иккинчи даражали Ватан хойини трагедиясидан артист Абзамов кулги топади. Унинг аҳволига тушганларга вой дейди. Жиртак чалади. Ўзга элда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўл, нақлининг моҳиятини очиб ташлайди.

Ғани Абзамов «Ҳамза» театрига артист бўлиб келиб қолишининг ўзи ғоят кулгилidir. Артист бўлиш унинг хаёлига ҳам келмаган. Ҳаваскор тўғаракларида ҳам қатнашмаган. Театрга кириб келиши шундай бўлган:

1928—29 йилларда араб алифбесини лотин ҳарфига ўтказиш маъракаси авжида эди. 1930 йилдаги мавсум бошланиши билан «Ҳамза» театридаги ходимларни янги алифбе билан таништириш учун район маорифи, пухта муаллимлардан бири, ёш педагог Ға-

ни Аъзамовни «Ҳамза» театрига юборади. Ўзи ёш, лекин талабчан муаллим раҳбарлигида, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Со-ра Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Гулом Исомов ва бўлак ўша даврда халқ ҳурматида сазовор бўла бошлаган артист-артисткалар Ғани Аъзамовдан дарс ола бошлайдилар. Домла Аъзамов ўз «мартабаси»дан фойдаланиб, театр репертуаридаги асарларни бирма-бир кўра бошлайди. Артистлар усталигига қойил қолган домла, саҳна санъатига ҳаваси келса ҳамки, театрга ки-риш ҳақида ҳаёл ҳам қилолмайди. Унинг кўзига саҳна санъати, улкан бир даргоҳ, бу ерда ижод қилиш учун, артист бўлиб туғи-лиш керакдай туюлади, уни ваҳима қамраб олади.

1930 йилнинг бошларида бир якшанба кун ирталаб соат ўндан дарс белгиланади. Дарс бир соат бўлиши керак, бироқ чўзилиб кетади. Соат ўн иккида спектакль бошланади. Ғани Аъзамов дарс-дан чиқиб, саҳна орқасидан спектаклни томоша қила бошлайди. Ҳадеганда ажралиб уйига кета олмайди. Шу пайт саҳнада оммо-вий саҳна бошланиб қолади. Спектаклни олиб бораётган ёрдамчи режиссёр, марҳум Муҳаммад Отажонов, оммовий саҳнада қатна-шувчиларни саҳнага йўллар экан, жилмайиб турган Ғани Аъза-мовни ҳам таклиф қилади. Ийманган, лекин бир бахтини синашни кўнглидан ўтказиб турган домла, беихтиёр саҳнага чиқиб кетади. Эртасига эрталаб домла, театрга қабул қилиш ҳақида ариза кўта-риб келади.

Қирқ беш йил... Айтишга осон. Соғ-саломат бўлиш, меҳнат қи-либ ижодни тараққий эттириш, меҳнатнинг маҳсулотини театр ши-навандаларига манзур қилиб, уларнинг оққишига сазовор бўлиш, бу қийин вазифа, оғир масъулият.

Ҳа, оғир масъулият. Лекин артист аҳлига роҳат багишловчи, яшаш ва ижод қилишга рағбатлантирувчи масъулиятдир.

Шу масъулиятни сезган, томошабинга ҳалол хизмат қилишга, аҳд қилган артистгина, томошабинга шукуҳ ато қилади ва ўзи ҳам меҳнатида лаззатланади. Ғани Аъзамов мана шу хилдаги ар-тистларимиздан биридир. Зиё Саид ва Н. Сафаровларнинг «Та-рих тилга кирди» асаридаги иккиланувчи қишлоқ муаллими, «Но-мус ва муҳаббат»даги Ақлмирза образлари Ғани Аъзамовнинг кўзга кўринган ёрқин образларидир, десак хато бўлмайди.

Мана шу муаллим образи ёш артист Ғани Аъзамовнинг коме-дия ролларига кўпроқ мойил ва лойиқ эканидан далolat берди.

Кўп ўтмай драматург Уйғун «Она» асарини ёзди. Бу асарда «Турди газит» деб ном олган, газета ташувчи образи бор эди. Кичик роль эди. Артист Ғани Аъзамов бу ролни ўз маҳорати би-лан бош роллар погонасига кўтара олди.

«Алишер Навоий»даги мунажжим роли бу уста артист ижро-сида эсдан чиқмайдиган образга айланди. Бу ролни у беш юз марта бажарди.



Эркин Воҳидов, «Олтин девор». Абдусалом ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин Турдиев. Мўмин ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти Гани Аъзамов.

Гоголнинг «Ревизор»идаги Бобчинский образи жуда қўп рус ва бўлак миллат сахна мастерлари ижросида намойиш қилинган. Рўй-рост айтиш керакки, Гани Аъзамов ҳам бу образни кўнгилдагидек, Гоголь тасвирлаганидек маҳорат билан ўзбек томошабинига тақдим этди. Бу роль билан артист Гани Аъзамов, жаҳон классикларининг образларини ҳам меъёрига етказишга қурби етадиган кўпқиррали талантга эга артист эканини кўрсатди. «Бой ила хизматчи»даги имом, ўта алоқхўр: «Битта чопон бериб юборинг» деган жумлани ёзишга қурби келмайдиган саводсиз домла-имом устидан томошабин кулади. Шу хилдаги домлалар замонидида яшамаганидан қаноат ҳосил қилиб чиқиб кетади. Демак, артист ролга хос хусусиятларни топган.

Гани Аъзамов ижодий фаолияти ҳақида сўз борар экан, яна бир ажойиб, ҳайкал ўрнатишга арзигудек ролига алоҳида тўхталмай ўтиш гуноҳ бўлар эди.

Афсуски театр сахнасида яратилган спектакль ва ёрқин образ, узоқ муддат умр кўра олмайди. Кинолентаси бу масалада ғоят муҳим ўрин тутди, албатта. У пайтларда магнитофон ҳам ихтиро

қилинмаган эканки, ҳар бир актёрнинг сўзини, овозини ёзиб олинса.

Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» комедияси, ундаги қоровул Мама-расул образи Ғани Аъзамов учун ёзилгандай туюларди.

Мамарасул образи Ғани Аъзамовни санъатнинг баланд чўқ-қисига кўтарган, комик артист деган улугвор номга сазовор қил-ган яхлит образ бўлди. Шу кунларда ҳам, яъни йигирма етти йилдан кейин ҳам Ғани Аъзамовга: «Ўзингиз ёқтирган, маза қи-либ ўйнаган ролингиз қайси?» деб савол берсангиз, албатта, Ма-марасул деган жавобни оласиз.

Ғани Аъзамовнинг саҳнада пайдо бўлишини томошабин зори-қиб кутар эди. Ўша пайтларда «Қалтис ҳазил»ни кўрган, мириқиб кулган томошабинларимиз. Ғани Аъзамовни кўча-кўйда кўриб қолишса, шу ондаёқ оёғига катта солдат ботинка кийган, калта қи-зил тўнли, қоровул шақилдоғи кўтариб олган, ҳар икки гапида: «Қадим замонда, Воскресни бозорда» деб такрорлайверадиган, ҳамманинг жонига теккан, ҳар ерда яхшилик қиламан деб ишни бузадиغان Мамарасул қиёфаси намоён бўлади.

«Қалтис ҳазил» комедияси 1944 йилда қўйилди. Уруш оқибати туйғайли юраги абгор бўлган, ўз оиласидан бирон кишинини йўқотган, ғамгин юракларга бир неча соат бўлса ҳамки, дард-ала-мини унутишга ёрдам берди.

«Қутлуғ қон»даги чўлоқ Қамбар-мўлоқ Қамбар-чи, Ғани Аъза-мов тасвирида сиртдан содда кўринган Қамбар ер-сувини сотиб қиморга бой бераётган ароқхўр, каззоб Тантйбойваччани мот қи-лишга қурби келадиган, пули йўгу ақли бор, сабр косаси тўлган, зolim замонасига нафрат билан қараган чин инсон сифатида гав-далантирилади.

Ғани Аъзамов олтмишдан ошиб қолди. Балки ўзи қариб қол-дим дер, балки бу даъвоси тўғри ҳамдир. Бироқ унинг санъати ҳозир кучга тўлган. Ғанижон ўзи ҳаётда жуссаси кичик, лекин ма-ҳорати норгул. Кексалик унинг қобилиятига ажин туширолмаган.

ОИЛАМИЗ ОПАСИ

Санъат садоқатни, софликни, самимийликни, фидойиликни ҳамда маҳоратни талаб қилади. Шу сифатлардан биронтаси етиш-маган кишининг, санъаткор бўламан деб овора бўлмагани масла-ҳат. Биз юқоридаги сифатларнинг ҳаммасига эга бўлган саҳна арбобларидан бири, санъатимиз кўрки, Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева тўғрисида сўзлаб бермоқчимиз.

Ҳайкалтарош санъат намунасини яратар экан, унинг қўлида қоғоз, қалам турли-туман болга, пичоқлар бўлади. Рассомнинг иш қуроли — қалам, қоғоз, чўтка, ранг-баранг бўёқ. Композиторники

эса пианино, қалам, нота қоғози. Рассом ҳам, композитор ҳам ихлосмандлари билан ўз асари орқали учрашади. Театр артисти образ яратар экан, унинг қўлида ҳеч нарса йўқ. Унинг асбоб-ускунаси, бўёги, қалам, қоғози дилида, дидида. Театр артисти ўз томошабини билан юзма-юз туриб сўзлашади.

Юзма-юз туриб сўзлашмоқ учун талантдан ташқари дадиллик ҳам керак.

Ҳар хил ҳунарга, ҳар хил ёшга, ҳар хил тушунчага эга бўлган томошабинга, яратган образингни бир йўла маъқул қила олиш, зўр маҳорат ва катта меҳнат талаб қилади.

Зайнаб Садриева ҳар қанча меҳнат бўлса, рўйи-рост туриб берадиган бардошли артистдир.

Зайнабнинг отаси Астрахань шаҳридаги қанд заводида ишларди.

— Тавба, қанд заводида ишлайману чойимдан заҳар-заққум таъми келади-я,— дерди Садир ака, алам ўтган чоғларда.

Зайнаб, яшаш ана шундай машаққатли пайтда, 1914 йилда туғилди.

1921 йили Садир ака оиласи билан Туркистонга, Қовунчи қишлоғига (ҳозирги Янгийўл шаҳрига) кўчиб келди. Мурғак қиз Зайнабни, Фасхия опа номли отинойига элтиб топширдилар. «Тахтача»дан чиқиб, ҳафтиякка ўтганида уч километр нарида халқ мактаби очилди. Зайнаб совет мактабига кирди. Кунига бориш уч, келиш уч, жами олти километр йўл босиб, олтинчи синфни битириб олди. Худди шу пайтда Қовунчининг ўзида, хотин-қизларни билим юртларига тайёрловчи қисқа муддатли курс очилди. Бу курсни битирган Зайнабни Тошкентга — хотин-қизлар билим уйига юбордилар. Билим уйининг қизлар ётоқхонаси «Ҳамза» театри рўбарўсида бўлиб, умумий саҳналарда қатнашиш учун қизлар театрга тез-тез чақириб турилар эди. 1929 йилда шу ётоқхонага кўчиб келган бир тўда қизларга: «Ким спектаклимизга ёрдам беради?» деб берилган саволга Зайнаб биринчи бўлиб «ман» деб жавоб қилди.

Зайнаб ва унинг дугоналари Ҳамза номли театр саҳнасида қўйилаётган «Ҳалима» спектаклининг бир кўринишидагина қатнашишар, бўлак саҳналарни эса бошидан охиригача саҳнанинг четига тўпланишиб томоша қилардилар. Саҳнага тикилар экан, Зайнаб назарида олам яна ҳам кенгроқ, яна ҳам ёруғроқ жилваланиб, товланиб кўринар, саҳнадаги ёғоч, латта ва елимдан ясалган дарахтлар чинакамга ўхшар, саҳнани ёритиб турган лампочкалар осмондаги юлдузларни, прожектор эса оймўмани эслатарди. Оғзи очилиб қолган Зайнаб, шу соатларда ҳунар танлаётганини сезмасди.

Марҳум устозларимиз Маннон Уйғур, Етим Бобожонлар Зайнабни театрга кириш учун даъват этадилар. Айниқса, 1929 йилда

тузилган ишчи сайёр труппасига ёшлар керак эди. Ота-онанинг розилигисиз Зайнаб «ҳа» дея олмади, лекин қалбидан жой олган саҳнага муҳаббат ўти уни алангалатаётган эди.

Ниҳоят, 1930 йил декабрь ойида Зайнаб Садриева театрга ариза берди. Баъзи кишилар бўладики, театрга кириб, ҳийла вақт ролсиз, умумий саҳналарда қатнашиб юради. Аста-секин кичик, ўртача роллар ўйнаб, кейин катта роллар олиш шарафига муяссар бўлади, ижодий тараққиётга юз тутади. Баъзан, «Юлдузи чарақлаган»ларга, хаш-паш дегунча бош роль тегиб қолади.

Ишчи сайёр труппасига қабул қилинган Зайнаб ишга тушиш кунларида Мумтоз Муҳамедов «Гудок» номли пьесасини театрга тақдим этган эди. Артист йўқлиги туфайли ноилож пьесадаги собиқ қулоқнинг хотини роли, Зайнаб Садриевага топширилди. Ажабо, ўн олти ёшли Зайнаб, 45 яшар хотин ролини ўзига хос хусусиятларини метёрига етказиб бажара олди.

«Маликаи Турондот»даги Искандарина, «Тарих тилга кирди»даги партизан Темурнинг хотини Меҳри, «Момақалди роқ»даги тақводор хотин ва бошқа кичик, лекин муҳим роллар артистнинг маҳоратини ўстира борди.

1939 йили атоқли режиссёр Етим Бобожонов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асарини саҳналаштирди. Солиҳбойнинг катта хотини Пошшойим роли, Зайнаб Садриевага топширилди. Кўп фурсат ўтмай, ўйналган «Холисхон» спектаклида Зайнаб Садриевага Мастура сатанг роли берилди.

Биз артистлар баъзан тўпланишиб қолсак, ижодий ҳаётимиз, ўтмишимизга қайтиб қўямиз. Фалончи фалон асардаги ролни «қийиб қўйган» деймиз. Мастура сатанг, Зайнаб Садриеванинг «қийиб қўйган» ролларидан биттаси эди. Нафосатдан тамомила маҳрум бўлган эркакларга тақлид қилавериб, эркакча юриш-туриш, муомала ва тўнгликка мойил бўлиб қолган бу сатанг образи, томошабин кўнглида нафрат қўзгарди, бунақа хотиндан худо асарини, дерди. Мастура сатанг ва бўлак сатанглар сиймосини кўриб ғазоби қайнаган томошабин, артистнинг ўйинига, унинг ҳунар-маҳоратига тасанно айтмай кузата олмасди.

Шу куннинг эртасига Погодиннинг «Милтиқли киши» асарида, тўрт йил оқопада жанг қилган қашшоқ Шадриннинг садоқатли рафиқаси Надя ролини Зайнаб шундай мулойим, шундай содда қилиб ўйнардикки, залда ўтирган ҳар бир эркак зоти «киройи хотин бўлса шунақа бўлса» деган орзуни бир кўнглидан ўтказмай турсолмасди.

Чин инсон, олий ҳиммат раҳбар, жаҳон мазлумларининг халоскори Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 80 йиллигига «Ҳамза» театри, А. Поповнинг «Оила» номли пьесасини танлади. «Мария Александровна Ульянова — Владимир Ильичнинг онаси

роли, Зайнаб Садриевага...» деган сўзни постановкачи эълон қилганда, артистнинг юраги «шиғ» этиб кетди.

Масъулият зўр эди.

Хўш, шу кунгача ўйнаган ролларининг масъулияти озмиди? Йўқ, албатта. Лекин бу ердаги масъулият ўзгачароқ эди.

Турли-туман хусусиятга эга бўлган, олти болани бир турда, яъни оқил, инсонпарвар, ватанпарвар, аҳил, зеҳнли, интизомли, пок қалбли кишилар қилиб етказишни уддалай олган меҳрибон она, бегараз мураббий, уқубатли замон зарбаларига бардош беришга, қурби етадиган саҳоватли рус аёли, Мария Александровна сиймосини ўзбек саҳнасида ҳаққоний ифодалаб бера олиш масъулияти, албатта бўлак масъулиятдан фарқ қиларди.

Образ мураккаб, бироқ вақт қисқа. Хўш, нима қилмоқ керак? Кимга мурожаат қилсин, кимдан нусха кўчирсин, кимга тақлид қилсин артист? Артистнинг ташвишларига, уйқусиз кечаларига, мажолсиз ҳис қилишларига, бир шифобахш даво керак.

Ташна ижодкорга, шифобахш булоқ суви топилди. Бу революцион адабиёт ва Ленин ҳаётини тасвир қилган китоб ва ҳикоялар эди. Артист бутун бўш вақтини адабиёт ўқиш, Владимир Ильич Ленин ва унинг оиласига хос суратларни синчиклаб қунт билан ўрганишга сарф қилди.

Меҳнат ва мутолаа ўзининг самарали натижасини берди. Мария Александровна образи, ёрқин ва ишонарли чиққанини суҳбатда эшитган, матбуотда ўқиган артист Зайнаб Садриева, бир қадар ҳаяжонини боса олди. Ҳориган юзига табассум юришиб, қаноат аломати пайдо бўлди. Мана шу ролдан сўнг театр аҳли, Зайнаб Садриева ҳақида сўз юритар экан «саҳна устаси» унвонини илова қиладиган бўлиб қолди.

М. Горькийнинг ноёб асарларидан бири «Васса Железнова»даги Васса роли Мария Александровнадан тубдан фарқ қилади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясидаги Холниса биби Вассадан бўлакча. А. Островскийнинг «Айбсиз айбдорлар» идаги Кручинина, ўзининг хусусиятлари билан бошқа ҳамма роллардан ажралиб туради. «Отелло»даги Ягонинг хотини Эмилияни кўрганлар кеча кўйилган «Бой ила хизматчи»даги Пошшо оймни ўйнаган артист шу Зайнаб Садриева эди, десанг, зўрға ишонади.

«Любовь Яровая»да революциянинг содиқ жангчиси Яровая эртасига уй кампири Хосият бўлиб товланади («Юрак сирлари»). «Оғриқ тишлар»даги разил, сутфуруш кампир, тили билан, чиёндан зўрроқ заҳар қуювчи риёкор Фотима, артистнинг қайси ролига ўхшайди?

Хукуматимиз Зайнаб Садриевага «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», кўп ўтмай Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берди, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

Тошхон Султонова асли фаргоналик. Шаҳардан эъяс, қишлоқ жойдан. 1910 йилда туғилган. Тақдир уни у шаҳардан бу шаҳарга, у интернатдан — бу интернатга ташлайверган. Ниҳоят ҳеч кутмаганда, Бухоро шаҳридаги қизлар интернатида бориб қолган. Ота-онаси ҳаёт бўлганда, ҳар қанча машаққат чекмасин, албатта Тошхонни иссиқ бағриларидан ажратмасдилар. Тошхон жуда ҳам ёш мурғаклик пайтларида бирин-кетин ота-онадан ажрайди.

Маълумки, Бухоро инқилоби 1920 йилда ғалаба қозонган. Тошхон Бухоро шаҳрига 1922 йили келган. «Бизни шундай боқар, шундай озода кийинтиришар эдики, қорнимиз тўқлигини, кийимимиз янгилигини кўз-кўз қилиб, шаҳар айлангимиз келаверарди. Лекин интернат дарбозасидан чиқаришмасди. Бухорода ҳали дин шарнаат кучли эди. Дин аҳиллари мабодо кўчага чиқиб қолгудек бўлсак, алламбалолар дейишиб пичирлашарди. Ёки юзларини биздан ўгириб, ўтиб кетгунимизча кўзларини чирт юмиб олишарди. Чунки биз кўчага интернат формасида, паранжисиз чиқардик-да», деб эслайди Тошхон. Интернатда ўқишдан ташқари, турлитуман тўғараклар бўлган. Тошхон Султонова музика тўғарагига ёзилиб, дутор чалишни машқ қилган. «Дутор пардасига қўл узатсам, қўлим тепа пардаларга етмасди. Ўз ҳолимдан ўзим кулардим. Домламиз койиб берарди. Қора терга тушиб кетардим. Кейин дутордан айнаб, дўппи тикиш тўғарагига ўтдим. Интернатимизда драма тўғараги ҳам бор эди. Мен бу тўғаракка кирмадим. Жуда уятчан қиз эдим. Кейин, бир томоша кўрсатишди, қайси пьеса эди, эсимда йўқ. Ҳаммамиз ҳовлида ўтириб ҳалиги томошани кўрдик. У пайтда интернатда фақат қизлар ўқишардик. Ўша пьесадаги эркак ролларини ўйнаш учун, янги очилган, Бухоро билим юртидан ёш-ёш йигитларни чақиритган эди. Ҳалиги томошани кўриб, ҳўнг-ҳўнг йигладим. Етим бола бўларди-да ўша томошада. Битта қиз 15—16 ёшларда эди. Мен билан бир хонада ётарди. У кампир родини ижро этди. Уддалай олмади. Кечаси ётар пайтда, мен дугонамга роль бажариши яхши бўлмаганини очиқ айтдим. У мендан хафа бўлди. Драма тўғараги машқларига қатнамай қўйди. «Ҳа, нега қатнашмайсиз?» деб берилган саволга, «мени Тошхон ёқтирмабди» деб жавоб қилибди. Қанчалик ялинишмасин, машқ қилишдан бош тортибди. Кейин тўғарак раҳбари, менга келиб, «ёқмаган бўлса, ўзинг ўйна» деди. Мен, ўйнасам ўйнайвераман, дедим-у, машқ бўладиган хонага чиқдим. Ҳар бир сўзни суфлёрдан олиб машқ қилдим. Икки кундан кейин, ўша кампир родини ўйнадим. Ҳалиги мендан хафа бўлган дугонам кўрипти. Жуда маъқул бўлибди. Мени ўпиб, қучоқлаб мен билан ярашди.

Янги асар тайёрладик. «Топилган нарса» деган пьеса эди. Хотин родини бажардим. Қисқаси, драма тўғарагининг жуда сер-

қатнов ошиғи бўлиб қолдим. Кўринган дугонам, синфда мураббиямиз очикдан очик мени мақташар эди.

1924 йили Москвада очиладиган ўзбек давлат драматудиясига менинг номимни ҳам ёзиб қўйишибди. Лутфулла ака Назруллаев, Ҳикмат Латипов, Шариф Қаюмов, Ғуломназир Исомов, Неймат Раҳматовлар билан поездга тушиб Москвага жўнадик. Театр санъатига қизиқишим шунақа тасодиф билан бошланган» дейди Тошхон Султонова.

Оддий, қизиқарли, лекин ҳақиқатга жуда яқин ҳикоя.

Ўрта бўй, оқ мағиз юзли, тўладан келган артистка Тошхон Султонова, ярим аср мобайнида бирон бир спектаклда «ўлдим-қуйдим» дейдиган маъшуқа ролини бажарган эмас. Ё қаҳрамон аёл, ёки маънос муштипар кампир, нари борса, бирон қаҳрамоннинг ўрта ёш хотини бўлиб роль ўйнаган.

Тошхон 50 йил мобайнида, ҳар йили иккита образ яратган бўлса — юзта, учтадан тўғри келса — юз элликта аёл образини яратди.

Тошхон Султонованинг маҳорати, Москвада олган санъат илмининг қудрати шундаки, ҳар қайси яратган образи, ўзига хос, фақат шу аёлга хос хусусиятлар билан бир-биридан ажралиб туради. Тошхон Султонова «Бой ила хизматчи» спектаклида кичик, лекин гоят муҳим ролни бажаради. Жамиланинг онаси Раҳима холани ўйнайди. Раҳима холани муштипар, ҳалол, камбағал, муте қизи Жамилани беқиёс муҳаббат билан севадиган, саводсиз, ўтмиш даврининг яққол вакиласи сифатида таъбирлайди.

Ўйгун домланинг «Парвона» асарига чинакам прокурор бўлиб кетади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжонларим» комедиясида Бўстон кампирга топган деталлари билан «ҳа, ҳали бунақа» чучунмаган кампирлар бор» деган мулоҳаза туғдиради томошабин дилида.

Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Тошхон Султонова мана шу ҳамма ролига лойиқ, ярашган нозик деталлар топувчи, бир нуқтада қотиб қолмаган, ижодкор, талабчан артистка сифатида танилди. Теварак-атрофга доврўқ тарқатди. Ҳурмат-иззат ортирди. Отинча Тошхон ўзбек саҳнасининг отинча ижодкори бўлиб қолди.

ҚУДРАТЛИ ҚУДРАТ

Тўладан келган, қирра бурун, танлаб кийинадиган, хушмуомала, майин Қудрат Хўжаев, кўпинча салбий образларни ўйнайди. «Нима, Қудрат Хўжаев бундан лаззат оладими, ёки театр режиссёрлари, енгил кўчишини ўйлаб салбий образларни ҳамма вақт шу Қудрат Хўжаевга беришаверадими?» деган саволни аҳён-аҳёнда ҳамсуҳбатларимиздан эшитиб қоламиз.

Йўқ, азизим, Қудрат Хўжаев ижобий одам, ижодчи артист, яхши артист. Шахсан менда Қудрат Хўжаевнинг имконияти бўлганда, балки дипломат бўлардим. У, ҳар миллат тилини тез ўзлаштириш қобилиятига эга.

Исмоилзоданинг «Темур» асарида Қудрат Хўжаев Анвар подшо ролини бажарар эди. «Темур»ни кўрганлар бўлса, Қудрат Хўжаевни, қирқ йил мобайнида унутган эмас. Биз тенгқурлари, сахнадошлари ҳайрон қолганмиз. Анвар подшо каттагина роль эди. Тексти кўп эди. Узундан узоқ монологлари бор эди. Қудрат Хўжаев шу ролини турк тили ва олмон шевасида сўзларди. Фақат биз эмас, томошабин ҳам ҳайрон қоларди. Қудрат Хўжаев Туркияга борган эмас. Лекин уни туркдан ажратиб бўлмас эди.

Р. Эшмуродовнинг татарчадан таржима қилиб қўйилган «Бўрон қуши» асарида, Қудрат Хўжаев, татар деҳқони Зокиржон ролини бошдан-оёқ ғирт татар тилида бажарар эди. Татар элида узоқ муддат яшамаганки, ўша ерда ўрганган десак.

Қудрат Хўжаевнинг тўй-тўкма, йигинларда, татар тилида, Отеллонинг «Рўмолча» монологини ижро этганини кўрганлар кулади, бироқ татар тилини бунчалик тўғри талаффуз этишига ҳамма ҳайрон.

Озарбайжон тилида ҳам тутилмай, ҳижжаламай бемалол гаплашаверади.

Қудрат Хўжаев баъзан «исён» қилиб қолади. Салбий образлардан, масалан инглиз жосуси Бейли образини уч спектаклда («Йўлчи юлдуз» (1957) яна шу спектаклни қайта қўйилиши ва «Инқилоб тонги») бажаришга тўғри келди. Тўғри, бу уч образда бир хилдалик бор. Чунки учала роль ҳам аслида бир киши. Лекин Қудрат Хўжаев асардаги вазифаси қандай тасвирланганига қараб, шу душманнинг, «Шу кунгача мен очолмаган яна қандай хусусиятлари бор?» деган савол қўйиб, шу ўз саволига, ўзи жавоб ахтаради ва янги хислатлар билан, бир хилдаги ролни, ҳар хил қилишга эришади.

Режиссёрлар ишнинг энгил кўчишини ўйлаб унга салбий образни тиқштиравермайдилар, балки Қудрат Хўжаевнинг артист сифатида турли қиёфага кира олиши, душман афт-ангори, ҳазилакам, «қўрқоқ», «аҳмоқ» бўлиб чиқмаслигини ўйлайдилар. Қудрат Хўжаевнинг ижодий имкониятларига ишонадилар. Душман кучли бўлса, унинг ҳийлагарлиги яққол ифодасини топса, у ҳолда ижобий образлар ҳам тўлақонли, ишонарли ва ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Қудрат Хўжаев бу қийин масалани, чуқур мулоҳаза юритиб, образнинг беками кўст образ бўлишига эришадиган талантли артистдир.

Оға Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятлов, Обид Жалилов, Обид Ҳасановларнинг ҳаммаслаги ва ҳамсаҳнаси, шу кунларда ҳормай-толмай биз билан меҳнат қилаётган, Боку студиясида илмини мустаҳкамлаган, Ўзбекистон ССР халқ артисти Сайфи Олимов Тошкентда, 1901 йилда дунёга келди. Косиб отага кўмаклашди. Уша замон мактаб таълимини олди. Қуръонни ёдлаб, хатмга ўтиб, масжид қавмлари, маҳалла аҳолиси орасида камдан-кам учрайдиган «Сайфиқори» деган мўътабар ном олди. Бўш соатларида, 1918 йилларда, янги урф бўлиб кетган тўдалардан «Элтузар» бадий драм тўгаракка ёзилди. Обид Жалилов, Зиё Саид, Олим Қосимов, Ҳаким Мансуровлар билан ҳамкорликда бу тўгарак ишини жонлаштиришди.

1919 йилда булардан бирқанчаси «Турон тўдаси»га, Оға труппасига ўтишди. Сайфиқори Олимовни «сокин», «Ювош», «майин» каби сифатлар билан атаб бўлмайди. Сайфиқори Олимов шўх, улфатий, жонсарақроқ, ҳазилкаш, кулгисевар одам, деб аташ ҳақиқатга яқин бўлади.

Бокудаги домлалари, «Ҳамза»даги Оға, рус режиссёрларнинг иш тажрибасини кузатиб юриб кўзи пишиб, режиссёр сифатида ҳам ўз кучини синаб кўрди. Унинг «Ҳамза» театрида саҳнага чиқарган Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» драмаси катта муваффақият қозонган. Артист сифатида ўйнаган ролларининг сони аллақачон 150 дан ошиб кетган. «Турон тўдаси», «Карл Маркс» труппаларида ҳар уч кунда, ҳар беш кунда биттадан янги спектакль қўйилиб турганини у спектаклларнинг ҳаммасида Сайфи Олимовнинг иштирок этганини ҳисобга олсак балки бундан ҳам ошиб кетар.

1973 йил ёзида бизнинг театр Бухоро, Душанбе шаҳарларига гастролга борди. Уша ерда «Алишер Навоий» асарини 700-маротаба намойиш қилиниш нишонланди. Ўз театримизга қайтгандан кейин яна уч маротаба ўйнадик. Бошқа ролларни ўйновчилар икки, уч киши бўлгандир. Лекин ҳазрати Жомий ролини, Сайфиқори ака 703 марта бир ўзи ўйнади.

Шу Жомий роли билан боғлиқ бир кулгили ҳодиса бўлган, шуни айтиб берай.

«Алишер Навоий» эълон қилинган. Сайфиқори ака соат бешларда уйига борса, рафиқаси бетоб бўлиб қолибди. Пазанда Сайфиқори ака, ўзи овқат қилишга киришади. Ошни дамлаб бўлгандан кейин, бундай соатига қараса, олти ярим. Гримга кириш пайти яқинлашиб қолган. Ўспирин ўғлига «Йигирма минутдан кейин ошни сузасан, ўзинглар еб бўлгандан кейин битта косага сузиб, ёзиллаб менга олиб бор» дейди-да, ўзи шошилганча театрга жўнайди. Грим қилиб саҳнага чиқиш олдида, ўғли ошни олиб келади.

Иккинчи кўринишда ўйнаб бўлгач, қўлни ювиб, овқат тепасига келади. Юзига ёпиштирилган оппоқ нуроний соқол-мўйлов албатта ҳалақит беради. Мўйловни сидириб олиб столга қўяди ва паловни ейди. Жомий-Сайфиқори ака, энди олтинчи кўринишда саҳнага чиқиши керак. Шошилмай аччиқ чой ичиб, суҳбатлашиб ўтиради. Олтинчи кўриниш бошланажagini режиссёр ёрдамчиси Маҳмад Отажонов радио орқали эълон қилади. Қори ака шошилмай бир чеккага олиб қўйилган саллани кияди. Саҳнага чиқиб кетади. Бир неча секунддан кейин, Қори ака саҳнага чиқиши керак. Бундан кейинги саҳнада мунажжим родини ўйнаши лозим бўлган Ғани Аъзамов, Қори акамга қараб, ҳайрон бўлади. Шундай басавлат ҳазрати Жомий сиймоси, бўлакчароқ кўринади. Разм солиб қараса Қори акамнинг мўйлови йўқ.

— Э, Қори ака, мўйловингиз йўқ-ку,— дейди Ғани Аъзамов.

Қори ака «а?» дейди-ю, бармоғини беихтиёр лабига юборади. Ҳа, чинакам мўйлов йўқ. Мўйлов гримхонада, стол устида қолаверибди. Қори ака ҳангу манг бўлади. Гримхонага кириб мўйловни ёпиштириб чиқиш учун фурсат керак. Бу ёқда саҳнага чиқиш дақиқалари-борган сари яқинлашиб келмоқда. Шошиб қолган Қори ака Ғани Аъзамовга қараб:

— Акаси мўйловингни қарз бериб тур,— дер эмиш. Мунажжим Ғани Аъзамовнинг мўйлови, аввало Жомий домлага тўғри келмайди. Соқоллари оппоқ, мунажжимнинг мўйлови мошқичири рангида. Унинг устига, «қарз бериб тур»и нимаси?

Ёрдамчи режиссёр ўқдай отилиб, мўйловни олиб келган ва Қори ака уни дарҳол ёпиштириб, саҳнага чиққан. Бу ҳодисани эслаб, ҳали-ҳали кулишамиз.

Афсуски бу хилдаги ҳодисалар саҳнада бўлиб туради. Асар мундарижаси ва тараққиёти билан банд бўлиб қолган томошабин, баъзан бундай майда ҳодисаларга эътибор бермайди. Албатта, атайлаб қилинмайди.

Сайфиқори Олимовнинг артистликдан ташқари режиссёр сифатида қилган хизмати ҳам катта. Колхоз-совхоз театрида Огаҳий номидаги Хоразм область музыкали драма театрларида узоқ муддат раҳбарлик қилиб у театрларда «Ҳамза» театрининг анъаналарини ўрнатишда, иш усуллариини ўргатишда меҳнати синган санъаткордир.

«Қалтис ҳазил»даги Турди фасон, «Бой ила хизматчи»даги Қодиркул мингбоши, «Гамлет»даги Полони Ўзбекистон ССР халқ артисти Сайфиқори Олимовнинг тажрибакор артист эканлигидан далолат берувчи етук образлардир.

Еши 70 дан ошиб қолган артистларимиздан фақат уч киши бор. Сайфиқори ака, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Ҳасанов ва театрдан кўнглини узоқмай шу кунларда спектакль текстини кузатиб бораётган ҳурматли Шокир Нажмиддиновлардир.

Лекин бу муътабар санъаткорларимиз ҳали ғоят тетик.

Буларнинг ҳар бири 50 ва ундан кўпроқ йиллик ҳаётини ўзбек совет театр санъати раўнақига сарф қилганлар, яна узоқ йиллар халқ хизматиға камарбаста бўларлар умидидамиз.

КЕКСАЙМАГАН КАМПИР

1909 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳри Шайхонтаҳур даҳасининг «Баланд масжид» маҳалласида истиқомат қилувчи уста Ҳидой оиласида бир қиз туғилди, унинг исмини Замира қўйдилар...

Уста Ҳидойни ҳамма танир эди... Уни, серчақалиги учун эмас, серболалиги туфайли танир эдилар. Лекин Замира опанинг муштипар онасини деярли ҳеч ким танимас эди, чунки болалар билан ўралашиб қолган Жаҳон опа на тўйга, на ўйин-кулгига аралашарди.

Жаҳон опанинг ўнта боласи бор. Замира опа мана шу ўн боладан тўрттасига сингил, биштасига опа бўлади.

Ой ўтди, йил ўтди, уста Ҳидойнинг болалари улғая борди, тирқчилик қийин.

Етти-саккиз ёшли Замирани, бир холаси олиб кетди. Замира у хонадонда сув ташир, кир ювар, уй супурар, қишда том курарди.

Қаҳратон қиш, қалин қор ёққан. Замира бир қуни катта томни кураб бўлиб, ошхона томига ўтди...

— Хайрият, қутулдим-е.— деб қаддини энди ростлаган эди, қўшни ҳовлидан бир эркак кишининг овози эшитилди. Замира бошига ёпиб олган нимчаси билан юзини паналади.

— Ҳой, яхши қиз бизнинг томни ҳам кураб ташлай қол.

Замира бу «хушовоз»нинг эгаси кимлигини аниқлаш мақсадида ярим қайрилиб, нимчасининг енгидан қўшни ҳовлига қаради. Бу «хушовоз», хотин киши экан. Бу эркаксимон аёл, қўшниси Ҳожиона эди. Ҳожиона «ҳаж қилган батавфиқ» аёллардан эди.

— Мен, «Бой ила хизматчи»даги Ҳожиона ролини тайёрлаганимда, ўша Ҳожионани кўз олдимга келтирган эдим,— дейди Замира опа.

Замира опа ўша кунларни эсласа, бир сесканиб кетади. Кейин, Октябрь революцияси бўлгани, отаси келиб уни холасиникидан олиб кетганини айтади.

— Ўшанда дадам оқ суруп яктак кийиб келган эди. Ўша оқ яктак ҳали-ҳали кўз олдимда, чунки тўққиз ёшга кириб отамни ямоқ тушмаган янги оқ яктакда биринчи марта кўришим эди.

1920 йилда Замирани ўқишга бердилар. Икки йил «Ҳаёт» мактабида ўқиди, унга биринчи марта «Алифбе»дан дарс берган муаллим, замонамизнинг атоқли шоири Ғафур Ғулом эди.

Кунлардан бир куни Ҳидой ака масжиддан авзойи бузилиб-роқ қайтди.

— Замира, шунча ўқиганинг бўлар. «Қизингизни бўйи чўзилиб қолибди» дейишяпти маҳалла имомлари. Қўяқол, қизим...

Замира йиғлаб-йиғлаб жилдини токчага қўйди. Жилди бир йил ўша жойда ётди.

Баҳор чоғи эди. Маҳалла қоровули ҳамма эркак-аёлни «Гадовой масжиди» саҳнига чиқсин деб, қайта-қайта тайинлаб юрди. Жаҳон опа бутун майда-чуйда болаларини бошлаб масжид ҳовли-сига кириб келди. Ҳидой ака тўрдаги сўрида, уч-тўртта тенгқурлари билан чақчақлашиб ўтирарди. Болаларини галалаштириб юрган хотинидан ранжиди-ю, лекин бир нарсга демади. «Уйда ўтиравериб юраги қон бўлиб кетган, бир кун яйраса яйрай қолсин», деган мулоҳаза билан, ўзини кўрмаганга солиб қўя қолди. Мактабда ҳарфга ҳарф уриштириб бир сўз чиқаришга қурби келиб қолган Замира, масжид деворига осилган қизил алвондаги арабча ёзилган сўзларни ҳижжалаб пичирлар эди: «Яшасин хотин-қизлар байрами 8 март!» Унг томондаги деворда: «Яшасин иштирокиюн фирқаси ва бу фирқани яратган Ленин!» Чап томондаги панжарада эса: «Битсин, йўқолсин зулм қамчиси, яшасин хотин-қизлар озодлиги, паранжини ўтга ташлаймиз», деб ёзилган эди.

Бутун аҳоли шовқин-суронсиз ерга чўкди.

— Вой ўлмасам, ана у сурат кимнинг сурати? — деди Жаҳон опа, қизи Замирага мурожаат қилиб.

— Чап томондагиси Клара Цеткин, ўнг томондагиси Роза... Роза... ўқий олмаяпман у ёғини... Роза...

— Ҳа, бўпти, жим бўл.

— Ўртадаги-чи, ойи, Йўлдош Охунбобоев деган киши экан.

Шу пайт икки от қўшилган бир извош келиб эшик олдида тўхтади ва масжид саҳнига, ҳалиги ўртадаги суратдаги киши билан сочи калта қирқилган бир аёл кириб келди. Эркаклар меҳмонларни чапак чалиб кутиб олишди. Кейин маҳалла комиссияси жой кўрсатиб, меҳмонларни қизил алвон тўшалган стол атрофига чақирди.

— Йўқ, биз ҳайъатга ўтирмаймиз. Энг аввал бизнинг номзодларимизни маҳалла аҳлига қўйинг. Агар бизни маҳалла аҳли сайлашса, кейин ўлтирайлик-да,— деди ўртадаги суратнинг асли, салобатли йигит.

— Хўп, хўп,— деди маҳалла комиссиясининг раиси,— мен бугунги Бугун дунё хотин-қизларининг байрами 8 март байрамига бағишланган уч маҳалла эркаклари-аёллари йиғилишларининг мажлис ҳайъатига беш кишини сайлаб беришларингни сўрайман. Бу беш кишилиқ ҳайъатга ўртоқ Йўлдош Охунбобоев, ўртоқ Обидова, темир йўл ишчиси Карим Олим ўғли ҳамда кўп болали аёлларимиздан Ҳидой акамнинг заифалари Жаҳон опани, ўзим

билан беш киши бўлади чамамда... Қаршилар йўқми шу номзодларга?

Жаҳон опа номи чиқиши билан ёнидаги болаларини, бошқаларга сездирмай, буйдалашга тутинди. Ялт этиб эри ўтирган томонга қаради. Ҳидой ака оқариб-бўзарса ҳамки, лекин илжайиб, чой ҳўпламоқда эди.

Комиссия раиси сўзида давом этиб:

— Шу номзодларни мажлис ҳайъатига сайлаймиз деган ўртоқлар қўлларини кўтарсин! — деди. — Кўпчилик. Қўлларингни туширинглар. Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ. Номлари чиққан ўртоқлар жой-жойларингни олинглар.

Сайланганлар ҳайъат столи атрофига ўтирди. Бироқ Жаҳон опа жойидан қимирламасди. «Жаҳон опа чиқмайдиларми? Чиқсинлар!» каби хитоблар эшитилди.

— Э, Жаҳон; чиқ-е, хотин. Замонанг келибди, даврингни сурмайсанми, чиқ! — деди Ҳидой ака чорпоядан. Кулги кўтарилди. Жаҳон опа чақалогини кўтариб, стол ёнига борди ва аёл киши — Обидованинг ёнига омонатгина ўтирди.

Маҳалла раиси ўрнидан туриб яна сўзлаб, мажлисни давом эттирди:

— Кун тартибида битта масала. У ҳам бўлса, хотин-қизлар байрами — 8 март ҳақида доклад. Докладдан кейин, Тамара хоним, Муҳиддин Қори ака ўйин қўйиб берадилар. Дакалад учун сўз, Жаҳон опамга.

Ҳидой аканинг ожизаси Жаҳон опа, ўтирган курсисидан хоши оғиб, йиқилиб тушишига сал қолди. У нуқул «вой ўлмасам», «вой тавба» дерди, холос.

Шу пайт сочи қирқилган аёл ўрнидан турди-да, Жаҳон опани тинчитди: — «Менинг ҳам исмим Жаҳон. Жаҳон Обидова», — деди ва доклад қилиш учун тайёрланган минбарга ўтиб кетди.

Жаҳон Обидова жуда содда қилиб, бу хотин-қизлар озодлик куни қанчадан бери байрам қилина бошлагани, ўтмишда дунё хотин-қизлари қандай азоб-уқубатларга дучор бўлгани ҳақида, ўзбек хотин-қизларининг бошига тушган кулфатлар ҳақида гапириб, паранжи тарихи ва нима учун паранжи балосидан қутулиш лозим эканини роса уқдириб берди.

Мажлисда айтилган маънодор гаплар ўз хизматини қилди. Ҳидой ака Замирага «ўқишга кир, қизим» деди. Замира қувона-қувона яна мактабга кетди. Кўп вақт ўтмай мактаб қошида хор тўғараги, драма тўғараги, кашта тикиш тўғараги очилди. Замирага драма тўғараги ёқди. Драма тўғараги Замира қизга бир шеърни ёдлашни топширди. Бу — шоира Ойдин Собированинг «Зебигардон керакмас» деб аталган янги газали эди. Шундан кейин Замирани «артистка қиз» деб атай бошладилар. 1924 йили 8 март байрами арафасида уни комсомол сафига қабул қилишди ва янги

очилган хотин-қизлар билим юртига ўқишга ўтди. Билим юртида драма тўгараги бўлса-да, бир пардали-икки пардали асарларни ўйнаб бўлмагани учун, драм тўгарак концерт группасига айланиб қолганди. Замирага жиндай ҳам овоз насиб бўлмагани каби, оёқ ўйинга ҳам жуда нўноқ эди. Шу сабабли Замира ўз ҳунарини узоқ вақтгача кўрсата олмай, ичини еб юраверди.

Шу пайтларда Ойдин Собирова: «Янги қадам» деб аталган бир асарини ёзиб топширди. «Янги қадам» сахнага қўйилди. Шу асарда ўн беш ёшли Замира Мастура хола ролини ўйнади. У чинакам артисткалигини шу кеча кўрсатди, ҳамма қойил бўлди. Замиранинг артистка бўлишига кўзи етган ўқитувчилари, уни шу йил Москвада очилиши лозим бўлган Вахтангов театри қошидаги ўзбек драма студиясига юборишга ҳаракат қилдилар. Лекин Замирага: «Студия артист-артисткалар тайёрлайди» демадилар, чунки у кунларда артист-артистка сўзи оилада масалани мушкуллаштириши аниқ эди. Москвани эшитган Замира шошиб қолди. У, биринчи мартаба, ота-онасини алдади.

— Мактабимиз ўн кунга Самарқандга ҳамма қизларни олиб борар эмиш. Борсам майлими? — деди.

Кўп тортишувдан сўнг ота, ўн кунга Самарқандга юборишга розилик берди.

Москванинг Қозон вокзалига поезд келиб тўхтади. Вагондан чуст ва духоба дўппи кийган йигитлар билан (Музаффар Муҳамедов билан Шариф Қажумов) Москва халқи сира кўрмаган бир кийим кийган киши тушиб келди. Ҳамма бу кийимга ҳайрон бўлиб қарарди. Бу кийим паранжи, паранжи ичидаги аёл эса, Замира Ҳидоятова эди. Замирани бир озода, кенг уйга олиб кирдилар. Бу уйда икки қиз ўтирар эди. Бири-сочлари учига пилик ўрилган Турсуной Миразимова, иккинчиси Ўзбекистон халқ артисти Тошхон Султонова эди. Бир неча кундан сўнг Ўзбекистон санъатининг атоқли, етук арбоблари Уйғур, Етим Бобожоновлар студияга янги қабул қилинган қизларни суҳбатга чақаришди. Бу мактаб тўрт йиллик бўлишини ва артистлар тайёрлаб чиқаришини айтишди.

Студияда тайёрланган «Эҳ» («Акс садо»), «Хасис», «Маликаи Турандот» спектакларида Замира ишчи хотин, Фразиния, Аделма каби ролларни тайёрлаб муваффақият билан ўйнади. 1927 йилда студияни битирганлар қайтиб Тошкентга келишди. Замира таҳсил пайтларида «муаллималикка ўқияпман» деб ота газаби ва сўроқларидан қутилган эди. Бу гал ҳам шу баҳона айтилди. Замиранинг бахтига у вақтларда спектакль афишаларига артист-артисткаларнинг фамилиялари ёзилмас эди.

Артистлик ҳунари маълум,— кечқурун бориб спектаклда ўйнаш керак. Лекин уйдан, ҳар кун, кун оралаб қандай чиқиб кетиш мумкин? Бирталай баҳона керак эди.

Замиранинг спектаклда банд бўлган кунлари ота ишдан қайтиб: «Замиранг қани?» деса, она шўрлик «холасиникига кетди», «аммасиникига кетди» деб важ-карсон қилар эди. Она, қизи сиридан хабардор эди.

Замира ота билан онасини бир илож қилиб театрға боришга кўндирди. Мана бугун ҳам Замира «кичик холасиникига кетди». Чол-кампир «Ҳамза» театрига келишди. Бугун Гоголнинг «Ревизор» асари ўйналмоқда. Эр-хотин роса кулишди, спектакль тамом бўлди. Уста Ҳидой билан Жаҳон опа аста-секин пиёда уйга кетишди. Ҳидой ака Хадрадан извош олай деди, кампир кўнмади. Бўшаган Замира эса апил-тапил гримини артиб, извошга тушиб, аллақачон уйга келиб, ҳеч нарсани билмаган кишидай, китоб ўқиб ўтирган эди. Ота-она кула-кула эшикдан кириб келишди.

— И-е, қизим, келдингми? Ёта қолмабсан-да, холангникида,— деди уста Ҳидой.— Жуда ҳам яхши ўйин экан-да, бу театр. Яна қизигидан бўлса бизга айт, қизим, ўладиган дунёда кўриб қолайлик. Бу Ҳоким тўранинг хотини, худди онангга ўхшаш шаддот хотин экан. Э, болади-е: кулавериб ичакларим узилди-я... Ўша артисткаси қурғур уйидаям ота-онасига терс гапирса керак-а? Бадбахт хотин экан...

— Вой, унақа деманг,— деб сўзга аралашди Жаҳон опа,— ўз қизингизни...— деди-ю, тили тўхталиб қолди.

— Нима, нима дединг? Қайси қизим?

— Йўқ, дадаси, ҳалиги!..

— Ҳа, нега довдирайсан, гапир, қайси қизим?

Она қараса бўлмайдиган. Орани очди қиладиган пайт келиб қолди.

— Ҳа, шу қизингиз, Замира.

— Замира?

— Ҳа, Замира.

— ...

Ҳидой ака кулгидан таққа тўхтади. унинг кўзига қон қуйилди. Бир оз жим қолди. «Шайтонга ҳай берди». Узоқ ҳаёлдан сўнг аста-секин ўрнидан туриб, қизининг пешанасидан ўпди. Яраш-яраш бўлди.

— Қарқиноқдан булбул чиқибди-да,— деб аламинни яна хотиндан олди уста Ҳидой.

Бу 1927 йил эди. Тақдирга тан берган, янги замон, дорил-омон замон маъноси ҳали тўлиқ етмаса ҳамки, бу, замон, одам боласини ёмон йўлга бошламаслигига ақли етган Ҳидой ака шундан кейин чурқ этиб оғиз очмади. Бора-бора эл-юрт қизи Замиранинг номини яхшилиқ билан тилга ола бошлаганини чойхона, гап-гаштакда эшитиб, сир бой бермаса ҳамки, ичидан қувониб қўярди.

Бу мен ҳикоя қилаётган ҳодисага салкам ярим аср бўлган. Бу фурсат ичида Замира опа юзга яқин турли-туман образлар ярат-

ди. Замира опанинг роллари рўйхатига назар ташласангиз, хилма-хил. Ранг-баранг, қиёмига етган сиймоларни кўрасиз. Замира опа роль танламайди. Берилган ролни сира қайтармайди. Олган ролини меъёрига етказмагунча тинчимайди. Ёркиной, Анна Андреевна («Ревизор»), Адельма, Зарина, Ўлмас. Она, буви, холалар ролини Замира опа жуда кўп ўйнаган. Ижобий она ёки буви ролини кўрган ҳар қандай томошабин: «Қани шунақа бувинг бўлса» деб ҳавас қилади. Артистка, кишилар қалбида, кексаларга муҳаббат ва меҳрибонлик туйғуларини уйғотади. «Холисхон»даги қизни алдаб қочган жодугар кампир ролини кўрганлар, ундан нафратланиб, ёмон аёлни кўрганда Замира опа яратган образ мезони билан ўлчаб нафратланадилар.

«Аяжонларим»даги қолюқ онанинг «Шоҳи сўзана»даги «илғор», «тушунган» Ҳамробибидан фарқи катта. Замира опанинг ғоят катта тажриба ва маҳорати — яратган образларнинг ҳаққоний бўлишига ёрдам бермоқда. Замира опага коллектив қойил қолади. Ёти болани бекаму кўст, элга фойдали, олий маълумотли кишилар қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Замира опа санъат фидоиси, санъат шайдоси. Замира опа 60 ёшдан ошиб қолди. Ҳали Ўзбекистон ССР халқ. артисткаси Замира Ҳидоятлова томошабинларни янги-янги яратган образлари билан қувонтиради.

БАХТЛИ АЁЛ

Ўзбекистон халқ артисткаси Холида Хўжаева ҳали олтмиш ёшга етгани йўқ. Ҳозир кекса аёллар ролини ижро этмоқда. Бир вақтлар иккинчи студияни битириб, «Ҳамза» театрига янги келган пайтларида ғоят гўзал, қадди-басти расо, тили бурро қиз эди. Тўғри, ўзи кексаликка юз тутди, лекин санъати, таланти кун сайин яшнаб-яшариб бормоқда.

Холида Хўжаеванинг тақдири ғоят ачинарли бўлган. У 1916 йили ишчи оиласида дунёга келади. Биринчи жаҳон урушининг майдонларида қон дарё бўлиб оқаётган, Октябрь революциясининг арафаси яқинлашаётган пайт эди. Қўли гул ота Самарқанд шаҳрида, ўз ишида жуда зарур эди. Шунинг учун ҳам уни мардикорликка олишмади. Хўжабува ака шаҳардаги инқилоб ҳаракатининг ҳайбаракаллагиси эмас, балки актив қатнашчиси бўлди. Революция ғалабасидан қувонганлар қатори Хўжабува ака ҳам табассум қилди. Қовоғи очилди. Бироқ Самарқанд атрофида, пулдорлар Ислоом байроғи остига авом халқни тўплаб, Совет тузумига қарши курашни кучайтириб юборган эдилар. Босмачиларга қарши кураш «Қизил таёқчилар»и тузилди. Революция қилиш қийин, революция маҳсулини сақлаб қолиш мушкул эди. Бу курашга завод, фабрика, темирйўл ишчилари сафарбар қилинди.



Абдулла Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана». Ҳамробиби ролида — Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Замира Ҳидоятова (чапда); Ҳолнисо ролида — Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Зайнаб Садриева.

Хўжабува ака бу гал ҳам илғорлар қатори жангга отланди. «Ҳадидан ошган яланг оёқни» йўлдан олиб ташлашга қасд қилган босмачилар пайт пойлаб юрдилар ва мақсадларига етдилар. 1922 йили кечаси бир тўда босмачилар уйга бостириб кириб Ҳолида Хўжаеванинг кўз олдида ота-онасини ўлдириб кетдилар. Етти ёшга етиб-етмаган Ҳолида қизни Совет давлати етим қилиб қўймади. Дарҳол болалар уйига топширдилар. Интернатларда ўқиди. Шу интернатлардаги драма тўғаракларда қатнашиб юрган Ҳолида 1927 йили Москвада очилган иккинчи ўзбек театр студиясига жўнатилади. Ўқиш тугагач, Ҳолида Хўжаевани «Ҳамза» театрига олишади. Мана, 43 йилдан бери муттасил шу театрда ишлайди.

Театр бу ёш артисткани рағбатлантириш ниятида, «Икки коммунист» спектаклидаги Дилбар ролига дублёр қилиб тайинлайдилар. Тажрибакор Сорахоним Эшонтўраева сидқи дилдан бу ёш артисткага ёрдам беради. Театрга келган йилиёқ бундай масъулиятли бош ролни ўйнаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.

Қирқ уч йил мобайнида Ҳолидахон жуда кўп ролларни ижро этди. Шу санъат соҳасидаги жонбозли фаолиятини назарга олиб,

унга аввал «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», кўп фурсат ўтмай «Ўзбекистон ССР халқ артисткаси» унвони берилди.

«Қўзибулоқ қишлоғи»да Лауренсия, «Холисхонда» Холисхон, Тренёвнинг «Любовь Яровая» асарида бош қаҳрамон — Любовь Яровая, «Тартюф»да айёр хизматчи Дорина, «Бой ила хизматчи»да Хонзода...

Ҳолида Хўжаева яратган Хонзода — юраги кир, очкўз ичи қора, чақимчи, ўзини севиб, ўзгаларга ўлим тиловчи, ниҳоят, ўз қора нияти учун кундоши Гулбаҳорнинг ёлғиз фарзандини қайноқ сувга ташлаб ўлдиришга ҳам қурби келган, баттол аёл сифатида намоён бўлади.

Ҳолида Хўжаева ҳали кўп янги образлар яратади.

ЧЎҚ ҚИГА ИНТИЛИШ

Ёзувчилар, врачлар ўз шахсий хусусиятига қараб бир-бировидан ажралиб тургани каби, саҳна санъатида ҳам ўзига хос хусусиятга эга артистларимиз бор.

Шулардан бири Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновдир.

1914 йили Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилиб ўсган, балоғатга етган ва артистлик ҳунарини танлаган йигитдир.

Зикир Муҳаммаджонов қирқ уч йиллик саҳна умрида биронта ҳам юмор ёки сатирик образ яратмади. Комикликка мойиллиги йўқ. Ҳаётда камсухан, тили бурро, ўз маъқеини билган, «Ҳамза» театрининг артисти эканини ҳеч қаерда, ҳеч қачон унутмай, ўз хатти-ҳаракатини, тартиб-қоидасини, интизомини шу катта ориятга бўйсундирадиган маданиятли артистга лозим бўлган ҳамма хусусиятлардан унда бор. Ўзига ишониб топширилган образни синчиклаб ўрганиб, образнинг тўлақонли чиқиши учун бутун имкониётларини ишга солади.

«Ҳамза»да — Ҳамза, Авазов билан Тўла Хўжаевлар асари «Фурқат»да Фурқат, Асқад Мухторнинг «Самандар»ида Самандар образларини ғоят юксак даражага кўтариб бажаради.

«Ҳамза» театри ўттиз уч йилдан бери улуг доҳиймиз В. И. Ленин образини тасвирловчи асарларни саҳналаштириб келади.

«Милтиқли киши», «Кремль соати», «Учқундан аланга», «Оила», «Унутилмас 1919 йил», «Йўлчи юлдуз», «Бўрон қуши», «Инқилоб тонгги» каби спектакллар В. И. Лениннинг болалик чоғидан тортиб («Оила») студентлик даври, («Бўрон қуши») буюк революция тонгги, («Милтиқли киши») Совет давлатини мустақкамлаш ва келажакни каромат қилган давр («Кремль соати»), ундан кейинги жанговар кураш йиллари ва Ленин даҳосининг улугворлигини намоён қилувчи асарлар («Унутилмас 1919 йил», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонгги») томошабинларга тақдим этилди.

В. И. Лениннинг буюк сиймосини яратишдай масъул, лекин артистга ором бағишловчи образни ижро этиш, ҳар қандай артистга ҳам насиб бўлавермайди.

Шуни қувониб айтаемизки, бизда беш артист шундай бахтга эришди. Улар Саъдихон Табибуллаев, Шукур Бурхонов, Махсум Юсупов, Рихси Авезов ва Зикир Муҳаммаджоновлардир. Буларнинг ижро этиши албатта бири биридан катта фарқ қилади. Лекин ҳаммалари ҳам, ўз галида бу образни ишонарли қилиб ярата олганлар.

Зикир Муҳаммаджонов, Саъдихон Табибуллаев, Шукур Бурхоновлар ижод этиш усулларидан баҳраманд бўлган. Уларнинг тажрибаларидан, маслаҳатларидан фойдаланган, лекин ўзича мустақил равишда ҳам кўп меҳнат қилган артистдир. Бу ролни қандай ижро этишини шу кунларда ҳам театр репертуарида сақланиб қолган «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тонгги» спектаклларида кўриш мумкин. Зикиржоннинг ёшларга намуна бўладирган хислатларидан биттаси, энг муҳими — унинг жафокашлигидир.

САҲНА ШАЙДОСИ

Икрома Болтаева узоқ йиллар Қашқадарё областининг маркази — Қарши шаҳридаги театрда ижод қилган саҳна шайдосидир.

1926 йили Китоб шаҳрида бинокор оиласида дунёга келди. Мактабда ўқиб юрган чоқларидаёқ маҳаллий театрнинг, Тошкент, Самарқанд шаҳарларидан гастролга келган труппаларнинг концерт ва спектакллари канда қилмай кўрар эди. Қалбидаги санъатга бўлган иштиёқ, тобора муаллима бўлиш режасини енгмоқда эди. Икрома Болтаева қалб сўзига қулоқ солди. Тақдири саҳна санъати билан боглиқ эканига тўлиқ ишонди. Театрга қабул қилиш ҳақида ариза кўтариб, Қарши театри дирекциясига кирди. Уни текшириб кўриб труппага қабул қилишди. Бирмунча тажриба орттиргандан кейин бундай ўйлаб қараса, бу театр музикали бўлгани сабабли колхозма-колхоз сайр қиларди. Ашула айтишга овози, рақс тушишга қўл-оёғи келишмаслиги сабабли, ҳар гал труппа гастролдан қайтиб келгунча, уйда ўтириб қолишга мажбур бўларди. Бу ёш артистканинг юраги эса саҳнага интиларди. Ундан ташқари, драматик санъат уни кўпроқ қизиқтирарди. Шу сабабдан Икрома Болтаева бир неча йил Самарқанд шаҳрига келиб Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд давлат драмтеатрига кириб ижод қилди. Ниҳоят, 1946 йили «Ҳамза» театрига ўтиш учун Тошкент шаҳрига оиласи билан кўчиб келди. Чорак асрдан мўлроқ даврни бизнинг коллектив билан ўтказиб келмоқда.

Икрома Болтаева ўз феъли-атвори, очиқ кўнгиллилиги, театр санъати ва «Ҳамза» коллективи анъаналарига муҳаббати, садоқати билан жуда тез умум тил топган артисткадир.

Драматик ролни ҳам комедия жанрига мансуб ролларни ҳам кўп қийналмай, чиранмай бажараверади.

«Отелло»да, сўнгги йилларда Дездемона ролини ўйнади. «Бой ила хизматчи»да Пошшойим, Хонзода ролларини ижро этди.

Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи сахна асари «Шоҳи сўзана»даги чўлқувар қиз Салтанат образи, Икромархоннинг мустақил ва мириқиб бажарган ролидир. Айниқса шўх йигит Қўзиёв — Наби Раҳимов билан бўлган сахнаси гоёя жозибдор чиққан эди. Сахна-мастери Наби Раҳимов даражасига кўтарила олиш керак эди. Такрор айтиш керакки, Икромархон шу баланд даражага кўтарила олган, лаёқатли артисткадир.

«Парвона»да Марҳамат опа, «Аяжонларим»даги Шакарбону образлари шовақи, ёқимтой, залдаги қаттиқ кулгига сабаб бўладирган, тамошабин севиб қолган образлардир. Икромархон Болтаева аввал «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка», кейинроқ «Ўзбекистон ССР халқ артисткаси» унвонига лойиқ кўрилди. Коммунист Икромархон Болтаева жамоат ишларининг актив қатнашчиси.

ЯШНАГАН ЯЙРА

Яйра Абдуллаеванинг артистка бўлмаслиги табиат қонунига зид ҳодиса бўларди. Ҳа-да, онаси Лиза хоним Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон ССР халқ артисткаси, холаси Тамара хоним СССР халқ артисткаси, яна бир холаси Гавҳар хоним Ўзбекистон ССР халқ артисткаси, ниҳоят отаси Умар Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Яйра Абдуллаева — қалби олов, тиришқоқ, истеъдодли артистка. Яйра Абдуллаева Тошкент шаҳрида 1930 йилда туғилди. Рус мактабида ўқиди. Шаҳарнинг европалли аҳолиси кўпроқ яшайдиган қисмида яшагани туфайли кўпроқ рус тилида гаплашарди. Дугоналари ҳам рус қизларидан эди.

Яйра Абдуллаеванинг иродаси ва катта меҳнати шундаки, у театрчилик институтига кирганда, ўзбек тилидаги оддий сўзларни айтишга ҳам қийналарди. Ўқиш даврида, домлалар ва ҳамкурсларининг ёрдами билан у ўзбек тилини жиддий ўргана бошлади. «Ҳамза» театрига келганда бемалол гапирар эди. «Ҳамза» театрида, ўзбек тилининг тўғри ва маданий талаффуз этишга қаттиқ эътибор бериш, пешқадамларимиздан мерос бўлиб қолган. Роль ўқиган пайтда, машқ вақтида бирон жумла гализ айтилар экан, кексаларимиз дарҳол бу жумлани қай тарзда айтиш лозим эканини тушунтиради. Ана шу усул билан Яйра Абдуллаева, Эркин Маликбоеваларга яқиндан ёрдам берилди. Талаффузлари анча яхшиланди.

Ҳуснор, қадди-қомати саҳнабоп, овози баланд ва ёқимтой сергайрат Яйра Абдуллаева, салбийми-ижобийми, майинми-қўполми, камтарми-шақилдоқми, бари бир, қай хилдаги аёл образини яратмасин, уни жозибадор, ишонарли ва яхлит бўлиб кўзга ташланишини уддалай оладиган артистка.

«Қирол Лир»да шафқат-мурувватдан маҳрум, отани хўрлаган, бойликка сизгинган меросхўр билан «Бой ила хизматчи»даги маъюс, мунис Гулбаҳор, севги манбаи, Алишер Навоийдан жудо қилинган, заҳар ичишга мажбур бўлган Гули образлари бир-биридан катта фарқ қилади. «Мария Стюарт» постановкаси иши даврида, Яйра Абдуллаеванинг иш усулини кузатиб бордим. У Шотландия қироличаси Мария Стюарт ролини бажарар эди. Бу роль бошдан-оёқ асаб-шижоат сарфлашни талаб этади. Яйра Мариянинг тўла қонли чиқиши учун асабини, куч-қувватини аямади. Қайта-қайта машқ қилишни режиссёрлардан талаб қилар, кўнгли тўлмагунча жазавага тушиб ишларди.

«Мария Стюарт» спектакли узоқ умр кўрмаса ҳамки, Яйра Абдуллаева ижодий фаолиятида салмоқли ўринни эгаллади. Бу ролни саҳнада ижро этиш ҳаваси, шавқи, дунёдаги барча театрлардаги ёш артисткаларнинг орзу-умидлари бўлиб келмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Ф. Шиллернинг қаламига мансуб бу роль, ғоят лухта ва ўта бадийят билан яратилгандир. Бу ролни уддалаб ўйнаган артистка ўзини бахтлиман деса бўлади. Яйра Абдуллаева бахтли артисткадир.

М. Каорунинг «Ўғирланган умр» драмасидаги Кей роли Яйра Абдуллаеванинг ижоди баалоғатга етган, саҳна мастери деб аташга арзийдирган даражага етганидан далолат берувчи бир воқеликдир.

Яйра Абдуллаева ҳали ёш. Бундан ҳам юксакроқ санъат чўққисига кўтарилишга қодир артисткадир.

ҲАЛИ «УҲ» ДЕМАГАН АРТИСТ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Махсум Юсупов 1912 йилда Тошкент шаҳрида дунёга келди. Шўх, абжир, тили бурро бу йигит ўз ҳаётини театр санъатига бағишлашга қарор қилиб, 1930 йили «Ҳамза» театрига кириб келди.

Мана, қирқ уч йил бўлибдики, Махсумжон ҳормай-толмай ўз талабчан халқига хизмат қилмоқда, коллективнинг илғор санъаткорлари қаторидан ўз ўрнини олди. «Тарих тилга кирди», «Ҳамза», «Ёндираамиз», «Ҳолисхон», «Она», «Гамлет», «Отелло» спектакларида биринчи ва иккинчи табақали ролларни ижро этди. Ниҳоят, авваллари Аббор Ҳидоятлов, Шукур Бурхоновлар бажар

риб, халққа манзур қилган «Бой ила хизматчи»даги бош қаҳрамон Ғофир ролини ижро этишга аҳд қилди ва бу ролини ёшлик таптини сарф қилиб ўйнади. Аввалги ижрочилар тажрибасидан фойдаланди, бироқ улардан нусха кўчиргани йўқ. Ғофирнинг хўжайини Солихбой, ўз корандаси Ғофирнинг гўзал ва вафодор Жамиласига кўз олайтира бошлаганига қадар Ғофир — Махсум Юсупов ғоят одобли, жафокаш, бой ҳурмати бажо келтирадиган, бой қўлига қарам, шу қашшоқ ҳаётдан мамнун, мункир йигит бўлиб кўринади.

«Энди оғзим ошга етди» деб, Жамила муҳаббати, ўзининг Жамилага бўлган муҳаббати билан умр кечираётган Ғофир — Махсум Юсупов, Солихбойнинг бузуқ хатти-ҳаракатини кўргач, шерга айланади, денгиз каби тўлқинланади. Юрак дардларини шунча йил сақлаган аламларини баланд овоз билан айтади, Махсум Юсуповнинг қалб исёни Ғофир руҳини тўлиқ кўрсатишни таъминлаганди.

«Қутлуг қон»даги Йўлчи образи ҳам Махсум Юсуповнинг жуда усталик билан қишлоқи йигитнинг ҳаёт мактабида қайнаб, революция солдатига айланиши жараёнини яққол кўрсатиб берган эди.

А. Поповнинг «Оила» асарида В. И. Лениннинг ўспиринликдан бошлаб то революция доҳийсига айланишининг биринчи босқичларини Махсум Юсупов жуда ҳам ҳаққоний тасвир қила олган.

Шу роли билан Махсум Юсупов етук санъаткор эканини кўрсата олган ва халқ иззат-ҳурматига сазовор бўлгандир. Махсум Юсупов оатмишдан ошди. Лекин ҳали жуда ёш кўринади. Ижодий тажрибаси балоғатга етган, ҳали кўп образлар яратиб, томошабинларимизни қувонтиришига ишонамиз.

ИСМИГА МОНАНД

Кўп артистларимизга: «Театрга кирганингизда, неча ёшда эдингиз?» деб савол берсангиз, 18, 19 ёки 20 ёшда эдим, деб жавоб қайтаришади. Эркин Маликбоева: «Чиллам чиққан кундан бери театрдаман», деса ҳеч шубҳа қилманг. Бу муболага эмас, рост гап.

Унинг онаси Сора Баёзитова, Охунбобоев номидаги ўзбек ёш томошабинлар театрида артистка эди. Биринчи қизи Эркини, дарҳақиқат чилласи чиқиши билан, ўраб-чирмаб театрға олиб келган. Бу 1928 йил эди. Артистлар дам оладиган хонада стол устига ётқизиб қўйиб, ўзи саҳнага чиқиб, роль ўйнаган. Эркин Маликбоева улғая бошлади. Онасига эргашиб, ҳар куни театрға келишга мажбур эди. Эркини етаклаб умум саҳналарда саҳнага олиб чиқиб кетишаверарди...

Одам фарзандини, асосан, она ёки буви кўтариб, эраклаб катта қилади. Эркини эса бутун бир коллектив тарбия қилган де-

сак, бу ҳам ёлгон бўлмайди. 1940 йилда мен ёш томошабинлар театрида бир спектакль кўрдим. Эркили ўша пайтларда ўн ёшлар чамасида эди. У бир қиз бола ролини ўйнади. Ушанда, унинг Сора Баёзитованинг қизи эканини билдим. Ғоят бийрон, сергайрат бўлиб кўзга ташланарди. 1944 йили Туйгуннинг «Муҳаббат» номли драмасини сахналаштириш менга топширилди. Асарда ўн ёшлар чамасидаги бир қизнинг роли бор эди. Бу ролга Ҳамза коллективи орасида ҳеч ким тўғри келмади. Ниҳоят, Эркили Маликбоева эсинга тушиб қолди. Уни қизча ролига таклиф этдим. Шуни таъкидлаш керакки, хийлагина масъулиятли роль эди. Кимсан Шукур Бурхонов. Наби Раҳимов, Тошхон Султоновалар билан ҳамсахна бўлиши керак эди. Уларнинг салобати босиши муқаррар ва табиий ҳол эди.

Эркили ҳаммадан олдин театрга келиб, қоронғи залнинг орқароғида гужанак бўлиб ўтирарди. Лекин сахнага чиқиши билан гапини бурро-бурро гапирар ва тўғри хатти-ҳаракат қиларди. Спектаклда қатнашувчиларнинг ҳаммаси бу ёш артисткани севиб қолди ва келажакда яхши артистка бўлишига ишонч билдиришди. Эркили Маликбоева, чинакам яхши артистка бўлиб етишди.

Унинг синфни битиргач, Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтига кириб ўқиди. Тугилганидан бери орттирган сахна тажрибасини билим билан шиббалади.

1949 йили Ҳамза театрига йўлланма беришди. Эркили Маликбоеванинг сахнадаги ижодий тараққиёти тўғрисидаги сўзни «Ганг дарёсининг қизи»даги Умешдан бошламоқ тўғри бўлади. Эркили Маликбоева бу 12—13 ёшлар чамасидаги ўғил бола ролини ўйнаганда унинг катта ўғли бу ёшдан ўтиб қолган эди. Эркили Маликбоева бу роль учун гўё элликта шўх болани қайнатиб, битта, ўта шўх болани ясаб олган эди.

Кўп фурсат ўтмай, араб адиби Муҳаммад Дибнинг «Ҳазоир менинг Ватаним!» асари сахнамизга чиқди. Бу спектаклда ҳам ўсмир ўғил бола Умар роли Эркили Маликбоевага топширилди. Умар, бу албатта Умеш эмас, тўғри, бу ҳам шўх бола, бироқ унинг шўхлигини замон, француз колонизаторлари ўғирлаган. Ҳазоир араблари босқинчиларга қарши курашмоқда. Умар ва умарлар катталар сафига ўтиб, революцияга садоқат кўрсатишмоқда. Мен шу спектаклда сотқин Муҳаммад ролини ижро этардим. Мақтаниб полиция пул берганини ҳовлидаги аҳолига ошкор айтар ва Умарга танга чақа таклиф қилардим. Умар — Эркили Маликбоева, менга шундай ғазаб билан қарардики, бу қараш мени даҳшатга соларди ва ўз ролимни тўғри ифодалашимга жуда катта ёрдам берарди.

Йиллар, ойлар ўтди, Роль устига роль. Эркили Маликбоева тез ижодий камолот топган артистка бўлиб, халққа танилди. У СССР халқ артисткаси Сорахоним Эшонтўраева билан гама-гал «Гам-

лет»да Офелия, «Бой ила хизматчи»да Мастон, «Фурқат»да Баронесса, «Оғриқ тишлар»да ўқувчи қиз, «Мария Стюарт»да Қиролича, Уйғуннинг «Парвоз» асарида райком секретари Ҳуррият, қолаверса, СССР барпо бўлганига эллик йил тўлиши арафасида саҳналаштирилган, Асқад Мухторнинг «Самандар» пьесасида райком ходимаси ва бошқа ролларни маҳорат билан ижро этган санъаткор.

Бу роллар артистканинг таланти ғоят кўп қиррали эканидан далолат беради. Тўғри, ўзи айтгандай, Эркли Маликбоеванинг жуссаси кичик, лекин ғайрати, маҳорати серягрин.

Эркли Маликбоева бундан икки йил муқаддам «Ўзбекистон ССР халқ артисти» уивонига сазовор бўлди.

Сиз ҳар якшанба куни ҳузур қилиб тинглайдиган «Табассум» радиожурналида ҳам Эркли Маликбоеванинг қўнғироқдек овози тез-тез жаранглаб туради.

Эркли Маликбоева меҳрибон она, саҳий қалбли аёл. Ота-онани хурсанд қилган фарзанд. Энг муҳими, келажаги порлоқ, талантили саҳна устасидир.

МУБОРАКЧОЛ

Шу кунларда Ҳамза театридаги энг кекса артист ким деб сўрасангиз, албатта Ўзбекистон халқ артисти Обид Ҳасанов деб жавоб берамиз.

Обид Ҳасанов, Ҳамза Ҳакимзода қўл остида ишлаган, у билан улфатчилик қилган, Ҳамза Ҳакимзоданинг ширин суҳбатларининг иштирокчисидир. Обид Ҳасанов асли қўқонлик, 1900 йилда косиб оиласида тугилган, эски мактабда ўқиган. 1915—16 йилларда ташкил топиб биринчи қадамини қўя бошлаган ўзбек труппасининг томошаларини кўриб тинчлигини йўқотади.

Ниҳоят, 1918 йилда театрға қабул қилишларини сўраб ариза беради.

Ўзбек театрчилик санъатининг қалдирғочлари Маҳмуд тараша Холмуҳаммад Охундий, Муҳиддин қори Ёқубов, Аъзам Ҳўжаев, Мирҳамид Мироқилов, Азизхўжа Тошхўжаев, Ҳасан-Ҳусан Эрматовлар билан бирга ишлаб, Ҳамза Ҳакимзодадан театр илмини ола бошлайди.

Обид Ҳасановнинг оилавий аҳволи, 1924 йили Москвада очилган театр студиясига жўнашга имкон бермайди. 1925 йили Самарқанд шаҳри (Ўзбекистон пойтахти)да ижодий иш кўраётган театрға бориб қўшилади.

Обид Ҳасанов ёшлигида шўх, бақувват, серкулги, басаранжомроқ йигит эди, яхшигина овози ҳам бор эди. «Ҳалима» спектаклида Ортиқбой ролини ўйнаб қойил қилган. Обид Ҳасанов, саҳна тили таъбири билан айтганда, характерли роллар устасидир.

Обид Ҳасанов бир неча йил Қўқон шаҳридаги Ҳамза музыка ва драма театрида ишлаб юрди. Мана, чорак асрдан ошди, Обид Ҳасанов ўз коллективига қайтиб келган. Энг камтар, энг интизомли ходим сифатида ижод қилмоқда. Биринчи табақадаги ролларни ўйнамаса ҳамки, иккинчи табақадаги ролларни қиёмига етказадиган муътабар артистдир.

ЛОЛАХАНДОН

Ўзбекистон ССР халқ артисти Жўра Тожиев, Тошкент шаҳрининг Эгарчи маҳалласида 1910 йилда туғилди. Аввал эски мактабда, Совет ҳукумати барпо топгач — янги мактабда таҳсил олди. Шўх йигит, кулонғич йигит эди. Саҳна санъатига қизиқиши ва мойиллик билдириши, албатта кўпчилик қатори Ҳамза театрининг томошаларини кўриш туфайли мавж урган. Жўра Тожиев табиатни севади, кузатади. Масалан, хўроз бўлиб қичқирар экан, худди ҳақиқий хўроз дейсиз; эчки бўлиб маъраса — ҳақиқий эчки деб ўйлайсиз. Мана шу имкониятлари, уни Тошкентда янги очилган «Ёш томошабинлар театри» (ҳозирги Охунбобоев номидаги ТЮЗ театри) га йўллади. 1928 йилдан 1931 йилга қадар шу театрда саҳнавий тажриба орттирди. 1931 йили Ҳамза номидаги театрга артист бўлиб ўтди, мана 42 йилдан бери шу театрдан бир қадам жилмай ижод қилиб келмоқда.

Роль танламайди. Каттами-кичикми, ўртачами ёки эпизод ролми, бари бир, ўйнайди. Чунки режиссёр шуни маъқул кўриптими, демак Жўра Тожиев спектаклга шу роли билан фойдали экан. Бироқ шу кичикми, ўртачами, эпизодикми, шуни меъёрига етказишга уринади, удалайди.

Масалан, «Аяжонларим» спектаклидаги колхоз раиси Жамол, асардаги бош роллардан бири ҳисобланади. Жўра Тожиев бу ролни жуда яхши бажарган. «Парвона»даги Аброр Яллачи? Асар автори бу ролдан нимани кутган бўлса, Жўра Тожиев автор мақсадини тўлиқ очишга уринган ва ишонарли қилиб яратишни удалаган.

«Парвоз»даги колхоз раиси Мамасолиевдан жабр-ситам чеккан, софдил Тошпўлат образини беками-кўст ўйнайди. Жўра Тожиев бир Тошпўлатни эмас, балки Тошпўлатларни ҳимоя қилади. Уларга ибрат бўлиш учун ўз кучи ва артистлик маҳорати ҳамда тажрибасини аямайди. 1934—1935 йилларда Жўра Тожиевга эргашиб театрга келиб юрган тўнғич ўғли Тўлқин Тожиев ёшлигида жуда ёқимтой бола эди. Дастёри беминнат эди.

Тўлқин Тожиев ўнинчи синфни битиргандан кейин, Островский номидаги театр ва рассомчилик институтига кириб ўқийди.

Театрга қарийб ҳар куни келавериб, ўсмирлик чоғиданоқ оммавий саҳналарга қатнашиб, баъзан кичик болалар ролига чиқиб

ўсган Тўлқин Тожиев, бу йигирма йил ичида бирталай етук об-разлар яратиб, кекса артистларнинг лойиқ меросхўрига айланди.

У ҳозир Ҳамза театрининг таниқли артистлари қаторидан ўрин олди. «Бўрон қуши»даги студент Соловьев, «Ажал минора-си»даги Филипп Готье, «Имон»даги Орифжон, «Алишер Наво-ий»даги Мансур, «Йўқолган узук»даги масқарабоз Мадгавия, «Инкилоб тонги»даги Махсум, «Олтин девор»даги инженер Мат-лаб. Бу рўйхатга кирган роллари хилма-хил, турли-туман ва ҳар хил феълү атворга эга шахслардир.

Тўлқин Тожиев бу ролдарни кунт билан ишлаб, кутилган да-ражага кўтара олган, умид боғлашга арзийдирган артистларимиз-нинг биридир.

Ёш бўлишига қарамай, санъат тараққиётига қўшган улиши учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» унвонига са-зовор бўлди. Тўлқин ҳали ёш. Яна ҳам меҳнат қилиб, олдинга қа-раб интиладн, деган умиддамиз.

САНЪАТ ОШИҒИ

Муҳаммад Умархўжаев 1909 йили Тошкент шаҳрида туғил-ган. Революцияга қадар унинг тенгқурлари қандай машаққатли ҳаёт кечирган бўлса, Муҳаммад Умархўжаев ҳам бу тақдирдан ҳоли қолган эмас.

Революциядан кейин янги мактабга кирган, бироқ ўрта мак-табни битиришга ҳам имкон топа олмаган. Тўнғич фарзанди ота-нинг қўлтиғига киришга ва иш ахтаришга мажбур бўлган. 1927 йили заводга қора ишчи бўлиб кирган, оилага қарашган. Худди шу йиллари Ҳамза театри Тошкентга гастроль қилиб келади. Муҳаммад Умархўжаев бу театрнинг спектакллари кўради. Унинг ёш юрагига санъат ўз учқунини отади. Кўп мулоҳаза, кўп хаёллардан сўнг Ҳамза театрига артист қилиб олишларини илти-мос қилиб ариза беради.

Муҳаммад Умархўжаевнинг заводдаги иши ёмон эмасди. Иш-чи сифатида ўсиши, тараққий топиши, қўли гул мастер бўлиб ети-шиши муқарар эди. Бироқ, санъатга бўлган иштиёқ ғолиб чиқди.

Мана, 42 йилдан бери муттасил шу Ҳамза театрида ишлаб келмоқда. Ёшлигида Муҳаммад Умархўжаев барваста, паҳлавон-дай йигит эди.

Ҳозир ҳам коллектив бўйсира килинса, Муҳаммад Умархўжа-ев биринчи бўлади. Гавда, жусса ҳам сахнада катта роль ўйнайди. Режиссёрлар ҳадеганда бу артистга камбағал, қашшоқ, эзилган косиб ролини беравермайди. «Тарих тилга кирди»да босмачилар бошлиғи Гаффор ота, «Алишер Навоий»да паҳлавон Турдибой, «Бой ила хизматчи»да чоризм ҳокими, «Самандар»даги Зокир

ака, «Шоҳ Эдип»да элчи, «Мария Стюарт»да Граф Кент, «Мирзо Улуғбек»да Саид Обид каби гавда ва салобат талаб қиладиган роллар тегади.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммад Умархўжаев бу хилдаги ролларнинг ҳар қайсисига ҳар хил ички ва сиртқи қиёфа топиб бажаришга қодир артист ва актив жамоатчидир.

САБОХОН

Сабохон Каримова Ҳамза Ҳақимзода номидаги Қўқон давлат музика ва драма театрида камол топган, артистка сифатида катта тажриба ортирган, Ўзбекистон ССР халқ артисткаси унвонига лойиқ топилган талантли артисткадир. У 1917 йил 8 январь кунини Қўқонда тугилган. Сабохон Каримованинг ўткир овози бор эди. У «Фарҳод ва Ширин» да Ширин, «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Нурхон»да Нурхон ва бўлак бир талай музикали драмаларда бош ролларни ижро этди, ўз маҳоратини халққа манзур қила олди.

Тўғри, у эллигинчи йилларда саҳналаштирилган асарларда иккинчи, учинчи даражали ролларни бажарди. «Хуррият»да Тўтихон, «Юрак сирлари»да Санобар ва «Тобутдан товуш»даги Сухсуровнинг хотини роллари артистка учун камолот пиллапояси бўлди. Ниҳоят, Сабохон Каримова ўзининг характерли роллар, комедияларида яхши маъқул образлар яратиши мумкин эканини намоиш қилди. Шоир Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясида Сабохон Каримова яратган, меъёрига етказган роли, қоровул Мўминнинг хотини бўлди. «Парвоз»даги Ўғилхон сиймоси ҳам яхлит ва яққол образ бўлди. Сабохон Каримова коллектив орасидан лойиқ ўрнини эгаллади. Сабохон ҳали жуда кўп ёрқин образлар яратади деган умиддамиз.

НОРҒУЛ БОБО

Ҳамидилла Наримонов Москвада очилган иккинчи ўзбек драм студияда таҳсил олганини юқорида айтган эдик. Ўзи асли Тошкентда 1909 йил ишчи оиласида, Қаймоқбозор маҳалласида туғилиб ўсган йигитдир.

1930 йили студияни битирганларнинг ҳаммасини Бухоро шаҳрига, Бухоро область музика ва драма театрига жўнатадилар. Шу жумладан, Ҳамидилла Наримонов ҳам Бухорога кетади.

Ҳамидилла Наримонов студияни битирганда 21 яшар йигит эди. Шунга қарамай бу артист ўз ижодий ҳаётида бирон марта ҳам ёш йигит ролини ўйнаган эмас десак муболаға бўлмайди. Қайси бир спектаклда ижобийми, ёки салбийми кекса роль бўлса,

шу Ҳамидилла Наримоновга лозим кўришади. Ота, бува, кекса сўфи, домла-имом, Турди полвон...

Агар Ҳамидилла Наримонов шу давр ичида олтиншига яқин образ яратган бўлса, шунда эллик бештаси кекса ё ота, ё бува. Ҳамидилла Наримоновнинг артистлик фаилати, маҳорати шундаки, шу ролларнинг биронтаси иккинчисига ўхшамайди.

Алишер Навоий ҳазратларининг камарбастасига айланган Турди паҳлавон билан «Бой ила хизматчи»даги ялоқхўр, саводсиз домла-имом турқи-таровати ўртасидаги тафовут, осмон билан ерча фарқ қилади.

«Ҳадеб чолларни ўйнайверасиз, жонингизга тегмайдими?» — деб берилган саволга, Ҳамидилла Наримонов: «Чолларни яхши кўраман, кузатиб юраман. У чолни бу чолдан ажратадиган сифатларини, юриш-туришини «ижод халтамга» ташлаб қўявераман. Чолим залда ҳурмат ёки ғазаб қўзғаса, менга шунинг ўзи кифоя, дейди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамидилла Наримонов чоллар ролини кўп ўйнаган бўлса ҳамки у ҳали жуда ҳам ёш кўринади. Театрда катта ҳурмат-иззатга эга.

Рихси Иброҳимова, Турғун Азизов, Обид Юнусов, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Хонтўраев, Пўлат Саидқосимов, Светлана Норбоева, Мирҳосил Орипов, Суйди Сотиболдиева, Омон Ёқубов, Ҳасанбой Юнусов, Тўти Юсупова, Тўлқин Тожиев, Рўзи Ҳакимовлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган, катта мероснинг лойиқ ворисларидир. Бу рўйхатга яна бир талантли артистимизни киритиш лозим. Бу — коллективдан тез орада ўз ўрнини топа олган Неъмат Қосимов. У бажарган қатор роллар, Ҳамза театри талабига тўлиқ жавоб берувчи образлар Неъмат Қосимовни чинакам сахна ва экран соҳибига айлантираётган эди. Айниқса, «Юлий Цезарь»даги Антоний роли, биз сахнадошларнинг ёдидан сира кўтарилмайди. Неъмат Қосимов қирқ уч ёшида, 1967 йил август ойида тўсатдан вафот этди.

Юқорида исми фамилиялари зикр этилган, «ёш» деб аташдан ўтган, «кекса» деб аташга ҳали вақт эрта бўлган артистларимиз, труппамиз таянчидирлар.

«Учинчи бўгин» деб аталувчи бу ворисларнинг «иккинчи бўгин»га нисбатан бир афзаллиги бор. Бу афзаллик, ҳаммаси (Суйди Сотиболдиева, Рўзи Ҳакимовлардан ташқари) Тошкентда 1946 йилда очилган Островский номидаги театр ва рассомчилик институтини битирган, олий маълумот олган йигит ва қизлардирлар.

Тўғри, ҳали буларнинг биронтаси Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева эмас. Наби Раҳимов, Саъдихон Табибуллаев, Замира Ҳидоятова, Тошхон Султонова ҳам эмас. Лекин булар борган сари тажриба орттириб, янги-янги образлар яратиб, чинакам санъат чўққисига кўтарила олишлари мумкинми? Мумкин. Бунинг учун театрдаги муҳит соғлом. Лозим бўлган шарт-шароит бор. Фақат фидойилик, тинимсиз меҳнат, сахна санъатига садоқат, қайралган ғайрат, совет артисти номига ярашадиган, уни

безайдиган хулқ-одоб, ирода, мустаҳкам интизом ва ўткир дид керак.

Жонли шоҳид тарзида гувоҳлик берамизки, бу ишонган боғ, суянган тоғларимизда, юқорида қайд қилинган сифатларнинг барчаси муҳайё. Театримиз истиқболидан кўнглимиз тўқлиги шу ўринбосарларимизга тўлиқ ишонишимиздадир.

Биз кексаларни яна бир қувонтирадиган ҳодиса шуки, «учинчи бўғин» ҳам, саҳна санъатига тасодифан келиб қолган кишилар эмас. Улар юрак амри билан, кўп мулоҳиза юритиб шу ҳунарни танлаган санъат ошиқларидирлар. Баъзан шу йигит-қизларимиз бўйи-бастига, ақлу идрокига, илму тушунчасига назар солсам, мени хаёл узоқларга олиб кетади. «Ахир булар санъат соҳасини танламаса, олим, врач, инженер, архитектор бўлишлари мумкинмиди?» деб дилимга савол бераман. «Ҳа, бўлиши мумкин эди. Демак, қалб амрига қулоқ солибдими — булардан яхши санъаткор чиқади» — дея жавоб қиламан ва чексиз қувонаман. Бундан ҳаммамиз қувонамиз. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, бу ёшларимизнинг бахтига ғамхўр, сахий ака-опалари бор. «Уни қилма», «Бун қил» деб турадиган маслаҳатгўйлари бор.

Масалан, Сорахоним Эшонтўраева Рихси Иброҳимовани она меҳри билан севади. Лекин шу Дилбар Ҳасанова, Гулчеҳра Жамилова, Римма Аҳмедова, Лола Бадалова, Яйра Абдуллаева, Дилбар Икромовна, Дилором Иброҳимовна, Машрабхон Орипова, Гулчеҳра Зокирова, Шукуржон Масафаеваларга эътибор қилмайди, деган сўз эмас.

Сорахоним, умуман ҳамма кексаларимиз, ёшларга ғамхўр, уларни суяйдилар.

Рихси Иброҳимовна 1937 йилнинг 29 декабрь куни ишчи оиласида таваллуд топди. Бу ёшдаги ўсмирлар, Ҳамза театрининг ижоди чўққига чиқаётган пайтларда тайёрлаган ва томошаларини кўрган бахтиёр авлод эди. Ҳаётда пухта-пишиқ, гапи бурро, тийран Рихси Иброҳимовна, саҳнада тамомила бўлак бир тусга кира олади. «Бой ила хизматчи»даги Жамила каби, мураккаб ролни Рихсихон ижро этади. Кимсан Сора опанинг ролини ўйнаганидан қувонса, Сорахоним Эшонтўраева, ўзининг навқирон йилларини эслаб, Рихсихондай артистка етилганидан чексиз қувонади.

Рихси Иброҳимованинг кўзида алла қандай тасвирлаб бериш мушкул бўлган бир жозиба бор. Унинг кўзларидан аини дақиқада артистканинг фикридан қандай хаёллар ўтаётганини аниқ билиб олиш мумкин.

«Йўлчи юлдуз» спектаклида мен Тўраҳонбой ролини, театрга энди келган Рихсихон эса, менинг севиқли хотиним Гуласал ролини ижро этади.

Пул эвазига бой қўлига тушиб қолган Гуласал, ўзининг севган йигити, революционер Темурга, Тўраҳонбой озиқ-овқатларни қа-

ерга яширганини айтиб беради. Улимни бўйнига олиб туриб, сирни очади. Бой уни қийнайди, бироқ бу кўринишда ўлдирмайди. Ичкарига ҳайдаб юборади. Ана шундай дақиқаларда бу саҳнани беками-кўст бажарган Рихсихон, менинг олдимдан ўтиб кетар экан, менга шундай қарар эдики, мен бу қарашдан илҳом олардим. Шундай илтижо билан, шундай ҳаё билан қарайдики, унинг кўзларидан шашқатор ёш келарди. Бундай ҳодиса ўзича бўлмайди, бунинг учун зўр ҳаяжон, эътиқод ва Гуласаллар қиёфасига кира олиш керак. Мен Рихсихоннинг кўзидagi маъюслик, чорасизлик ҳолатларини кўриб, унга раҳмим келар, мен ҳам ўзимни тута олмай чинакамига йиғлар эдим.

«Алишер Навоий»да Гули, фақат икки кўринишда кўринади, лекин бу ролни бажарган ҳар қандай артистка қунт билан ролга ёндошса, роль бош қаҳрамонлардан бирига айланади. Рихси Иброҳимова, Навоий каби улуғ зот муҳаббатига арзигудек бир қиз даражасига кўтарила олади.

Рихсихон Иброҳимова таланти, турли-туман типдаги образларни яратишга қодир, катта умид боғласа арзийдирган, ўз санъатини тараққий қилдириб, кун сайин юқорилаб бораётган артисткамиздир.

* * *

Турғун Азизов 1934 йил 30 ноябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Саҳнада Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхоновларга тахассус қилади, дейдилар. Актёр бўлмасдан олдин бу саҳна қаҳрамонларининг сеҳрловчи ижроларини кўриб, «камоли артист бўлсанг — шунақа артист бўлсанг-да» деб кўнглидан ўтказиб, артистлик ҳунарини танлаш гуноҳми? Йўқ, албатта, гуноҳ эмас.

Ҳа, Турғун Азизовнинг Аброр Ҳидоятловга қариндошлиги ҳам рост. Унинг жияни. Лекин Турғун Азизовни театрга, Аброр аканинг юзини қилиб олинган эмас. Балки театрчилик илмини қунт билан ўзлаштирган ва ўз ҳаётини халққа хизмат қилишга аҳду паймон қилган ёш таланти артист сифатида, кўплар ичидан танлаб олинган. Турғун Азизов, танлаганларни уялтириб қўймади. Балки қувонтирди.

Бўй-басти ўзига ярашган, саҳнада ўзини тута олишга, турли қиёфага киришга қурби келадиган Турғун Азизов, театрга келиши биланоқ, масъулиятли ролларни бажара бошлади. Ун олти йил мобайнида Турғун Азизов етук артистлар қаторига ўтиб олди. «Шахсий масала»даги Павлик, «Қирол Лир»даги Эдмунд, «Алишер Навоий»даги уста Жалолиддин, «Қутлуғ қон»даги Йўлчи, Турғун Азизовнинг яхши ижро этган образлари бўлса, Мирзо Улуғбек, Мансерро умум рўйхатдан ажратиб, алоҳида таъбир қилишга арзигудек образлар бўлди.

Мирзо Улугбек сиймосини Шукур Бурҳонов спектаклда ҳам-да экранда меъёрига етказиб ўринлатиб қўйган эди. Бу ролни бажаришга журъат этишнинг ўзи катта ишдир. Турғун Азизов яратган бу улуг сиймо образи ҳам, ҳаққониятга яқин, Улугбек каби зотнинг бутун фазилатларини яхлит кўрсатадирган, унинг ички туйғулари ва ташқи қиёфасининг ишонарли бўлишига эриша олгандир.

Роблеснинг «Ўлимдан кучли» драмасидаги Мансерро роли артист Турғун Азизовнинг талантли артистлигидан далолат берувчи факт бўлди. Монсерро революционер эмас, бироқ халқ бошида ўйнаётган қамчи зулмига қарши исён кўтарган офицер бўлиб гавдаланди. Автор мақсадининг тўлиқ очилишига Турғун Азизов катта ижодий меҳнат ва маҳорат сарф қилди.

* * *

Обид Юнусов, Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик Юнус Ражабийнинг ўғли. У 1934 йили туғилди. Обиджоннинг драматик сахнага лойиқ, гап-гаштак, тўй-ҳашам, улфатлар тўпланганда дилни хушнуд қилишга ярайдирган ширали овози бор. Дуторни яхши чертади.

Улфатни жонидан яхши кўради, улфатлар ҳам Обиджонни яхши кўришади. Коллективнинг бирон аъзоси қиз чиқарса, ўғил уйлантирса, ёки турмуш қурадиган бўлса, Обид Юнусов бошлиқ Пўлат Носиров, Тешабой Мўминовлар базмини қизитишади. Обиджон рақсга ҳам тушади. Афанди латифаларини айтишга уста.

Обиджонни Наби Раҳимовнинг шогирди дейдилар. Бу ҳам тўғри. Обиджон Наби Раҳимов типигади, қилиқлари ўхшаб кетадиган йигит. Ўзи комик артист эмас, лекин комедия жанрига хос, кулги қўзғатувчи образларни уддалай беради.

Театрга келганига кўп фурсат ўтмай «Йўлчи Юлдуз» спектаклидаги Тўраҳон бойнинг шовақи хизматчиси Ғани ролини ижро этди. Бу кунгача у ролни Наби Раҳимов ўхшатиб бажариб келарди. Ғани ролини Набижондан ошира олмаган бўлса, ҳамки, унга етказиб ўйнади. Бу масалада Обиджонга Наби Раҳимов катта ижодий ёрдам берди. Роль устида қаттиқ иш олиб борди.

Набижон ёшроқ бўлганда, театрда Обиджон бўлмаганда, «Парвона» асаридаги мўлтони Ўткурий ролини, албатта Наби Раҳимов ижро этган бўларди.

«Парвона» спектакли қисқа фурсат ичида 350 маротаба ўйналди, Обиджон Ўткурий ролини шунча маротаба ижро этди. Бу роль салбий роль. Олқиш эмас, қарғиш оладиган роль. Шунга қарамай, ўткурийлар афту ангорини тўла тасвирлаб берган. Унинг, шовақилик чачвони панасига олинган, асли юзини беками-кўст фош қила олган, талантли артист Обид Юнусовга софдил

томошабин саҳна ҳақиқати учун ҳар гал мамнун бўлиб, офарин айтади.

«Бой ила хизматчи»даги Холмат ролини марҳум Лутфулла Назруллаев зўр иштиёқ ва жозоба билан бажарарди. Бу ролни Ўзбекистон халқ артисти Ҳамидилла Наримонов ҳам ёмон ўйнамаган. Ҳозирги кунда Обид Юнусов Холмат ролини ўйнар экан, автор кузатган, шу ролдан кутган мақсадини тўла очиб беради. Ўйноқи йигитликни, ичи тўла ҳасрат, исёнкор йигит эканини томошабинга тўлиқ етказди.

Уйғун аканинг «Парвоз» асаридаги Алижон роли, қуюқ драматик роль. Юрагини олдириб қўйган, лекин қалби тоза, пайти келганда рўй-рост ва баланд овоз билан Мамасолиевнинг шармандасини чиқарадиган, мард йигит бўлиб гавдаланади.

Ҳамза театри коллективига келиб қўшилганига ўн беш йил бўлди. Ўттизга яқин образ яратган. Бу ҳали дебоча. Ишонамизки, Обид Юнусов яна меҳнат қилади. Яхши образдан мамнун бўлиб, қуллуқ айтадирган томошабиннинг олқишини ҳали кўп эшитилади.

* * *

Ёқуб Аҳмедовнинг «Ҳамза» театрига кирганига ҳали ўн йил ҳам тўлгани йўқ, лекин ўзининг иқтидори, истеъдоди, санъатга бўлган муҳаббати, ишчанлиги, фармонбардорлиги, уқуви туфайли шу муддат ичида у «Ҳамза» театрининг умидли ворисига айланди.

Ёқуб Аҳмедов наманганлик. 1938 йил 3 январда ишчи оиласида тугилди. Отаси Ватан уруши майдонида ҳалок бўлди. У отасини фақат онаси ҳикояларидан, ундан қолган бир-икки фотосуратдан билади, холос.

Ёқубжон етимликда ўсиб улғайди. Наманган шаҳрига гастроль қилиб борган, «Ҳамза», «Муқимий» театрлари, Алишер Навоий номидаги маҳаллий театр спектакллари унинг ёш юрагига саиъат учқунини ташлади. Ёқубжон Тошкентга келиб Островский номидаги театр ва расмочилик институтига ариза берди. Учинчи курсни тамомлаш олдида ўша пайтларда кинолентага олиш мўлжалланган «Фурқат» фильми режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Йўлдош Аъзамов Фурқат ролига лойиқ бирон йигитни топиш мақсадида институтга боради ва Ёқуб Аҳмедовни мўлжалга олиб, уни «Ўзбекфильм» студиясига таклиф қилади. Ниҳоят кўп муҳокама-мулоҳазалардан сўнг учинчи курс студенти, 22 ёшли Ёқуб Аҳмедов шу Фурқат ролига тасдиқ этилади. Бу фильмда бош ролни бажарган ёш артист Ёқуб Аҳмедовнинг эзгу нияти амалга ошади. Ёқуб Аҳмедов образини жамоатчилик юксак баҳолайди.

1965 йилда Ҳамза театрига артист бўлиб келади.

Сарвар Азимовнинг «Замон драмаси»да Малик Маҳмуд, «Бўрон қуши»да студент Сергей Ладигин, «Машаққатли йўл»да Роберт, «Алишер Навоий»да мунажжим, «Йўқолган узук»да шоҳ Душианна, «Парвона»да Мурод, «Парвоз»да Алижон ролларини бажаради. Келишган гавда, қуюқ ёқимли товуш, сўзлаш маҳорати, сахна маданияти Ёқуб Аҳмедовга ҳар қандай томошабиннинг диққатини тортади. Юқорида зикр қилинган роллар, турли-туман характердаги инсонлар қиёфасини тасвирлайди. Ёқуб Аҳмедов буларнинг ҳаммасига фақат шу типажга ярашадиган, мос келадиган характерлар топа олди. Ёқуб Аҳмедов айниқса замон қаҳрамонларининг ички туйғу ва сиртқи қиёфасини яхши оча олади. Замон қаҳрамонларига муҳаббат туйғуларини қўзғатади.

Ёқуб Аҳмедов бахтиёр, истиқболи порлоқ ижодкордир.

* * *

Суйдихон Сотиболдиева қадрдон артистларимиздан биридир. 1915 йилда Тошкент шаҳрида косиб оиласида туғилди. Бир оз отин ойида, кейинчалик совет мактабида ўқиди. Суйдихон ҳам «Ҳамза» театри санъатига мафтун бўлиб, ўзини шу коллективнинг меҳрибон қучоғига урганлардан биридир.

Театрга келганида 17—18 ёшлар чамасида бўлиб, узун сочлари тақимидан пастга тушиб турарди. Серғайрат, юраги тоза, одобли, саломини канда қилмайдиган, «мана шуни ўйнайсан» дейилса, «йўқ» дейишни билмайдиган фармонбардор қиз эди. Бир неча йил кичик, эпизодик роллар ўйнади, умумий сахналарда қатнашиб юрди. 1944 йили сахналаштирилган «Қалтис ҳазил» комедиясида Бўстон роли Суйдихонга тегди. Шу роли билан коллектив кўзига ялт этиб кўринди-қолди.

Артист-артистканинг шахсий сифати, нимага мойиллиги ҳам театр санъатида катта роль ўйнайди. Суйдихон ёш туриб характерли роллар ёки кампирларга ружу қилиб қолди. «Алишер Навоий» даги энага, ўз ҳолати, сўз оҳанги ва ички туйғуси билан, Гулига ҳамоҳанг бўлиб кўмаклашмаса, Гули ролини ўйнаётган ҳар қандай уста артистка ҳам, саросимада қолади. Ҳарамга келиб қолган, севгилиси Алишер Навоийга муштоқ ётган Гули ҳолатини тўла етказиб бера олмайди. Суйдихон Гулига кўмак беради, кўнглини кўтаради. «Аяжонларим»даги икки хилма-хил характердаги кампирларнинг бири Тўтинисони ижро этар экан, Суйдихон, тажрибакор сахна усталари Замира Ҳидоятова, Тошхон Султоновларга жўр бўлиб, ижод қилади. «Бой ила хизматчи»даги дастурхончи, Солиҳбойнинг қабиҳ ниятларини амалга оширишда яқиндан кўмак берган Сифат бувининг усталик билан шармандасини чиқаради. «Парвоз»даги тўпори, гапдон аёл Зухрани ҳар ўйнаганда миннатдор томошабиннинг қарсагини олади. Суйдихон яхши аёл, меҳрибон она, яхши артисткадир.

Мирҳосил Орипов 1928 йилда деҳқон оиласида туғилди. Оиладаги содир бўлган ҳодисалар Мирҳосилни бирон институтга кириш ҳавасидан кечишга, оилага қарашишга, меҳнат қилишга мажбур этади. Мактабни тугатиши биланоқ, троллейбус ҳайдовчилар курсига кириб ўқийди. Қарийб уч йил троллейбус ҳайдайди. Санъатга бўлган ҳаваси ёшликдан Мирҳосилга тинчлик бермасди, бироқ на чора, оилага мадад керак. 1949 йили оиланинг моддий аҳволи бир оз яхшилангандан кейин, олий маълумот олиш фикри туғилади. Ёшликдан ҳузурынн олган санъат илмини олиш ниятида, театр ва рассомчилик институтига киради ва 1953 йили яхши баҳолар билан тугатади. Мирҳосилни Қўқон шаҳридаги Ҳамза номли музыкали драма театрига юборадилар. Қўқон театрида беш йил артист бўлиб ишлайди. Шу йилиёқ саҳнага энди қадам қўйган тажрибасиз Мирҳосил Ориповга, зўр масъулиятли роль бера бошлайдилар. Островскийнинг «Айбсиз айбдорлар» идаги бош роль Незнамов, Мирҳосил Ориповнинг биринчи роли бўлди. Незнамов жуда қийин ва мураккаб, зўр истеъдод, чуқур мулоҳаза ва кўп меҳнат талаб қиладиган образ. Рус халқининг ўтмиш ҳаётини яхши ўрганишни талаб қиладиган роль эди. Мирҳосил роса қийналди. Махсус китоблар топиб ўқиди. У ўз саволлари билан режиссёрни чарчатди, лекин бу бош роли муваффақиятли чиқара олди.

«Шоҳи сўзана»да Деҳқонбой, «Нурхон»да Мамат, «Қор маликаси»да ҳикоячи, «Юрак сирлари»да Бахтиёр, «Қутлуг қон»да Йўлчи, қисқаси, беш йил ичида йигирма учта образ яратган. Ҳар йили тўрттадан кўпроқ роль ўйнаган. Бу осон иш эмас. Мирҳосилнинг ёшлиги саҳна санъатига ошиқлиги, юрагидаги ўти, сабр-тоқати ва меҳнатсеварлиги, бундай оғир юкка бардош берган. Шу билан бирга, Мирҳосилнинг тараққиётига замин ҳозирлаган, тажрибасига тажриба қўшган. Мана шу тажриба Мирҳосилнинг Ҳамза номидаги академик драма театрига келишида поёндоз бўлди. Мирҳосил камгап, одобли, сертакаллуф тиришқоқ йигит.

Мирҳосил Ориповнинг Ҳамза театрига келганига энди ўн беш йил бўлибди. Шу муддат ичида катта-кичик роллардан қирққа яқинини ижро этибди. «Бой ила хизматчи»даги бош роль Солиҳбой, «Қутлуг қон»даги Ҳаким бойвачча, «Йўлчи юлдуз»даги Темур, М. Горькийнинг «Душманлар»даги Яков, Шукруллонинг «Табассум ўғрилари»даги профессор Қосимов образлари театрининг бой хазинасига қўшилган қимматли бойликлардир.

* * *

Ойдин Норбоевнинг отаси Абдулҳак Норбоев, шахрихонлик эди. Аввал косибчилик, кейин самоварчилик қилди. Санъатга бўлган муҳаббат, уни Алишер Навоий номидаги академик Опера ва балет театрига бошлади. Унинг ёқимли овози бор эди. Лекин мак-

таб кўрмаган овоз бора-бора ўз ширасини йўқота бошладн. Абдулҳақ Норбоев, Ҳамза театрига ўтишга аҳд қилди. «Бой ила хизматчи»да қози, «Қутлуг қон»да полвон ва бўлак роллари яратди. Худди шу йиллари Абдулҳақ Норбоевнинг оиласи Ҳамза театрининг эски биноси рўпарасидаги ҳовлига кўчиб келди. Унинг қизи Ойдин (Светлана) Норбоева, ўн ёшлик чоғида «Туркия ҳақида ҳикоя», «Ҳазоир менинг Ватаним» спектаклларида қашшоқ бола ролларида ўйнаганини юқорида ҳикоя қилиб ўтган эдик.

Ойдин Норбоева нозик, ҳилол, катта-катта қора кўзларида ғам-алам, маъюслик аломатлари яққол кўриниб турган, кулагиси ўзига ярашган жажжи қиз эди.

Ойдин театрилик институтини битириб, Ҳамза театрига келди. Жуда тез фурсатда фақат сахна эмас, экран соҳибасига ҳам айланди.

«Бой ила хизматчи»даги Гулбаҳор ролини шу кунгача меъёрига етказиб бажарган Шоҳидахоним ва Яйра Абдуллаевалардан кам ўйнамайди. Унинг шахсий фазилатларидаги юқорида зикр қилинган сифатлари, Гулбаҳорга ғоят мос келади. Шу сифатлари билан ҳам ўз опаларидан фарқ қилади.

«Мария Стюарт»даги Мария Стюартни, ўша замон қонун-қондаси, киборларга хос муҳит ичида жони қийналган, азоб чеккан яхши ниятли, заковатли аёл образини, беками кўст бажарганди.

«Йўқолган узук» ёки «Шакунтала»да асар қаҳрамони Шакунталанинг беғубор, чуқур муҳаббатини юксак маҳорат билан тасвирлаб бера олди.

«Қонли сароб»даги ота-онаси туфайли Ватандан жудо бўлган истиқболи кулиб боқмаган асилзода Саидхоннинг балойи нафсига иффати қурбон бўлган ёш қиз Ақиқани Ойдин Норбоева жуда катта маҳорат билан ижро этади.

Ойдин Норбоевнинг артистка сифатида истиқболи порлоқ, унинг ижодий тараққиёти учун бутун шароит мавжуддир.

* * *

«Асаканинг «Чўнтаг»ига бориб наҳорга бир пиёла қаймоқ, ярим кило ҳусайни узум емабсиз, «Кесиб ичадиган» қуюқ кўк чойини ичмабсиз — дунёга келмабсиз», дейди ўз юртининг мафтуналари.

Биз қачон гастролга бормайлик шаҳар меҳмонхонасига тушмаймиз. Ўша «Чўнтак»даги чойхонага жой қилдирамиз. Дарҳақиқат ҳаётбахш ҳавоси бор «Чўнтакнинг».

1949 йили Фаргона водийси бўйлаб сафарга чиққан эдик. Андижон шаҳрида гастролларимиз тугагач, ҳар галгидек, Асакага ўтдик. Ўша пайтларда Турғун Хонтўраев ўн тўрт ёшда эди. Билет олиб, билетга пул йўқ кунлари девор ошиб, ҳар кунни, баъзи спектаклларимизни икки-уч мартадан кўрарди.

У, Абдор Ҳидоят, Сора Эшонтураева, Шукр Бурҳоновларнинг овозасини эшитган эди. Лекин уларни биринчи марта кўриши эди. Унда йўқ даражада хурсанд эди. Офелияни ижро этаётган Сорахоним, телбаланиб саҳнага кирар ва у ерда турганларга гул улашар эди. Мана шу улашадиган қоғоз гулларни ахтариб тополмай хит бўлиб турганларида, бир иложи қилиб кулисга кириб қолган Турғун Хонтўраев жонга оро киради. Югуриб чиқиб шу ердаги гулхонадан бир қучоқ гулни узиб Сорахонимга киришиб беради. Сорахоним «рахмат, яхши йигит» деб суяди.

Уша «яхши йигит» Турғун Хонтўраев, ҳозирги кунларда атоқли артистларимиз қаторидан ўрин олган.

Ҳамза театрига келганига ўн олти йил бўлди. Бунинг ёнига яна бемалола уч йилни қўшса бўлади. Чунки Турғун Хонтўраев театр институтида ўқиб юрган чоқларда ҳам, Ҳамза театрида қўйиладиган оммавий саҳналари бор спектаклларга келиб, умумий саҳналарда қатнашар, ҳатто эпизод роллар ҳам ўйнади.

Шуни айтиш керакки, Турғун Хонтўраев ҳатто ёшлик чоғларида ҳам ёш йигит, ошиқ йигит, қаҳрамон йигит ролларини ўйнаган эмас.

«Новча» маъносидан пастроқ, «пакана» тушунчасидан баландроқ жуссаи Турғун Хонтўраев, характерли ролларга мос келаваради. Артист ўз тақдиридан сира нолимайди. «Қонли сароб»да хизматкор бўлиб ўйнашдан ор қилмайди. «Мирзо Улугбек»да зиндонбон, «Ҳамза»да исириқчи, «Шакунтала»да балиқчи, «Бой ила хизматчи»да қози ва бўлак «майда» роллар Турғун Хонтўраевни катта-катта ролларга бошловчи йўлчи юлдузлар хизмати-ни қиладди.

«Алишер Навоий»даги Абулмалик, «Парвоз»даги Саримсоқбой, «Аяжонларим»даги раис Жамол ака, «Шоҳ Эдип»даги кўр авлиё Тересий, ниҳоят «Ўғирланган умр»даги Сейдзо катта, зўр масъулиятли образлардир. Бу кулгиси бесўнақайроқ, лекин ёқимтой йигит Турғун Хонтўраев, мураккаб образлар яратишга қодир талантли артистдир.

* * *

И. Б. Радун 1959 йили Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд область музикали ва драма театри артистлари билан Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини саҳналаштирган эди. Отелло ролини Ўзбекистон халқ артисти А. Мансуров, Дездемона ролини Ўзбекистон ССР халқ артисткаси, ўта талант эгаси Зайнаб Содиқова, Яго ролини эса, шу кунларда Ҳамза театрида ижод қилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Сандқосимов ижро этган эди. Мен Самарқандга атайлаб бориб бу спектаклни кўргандим. Институтни тугатганига ҳали икки йил ҳам муддат ўтмаган Пўлатжонга Яго каби зўр масъулиятли, катта тажриба талаб

қиладиган ролни ишониб топширишибди. Мен спектакль бошланмасдан олдин Яго масаласида фикр қилиб, «қалай ўйнаркин» деб ўтирдим. Пўлат Саидқосимов бу ролни зўр муваффақият билан бажарди ва менинг ички хавфимни тарқатиб юборди. Тошкентга қайтганимдан сўнг «Совет Ўзбекистони» газетасида спектаклдан олган таассуротим босилиб чиқди. Ўша мақоламда Пўлат Саидқосимов маҳоратига катта баҳо берилган эди.

Мана, ўн йил муҳлат ўтди, Пўлатжон Ҳамза театрига келди. Бу ўн йил мобайнида у, бир талай, турли феъл-атворга эга образларни томошабннга тақдим этди.

Пўлатжон шижоатли, куч-асабини аяб ўтирмайдиган артистларимиздандир. «Қутлуғ қон»даги Салимбойвачча, «Йўлчи юлдуз» — даги революция хойини Осипов, «Аяжонларим»даги сабр-тоқатли, замон талабини ёқловчи, лекин она дилига ҳам озор беришни истамайдиган Каримжон, «Мирзо Улуғбек»даги Абдуллатиф, «Алишер Навоий»даги Биноий, «Қонли сароб»даги Номаълум киши, «Имон»даги мухбир Собиров, «Ой тутилган тунда»ги Девоналар Пўлатжон Саидқосимовнинг талантли, кўп янгиликлар кутса арзийдиган артист эканига жонли шохиддирлар. Пўлатжон шу кунларда Абу Райҳон Берунийдек масъулиятли ролни экранга чиқариш устида ишлаяпти.

Саҳнадошимизга зўр муваффақият тилаймиз.

* * *

Ҳасанбой Юнусов ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало бу артистнинг саҳна шайдоси эканини таъкидлашимиз керак. Ҳасанбой Юнусов, иккинчи бўғинга мансуб артистларимиздан биридир. Ғоят майин, камтар, тортинчоқ йигит эди, ёшлигида. Олтимиш ёшга яқинлашиб қолди. Ҳамон ўша феълидан қолмаган.

Тўғри, бу яхши сифат, лекин бу сифат саҳнада ҳамма вақт қўл келавермайди. Ҳасанбой беш-ўн йил ишлаб кўрди, артистнинг шу сифатларига тўғри келадиган, мос тушадиган роллар ҳамма асарда ҳам бўлавермайди. У майда роллар, эпизодлар ва умум саҳналарда чиқиб юрди. Ҳасанбойга саҳна санъати ҳадеганда кулиб боқавермади. Ниҳоят, Ҳасанбой Юнусов театрдан кетиш ҳақида ариза ёзиб, бўшатишларини маъмуриятдан илтимос қилди. Бўшаб кетди. Бўлак соҳага кирди. Топиши ёмон бўлмади. Бироқ шайдоилик унинг оромини олди. Моддий жиҳатдан таъминланган бўлса ҳамки, маънавий жиҳатдан азоб чекди. Саҳна тортаверди. Ҳасанбой ҳар қаёқни ўйлаб ўзи билан ўзи кўп тортишди. Охири бўлмади, яна театрга қайтди. Иккинчи, учинчи даражали ролларда ўйнаб, аста-секин эпизод роллар моҳирига айланди. Ҳар қандай асарда ҳам бош роль иккита-учта, нари борса бешта бўлар. Қолганлари иккинчи-учинчи табақадаги ва умумий саҳналарда қатнашадиган роллардан иборат бўлади.

Лекин сиртдан қараганда кичик кўринган бу роғлар, баъзан шундай муҳим ўрин эгаллайдики, бир оғиз сўз билан асар мақсади, туб-томири очилади. Уша каму, лекин муҳим гапни айта олиш, моҳиятини аниқ қилиб томоша залига узатиш учун ҳам истеъдод ва катта дид керак.

Ҳасанбой Юнусов шундай роғларнинг муҳим жойига, тўғри маъно беришга қодир, ўзи тушунадиган ва тушунтира оладиган саҳна мастерларидан биридир.

* * *

Рўзи Ҳакимов 1912 йилда туғилган. Узоқ йиллар Янгийўл шаҳрида, Ватан уруши йилларида ташкил этилган Тошкент област музыкали драма театрида етакчи артистлардан бўлиб ишлаган. Бу театр тугатилгач, Рўзи Ҳакимов, «Ҳамза» театрига келди. Орзу-ҳавас, иштиёқ билан театр соҳасига келиб қолган артистлардан биридир.

«Бой ила хизматчи»да Қодирқул мингбоши, «Алишер Навоий»да вазир Маждиддин каби роғларни ижро этади.

* * *

Раҳмонберди (Омон деб ҳам юритамиз) Ёқубов 1913 йилда Тошкент шаҳрида кўнчи оиласида туғилди. Ўн етти ёшида Ҳамза театрининг сеҳргар санъати, уни ўз қўйнига тортди. Мана 43 йил бўлибдики, шу коллективдан ажрамай катта роль, кичик роль демай, сабр-матонат билан меҳнат қилмоқда. Узоқ йиллар умумий саҳналарда қатнашиб, кичик эпизодик роғлар ўйнаб кўзи пишиди. Ниҳоят «Бой ила хизматчи»да Гофир ролини мустақил тайёрлаб ижро этишга эришди. «Йўлчи юлдуз»нинг иккинчи маротаба саҳналаштирилишида, унга Тўраҳонбой каби масъулиятли бош роғлардан бири топширилди. Раҳмонберди Ёқубов бу роғни ҳам меъёрига етказиб бажарди.

Раҳмонберди Ёқубов сокин, одобли, интизомли йигит. Ўз хулқи билан театр ёшларига нбрат бўлишга арзийдиган ходимдир.

* * *

Тўтпхон Юсупова сиртдан қараганда гоғат сокин, майин хотин. Овози ҳам баланд эмас кўринади. Серфарзанд, сахий аёл.

Островский номидаги театр ва рассомчилик институтини битиргандан бери шу бизнинг коллективимиз аъзоси. Лекин саҳнада тамомила бўлак қиёфага, роль талаб қилган қиёфага кириб олишга қурби келадиган истеъдодли артисткадир. Унинг жўшқин юраги, саҳнага чиққанда гўё бўлакча оҳангда ура бошлагандай. Айниқса бу хусусияти «Ўлимдан кучли» (Монсерро) асарида, уйда эмизукли боласи қолган аёл ролида ижод меҳри товланиб кетади. Артистканинг шахсий мулоимлик хусусиятларидан асар қолмайди. Феълан ҳам, овози ҳам тамом бўлак тусга кириб кетади. Тўти-

хон саҳнада шошилмайди. Бир воқеа билан иккинчи воқеа ўртасидаги гоёвий, бадий масофани чопиб босмайди, балки сездирмай, аста-аста, нима учун шундай қилинаётганини таъкидлаб ўтади. Ички туйғуларини томоша залига ҳарф-баҳарф етказишга катта аҳамият беради. Бу яхши фазилат, қадрлашга арзийдиган фазилатдир.

Театрга келганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлишига қарамай, Тўтихон бир талай биридан-бири фарқ қилувчи аёллар ролини ижро этди. Тўтихон юрак чўғи ўчмайдиган, балки роль сайин кучлироқ оловлайдиган саҳнадошимиздир.

Лола Бадалова, Толиб Каримов, Римма Аҳмедова, Эркин Комилов, Тешабой Мўминов, Гулчеҳра Жамилова, Ҳожиакбар Нурматов, Рихси Авазов, Дилбар Ҳасанова, Дилором Иброҳимова, Дилбар Икромов, Пўлат Носиров, Неъмат Алимов, Гулираъно Ҳакимова, Машраб Орипова, Ёдгор Саъдиев, Қаҳрамон Саъдуллаев, Марат Азимов, Шукуржон Сафаева, Маҳмуд Дўстматов, Саидкомил Умаров, Гулчеҳра ва Жамшид Зокировлар қалби олов йигит ва қизларимиздирлар.

Буларнинг орасидан шу сўнгги йилларда катта-катта ролларни меъёрига етказиб қўйганларни сараласак, Лола Бадалова, Римма Аҳмедова, Гулчеҳра Жамилова, Эркин Комилов, Дилбар Ҳасанова, Толиб Каримов, Рихси Авазовлар қалқиб юзага чиқиб қолишади.

Бу ёшлар бизнинг ишонган боғимиз, суянган тоғимиз. Ҳаммаси ҳам одобли, кузатувчан, серғайрат йигит-қизлар. Булар ҳали ниҳол, навдалар. Бироқ катта, серҳосил дарахт бўлиб ўсишига ишонса бўладиган ювдалардир. Қисқа фурсатда ижодий имкониятларини намойиш қила олган ёш, талантли, серғайрат режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев иш методи аниқ, тўғри йўлга йўловчи маслаҳатлари, актёр билан ҳамкорлиги, режиссёрга хос фантазияси, камтарлиги, ишчанлиги биз кексаларни қувонтиради. Баҳодир Йўлдошев келажаги порлоқ режиссёрдир.

Театримизнинг бош рассоми, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ёш рассоми Георгий Брим, янги саҳнамизни безашда янги бир иш усулини жорий қилган, ўта камтар, «ёш туриб бош рассом бўлдим» дея чиранмайдиган, балки саҳна ишчилари билан бир қаторда туриб, декорация бўлакларини рўй-рост кўтариб кетишдан ҳам тоймайдиган, жафокаш, талантли йигитдир. Қайси спектаклни безамасин, «рассомнинг иши аъло» деган мақтовни эшитади. Ясаган декорациялари қулай, ихчам, асар идеясига тўлиқ жавоб берадиган бўлади. Чунки Г. Брим асарнинг туб маъносига тушунмай туриб қалам юргазмайди.

Бош рассомимизга, ёш талантимизга янги-янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Меҳнатимизни авайлаб, образларимизнинг мукамал бўлиши учун қайғурадиган қадрдонларимиз Леонид

Конрад, Людмила Григорьевна Москаленко, Тўйчи Наримов, Файзи Ҳасанов, Неймат Саъдуллаев, Ҳусниддин Рафиқов, Карима Эшонхўжаева, Маруся опа Борцова, Одил Қосимов. Шокир Нажмиддинов, Манзура опа Тўхтаева ҳамда гримчимиз Зита Альяевна Залкинд ўртоқларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

ХАЁЛ ОЛИБ ҚОЧДИ

Бизнинг ёшдаги кишилар илгари танбур, дутор, гижжак, сетор каби миллий музика асбобларида чалинган машқни аҳён-аҳёнда эшитиб қолардик. Биз ўша пайтларда ном чиқарган Мулла Тўйчи ҳофиз билан Ҳамроқул қориларни билардик, холос. Карнай-сурнайни ҳайитда-тўйда, дор тағларида эшитар эдик.

«Тирсак»ка сайилга чиқиларди. Мени шу сайилга ўртоқларимнинг акалари бошлаб боришган. Ўшанда бир тийиндан пул тўлаб, бир тор хонага кирганмиз. Тикка турдик. Ўн кишича бор эдик. Чит парда очилди. Ойна орқасида бир чиройли аёл ётибди. Тиззасидан юқорироғидан бошлаб то оёқ учигача катта балиқ, ҳалиги аёл бир-икки маротаба кўзини очиб юмди. Шу билан томоша тамом бўлди, ҳалиги чит парда ёпилди. Ўртоқларим «юринглар, юринглар ярми одам, ярми балиқ»ни кўрамиз деб бошлаб киришган эди. Бу балиқ Русалка (сув париси) эди.

Бир дарахт тагида 50—60 одам тўпланган. Давра олиб ўтиришибди. Бир кўк салла ўраган киши, ўртада ўтириб олган, ёнида катта обдаста. Ҳалиги одам, «Кўз бойловчи». Обдастага қараб, «қани мулла обдаста, мана бу мулла акангизга таҳорат суви беринг-чи» дейди. Қизиғи шундаки, обдастанинг жўмрагидан ярим пиёла сув тушади. Ҳамма ҳайрон, ҳамма кулади. «Яна, яна!» — деб қичқиришади тўпланганлар. Чақа пул узатишади. Каттароқ чақа берган кишини кўрсатиб: «Мана бу амакингиз бугун эрта-лаб юзларини ювмасдан бу ёққа чопган эканлар. Қани, мулла обдаста сувингиздан беринг-чи, юзларини ювиб олсинлар» деса, яна ярим пиёла сув оқади. Ҳамма ҳайрон, ҳамма кулади.

Ҳовуздан олиб ёз пайтигача сақлаб қўйилган муз парчасини кичик тешача билан уриб туширилар, чиройли туника ликобчаларга солиб темир куракча билан майдаланарди, устига икки-уч ёғоч қошиқ шинни солинар эди. Бу ўша роҳати жон. Бизнинг замоннинг мороженоеси эди. Нўхатшўрак, кабоб, нишолда энг тансиқ овқатлар эди.

Мен тугилган уй (ҳозир у ерга Октябрь район партия комитети биноси қурилган) Алишер Навоий кўчасида эди. Кўча тор, қингир-қийшиқ. Тош ётқизилган, трамвай ҳам ўтарди. Шу катта кўчада биз ўртоқлар тўпланишиб тупроқдан «Ҳаммом» гумбази қуриб, тепаси бир оз қотгандан кейин, ёнларидан тешик очиб,

ичидаги ортиқча қуруқ тупроқни аста ташқарига чиқариб олар эдик. Кейин, «Ҳаммом пиш-атала пиш» деб қўшиқ айтардик.

Рўза ойида намозшомдан кейин, кўпчилик Шайхантаҳурдаги сайлгоҳга тўпланар, кўнгил очарди. Биринчи марта «пахтақанд» ни шу сайлгоҳда еганман.

Дарвозадан кираверишдаги очиқ майдонга, ёзлик кино биноси солинди. Дуглас Фербенкс, Мери Пикфорд, Б. Кейтон, Речард Толмедж, Чарли Чаплин, Пат-паташонлар иштирок этган фильмларни шу бинода кўрганман. Қизиғи шундаки, қизиқчимиз Ака Бухор бу фильмларни таржима қилар эдилар. Таржима ҳам «қулиги ўргилсин» бўлар эди. «Ана оқлар (душманлар маъносида) келаяпти. Ҳов ўртадагиси ҳозир отдан йиқилади», «Мана, эҳтиёт бўлинглар тоғ орқасидан паровоз чиқади». Эсимда бор. Бир кеча Ака Бухор бир ҳодисани айтмоқчи бўлиб «ана...» деган эди, бирдан лента узилиб қолди. «Ана...» деганча қолган «таржимон» ўзини йўқотмай, қизиқчилигини ишга солиб, «ана оқ парда!» деди. Ҳамма беихтиёр кулиб юборди.

* * *

Илгари «Шунча ўқиганинг бўлар, болам. Энди ишла, қўлтигимга кир» дейдиган оталар бор эди. Ҳозир олий маълумот олиш, аввалги мактаб битиришдай гап бўлиб қолди. Аспирантура, кандидат, докторлик диссертацияси, деган гаплар оддий ҳодиса бўлиб қолди. Битта ота, мен артист Амин Турдиев бўладиган бўлсам, бир қизим бош врач, яна бир қизим ва ўғлим медицина ва биология фанлари кандидати. 33 яшар ўғлим шу кунларда докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида турибди.

Болалик чоғларим билан шу кунларимни таққослар эканман, тузумимдан, совет тузумидан миннатдор бўламан. Москва Қизил Майдонининг тўрида, мармар мақбарада ётган дунёдаги энг азиз инсон В. И. Лениндан миннатдор бўламан.

Шу доҳий Ленин, у яратган партия, у барпо қилган тузум, у бош бўлган инқилоб галаба қилмаганда, тақдирим, тақдиримиз нима бўларди?

Мендан 20—30 йил олдин туғилганларнинг кўпи Софокл, Эврипид, Микел Анжело, Сервантес, Бальзак, Дюма, Шекспир, Шиллер, Паганини, Гёте, Генрих Гейне, Пушкин, Толстой, Горький, Чехов, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Грибоедов, Крилов, Чайковский, Станиславский, Немирович-Данченко, Бах, Лермонтовлар бор эканини билмай, уларнинг асарларини ўқимай, суратларини кўрмай, музыкаларини эшитмай, ижроларидан баҳраманд бўлмай дунёдан ўтиб кетдилар.

9-нчи «Умид» мактабида ўқиганимда рус тили дарси програмага киритилган эди. Мен кўп тиришиб ўқирдим. Дарсларимни, айниқса, рус тили дарсини, қунт билан тайёрлардим. Бироқ рус

тили ўтадиган домлам, қанчалик тиришмай, нуқул «лентяй» (дангаса) деб атагани-атаган эди. Яна тиришардим. Яна «лентяй»ни эшитардим. Энди билсам, мени рағбатлантириш, яна ҳам кўпроқ ўқитиб-ёздиршиш учун шундай қилар экан. Ярим аср бурун менга ғамхўрлик қилган ўша домламни, ҳали-ҳали яхшилик билан эслайман.

«Аврора» крейсерининг отган тўп зарбидан инсон тақдири тубдан ўзгариб кетди. Инқилоб менга бахт-саодат ато қилди.

Кўчага чиқсам, ёнимда кетаётган хотиним бераётган саломим, олаётган алигимдан кулади. «Бўйнингиз оғримайдими, Аминжон ака?» деб ҳазил қилади.

Майли, бўйним оғриса-оғрисин, дейман кулиб мен ҳам, лекин салом берадиган, алик оладиган дўстларим, танишларим, энг муҳими менинг саҳнадаги санъатимни кўриб салом-алик қила бошлаган азиз томошабинимдан, унинг илтифоти, ҳурмати, миннатдорчилигидан маҳрум бўлмасам бўлгани.

Мени инсон сифатида ҳурмат қиладиган дўстларим жуда кўп, улар турли ёшда. Ҳунарлари ҳам турли-туман. Бироқ бизга бўлган муносабат ва муҳаббатлари бир хил. Бизни севадилар. Такрор айтаман, «Ҳамза» театридай театрнинг артисти сифатида улуғлайдилар, юракларига далда берганимиз учун, кулдирганимиз, йиғлата олганимиз, бўлак бир даврга, бўлак бир муҳитга бошлаб кириб, оромбахш этганимиз учун ҳурмат қиладилар.

Академиклар, медиклар, инженерлар, педагоглар, пахтакору ғаллакорлар, механизаторлар, ишчилар, колхозчилар, савдо ходимлари, богдорлар, хизматчилар иззатимизни бажо келтирадилар.

Меҳмонга борсак, уйтўри бизники. Тўйга борсак, тўй тўри бизники. Бирон иш билан кимнинг олдига эшигини очиб кирсак «тура туринг» демай, балки ўрнидан туриб пешвоз чиқади. «Келинг, хизмат» дейди.

Шу дақиқаларда бошимиз осмонга етади. Артист бўлганимиздан, «Ҳамза» театрининг артисти бўлганимиздан қувонамиз, фахрланамиз.

Мени ҳозиржавоб артист қилиб тарбиялаган шу Ҳамза театрим, домларим, саҳнадошларим ва шинаванда, ҳар кун, ҳар соат бизни рағбатлантирувчи, ижод қанотини боғловчи, азиз томошабинимиздир.

Кунлардан бир кун...

Тошкентликларнинг эсидан чиқмаган бўлса, 1968 йил киши серқор ва совуқ бўлди. Мен септакдан келиб квартирам эшигини очсам, оёқ кийимлар орасида катта керзовий этик турибди. На менинг авлодимда, на рафиқам авлодида бу хилдаги этик киядиган қариндошимиз йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Меҳмонхонага кирсам, дастурхон ёзилган. Ўттиз беш ёшлардаги менга нотаниш йигит бемалол чой ичиб ўтирар эди. Қуюқ сўрашдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Хотинимга имо қилсам, у ҳам елкасини қисиб, «танимайман» деган сўзни ишора билан уқтирди. Ниҳоят, ҳалиги йигит ҳикоя қила кетди:

«Мен Самарқанд областининг Иштихон районидаги «Правда» колхозиданман. Ўзим механизаторман. Мен радиони жуда яхши кўраман. Айниқса, адабий ўқиш, радио постановкаларини кўп эшитаман. Тошкентга биринчи марта келишим. Шу, Тошкентга борсам, Амин Турдиевни топиб зиёрат қиламан деб ақд қилиб қўйган эдим. Бугун эрталаб поезддан тушдим. Тўғри механизаторлар малакасини ошириш курсига бордим. Лақ-луқимни қўйдим-у, «Ҳамза» театрига бордим. Сизнинг ҳовлингизни сўрадим. Тахминан айтиб беришди, бордим. Борсам, қизингиз турар эканлар. Набирангиз янги уй номерингизни билмас экан. У қизча тахминан айтиб берди. «Сўраб-сўраб Маккани топганлар» деганларидек, мен ҳам топиб келдим. Раҳмат, мана келинойим чой қўйдилар, овқат қилдилар. Сизнинг бугунги томошада банд эканнгизни, ҳозир келиб қолишингизни айтдилар. Мана, сизни кўрдим, зиёрат қилдим, жуда хурсандман» деди. Бу садоқатга, бу ҳурматга меҳмондан кўра мен кўпроқ хурсанд эдим.

* * *

Кунлардан бир кун...

Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асаридаги Қаландаров родини кинофильмда Шукур Бурҳонов бажарди. Радиопостановка

қилган режиссёр, Қаландаров ролига Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Лутфулла Назруллаевни таклиф қилиб, магнит плёнкасига ёзди. Бу роль назаримда менга ҳам мос келарди. Лекин умид пучга чиққан эди. Бирдан радиодаги рус адабий редакциясининг бошлиғи И. Э. Юхнов мени чақириб «Синчалак»ни рус тилида радиопостановка қилмоқчимиз, Қаландаров ролини сиз бажарсангиз. Рус тилида ижро этасиз. Жузый камчиликлар бўлса, йўл-йўлакай тузатиб бораверасиз» деди. Қисқаси, мен Қаландаров, Яйра Абдуллаева Саида ролини, қолган ролларнинг ҳаммасини, Горький номидаги рус давлат академик драма театрининг артистлари ижро этишди. Эшиттириш пардоздан чиқди. Энди авторга эшиттириш лозим эди.

Раиснинг кабинетига тўлиқ эшитдик. Абдулла Қаҳҳорга гал келганда, у киши, эшиттиришдан мамнун эканини, қаноат ҳосил қилганини айтди. Қаландаров образига келганда, у киши «Яхши артист учун, тил ғов бўла олмас экан» деди. Менинг бошим осмонга етди.

* * *

Кунлардан бир кун...

Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари»ни ўзбек томошабини жуда қизғин кутиб олди. Тез-тез қўйилиб туришига қарамай, кассадан билет топиш амри маҳол бўлди.

Асар автори касалманд эди. Спектакль беш-ўн марта қўйилгандан кейин муолижа қилдириш учун касалхонага ётади.

Бир куни, кечки пайтда, ҳамшира хонага кириб «Баҳром Раҳмонович, сизни бир киши йўқлапти» дейди. Баҳром Раҳмонов ташқарига чиқади. Бироқ, биронта қариндош ёки ошна-оғайниси кўринмайди. Ҳайрон бўлади ва ҳамширадан «қани мени йўқлаган киши» деб сўрайди. Ҳамшира дарахт тагида турган кишини кўрсатади. Ҳалиги одам беморга яқинлашиб, салом-аликдан кейин:

— Раҳмонов сиз бўласизми? — дейди.

— Ҳа, мен.

— Баҳром Раҳмонов-а?

— Ҳа-ҳа, Баҳром Раҳмонов.

— «Юрак сирлари»ни сиз ёзгансиз, шундайми?

— Ҳа, мен. Нимайди?

— Малол келмаса, мана шу скамейкага ўтирсак.

— Марҳамат.

Ўтирадилар. Автор ҳайрон. Ниҳоят ҳалиги киши гап бошлайди:

— Мен «Юрак сирлари» асарингизни кўрдим. Раҳмат. Сизга қуллуқ айтгани келдик. Фақат сиздан битта илтимосим бор: менинг исми-фамилиям, қаерда ишлашимни сўрамайсиз.

— Хўб, хўб.

— Гап бундай: сиз асарингизда жуда муҳим масалани кўтаргансиз. Ҳов ана у дарахт тагида боласини ўйнатаётган хотин менинг рафиқам. Бола, бизнинг ўғлимиз... Ҳўш, бундан тўрт йил бурун, шу боламиз бир ярим яшарлик пайтида, муросамиз келишмай ажрашиб кетган эдик. Тасодиф шундай бўлдики, бу муддат ичида биз бирон марта ҳам тўқнаш келганимиз йўқ. Тўқнаш келсак ҳам, албатта, ўзимизни кўрмаганга солиб ўтиб кетар эдик. Ўтган куни шу «Юрак сирлари»ни бир кўрай деб Ҳамзага тушдим. Бундай қарасам, уч қатор олдинда шу хотиним бир дугонаси билан ўтирибди. Биринчи пардани кўрдим. Бола ҳақида гапиргансиз. Таъсир қилиб кетиб, антракт вақтида хотинимга салом бердим. Иккинчи парда тамом бўлганда ўтирган жойимизда бир-биримизга қараб қўйдик. Ҳар иккимизнинг қарашимизда «Кўряпсанми?» саволи сезиларди. Бола тақдири учун ота-она баб-баравар жавобгарлиги ва саҳнадаги мусибатни кузатиб бориб, ўзимни тутмай йиғладим. Разм солсам, хотиним ҳам йиғлапти.

Спектакль менга шундай таъсир қилдики, спектакль охирида хотинимга яқинлашиб, мендан ўтган хато ва енгилтаклигим учун узр сўрадим. Тўғри боламиз олдига, уйга жўнадик. Кеча якшанба эди. Бугун ЗАГСга бориб, талоқ хатини бекор қилиб, янги никоҳ қозони олдик. Эру хотин сизга қуллуқ айтишга қарор қилдик.

ЗАГСдан уйингизга телефон қилсак, сизнинг касалхонадалигингизни айтишди. Тўғри бу ёққа келдик. Бизни яраштирингиз. Бу асарингизни кўриб, ҳуши жойига келган мендака эркаклар яна бўлса керак. Раҳмат, минг раҳмат. Сизга ҳам, қотириб ўйнаган артистларга ҳам. Театр фақат томоша эмас экан, ўзини билган кишига ибратхона экан» — деди. Қуюқ хайрлашиб, чиқиб кетишган, деб ҳикоя қилганди Баҳром Раҳмонов.

* * *

Кунлардан бир кун...

1961 йили пахта йигим-терими тамом бўлгандан сўнг Набижон Раҳимов билан мени комсомол Марказий Комитетига таклиф қилиб, бизни комсомоллар бадий эшелони билан Фарғона водийсига бориб келишимизни илтимос қилишди. Тўрт юзта саҳна ҳаваскорларидан ташқари, ашулачилардан Неъмат Қулабдуллаев ҳам бор эди. Бу бадий эшелоннинг бошлиғи Низомжон Эрматов сафаримизни кўнгилдагидек ўтказиш учун, ҳамма чорани кўрди.

Ҳар куни икки-уч жойда колхозчилар, механизаторлар билан учрашамиз. Концерт берамиз. Набижон билан иккаламиз концертни бошқариб борамиз, ва интермедиялар айтамыз. Андижоннинг Ойим районига бордик. Концерт овозасини эшитиб, узоқ-

узоқ районлардан одамлар келаверди. Икки мингдан кўпроқ томошабин йиғилиб қолди.

Клуб залига 300—400 одам сиғарди, холос. Ниҳоят, очнқ ҳа- вода ўтказишга қарор қилдик. Лекин кўча жуда совуқ, ер яхлаган эди. Бунчалик кўп аҳолига стул етказиб бўлмасди. Ҳамма тагига топган нарсасини солиб, ерга ўтирди. Концерт бошланди. Гал Неъматжон Қулабдуллаевга келди. Қаторасига уч-тўрт ашула айтди. Халқ талаб қилиб турибди, у бирини-бирига улаб ашула айтипти. Ниҳоят, мен секин унга яқинлашиб, бас қилишини сўра- дим. Бироқ, у бирини-бирига улаб айтди. Чарчаб кулисга чиққан- дан кейин: «Нега бундай қиласиз, эртага ҳам овоз керак-ку», десам «Аминжон ака, қаранг, ахир яхлаган ерда ўтириб томоша қилишаяпти. Шуларга айтмасам, кимга айтаман?» деб жавоб қил- ди. Шу-шу Неъматжон Қулабдуллаевни ҳурмат қиламан.

* * *

Кунлардан бир кун...

1947 йили 8 март куні театр хотин-қизларн тўпланишиб, дас- турхон ясашиб, эски театримиз фойесида 8 мартга бағишланган йиғилиш ўтказишди. Биз, эркаклар, хизмат қилиб турдик. Бун- дай тасодифан кириб қолсам, хотинлар маъюс, баъзиларининг кў- зида ёш. Райкомдан келган Саодатхон ҳам ғамгин. Сабабини суриштирсам, докладчи ўтган йили вафот этган Маъсума Қорне- ванинг хизматларини алоҳида қайд қилиб гапирган экан. Бу тушкун кайфиятни чиқиб Набижонга айтдим. Ҳайронмиз. Ми- ямга бир фикр келди, Набижонга айтдим. Унга ҳам маъқул бўлди.

Либос цехининг бошлиғи билан гримчимизни имлаб чақиртир- дик. Мен «Бой ила хизматчи»даги Жамила, Набижон «Гамлет» даги Офелия либосини кийдик. Гримни қилдик. Махсум Юсупов суст ўтирган хотинлар ёнига келиб: «Райком комсомолдан меҳ- монлар келишди» деб эълон қилди. Ҳамма духоба парда томон қаради. Шунда биз «Жамила» билан «Офелия» жиддий равишда, роль кайфиятида хотинлар орасига кириб бордик. Бир дақиқа ҳайронлик бўлди. Кейин шундай кулги бошландики, уни тўхтатиб бўлмасди. Баъзилар столни уриб кулишарди. Биз «Жамила» би- лан «Офелия» қотиб турибмиз.

Кулги пасаймайди. Ниҳоят, мен баланд овоз билан: «Ғофир- жон замонасига ўт қўй. Ёндир» монологини айтдим. Набижон телбаланиб, ҳаммага Офелия бўлиб гул улашди. «Мана бу сизга, мана буниси сизга» монологини айтди. Шундан сўнг, хотин-қиз- ларимиз ўтириш охиригача муҳокама қилиб роса кулдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, Ўзбекистон байроғига «Халқлар дўстлиги» орденини тақар экан, республиканинг илғор меҳнаткашлари қатори, бизнинг санъат байроқдорларимиз Сора Эшонтўраева, Г. Н. Загурская, Мухтор Ашрафий, Комил Ерматов, Шукур Бурҳоновлар номини ҳам тилга олиб ўтди. Бу санъат фидокорлари ижодига қанот бахш этди. Халққа ҳалол хизмат қилиш йўлида янги-янги ташаббусларга отлантирди.

Санъатимиз, иқтидоримиз, тажриба-маҳоратимиз, умримиз халқ хизматига бағишланган. Халқ нафаси — бизнинг нафас. Замон жарчиси, тинчлик, фаровонлик, унумдор меҳнат жарчиси сифатида биз улуг халқимиз ва шонли Коммунистик партиямизга сидқидилдан хизмат қилаверамиз.

МУНДАРИЖА

Саҳнам	. . 3
Саҳнадошларим	. 53
Ворислар	.121
Эсимда бор	. . .136

На узбекском языке
ТУРДЫЕВ АМИН
МОЙ ТЕАТР, МОИ КОЛЛЕГИ
(Воспоминания)

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1976 г.

Редактор **Н. Умаров.**
Рассом **А. Визель.**
Расмлар редактори **К. Алиев.**
Техн. редактор **Т. Гулак**
Корректор **М. Топров**

Теринишга берилди 22/XI-1975 й. Босишга рухсат этилди 19/II-1976 й. Қогоз № 1. Формати 60×84¹/₄. Босма листи 9,0 Шартли босма листи 8,37 Нашр листи 9,03 Тиражи 5000 Р 11084.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30 Шартнома № 111-75 Баҳоси 88 т.

Ўз. ССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. Заказ № 22.

Саҳнам, саҳнадошларим. Т., «Ёш
гвардия», 1976 (С).

144 б.

Турдыев А.

Турдыев А. Мой театр, мои коллеги.
(Воспоминания).

792С (С52)